ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЮРИДИК ХИЗМАТ ВА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

(2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

Тошкент
«Адолат»
2015

УЎК: 347.44(575.1)(094.4) Шартнома хуқуқи
КБК 67.404.2
Ю-70

Ю-70 **Юридик хизмат ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.** *(2015 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)* – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: «Адолат», 2015 й. – 560 б.

ISBN 978-9943-4379-5-1

УЎК: 347.44(575.1)(094.4)
КБК 67.404.2

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири М.М.Икрамовнинг умумий таҳрири остида

Нашр учун масъуллар:

М.И. Ишбеков – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи
Ш.М. Рабиев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи
Ф.Ш. Тожиев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

2015/105
A 6606
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
IO 43890
391

ISBN 978-9943-4379-5-1

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2015 йил.

КИРИШ СЎЗИ

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бошқаруви фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли тайёрлашда юридик хизмат муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда юридик хизмат ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий база тубдан янгиланди. Унга кўра юридик хизмат ходимларининг ташкилотлар олдига қўйилган вазифаларни лозим даражада амалга оширишда, шу жумладан муҳим қарорлар қабул қилишда уларнинг иштироки доираси янада кенгайиб, масъулияти оширилди.

Хусусан, Ҳукуматимиз томонидан юридик хизмат фаолиятини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида ушбу соҳага бевосита дахлдор бўлган муҳим қарорлар, яъни 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сонли «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари қабул қилинган бўлиб, ҳозирда мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришда самарали татбиқ этилмоқда.

Юридик хизмат ходимларини моддий рағбатлантириш, ташкилотларнинг ушбу соҳа ходимларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2013 йилда айрим бюджет ташкилотларида, шу жумладан таълим муассасалари юридик хизмат ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ва масъулиятини кучайтириш мақсадида алоҳида Ҳукумат қарори қабул қилиниб,

унга кўра юридик хизмат ходимларининг лавозим маошларига устама ҳақ тўлаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ҳам барча тармоқларда юридик хизматнинг ролини ошириш, улар фаолиятига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси самарали таъминланмоқда.

Бундан ташқари, юридик хизмат фаолиятини ташкил этиш, унинг иш фаолиятига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан бир нечта идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилди. Албатта, ушбу қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, биринчи навбатда ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлигининг таъминланишига эришиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда етук ва малакали юрисконсультларни тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча соҳаларини юридик хизмат ходимлари билан таъминлаш масаласига бугунги куннинг устувор вазифаси сифатида қараб келинмоқда. Бинобарин, юридик хизмат ташкилотлар олдига қўйилган ҳуқуқий ишларни таъминлашда, бошқарув тизимини такомиллаштиришда, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлашда, энг муҳими, ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳам долзарб вазифалардан бири саналади.

Шу билан бирга, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришда, шартномаларнинг тузилиши ва уларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлашда, шу жумладан, шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боришда ҳам юридик хизматнинг ўрни беқиёсдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасидаги тараққиёт ва ўзаро рақобат барча жабҳаларда юридик хизматга бўлган эҳтиёжни кенгайтирмоқда. Таҳлил натижалари ҳозирга келиб аксарият ташкилот ва корхоналар уларнинг юридик хизматини изчил йўлга қўйганликларини кўрсатмоқда. Ҳаттоки, қишлоқ мулкдорлари бўлган фермер хўжаликлари ва бошқа хусусий сектордаги корхоналар ҳам ўзининг

юридик хизмат бўлинмасини ташкил қилмоқда. Охирги йилларда, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ҳам юридик хизмат ходими штат бирликларининг ташкил этилиши, ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва қонуний ечимини кутиб турган масалаларнинг ҳуқуқий ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Том маънода, айтиш мумкинки, юридик хизмат ходимлари ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳимоячисига айланмоқда.

Шу муносабат билан, ушбу тўплам орқали Сизларга юридик хизмат соҳасидаги қонун ҳужжатларининг айримларини ва ҳуқуқий ишларни амалга ошириш фаолиятида ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган ҳужжатларнинг намунавий шаклларини тавсиявий характерда фойдаланиш учун етказмоқдамиз.

Жумладан, мазкур тўпламда юридик хизмат томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шартномавий муносабатларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш, уларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар тузиш, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишга доир Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари, шартномалар намуналари ва бошқа ҳужжатлар жамланган.

Албатта, ташкилот ва корхонанинг юридик хизмат ходимлари иш фаолиятида жуда кўп норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан пенсия таъминоти, меҳнат муҳофазаси ва бошқа ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини қўллашга ва татбиқ этишга тўғри келади. Биз эса, ушбу тўпламга фақат юридик хизмат ходимлари бевосита ишлайдиган ва уларнинг функционал вазифалари белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритдик.

Келгусида юридик хизмат фаолиятига яқиндан ёрдам бериш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида бошқа қўлланмалар ва адабиётларни ҳам нашр этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун Сизлардан ҳам таклифларни кутиб қоламиз.

Мамлакатимизда юридик хизмат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва юридик таълимнинг такомиллашуви, ҳеч бир муболағасиз, ҳар бир ташкилотда юридик хизматнинг ривожланишига, мамлакатимизда кучли ҳуқуқий демократик давлатнинг ривожланишига, миллий қонунчилик тизимини янада та-

комиллаштиришга ҳамда ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Шубҳасиз, Сизнинг кундалик иш фаолиятингизда мазкур тўплам яқиндан ҳуқуқий кўмак беради, деган умиддамиз.

М. Икрамов,
Ўзбекистон Республикаси
адлия вазири

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЮРИДИК ХИЗМАТГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова)

[Кўчирма]

2-кичик бўлим. ШАРТНОМА ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

26-боб. ШАРТНОМА ТУШУНЧАСИ ВА ШАРТЛАРИ

353-м о д д а. Шартнома тушунчаси

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади.

Шартномаларга ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган икки ва кўп тарафлама битимлар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятларга, агар ушбу боб-нинг қоидаларида ва ушбу Кодексда шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар (ушбу Кодекснинг 234–352-моддалари) қўлланилади.

Иккитадан ортиқ тарафлар тузадиган шартномаларга, бундай шартномаларнинг кўптарафламалик хусусиятига зид бўлмаса, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланилади.

354-м о д д а. Шартнома тузиш эркинлиги

Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи ушбу Кодексда, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма (диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилганидан бошқача шартни белгилашлари мумкин. Бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шарти диспозитив норма билан белгиланади.

Агар шартнома шартлари тарафлар ёки диспозитив норма билан белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли шартлар тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган иш муомаласи одатлари билан белгиланади.

355-м о д д а. Ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома бўлади.

Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади.

Агар қонун ҳужжатларидан, шартноманинг мазмуни ёки моҳиятидан бошқача ҳол англашилмаса, шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома ҳисобланади.

356-м о д д а. Баҳо

Шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва ҳ.к.) қўлланилади.

Шартнома тузилганидан кейин баҳони ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади.

Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо бўйича ҳақ тўланиши керак.

357-м о д д а. Шартноманинг амал қилиши

Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган шартноманинг шартларини уларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки шартномада шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади, деб белгиланиши мумкин.

Бундай шарт ёзиб қўйилмаган шартнома тарафлар мажбуриятни бажаришининг шартномада белгилаб қўйилган охирги муддатигача амал қилади, деб ҳисобланади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

358-м о д д а. Оммавий шартнома

Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади. Бундай таш-

килот оммавий шартнома тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб оммавий шартнома тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

Ташкилот оммавий шартнома тузишдан асоссиз бош тортганида ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати оммавий шартномаларни тузиш ва бажаришда тарафлар учун мажбурий бўлган қоидалар (намунавий шартномалар, қоидалар ва ҳ.к.) чиқариши мумкин.

Оммавий шартноманинг ушбу модда иккинчи ва бешинчи қисмлари билан белгилаб қўйилган талабларга мос келмайдиган шартлари ҳақиқий эмас.

359-м о д д а. Шартноманинг намунавий шартлари

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар билан белгиланиши назарда тутилиши мумкин.

Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади.

Намунавий шартлар намунавий шартнома ёки ушбу шартларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжат шаклида ифодаланиши мумкин.

360-м о д д а. Қўшилиш шартномаси

Шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай қўшилиш йўли билан қабул

қилиши мумкин бўлган шартнома қўшилиш шартномаси дейилади.

Агар қўшилиш шартномаси гарчи қонун ҳужжатларига зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум этса, иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа ёхуд унда қўшилган тараф учун очиқдан-очиқ оғир бўлган, бу тарафда шартнома шартларини белгилашда қатнашиш имконияти бўлганида у ўзининг манфаатларини кўзлаб қабул қилмайдиган шартлар ёзиб қўйилган бўлса, шартномага қўшилган тараф шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди.

361-м о д д а. Дастлабки шартнома

Дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар.

Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартноманинг шакли тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарсасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак.

Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт.

Дастлабки шартномани тузган тараф асосий шартномани тузишдан бош тортган тақдирда ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Агар тарафлар асосий шартномани тузишлари лозим бўлган муддатнинг охиригача у тузилмаса ёки тарафларнинг бирортаси ҳам иккинчи тарафга ана шундай шартнома тузиш ҳақида таклиф юбормаса, дастлабки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлади.

362-м о д д а. Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома

Тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларини шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақли.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

363-м о д д а. Шартномани шарҳлаш

Суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шарти аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, та-

рафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдидан олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

27-боб. ШАРТНОМА ТУЗИШ

364-м о д д а. Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қоидалар

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниши зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

365-м о д д а. Шартноманинг тузилиш пайти

Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ушбу Кодекснинг 185-моддаси).

366-м о д д а. Шартноманинг шакли

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва

рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса – шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиқаётганлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Агар шартнома тузиш ҳақидаги ёзма таклиф ушбу Кодекс 370-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда олинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

367-м о д д а. Оферта

Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак.

Оферта уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлайди.

Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади.

368-м о д д а. Офертанинг чақириб олинмаслиги

Қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

369-м о д д а. Офертага таклиф этиш. Оммавий оферта

Номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

370-м о д д а. Акцепт

Оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади.

Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

371-м о д д а. Акцептни чақириб олиш

Агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

372-м о д д а. Акцепт муддати кўрсатилган оферта асосида шартнома тузиш

Офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўллаган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

373-м о д д а. Акцепт муддати кўрсатилмаган оферта асосида шартнома тузиш

Ёзма офертада акцепт муддати кўрсатилмаган акцепт оферта йўллаган шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатларда, агар бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса – бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Оферта акцепт учун муддат кўрсатмасдан оғзаки тарзда қилинганида бошқа тараф уни акцептлаганини дарҳол айтган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.

374-м о д д а. Кечикиб олинган акцепт

Акцепт тўғрисида ўз вақтида йўлланган билдириш кечикиб олинган ҳолларда оферта йўллаган тараф бошқа тарафга акцепт кечикиб олинганини дарҳол билдириб қўймаса, акцепт кечиккан ҳисобланмайди.

Агар оферта йўллаган тараф бошқа тарафга унинг кечикиб олинган акцептини қабул қилганини дарҳол маълум қилса, шартнома тузилган ҳисобланади.

375-м о д д а. Бошқа шартлар асосидаги акцепт

Офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди. Бундай жавоб акцептдан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади.

376-м о д д а. Шартноманинг тузилган жойи

Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилган бўлмаса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади.

377-м о д д а. Мажбурий тартибда шартнома тузиш

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ оферта (шартнома лойиҳаси) йўлланган тараф учун шартнома тузиш мажбурий бўлган ҳолларда бу тараф оферта олинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа

шартларда акцептлаши тўғрисида (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) билдириш йўллаши керак.

Оферта йўллаган ҳамда шартнома тузиши мажбурий бўлган тарафдан офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисида билдириш (шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси) олган тараф бундай билдириш олинган ёки акцепт учун муддат тугаган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиш оферта (шартнома лойиҳаси) йўллаган тараф учун мажбурий бўлган ва унга ўттиз кун мобайнида шартнома лойиҳасига келишмовчиликлар баённомаси юбориладиган ҳолларда бу тараф келишмовчиликлар баённомасини олган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бошқа тарафга шартномани унинг таҳририда қабул қилишини ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этишини билдириши шарт.

Келишмовчиликлар баённомаси рад этилганида ёки уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги билдириш кўрсатилган муддатда олинмаганида келишмовчиликлар баённомасини йўллаган тараф шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга топширишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар тўғрисидаги қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқа муддатлар белгиланган бўлмаса ёки тарафлар уларни келишиб олган бўлмасалар, қўлланилади.

Агар ушбу Кодексга ёки бошқа қонунларга мувофиқ шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур қилиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилган зарарларни бошқа тарафга тўлаши керак.

378-м о д д а. Шартнома олдидан бўладиган низолар

Шартнома тузиш чоғида юз берган келишмовчиликлар ушбу Кодекснинг 377-моддасига мувофиқ қараб чиқиш учун судга берилган ҳолларда шартноманинг тарафлар ўртасида келишмовчиликлар чиқишига сабаб бўлган шартлари суд қарорига мувофиқ белгиланади.

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK
20 15/1005
A 6606

379-м о д д а. Ким ошди савдосида шартнома тузиш

Агар шартноманинг мазмунидан бошқача тартиб англашилмаса, у ким ошди савдосини ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Шартнома ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилади.

Ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот ким ошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ихтисослашган ташкилот ашёнинг мулкдори ёки мулкий ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қилади.

Ушбу Кодексда ёки бошқа қонунда кўрсатилган ҳолларда ашёни ёки мулкий ҳуқуқни сотиш тўғрисидаги шартномалар фақат ким ошди савдоси ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин.

Ким ошди савдоси аукцион ёки танлов шаклида ўтказилади.

Ким ошди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулкдори ёки сотиладиган мулкий ҳуқуқнинг эгаси томонидан белгиланади.

Фақат битта иштирокчи қатнашган аукцион ва танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида назарда тутилган қоидалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, суд қарорини ижро этиш тартибида ўтказиладиган ким ошди савдосига нисбатан ҳам қўлланилади.

380-м о д д а. Ким ошди савдосини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби

Аукционлар ва танловлар очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ аукционда ва очиқ танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ аукцион ва ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкилотчи ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, ким ошди савдосининг вақти, жойи ва шакли, ким ошди савдосига нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан ким ошди савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак ким ошди савдоси тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак.

Агар қонунда ёки ким ошди савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ўтказишдан хоҳлаган вақтида, лекин у ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин, танлов ўтказишдан эса – танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли.

Ким ошди савдосининг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузиб бош тортган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ аукцион ёки ёпиқ танлов ташкилотчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда ким ошди савдосидан бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт.

Ким ошди савдосининг қатнашчилари ким ошди савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закалат пули тўлайдилар. Агар ким ошди савдоси ўтказилмаса, закалат қайтариб берилиши керак. Закалат ким ошди савдосида қатнашган, лекин унда ғолиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан шартнома тузишда у тўлаган закалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади.

Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс ва ким ошди савдосининг ташкилотчиси аукцион ёки танлов ўтказилган куни ким ошди савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закалатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган ким ошди савдосининг ташкилотчиси закалатни икки ҳисса қилиб қайтариши, шунингдек ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахсга ким ошди савдосида қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закалат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар ким ошди савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар ким ошди савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан

кейин кечи билан йигирма кунда ёки хабарда эълон қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

381-м о д д а. Ким ошди савдосини ўтказиш қоидаларини бузиш оқибатлари

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган ким ошди савдоси манфаатдор шахс талаби билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ким ошди савдосини ҳақиқий эмас деб топиш ким ошди савдосида ғолиб чиққан шахс билан тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади.

28-боб. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

382-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари

Агар ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;

2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

383-м о д д а. Вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса – ўзгартирилиши мумкин, агар айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкий манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

384-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

Шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

385-м о д д а. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари

Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади.

Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб англашилмаса, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганида эса – суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон)

[Кўчирма]

176[1]-м о д д а. Шартнома интизомини бузиш

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 621–I-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда)

176[2]-м о д д а. Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш

Хўжалик юритувчи субъект томонидан почта манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этиш, –

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 621–I-сонли Қонуни билан киритилган; Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги 772–I-сонли ва 1999 йил 20 августдаги 832–I-сонли қонунлари таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 102-модда; 1999 йил, 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда)

198[3]-м о д д а. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритиш, –

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

АДВОКАТУРА ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда)

[Кўчирма]

5-модда. Адвокатлик фаолиятининг турлари

Жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1996 йил 27 декабрь,
349–I-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 170-модда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонун хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятларини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатларини белгилайди.

2-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3-модда. Хўжалик шартномаси тушунчаси

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади.

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари

Тадбикорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;

тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги;

шартнома интизомига риоя этиш;

тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

5-модда. Хўжалик шартномаларининг субъектлари

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

6-модда. Хўжалик шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7-модда. Хўжалик шартномаси тарафларининг мажбуриятлари

Хўжалик шартномаси тарафлари:

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлашлари;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномаларини, шунингдек контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ишларини мувофиқлаштириб боради;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини ривожлантириш учун шароит яратиш чора-тадбирларини кўради.

9-модда. Давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

хўжалик шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатади;

хўжалик шартномалари ҳамда уларни бажаришнинг аҳволи тўғрисидаги статистика маълумотларини умумлаштиради;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қилиб туради;

хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматларининг ишини ташкил этишга, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилганлиги факти аниқланган тақдирда, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини қўяди.

II. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ, БАЖАРИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10-модда. Хўжалик шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар

Хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Хўжалик шартномасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини қонун ҳужжатларида белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан тўлаб қўйиш албатта назарда тутилган бўлиши керак.

Хўжалик шартномасини тузишда тарафлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий экспертизадан белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг эълон қилинган ўзларининг намунавий ёки типовой шартларига (шаклларига) амал қилишлари мумкин.

Контрактация шартномаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи жойлашган ерда тузилади. Контрактация шартномасида бошқа талаблар билан бир қаторда етказиб берилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан кам бўлмаган миқдорда аванс тўловлари назарда тутилган бўлиши лозим.

11-модда. Хўжалик шартномасининг шакли

Хўжалик шартномаси битимлар тузиш учун назарда тутилган ёзма шаклда тузилади. Агар шартнома тузиш таклифи ушбу Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, талетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

12-модда. Хўжалик шартномасини тузиш

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, хўжалик шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

13-модда. Хўжалик шартномасининг амал қилиши

Хўжалик шартномаси тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Хўжалик шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

14-модда. Хўжалик шартномасини бажариш

Хўжалик шартномаси шартнома шартларига ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ равишда, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган ҳолларда эса – иш муомаласи одатларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Хўжалик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

15-модда. Хўжалик шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Хўжалик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки хўжалик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, хўжалик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

16-модда. Ички хўжалик шартномасини тузиш

Ички хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида

ёки хўжалик юритувчи субъект ва унинг ходими (бир гуруҳ ходимлари) ўртасида тузилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш юзасидан ички хўжалик шартномаларининг ўзлари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузган хўжалик шартномаларидагидан кам бўлмаган ҳажмда тузилишини таъминлашлари шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ички хўжалик шартномаларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353–385-моддаларининг нормалари қўлланилади.

III. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАР ВА ДАЪВОЛАР БИЛДИРИШ

17-модда. Талабнома билдириш тартиби

Ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир.

Талабнома ёзма шаклда билдирилади.

Талабномада қуйидагилар кўрсатилади:

талабнома билдирган хўжалик юритувчи субъектнинг ва талабнома билдирилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи;

талабнома билдирилган сана ва унинг рақами;

талабнома билдириш учун асос бўлган ҳолатлар;

талабномада баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

арз қилувчининг талаблари;

талабнома суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари;

талабномага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Талабнома хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юкларни ташиш ва алоқа хизматлари кўрсатишга доир операциялардан келиб чиқадиган талабномаларни транспорт ва алоқа хўжалик юритувчи субъектларига билдириш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Талабномани кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказади.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

19-модда. Даъво аризасини бериш ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиш

Тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномага белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек хўжалик шартномалари юзасидан талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси бериши ҳамда суд буйруғини олиш учун ариза тақдим этиши мумкин. Мазкур аризаларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексининг 102–121-моддалари қоидаларига кўра белгиланади.

IV. ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

20-модда. Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш

Хўжалик шартномаси субъектларига юридик хизмат кўрсатиш уларнинг юридик хизматлари ёки ана шу мақсадда шартнома асосида жалб этилган адвокатлар томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

хўжалик шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган хўжалик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

21-модда. Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида, қуйидагилар кўрсатилади:

хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

22-модда. Хўжалик шартномалари бажарилишини ўзаро текшириш

Хўжалик шартномаларининг тарафлари хўжалик шартномалари ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини ўзаро текшириб турадилар. Шартнома мажбуриятлари бузилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари хўжалик шартномалари бажарилиши учун чора-тадбирлар кўриши, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, шунингдек зарур ҳолларда айбдор шахсни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт.

23-модда. Хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни қонунларга мувофиқ прокуратура органлари амалга оширадилар. Бу органлар айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарни қоплаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Адлия органлари хўжалик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар.

V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги

Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25–32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

25-модда. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик

Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

26-модда. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

27-модда. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб

қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

28-модда. Товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун жавобгарлик

Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

29-модда. Аккредитивдан фойдаланмаганлик учун жавобгарлик

Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

30-модда. Тўлов, товар-транспорт ҳужжатларини юборишни кечиктирганлик учун жавобгарлик

Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик

ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

31-модда. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик

Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса – 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

32-модда. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик

Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган суммaнинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

33-модда. Маблағларни акцептсиз ўчириб ташлаганлик учун жавобгарлик

Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

34-модда. Зарарни тўлаш

Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

Етказилган зарарларга шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар киради. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрдаги ЎРҚ–311-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 51-сон, 542-модда)*

Муддатини ўтказиб юбориш ёки шартнома мажбуриятларини ўзгача тарзда лозим даражада бажармаслик ҳоллари учун белгиланган неустойкани (жаримани, пеняни) тўлаш ҳамда шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаслик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, тарафларни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди, қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

35-модда. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги

Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар

содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176^1, 176^2, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

36-модда. Низоларни ҳал этиш тартиби

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан – ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августдаги ЎРҚ–106-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31–32-сон, 315-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1998 йил 29 август,
670–I-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 406-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 21 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда
маъқулланган

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) киритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қуйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга:

1) Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

2) ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси;

3) Қонунчилик палатаси депутатлари;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди;
8) Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори.

4-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонунлар лойиҳаларини киритиш орқали амалга оширилади.

5-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қонунчилик палатасида ўзи киритган қонун лойиҳаси кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари ҳам (Қонунчилик палатаси депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1) ўз ташаббуси билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталарининг таклифлари ва тавсиялари асосида қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади;

2) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларига қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида топшириқлар беради, қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади;

3) қонунлар лойиҳаларини давлат органларига, нодавлат ташкилотларга ва илмий муассасаларга тақриз учун юборади;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиёти ҳамда уларнинг самарадорлигини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотларини эшитади;

5) қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш борасида бошқа фаолиятни амалга оширади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколати

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида:

1) қонун ижодкорлиги масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда мазкур фаолиятга услубий жиҳатдан раҳбарлик қилади;

2) қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати олиб борилишини таъминлайди;

3) қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан ва ўз ташаббуси билан қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

5) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

6) қонунлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказади; *(6-банд Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

6[1]) қонунлар лойиҳаларининг улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунинг-

дек тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилини амалга оширади; *(6[1]-банд Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

7) қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлаштириш тўғрисида, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлилигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади, қонун ҳужжатларини кодификациялаш ишларини амалга оширади;

8) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш заруриятига оид масалаларнинг олдиндан келишиб олинишини амалга оширади. *(8-банд Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

8-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиши

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаёт-

ган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

II. Қонун лойиҳасини тайёрлаш

9-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби

Қонун лойиҳасини тайёрлаш:

қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилишни;

қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

зарур материаллар ва ахборот тўплашни;

қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишни;

қонун лойиҳасини тузишни;

ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади.

10-модда. Қонун лойиҳасини бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан биргаликда тайёрлаш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини биргаликда тайёрлаш тўғрисидаги таклиф билан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига мурожаат қилиши мумкин.

11-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ишчи гуруҳи (комиссияси) тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти тегишли бўлинмаларининг вакиллари, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг тегишли тармоқларнинг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига ўз розилигига кўра киритилади. (*Иккинчи қисм Ўзбекистон Республ-*

ликасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)

Ишчи гуруҳи (комиссияси) аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлишлари керак.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ишчи гуруҳининг (комиссиясининг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан қонун лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва ўзга маълумотларни олишга, қонун лойиҳаси юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, шунингдек экспертларнинг хулосаларини олишга ҳақлидир. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, қонун лойиҳасини тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида топшириши ёки уларга шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, қонунларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколати доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши қонун лойиҳаси учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

12-модда. Қонун лойиҳасининг концепцияси

Қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланади. Концепцияда қуйидагилар белгиланиши керак:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг мазкур соҳада амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили илова қилинган ҳолдаги умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари;

қонун лойиҳасининг асосий қоидалари;

бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.

13-модда. Қонунлар лойиҳаларига қўйиладиган асосий талаблар

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг принциплари ва нормалари ҳисобга олинади. Қонунлар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

14-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашда қонунчиликнинг ҳолатини ва ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини ўрганиш

Қонун лойиҳасини тайёрлаш қонунчиликнинг ҳолатини чуқур ўрганишга, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни аниқлашга, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиш амалиётини таҳлил этишга асосланади.

15-модда. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро тажрибани ҳисобга олиш

Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинади, шунингдек қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилади.

16-модда. Қонун лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритгунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этишга ҳақлидир. Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби ва шакли қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан белгиланади.

17-модда. Қонун лойиҳасини тақриз учун юбориш

Қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига, шунингдек манфаатдор давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, илмий муассасаларга тақриз учун юборилиши мумкин.

Қонун лойиҳаси фақат қонун лойиҳаси борасидаги ишлар тугалланганидан ва у бўйича экспертиза ўтказилганидан кейин қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан тақриз учун юборилади.

III. Қонунлар лойиҳаларининг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар. Қонун лойиҳаларининг экспертизаси

18-модда. Қонунлар лойиҳаларининг шакли

Тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қонунлар лойиҳалари қуйидаги шаклда ишлаб чиқилади:

1) Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунлари ва қонунлари лойиҳалари;

2) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларига ҳамда қонунларига ўзгартиш, қўшимча ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунларини ёки уларнинг айрим нормаларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари.

19-модда. Қонун лойиҳасининг тузилиши

Қонун лойиҳаси, қоида тариқасида, бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфларга ажратилади.

Қонун лойиҳаси унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий нормалар муқаддимага киритилмайди. *(Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳага эга бўлади ҳамда рақамланади.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни қамраб олиши мумкин. Кодекслар ва бошқа қонунлар лойиҳаларининг моддаларига, қоида тариқасида, сарлавҳа қўйилади. *(Тўртинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, моддалар, шунингдек моддаларнинг қисмлари, бандлари ва кичик бандлари лойиҳа мавзуи мантиқан ривожланиб боришини таъминлайдиган тарзда кетма-кет жойлаштирилади.

Қонун лойиҳасининг матнига:

қонун лойиҳасининг ёки унинг айрим қоидаларининг кучга кириш муддати ва тартиби тўғрисидаги;

илгари қабул қилинган қонунларни ёки уларнинг айрим қоидаларини мазкур Қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар киритилиши мумкин.

20-модда. Қонун лойиҳаси баёнига тааллуқли талаблар

Қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва равон тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Қонун лойиҳаси матнида тушунчалар ва атамалардан фойдаланиш

Қонун лойиҳасида фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

Зарур бўлган ҳолларда, қонунлар лойиҳаларида юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

22-модда. Қонун лойиҳасида ҳаволалардан фойдаланиш

Қонун лойиҳасининг моддаларида (қисмлари, бандлари, кичик бандлари, хатбошиларида) унинг бошқа моддаларига (қисмлари, бандлари, кичик бандлари, хатбошиларига), бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари, параграфларига, шунингдек бошқа қонунларга ва уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёхуд такрорлашларга йўл қўймаслик учун қўлланилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)

23-модда. Қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказиш

Қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий ва бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар қонун лойиҳасининг экспертизаси натижалари бўйича тегишли хулоса тақдим этадилар.

Экспертлар сифатида қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган ёки экспертларнинг хулосаларида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эгадир. Инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган ҳолда маълумотнома тузилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)

24-модда. Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси

Қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.

(ЎзбекистонРеспубликасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)

25-модда. Қонун лойиҳасининг молиявий-иқтисодий асослари

Моддий харажатлар талаб қилинадиган қонун лойиҳасини тайёрлашда унга молиявий-иқтисодий асослар илова қилинади, мазкур асосларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юборади. Жавоб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига юборилиши керак.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси бўлиши зарур. Хулоса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ёзма мурожаат келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига юборилиши керак.

IV. Қонунлар лойиҳаларини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига киритиш тартиби

26-модда. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарори

Қонун лойиҳаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленумида муҳокама этилади ва уни Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили кўрсатилади, у қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишда иштирок этади.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан якка тартибда қабул қилинади.

Бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарор ҳар бир қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан алоҳида қабул қилинади.

Қонун лойиҳаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Қонунчилик палатасига давлат тилида киритилади. Бир вақтнинг ўзида уларнинг бошқа тиллардаги таржимаси тақдим этилиши мумкин.

27-модда. Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1) қонун лойиҳасининг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати;

2) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси;

3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати;

3[1]) халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари, Ўзбекистон Республикаси шароитида тегишли халқаро тажриба қўлланилишининг мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кет тартибда кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал; *(3[1]-банд Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–372-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 20-сон, 222-модда)*

4) моддий харажатлар талаб қилинадиган қонунлар лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар;

5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хулосаси.

Қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан Қонунчилик палатасига киритилаётганда мазкур органларнинг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилиши керак.

Қонун лойиҳаси матнининг ҳамда ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган материалларнинг нусхалари электрон шаклда тақдим этилиши керак.

28-модда. Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаси матнини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ўзгартириш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Қонунчилик палатасига ўзи киритган қонун лойиҳаси матнини қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар ўзгартиришга ҳақли.

29-модда. Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан чақириб олиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Қонунчилик палатасига ўзи киритган қонун лойиҳасини мазкур лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар чақириб олишга ҳақлидир. Агар қонун лойиҳаси бир нечта қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилган ва мазкур субъектларнинг барчаси лойиҳани чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, қонун лойиҳаси чақириб олинган деб ҳисобланади.

30-модда. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қайта киритиш

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари Қонунчилик палатасининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда маромига етказилган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига қайта киритишга ҳақли.

V. Якунловчи қоидалар

31-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 11 октябрь,
ЎРҚ–60-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 583-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан
2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги 160–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 24 декабрь,
ЎРҚ–342-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ўзаро нисбатини аниқлашдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талабларни белгилашдан, шунингдек уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлашдан иборат.

2-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг турлари ва ўзаро нисбати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ҳамда уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талаблар ва уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланади.

3-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

4-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари

ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар (бундан буён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланади.

2-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати

5-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатларидир.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин.

Кодекслар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тасдиқланади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар, қарорлар ва фармойишлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиал органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қўшма қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

13-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган

тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

Вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг номи ўзгартирилган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилган номга оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги ном кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши номи ўзгартирилган вазирликка, давлат қўмитасига ёки идорага тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

15-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

16-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати

Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

3-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш

17-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи (ишлаб чиқувчи) органлар ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартиб-

га солиш ёки қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг жорий (бир йилгача бўлган муддатга) ва истиқболга (бир йилдан ортиқ муддатга) мўлжалланган режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш тартиби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи (ишлаб чиқувчи) органлар томонидан белгиланади.

18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш:

лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш ҳақида қарор қабул қилишни;

лойиҳа тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни;

зарур материаллар ва ахборот тўплашни;

лойиҳанинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хатини ишлаб чиқишни;

лойиҳани тузишни;

ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишнинг хусусиятлари «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланади.

19-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун лойиҳани ишлаб чиқаётган ташкилот (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли бўлинмаларининг, тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки идораларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳнинг (комиссиянинг) фаолиятини таъминлаш учун давлат органларидан ва ўзга ташкилотлардан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш учун зарур бўлган материалларни, статистика маълумотларини ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир нечта давлат органига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси учун танловлар ўтказишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси манфаатдор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мутахассислар муҳокамаси тегишли тармоқлар мутахассислари иштирокида ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамаси иштирокчилари ишлаб чиқувчи томонидан унинг матни билан олдиндан таништирилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эга ҳамда ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилиши керак. Инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади. Муҳокама материаллари норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга кўриб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш билан бир вақтда киритилади.

21-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Экспертлар сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар жалб этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақилдирлар ва улар экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назари билан боғлиқ бўлмайди.

Экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича хулосалари тавсия хусусиятига эга ва ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган томонидан кўриб чиқилиши керак. Хулосанинг инобатга олинмаган бандлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрланади.

22-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг юридик хизмати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизалар ўтказилганидан кейин амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

23-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш

Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тушунтириш хати билан киритилиб, унда ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асосланади, ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа кели-

шилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асосланти-рилган фикр қисқача баён этилади. Зарурат бўлганда, норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар илова қилинади.

Ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари-нинг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт.

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳуж-жатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилини ўз ичига олган қиёсий жад-валсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди.

4-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва ра-вон тилда баён этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдала-ниладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имконият-тини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Эс-кирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан молиялаштириш манбала-ри, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тад-бирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ушбу мажбуриятлар-

ни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса ёки алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланмаслиги керак бўлса, назарда тутилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий нормалар муқаддимага киритилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар кўринишида баён этилади. Моддалар қисмларга ажратилиши мумкин. Моддаларнинг қисмлари бандлар, кичик бандлар ва хатбошиларни қамраб олиши мумкин. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий нормалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга ажратилиши мумкин.

Ҳажм жиҳатидан йирик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур ҳолларда боблар бўлимларга ва кичик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга эга бўлади ҳамда рақамланади.

Зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

Зарур ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш ёки такрорлашларга йўл қўймаслик зарурати бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёхуд унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг (ёки унинг қисмларининг) кучга кириш муддати кўрсатилиши керак. (*Ўн биринчи қисм Ўзбекистон Республика-*

сининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ–381-сонли Қонуни билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 50-сон, 588-модда)

25-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг реквизитлари

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана (Ўзбекистон Республикасининг қонунлари учун маъқулланган ва имзоланган сана ҳам), рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган сана ва рўйхатга олиш рақами ҳам);

тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахснинг лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси.

26-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матнини тасдиқлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни унга имзо қўйиш йўли билан, яъни:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни – Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, қарори ва фармойиши – Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари – норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари – тегишли ҳоким томонидан тасдиқланади.

27-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

5-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши

28-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишга доир талаблар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши шарт. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шаклларини эълон қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг, уларнинг барча реквизитларини, улар эълон қилинган расмий нашрларни ва уларнинг кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъминланиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

29-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.

30-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

31-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

32-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудуд бўйича амал қилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг юрисдикцияси билан белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган унинг ҳудуд бўйича амал қилиши доирасини чеклаб қўйиши мумкин.

33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг вақт бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқача изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин.

Бундай ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёхуд унинг қисми қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунига қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши керак.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ёки ҳодиса юз бергунига қадар ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилишини янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирда ҳужжатга (унинг қисмига) муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

34-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширганда чет эл юридик шахсларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

35-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва тугатилиши

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг қисмининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд унинг юқори турувчи органи томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қуйидаги ҳолларда ўзининг амал қилишини тугатади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми мўлжалланган муддат тугаганда ёки ҳодиса юз берганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми қонунда белгиланган тартибда Конституцияга хилоф ёхуд ҳақиқий эмас деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўз кучини йўқотган деб топилганда;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми бекор қилинганда.

36-модда. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар, ўз кучини йўқотган деб топилаётган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар қисмлари рўйхати норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида кўрсатилиши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари сони анча кўп бўлган тақдирда, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати алоҳида ҳужжат сифатида расмийлаштирилади. Бундай ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси билан бир вақтда тақдим этилади.

37-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз танишиш имкониятини таъминлайдиган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

6-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш

38-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тегишли ҳудудда ташкил этади ва таъминлайди.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш борасидаги ваколатларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгар-

лик юклатиладиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

40-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ҳамда таъминлаш борасидаги ваколатлари

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижро этилишига қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, тегишли тармоқда қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

41-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;

тегишли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

42-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назорати давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига, қонунийликка риоя этилишининг мониторинги ҳамда назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот беради.

7-боб. Якунловчи қоидалар

43-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради.

Қонун ости ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

44-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ушбу ҳужжатларни марказлаштирилган тарзда йиғиш, қайд этишни, уларнинг фондларини яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришни ҳамда бундай ҳужжатлар ҳақидаги марказлаштирилган ахборотларни ўз ичига олади. Қонун ҳужжатларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишга доир қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

РАСПОРЯЖЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ПОРЯДКЕ РАЗРАБОТКИ, РАССМОТРЕНИЯ И ПОДПИСАНИЯ ПОСТАНОВЛЕНИЙ И РАСПОРЯЖЕНИЙ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В связи с вступлением в силу статей 94 и 98 Конституции Республики Узбекистан и Закона «О Кабинете Министров Республики Узбекистан», а также в целях обеспечения четкого выполнения задач и функций, возложенных на Премьер-министра и структуры аппарата Кабинета Министров:

1. Премьер-министру Республики Узбекистан (Мирзиёеву Ш.М.):

обеспечить строгое и безусловное выполнение предусмотренных статьей 98 Конституции Республики Узбекистан функций и обязанностей, возложенных на Кабинет Министров;

обеспечить согласованность и четкое взаимодействие структур аппарата Кабинета Министров, министерств и ведомств, территориальных органов управление в полном соответствии с требованиями и положениями, предусмотренными в Законе «О Кабинете Министров Республики Узбекистан»;

принять дополнительные меры по повышению ответственности сотрудников аппарата Кабинета Министров за возложенный участок работы, максимальному сокращению излишнего документооборота, получения от министерств и ведомств отчетных и информационно-справочных материалов по резкому ограничению проведения заседаний и совещаний, по борьбе с заорганизованностью, проявлениями волокиты и бюрократизма, ограничением инициативы и самостоятельности на местах;

в десятидневный срок критически переработать и утвердить обновленный Регламент Кабинета Министров Республики Узбекистан.

2. Утвердить:

Перечень важнейших направлений и вопросов, по которым постановления и распоряжения принимаются Президентом Республики Узбекистан согласно приложению № 1;

перечень постановлений и распоряжений Кабинета Министров, основные положения которых согласовываются в обязательном порядке с Президентом Республики Узбекистан, согласно приложению № 2;

перечень принципиальных параметров, важнейших балансов и отраслевых распоряжений, предоставляемых на согласование Президенту Республики Узбекистан согласно приложению № 3;

Положение о порядке разработки, согласования и подписания проектов постановлений и распоряжений Кабинета Министров Республики Узбекистан согласно приложению № 4.

3. Установить, что все вносимые в Аппарат Президента Республики Узбекистан на подписание и согласование проекты документов, указанные в приложениях №№ 1–3 к настоящему распоряжению, подлежат тщательной проработке соответствующими службами государственных советников Президента Республики Узбекистан.

4. Контроль за исполнением настоящего распоряжения возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева.

Президент Республики Узбекистан **И. КАРИМОВ**

г. Ташкент,
4 февраля 2005 г.,
№ Р–2118

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1
к распоряжению Президента
Республики Узбекистан
от 4 февраля 2005 г. № Р-2118

ПОСТАНОВЛЕНИЯ И РАСПОРЯЖЕНИЯ, ПРИНИМАЕМЫЕ ПРЕЗИДЕНТОМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ВАЖНЕЙШИМ НАПРАВЛЕНИЯМ И ВОПРОСАМ

1. Основные направления и параметры налоговой, денежно-кредитной и валютной политики.

2. Предоставление налоговых и таможенных льгот и преференций.

3. Годовые и квартальные валютные балансы, вопросы обслуживания государственного внешнего долга.

4. Операции с драгоценным металлом.

5. Государственный заказ на добычу драгоценных металлов.

6. Вопросы, связанные с повышением заработной платы и социальной защиты населения, совершенствованием единой тарифной системы по оплате труда.

7. Вопросы формирования и использования мобилизационных и стратегических государственных резервов.

8. Вопросы по обеспечению государственной безопасности и обороноспособности, охране государственных границ Республики Узбекистан, защите интересов государства, охране общественного порядка, а также другие вопросы, имеющие стратегически важное значение.

9. Вопросы деятельности Министерства иностранных дел и дипломатических служб.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2
к распоряжению Президента
Республики Узбекистан
от 4 февраля 2005 г. № Р-2118

ПОСТАНОВЛЕНИЯ И РАСПОРЯЖЕНИЯ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ, ОСНОВНЫЕ ПОЛОЖЕНИЯ КОТОРЫХ СОГЛАСОВЫВАЮТСЯ В ОБЯЗАТЕЛЬНОМ ПОРЯДКЕ С ПРЕЗИДЕНТОМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

1. Вопросы углубления экономических реформ и либерализации экономики в целом и в важнейших отраслях и сферах (развитие фермерских хозяйств, реализация государственных программ в сфере подготовки кадров, школьного образования, здравоохранения и др.).

2. О Государственном бюджете Республики Узбекистан.

3. Долгосрочные прогнозы и программы развития ТЭК, базовых и перерабатывающих отраслей экономики.

4. Формирование и использование государственных целевых внебюджетных фондов.

5. Комплексные программы социально-экономического развития Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента.

6. Программа приватизации объектов государственной собственности.

7. По реализации крупных инвестиционных проектов с участием иностранных инвесторов, включая создание совместных предприятий.

8. Реализация важнейших программ и инвестиционных проектов по модернизации, реконструкции и техническому перевооружению отраслей экономики.

9. По углублению административной реформы, совершенствованию структуры управления, образованию, реорганизации и упразднению органов государственного и хозяйственного управления.

10. Программы сотрудничества с международными финансовыми институтами и зарубежными странами.

11. Утверждение межправительственных договоров и соглашений.

12. Вопросы таможенно-тарифного реагирования внешнеэкономической деятельность.

13. Реализация проектов с участием международных финансовых институтов и стран-доноров.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 3
к распоряжению Президента
Республики Узбекистан
от 4 февраля 2005 г. № Р-2118

ПРИНЦИПИАЛЬНЫЕ ПАРАМЕТРЫ, ВАЖНЕЙШИЕ БАЛАНСЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ РАСЧЕТЫ, ПРЕДСТАВЛЯЕМЫЕ НА СОГЛАСОВАНИЕ ПРЕЗИДЕНТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

1.Основные макроэкономические показатели и параметры Государственного бюджета Республики Узбекистан.

2. Параметры Программы развития экспортного потенциала и прогноз экспорта товаров (работ, услуг).

3. Параметры Инвестиционной программы Республики Узбекистан.

4. Программа локализации производства на основе местного сырья.

5. Балансы производства и потребления важнейших видов продукции.

6. Предельная численность работников управленческого персонала.

7. Основные параметры и прогнозы развития в сфере хлопководства, зерноводства и других отраслей агропромышленного комплекса.

8. Контрольные показатели приема в высшие и средние специальные учебные заведения (профессиональные колледжи и академические лицеи).

ПРИЛОЖЕНИЕ № 4
к распоряжению Президента
Республики Узбекистан
от 4 февраля 2005 г. № Р-2118

Положение
О ПОРЯДКЕ РАЗРАБОТКИ, СОГЛАСОВАНИЯ И ПОДПИСАНИЯ ПРОЕКТОВ ПОСТАНОВЛЕНИЙ И РАСПОРЯЖЕНИЙ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

I. Общие положения

1.Настоящее Положение разработано в соответствии с Законом «О Кабинете Министров Республики Узбекистан» и определяет порядок разработки, согласования и подписания проектов постановлений и распоряжений Правительства республики.

2.Постановления и распоряжения Кабинета Министров принимаются по вопросам, которые отнесены к его компетенции Законом «О Кабинете Министров Республики Узбекистан».

3.Конкретные организационные формы и предельные сроки подготовки правительственных решений, порядок взаимодействия структурных подразделений Кабинета Министров по данному вопросу регулируются также Регламентом Кабинета Министров Республики Узбекистан, решениями Кабинета Министров, положениями об Информационно-аналитических департаментах Исполнительного аппарата Кабинета Министров, должностными инструкциями сотрудников и другими актами законодательства. *(Пункт 3 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 20–21, ст. 170)*

II. Порядок разработки и внесения в Кабинет Министров проектов постановлений и распоряжений Правительства Республики Узбекистан

4. Проекты постановлений и распоряжений Кабинета Министров разрабатываются министерствами, государственными комитетами, агентствами, Советом Министров Республики

Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента в соответствии с поручениями Президента Республики Узбекистан, Премьер-министра Республики Узбекистан, заместителей Премьер-министра Республики Узбекистан либо в инициативном порядке.

5. Подготовка проектов решений Правительства осуществляется совместно с заинтересованными ведомствами и структурами. Разработанные проекты согласовываются в установленном порядке с заинтересованными министерствами и ведомствами и в обязательном порядке с Министерством юстиции.

Проекты постановлений и распоряжений, связанные с реализацией программ социально-экономического развития Узбекистана, отдельных сфер и отраслей экономики, выделением ассигнований из республиканского бюджета, подлежат обязательному согласованию соответственно – с Министерством экономики и Министерством финансов, а по вопросам, связанным с внешнеэкономической деятельностью, – с Министерством по внешним экономическим связям, инвестиции и торговли. *(Абзац второй пункта 5 в редакции распоряжения Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2005 г. № Р–305)*

6. Согласованные проекты постановлений и распоряжений Кабинета Министров вместе с поручением о разработке проекта (при его наличии), вносятся в Исполнительный аппарат Кабинета Министров с соответствующей регистрацией в канцелярии. *(Пункт 6 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г., № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г. № 20–21, ст. 170)*

7. К проекту решения Правительства в обязательном порядке прилагаются пояснительная записка, содержащая обоснование целесообразности данного проекта, а также необходимые расчеты и рассмотрительные материалы, оценка последствий реализации предлагаемых решений.

Сопроводительную пояснительную записку подписывает первый руководитель министерства, ведомства – главного разработчика.

III. Порядок рассмотрения проектов постановлений и распоряжений в Исполнительном аппарате Кабинета Министров*

8. Зарегистрированные в канцелярии проекты правительственных решений передаются на проработку в соответствующий Информационно-аналитический департамент Исполнительного аппарата Кабинета Министров. *(Пункт 8 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 20–21, ст. 170)*

9. Информационно-аналитический департамент проводит экспертизу проекта, организует, при необходимости, доработку и устранение замечаний совместно с министерствами и ведомствами, внесшими документ.

При отрицательном заключении Информационно-аналитический департамент подготавливает заключение, аргументирующее нецелесообразность принятия данного проекта.

10. Результаты рассмотрения заведующий Информационно-аналитическим департаментом докладывает курирующему заместителю Премьер-министра.

В случае согласия курирующего заместителя Премьер-министра с отрицательным заключением Информационно-аналитического департамента проект правительственного решения подлежит возврат в установленном порядке с приложением заключения и соответствующей резолюции курирующего заместителя Премьер-министра.

В случае положительного заключения и одобрения курирующего заместителя Премьер-министра Информационно-аналитический департамент организует визирование проекта у заместителей Премьер-министра.

11. Информационно-аналитический департамент представляет согласованный с заместителями Премьер-министра проект правительственного решения на экспертизу в Сводный информационно-аналитический департамент по вопросам макроэкономического развития, структурных преобразований, привлече-

---

* Наименование раздела III в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 20–21, ст. 170.

ния иностранных инвестиций и комплексного развития территорий. *(Пункт 11 в редакции постановления Президента Республики Узбекистан от 21 февраля 2012 года № ПП–1711 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 8–9, ст. 78)*

12. Сводный информационно-аналитический департамент проводит тщательную экспертизу проекта правительственного решения с позиций обеспечения государственных интересов республики, экономической эффективности и увязки содержащихся в нем вопросов со всеми заинтересованными структурами.

При отрицательном экспертном заключении Сводный информационно-аналитический департамент возвращает проект соответствующему Информационно-аналитическому департаменту на доработку.

При положительном экспертном заключении Сводный информационно-аналитический департамент вносит проект на рассмотрение Первого заместителя Премьер-министра – руководителя комплекса по вопросам макроэкономического развития, структурных преобразований экономики и комплексного развития территорий. *(Абзац третий пункта 12 в редакции постановления Президента Республики Узбекистан от 4 января 2010 года № ПП–1254 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2010 г., № 1–2, ст.2)*

13. При согласии Первого заместителя Премьер-министра – руководителя комплекса по вопросам макроэкономического развития, структурных преобразований экономики и комплексного развития территорий Сводный информационно-аналитический департамент возвращает завизированный проект соответствующему Информационно-аналитическому департаменту, который вносит его Управляющему Исполнительного аппарата Кабинета Министров. *(Пункт 13 в редакции постановления Президента Республики Узбекистан от 4 января 2010 года № ПП–1254 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2010 г., № 1–2, ст.2)*

14. При наличии разногласий между заместителями Премьер-министра курирующий заместитель Премьер-министра вносит проект на рассмотрение Президиума Кабинета Министров.

15. При наличии замечаний со стороны членом Президиума Кабинета Министров проект дорабатывается и повторно вносится на рассмотрение.

При сохранении разногласий между членами Президиума Кабинета Министров Премьер-министр принимает окончательное решение.

16. Управляющий Исполнительного аппарата Кабинета Министров рассматривает проект и докладывает его Премьер-министру Республики Узбекистан. *(Пункт 16 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г. № 20–21, ст. 170)*

17. В случаях, предусмотренных законодательством, проекты постановлений Правительства вносятся на рассмотрение заседания Кабинета Министров.

18. После одобрения Премьер-министром Республики Узбекистан (заседанием Кабинета Министров), проекты постановлений (а в особых случаях – также распоряжений) Кабинета Министров вносятся, в установленном порядке, на согласование в Аппарат Президента Республики Узбекистан.

19. Решения Кабинета Министров, не требующие согласования в Аппарате Президента Республики Узбекистан, подписываются Премьер-министром Республики Узбекистан.

IV. Порядок согласования проектов постановлений и распоряжений Кабинета Министров в Аппарате Президента Республики Узбекистан

20. Управляющий Исполнительного аппарата Кабинета Министров вносит в соответствующие службы государственных советников Президента Республики Узбекистан проекты постановлений и распоряжений, подлежащих подписанию или согласованию, с визой Премьер-министра, а в отдельных случаях – с докладной запиской Премьер-министра (или соответствующего заместителя Премьер-министра – при наличии прямого поручения), обосновывающей целесообразность данного проекта. *(Пункт 20 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 20–21, ст. 170)*

21. Службы государственных советников Президента Республики Узбекистан детально изучают внесенные проекты правительственных решений и подготавливают на них заключения.

22. По вопросам, требующим обязательного согласования с Президентом Республики Узбекистан, определенным в установленном порядке, проекты постановлений и распоряжений Кабинета Министров в целом или соответствующие принципиальные параметры с рассмотрительными материалами докладываются государственным советником Президенту Республики Узбекистан.

23. При наличии замечаний со стороны Президента Республики Узбекистан службы государственных советников совместно с Исполнительным аппаратом Кабинета Министров дорабатывают проекты правительственных решений, после чего они повторно докладываются Президенту Республики Узбекистан. *(Пункт 23 в редакции Указа Президента Республики Узбекистан от 22 мая 2008 г. № УП–3996 – Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 20–21, ст. 170)*

24. При одобрении Президентом Республики Узбекистан проектов внесенных правительственных решений они возвращаются в Кабинет Министров на подписание.

Проекты правительственных решений, одобренные Президентом Республики Узбекистан, подписываются Премьер-министром Республики Узбекистан.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 23 августдаги
ПҚ–1602-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 29-сон, 329-модда)

[Кўчирма]

8.7. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш соҳасида:

. . .

в) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотларининг юридик хизматини ривожлантириш бўйича:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотларида ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиришни амалга оширади, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

юридик хизматлар ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган юридик хизматлар фаолиятини тартибга соладиган аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этишга йўналтирилган, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколати доирасида чора-тадбирлар кўради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимларини тайинлашда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари юридик хизматларига ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмалар беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказади ва аттестациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома беради;

юридик хизматлар ходимларининг малакасини оширишни ташкиллаштиради ва малака оширишни ўтаганлиги ҳақида сертификат беради;

юридик хизматлар ходимларини ҳисобини юритади;

юридик хизматларининг маълумотлар базасини тузиш ва юритиш тартибини, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди;

. . .

10. Вазирлик ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

. . .

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиниши юзасидан текширишлар ўтказиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олдига бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қонунга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш;

давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига: ушбу органларнинг норма ижодкорлиги фаолияти устидан мониторинг олиб бориш жараёнида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида; ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида; улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш зарурлиги тўғрисида; қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

. . .

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотларида ҳуқуқий ишлар аҳволини, шунингдек уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки ташкилотга етказилган моддий зарарни қоплаш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатиш;

. . .

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 йил, 10-сон, 33-модда)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Белгилансинки:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ёки идоралараро тусдаги (умумий мажбурий тусдаги) ҳуқуқий ҳужжатлари (кейинги ўринларда «меъёрий ҳужжатлар» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак ва улар расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса;

давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди; *(1-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

тадбиркорлик субъектларига нисбатан уларнинг расмий вебсайтларида эълон қилинмаган тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар бузилганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади; *(1-бандниng тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 июлдаги 183-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 28-сон, 341-модда)*

меъёрий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва санаси кўрсатилмаган ҳолда тарқатилиши ва эълон қилиниши тақиқланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мазкур қарор қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган меъёрий ҳужжатларига татбиқ этилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да расман эълон қилиниши керак. *(1-бандниng олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин. *(2-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Кўрсатиб ўтилган Низомни қўллашга доир тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилади. *(2-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва қўллаш, шунингдек, қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича ишини назорат қилиш; *(3-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга ўн кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғри-

сидаги даъволар билан суд органларига мурожаат қилиш, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш масаласини Ҳукумат олдига қўйиш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган даъволар судга берилганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

4. Адлия вазирлигига юкланган вазифаларни таъминлаш учун Адлия вазирлиги марказий аппаратининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими негизида Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси ташкил этилсин. *(4-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида ташкил этилаётган Бошқарма учун зарур маблағлар ажратсин.

5. *(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

6. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 17 июндаги 294-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 6-сон, 25-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 17 июндаги 294-сон қарорига қўшимча киритиш тўғрисида» 1994 йил 15 июндаги 300-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил., 6-сон, 29-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Вазирликка юкланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Вазирлик тўғрисидаги низомни ва марказий аппарат тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1997 йил 9 октябрь,
469-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил
9 октябрдаги 469-сон қарори билан
тасдиқланган

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ*

Ушбу Низом вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар (кейинги ўринларда вазирликлар ва идоралар деб аталади) томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини, шунингдек уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

(Муқаддима Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

I. Умумий қоидалар

1. Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (кейинги ўринларда меъёрий ҳужжатлар деб аталади), уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинча) ҳамда улардаги маълумотларнинг хусусиятидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказади.

Ушбу Низом мақсадлари учун идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган давлат бошқаруви республика органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

---

* Илованинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда.

2. Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган умумий мажбурий туспаги:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи;

идоралараро тусга эга бўлган;

мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

2^1. Ушбу Низомга мувофиқ:

техник регламентлар;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар;

санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;

шаҳарсозлик, экологик нормалар ва қоидалар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Ушбу бандниг олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли деб топиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

(2^1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

3. Вазирликлар ва идоралар меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун уларни ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар. *(3-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

Давлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий ҳужжатлар қўлланилганлиги аниқланган тақдирда Адлия вазирлиги тегишли вазирлик ёки идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва бажаришдан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритади. Вазирликлар ва идоралар ўн кун муддатда Адлия вазирлигининг талабини бажаришлари шарт. Адлия вазирлиги «Халқ сўзи» – «Народ-

ное слово» газеталарида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мазкур меъёрий ҳужжатнинг ноқонунийлиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилишга ҳақлидир.

(3-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)

4. Бир нечта вазирлик ва идора қабул қилган меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни тасдиқлаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юкланади.

II. Меъёрий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

5. Норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Норматив ҳужжатларга:

коррупция, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида бошқа ҳуқуқ бузилишларининг содир этилиши учун шарт-шароитлар яратувчи;

тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи, тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар киритилиши тақиқланади. *(5-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Норматив ҳужжатлар Идоравий норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари талабларига мувофиқ тайёрланиши ва қабул қилиниши керак.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)

6. Вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатларни буйруқлар ва қарорлар шаклида қабул қиладилар. Ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми ҳисобланган низомлар, қоидалар, йўриқномалар шаклида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар буйруқлар ва қарорлар билан тасдиқланиши мумкин.

Ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларга (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар ва бошқалар), шунингдек якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳужжатларга киритилишига йўл қўйилмайди. *(6-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Вазирликлар ва идоралар ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар пайдо бўлган тақдирда, агар ушбу масалаларни меъёрий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Адлия вазирлиги вазирликлар ва идораларга тегишли меъёрий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги, уни ишлаб чиқиш муддати ҳақида тақдимнома киритишга ҳақлидир. *(6-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан меъёрий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ойдан ошмаслиги керак. *(6-бандниng тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

7. Меъёрий ҳужжатда мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг қайси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қайси қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайси фармонини, қарорини ёки фармойишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қайси қарорини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида чиқарилаётганлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)

8. Меъёрий ҳужжат тузилмаси ҳуқуқий тартибга солиш мавзуси изчил ривожлантирилишини, шунингдек, бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаш керак.

Меъёрий ҳужжат ўз мазмунига мос қисқача номланиши керак.

Агар меъёрий ҳужжат қабул қилиниши мақсадлари ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, унга кириш қисми – муқаддима киритилади. Ҳуқуқий норма бўлган қоида муқаддимага киритилмайди.

Меъёрий ҳужжат қоидалари лўнда, оддий ва равон тилда баён қилиниши керак. Фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Зарур ҳолларда махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди. *(8-бандниng учинчи ва тўртинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Зарурият бўлган тақдирда меъёрий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда ундан айрим қоидалар такрорланади.

Меъёрий ҳужжатда, қоидага кўра, олдин вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги ҳуқуқий нормалар айнан қайта такрорланмайди. *(8-бандниng бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Меъёрий ҳужжатлар матнига қонун ҳужжатларига ҳаволалар киритишга фақат истисно ҳолларда йўл қўйилади.

Мазкур меъёрий ҳужжатнинг бошқа бандларига, шунингдек, вазирликлар ва идоралар томонидан илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорга йўл қўймаслик зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

Меъёрий ҳужжатнинг ҳар бир бандида битта ҳуқуқий норма бўлиши керак. Ҳужжатнинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак. *(8-бандниng еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Агар меъёрий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, формулалар, методикалар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар, бланкалар намуналари келтирилса, улар, одатда, иловаларда берилиши керак. Меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳавола қилинади. *(8-бандниng ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлган масалалар бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шаклидаги ҳужжатлар қабул қилинади. *(8-бандниng ўн биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

9. Меъёрий ҳужжатда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

ҳужжат турининг белгиланиши; *(9-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

тартибга солиш мавзусини белгиловчи ном;

ҳужжатнинг тартиб рақами, қабул қилинган санаси ва жойи;

вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифаларини бажарувчи шахснинг лавозими, ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланган имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси. *(9-бандниng бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

10. Агар меъёрий ҳужжатнинг қабул қилиниши мазкур орган томонидан илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ўз кучини йўқотиши эътироф этилишини ёки уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини талаб этса, ундай ҳолда

ушбу қоидалар тақдим этилган меъёрий ҳужжатда ёхуд бошқа ҳужжатда акс эттирилиши керак.

11. Меъёрий ҳужжатга:

меъёрий ҳужжатни қабул қилиш учун асослар (вазирлик ва идора ваколати, меъёрий ҳужжатга кирган масалаларни ҳал этишни топшириш ёки бундай ҳуқуқ бериш юзасидан юқори органнинг қарори, ҳужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар); *(11-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

мазкур орган томонидан ушбу масала бўйича илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу масала бўйича илгари бошқа органлар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилган ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотнома илова қилинади.

12. Тайёрланган меъёрий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзолангунга қадар ушбу вазирлик ёки идоранинг юридик хизмати томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизадан ўтиши керак. *(12-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Тақдим этилган меъёрий ҳужжатга ушбу органнинг юридик хизмати раҳбари томонидан виза қўйилган, илова қилинган маълумотнома эса имзоланган бўлиши керак.

III.Ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган меъёрий ҳужжатни олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Агар тақдим этилган ҳужжат, шу жумладан малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолларда, ҳужжатни кўриб чиқиш муддати 20 кунгача узайтирилиши мумкин. *(13-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги*

323-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

14. Зарурат бўлса, ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда Адлия вазирлиги қўшимча ҳужжатларни талаб этиш, шунингдек, меъёрий ҳужжатлар бўйича хулосалар бериш учун мутахассислар ва илмий ходимларни штатдан ташқари экспертлар сифатида жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. *(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

15. Агар тақдим этилган меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган ва мазкур Низомнинг II бўлимида кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда, Адлия вазирлиги уни давлат рўйхатидан ўтказади.

Меъёрий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади. *(15-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 197-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 йил, 5-сон, 26-модда)*

Меъёрий ҳужжат, агар ҳужжатнинг ўзида янада кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва бажарилиши керак. *(15-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги мажбуриятларни юклашни назарда тутувчи, шунингдек тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг янги чораларини белгиловчи норматив ҳужжатда унинг (ёки унинг бир қисмининг) кучга кириши муддати кўрсатилган бўлиши керак. Бунда норматив ҳужжатнинг кучга кириши муддати у расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан кам бўлмаслиги керак. *(15-бандниng тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 июлдаги 183-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 28-сон, 341-модда)*

16. Агар меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, мазкур Низомнинг

II бўлими талабларига жавоб бермаса, ёхуд манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса, меъёрий ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлиги томонидан тегишли хулосалар билан уларни тақдим этган органларга қайтарилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда пухта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин. Бунда қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни мукаммаллаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такрорий тақдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак. *(16-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

17. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин меъёрий ҳужжатнинг асл нусхасининг бир нусхаси унга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами билан биргаликда уни тақдим этган органга қайтарилади, асл нусханинг бир нусхаси ҳисобга олиш ва эълон қилиш учун Адлия вазирлигида қолади. *(17-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

IV. Якуний қоидалар

18. Қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда вазирликлар ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган ўз норматив ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириши ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралардан уларнинг

давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақлидир. *(18-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Вазирликлар ва идоралар ушбу ҳолда ўн кун муддатда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзлари қабул қилган меъёрий ҳужжатлардаги ўзгартириш ва қўшимчаларни Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдир. Ушбу қоида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақлидир, бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Меъёрий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга вакил қилинган орган томонидан мазкур ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Низоли масалалар пайдо бўлган, шунингдек, меъёрий ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланган тақдирда, Адлия вазирлиги масала белгиланган тартибда ҳал этилгунга қадар меъёрий ҳужжатнинг (ёки унинг тегишли қисмининг) амал қилишини тўхтатишга ҳақлидир. Меъёрий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳамда уни қайта кучга киритиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади, унинг нусхаси тегишли органга жўнатилади. *(18-бандниng тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

19. Вазирликлар ва идоралар қайта ташкил этилган, тугатилган ёки номи ўзгартирилган тақдирда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик қонунда белгиланади. *(19-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

20. Вазирликлар ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида, ўзлари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар матнлари тарқатилишини таъминлашлари шарт.

Меъёрий ҳужжатлар матнларининг электрон версиялари уларни қабул қилган вазирликлар ва идораларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва нашр этилиши (эълон қилиниши) керак бўлган меъёрий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилгунга ва расмий эълон қилингунга қадар бажариш учун юборилишига йўл қўйилмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» – «Народное слово» газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб борилиши шарт. *(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган меъёрий ҳужжатларнинг расмий шарҳлаш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор фақат у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейин бажариш учун юборилади. *(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИГИ ВА ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 1998 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ ПФ–1938-СОН ФАРМОНИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1998 йил, 4-сон, 17-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ–1938-сон Фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Шартномалар тузиш ва уларни бажаришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш тадбирлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев С.М.), Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди (Абдусаломов М.Э.) мазкур тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиши устидан мунтазам назорат ўрнатсинлар. Тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида 1998 йил 5 июнда, кейинчалик эса – йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди:

шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва хўжалик судларида даъво қўзғашлари, шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида йўл қўйилган зарарни қоплашлари юзасидан бир ой муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритсинлар;

---

* Иловалар берилмайди.

адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда хўжалик шартномаларини, шу жумладан, контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажариш масалалари юзасидан раҳбарлар ва мутахассисларни ўқитиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи семинарларни мунтазам равишда ўтказсинлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари учун юридик маслаҳатлар беришни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ҳудудий бўлинмаларининг амалиётига киритсинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг шартномалар тузилишини ва бажарилишини назорат қилиш ишчи гуруҳи (Султонов Ў.Т.) вазирликлар, идоралар тизимида ва республика ҳудудларида маҳсулот етказиб беришга, энг аввало экспортга маҳсулот етказиб беришга шартномалар тузилиши ва уларнинг бажарилиши амалий назорат қилинишини ҳамда мунтазам таҳлил қилинишини таъминласин, пайдо бўлувчи масалалар ва муаммолар бўйича тезкор чора-тадбирлар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда қарздорни банкрот деб эътироф этиш, санация тайинлаш тўғрисидаги қарорларни эълон қилиш ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш ҳақидаги қарорларни эълон қилиш учун «Корхоналар санацияси ва банкротлиги масалалари» махсус хабарномаси нашр этилишини таъминласин.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 37-сон, 485-модда)

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев С.М.) Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилишини таъминласин, бунда юридик хизматлар ўрнини мустаҳкамлашни, барча қонун ҳужжатларининг амал қилишини ва хўжалик судлари қарорларининг сўзсиз ижро этилишини назарда тутсин.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрь 244-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 37-сон, 485-модда)

6. Штатда белгиланган ходимлар сони доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратида Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тузилмасида – тегишли бўлимлар ташкил этилсин. *(6-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, янгидан ташкил этилаётган тузилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди корхоналарга шартномалар, шу жумладан, контрактация шартномалари тузишда уларга мунтазам равишда ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатсинлар, қонунчилик билан белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларни ва, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, хўжалик судлари қарорлари бажарилиши таъминланишига кўмаклашсинлар.

7. Маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасида штатда белгиланган ходимлар сони доирасида юрист лавозими назарда тутилсин.

Белгилансинки:

кўрсатиб ўтилган лавозимларга юристлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишган ҳолда тегишли ҳокимлар томонидан тайинланади; *(7-бандниг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

туман ва шаҳар ҳокимликларининг юридик хизмати тегишли ҳокимга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмасига ҳисоб беради.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги 147-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқот-

ган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 5–6-сон, 54-модда)

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда вазирлик марказий аппаратининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармаларининг низомини, тузилмасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1998 йил 24 апрель,
177-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг РЕГЛАМЕНТИ

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 55-модда)

[Кўчирма]

III. Вазирлар Маҳкамасига масалаларни киритиш, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамасида тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби

16. Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун билан унинг ваколатига киритилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган масалалар киритилади.

Муҳим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилади, улар кўриб чиқиш учун Бош вазир ўринбосарлари томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

17. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони томонидан юборилган бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади ва бажарилади.

18. Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилиши мумкин.

19. Ушбу Регламентнинг 16-бандида назарда тутилмаган масалалар бўйича ёки ушбу Регламентнинг 18-бандида кўрсатилмаган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан киритилган мурожаатномалар Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи

аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўриб чиқиш ва уларнинг ваколатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш учун юборилади.

(19-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

20. Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун масалалар белгиланган тартибда, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари (кейинги ўринларда ҳужжатлар лойиҳалари деб аталади) шаклида киритилади.

21. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, киритиш, келишиш ва кўриб чиқишга тайёрлаш ушбу боб ҳамда мазкур Регламентнинг IV ва V боблари талабларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратида иш юритиш бўйича Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

22. Лойиҳалар аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқилаётган масаланинг пухта таҳлилини ва холис баҳосини ўзига олган бўлиши, ижрочилар олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Тайёрланаётган лойиҳа бошқа ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблашни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан айни бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Бу ҳолда унга ҳужжат матнининг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирининг тегишли қиёсий жадваллари тушунтиришлар билан илова қилинади.

23. Айнан шу масалалар бўйича илгари қабул қилинган қарорлар бажарилмаган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига ана шу масалалар бўйича қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари киритилишига йўл қўйилмайди, янги вазиятлар пайдо бўлган ҳоллар бундан мустасно.

24. Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига жавоб бериши керак, қонунлар лойиҳалари эса «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳам жавоб бериши керак.

(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 ноябрдаги 246-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 48–50-сон, 483-модда)

25. Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида ҳамда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида назарда тутилган материаллар илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

(25-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 ноябрдаги 246-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 48–50-сон, 483-модда)

26. Ҳужжатлар лойиҳасининг тегишли органлар ва ташкилотларда келишиб олиниши учун жавобгарлик ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи биринчи раҳбарига ёки ушбу Регламентнинг 18-бандида кўрсатилган шахслар жумласига кирувчи бошқа раҳбарга юкланади. Келишиб олиш учун юборилган ҳужжатлар лойиҳаларига (уларнинг нусхаларига) тегишли органлар ва ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан: қонун лойиҳалари бўйича – 7 календарь кун мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари бўйича – 3 ка-

лендарь кун, Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари лойиҳалари бўйича кўпи билан 2 календарь кун мобайнида розилик имзоси қўйилади.

27. Ҳужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ҳужжат лойиҳаси келишмовчиликлар билан бирга фақат мулоҳазалари бўлган тегишли биринчи раҳбарлар (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзолаган асосланган ёзма мулоҳазалар билан бирга Вазирлар Маҳкамасига киритилиши мумкин.

Ҳал қилинмаган келишмовчиликлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиладиган мулоҳазалар тегишли раҳбарларнинг ўринбосарлари томонидан имзоланиши мумкин эмас.

28. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари улар мазкур Регламентнинг 26–27-бандларига мувофиқ келишилгандан кейин Вазирлар Маҳкамасига киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асослари (шу жумладан қонун лойиҳаси концепцияси, тегишли қиёсий жадваллар) ва келишмовчиликлар (улар мавжуд бўлган тақдирда) бўйича ёзма мулоҳазалар илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хулоса бериш учун юборилади. *(28-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан экспертизадан ўтказади; *(28-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

қонунлар лойиҳаларини уларнинг мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги, уларда коррупциянинг юзага келиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида бошқа ҳуқуқ бузилишларининг содир этилиши учун шарт-шароитлар яратувчи, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилади. *(28-бандниng иккинчи, учинчи*

ва тўртинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош вазир, унинг ўринбосарлари топшириқлари билан киритиш муддатлари белгиланмаган бўлса, мазкур бандга мувофиқ хулоса тайёрлаш муддати 10 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас. *(28-бандниng бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

29. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, шунингдек уларнинг манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан тегишли равишда келишиб олиниши учун шахсан жавоб берадилар.

Илова қилинган ҳужжат масалани киритаётган органнинг раҳбари томонидан имзоланган, тегишли далолатнома лойиҳасига, шунингдек унинг иловасига виза қўйилган бўлиши керак. Ҳужжат лойиҳаси билан бирга уни ишлаб чиқиш ва келишиш хронологияси тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади. *(29-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)*

30. Мазкур Регламент талабларига риоя қилинмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳалари қуйидаги тартибда қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларини, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш юзасидан киритилган ҳужжатлар лойиҳалари тушган санасидан бошлаб 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, фақат тегишли равишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари қарорига кўра қайтарилиши мумкин.

Мазкур Регламент талабларига риоя қилинмасдан Вазирлар Маҳкамасига киритилган бошқа ҳужжатлар лойиҳалари 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда, Бош вазирнинг тегишли ўринбосари билан келишган ҳолда ахборот-таҳлил департаментлари ёки бошқа таркибий бўлинмалар томонидан қайтарилади. *(30-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)*

Ҳужжатлар лойиҳалари тушган санадан бошлаб 2 кунлик муддат тамом бўлгандан кейин фақат Бош вазир ва унинг ўринбосарлари қарорига кўра қайтарилиши мумкин.

Бундай ҳуқуқ берилмаган шахслар имзолаган ҳолда тушган лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти ёки бошқа таркибий бўлинмаси раҳбари томонидан жўнатувчига қайтарилади. *(30-бандниng бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)*

31. Мазкур Регламентда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишга тайёрлаш Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати томонидан 10 кун муддатда амалга оширилади. Ушбу муддатни узайтиришга фақат Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси рухсатига кўра йўл қўйилади.

(31-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

IV. Иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишининг муҳим ва устувор масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиб олиш тартиби

32. Иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳа самарали фаолият кўрсатишининг муҳим ва устувор масалалари бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Прези-

дентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида» 2005 йил 4 февралдаги Ф–2118-сон фармойишида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида улар бўйича топшириқлар берилган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари ҳам киритилади.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва имзолаш тартиби

33. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қабул қилинади.

34. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари топшириқларига мувофиқ ёхуд ташаббус кўрсатиш тартибида ишлаб чиқилади.

35. Ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда амалга оширилади. Ишлаб чиқилган лойиҳалар белгиланган тартибда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамда мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилади.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, республика бюджетидан маблағлар ажратиш билан боғлиқ қарорлар ва фармойишлар лойиҳалари мажбурий тартибда тегишли равишда – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан,

ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилиши керак. *(35-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 369-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 1-сон, 8-модда)*

36. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг келишилган лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисидаги топшириқнома билан бирга (у мавжуд бўлганда), Умумий бўлимда тегишли равишда рўйхатдан ўтказган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппаратига киритилади.

(36-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

37. Ҳукумат қарори лойиҳасига мажбурий тартибда мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати, шунингдек зарур ҳисоб-китоблар ва кўриб чиқиш материаллари, тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш оқибатлари баҳоси илова қилинади.

Тушунтириш хати бош ишлаб чиқувчи вазирлик, идоранинг биринчи раҳбари томонидан имзоланади.

38. Умумий бўлимда рўйхатдан ўтказилиб киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ишлаш учун Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига берилади.

(38-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

39. Ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани экспертизадан ўтказади, зарурат бўлганда, ҳужжатни киритган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа устида қўшимча ишлайди ҳамда билдирилган мулоҳазаларни бартараф этади.

Салбий хулосага келганда Ахборот-таҳлил департаменти мазкур лойиҳани қабул қилишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини асословчи хулосани тайёрлайди.

40. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисида Ахборот-таҳлил департаменти мудири Бош вазирнинг мутасадди ўринбосарига ахборот беради.

Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари Ахборот-таҳлил департаментининг салбий хулосасига розилик билдирган тақдирда Ҳукумат қарори лойиҳаси унга хулосани ва Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари тегишли топшириғи илова қилинган ҳолда белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

Хулоса ижобий бўлганда ва Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари маъқуллаган тақдирда Ахборот-таҳлил департаменти Бош вазир ўринбосарлари томонидан лойиҳага розилик имзоси қўйилишини ташкил қилади.

41. Ахборот-таҳлил департаменти Бош вазир ўринбосарлари билан келишилган Ҳукумат қарори лойиҳасини Макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этади.

(41-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 февралдаги 48-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 8–9-сон, 82-модда)

42. Йиғма ахборот-таҳлил департаменти Ҳукумат қарори лойиҳасини республиканинг давлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий самарадорлик ва ундаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан пухта экспертизадан ўтказади.

Эксперт хулосаси салбий бўлган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани пухта ишлаш учун тегишли Ахборот-таҳлил департаментига қайтаради.

Хулоса ижобий бўлган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти лойиҳани кўриб чиқиш учун Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбарига киритади.

(42-бандниг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 336-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 574-модда)

43. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – Макроиқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари розилик берган тақдирда Йиғма ахборот-таҳлил департаменти розилик имзоси қўйилган лойиҳани тегишли Ахборот-таҳлил департаментига уни Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига киритиши учун қайтаради.

(43-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 декабрдаги 336-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 574-модда)

44. Бош вазир ўринбосарлари ўртасида мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда Бош вазирнинг мутасадди ўринбосари лойиҳани кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритади.

45. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари томонидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда лойиҳа пухта ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиш учун такроран киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати аъзолари ўртасида мулоҳазалар сақланиб қолган тақдирда Бош вазир узил-кесил қарор қабул қилади.

46. Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси лойиҳани кўриб чиқади ва лойиҳа тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот беради.

(46-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

47. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси мажлисига киритилади.

48. Вазирлар Маҳкамаси қарорлари (алоҳида ҳолларда эса – фармойишларнинг ҳам) лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (Вазирлар Маҳкамаси мажлиси) томонидан маъқулланган дан кейин келишиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади.

49. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида келишишни талаб қилмайдиган қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади.

50. Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси имзоланиши ёки келишилиши керак бўлган қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини Бош вазирнинг розилик имзоси билан, алоҳида ҳолларда эса – Бош вазирнинг (ёки Бош вазир тегишли ўринбосарининг – тўғридан-тўғри топшириқ мавжуд бўлганда) мазкур лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асословчи ахборот хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматига киритади.

(50-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 июндаги 180-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 25-сон, 259-модда)

51. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизмати Ҳукумат қарорларининг киритилган лойиҳаларини муфассал ўрганиб чиқадилар ва улар юзасидан хулосалар тайёрлайдилар.

(51-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 июндаги 180-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 25-сон, 259-модда)

52. Белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий равишда келишиб олиниши белгилаб қўйилган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари умуман ёки уларнинг тегишли принципиал параметрлари кўриб чиқиш материаллари билан Давлат маслаҳатчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилади.

53. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мулоҳазалар билдирилган тақдирда давлат маслаҳатчилари хизматлари Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан биргаликда Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини пухта ишлаб чиқадилар, шундан кейин улар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига такроран ахборот берилади.

(53-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 майдаги 81-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 155-модда)

54. Киритилган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган тақдирда улар имзолаш учун Вазирлар Маҳкамасига қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маъқулланган Ҳукумат қарорлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35–36-сон, 355-модда)

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари ушбу қарор талабларига риоя қилиниши ҳамда юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун шахсан жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек уларнинг юридик хизматлари томонидан ушбу қарор талабларига риоя қилиниши устидан тегишли назорат ўрнатсин;

икки ой муддатда, танқидий таҳлил қилиш асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек уларнинг малакасини ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритсин;

уч ой муддатда юридик хизматлар фаолиятида қўллаш учун шартномаларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш, қонунчиликни тизимлаштириш, талабнома-даъво ишларини юритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар тузиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 2 мартдаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 8-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 24 август,
182-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (кейинги ўринларда «давлат органлари» деб аталади) юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Давлат органининг юридик хизмати – давлат органининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозим.

Юридик хизмат бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунади.

Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсульт, етакчи юрисконсульт, катта юрисконсульт ёки юрисконсульт бўлиши мумкин.

3. Давлат органининг юридик хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Давлат органининг юридик хизмати ходими ёхуд юрисконсульт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Давлат органининг юридик хизмати бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва камида икки йиллик юридик хизмат ходими иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланадилар ҳамда тегишли ҳокимга ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳисоб берадилар.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда тайинланадилар ҳамда тегишли ҳокимга ва ҳудудий адлия органига ҳисоб берадилар. *(5-бандниng биринчи ва иккинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)*

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмат ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби, шунингдек адлия органларига тақдим этиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмат ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот шакли, уни тақдим этиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. *(5-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

6. Давлат органида юрисконсульт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

Юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотли шахс, шунингдек «юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавриат босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистратура тингловчиси ишлаши мумкин.

7. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими, юрисконсульт ёрдамчиси лавозимида ишлаши мумкин эмас.

8. Юридик хизмат ходимлари умумий манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат бирлашмалари тузишлари мумкин.

II. Юридик хизматнинг вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар давлат органи юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

3) давлат органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини уларга етказишда қатнашиш;

4) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш;

5) давлат органининг шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

6) судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

10. Давлат органининг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

а) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда қатнашади;

б) давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда қатнашади;

в) давлат органининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишда қатнашади;

г) мустақил ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда экспертизадан ўтказиш ва давлат органи билан келишиш учун тақдим қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий хулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳа-

ларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) давлат органи фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) давлат органига келиб тушган ва давлат органининг ўзи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритади, уларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

з) давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

и) давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

к) давлат органи раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

л) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашади;

м) давлат органи фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

н) давлат органи ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга давлат органи фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради.

2) давлат органи фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида:

а) давлат органида ва унинг тизимига кирувчи бўлинмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

б) давлат органи раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойи-

ҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) мустақил равишда ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг буйруқлари, фармойишлари ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

г) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

д) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда мулк сақланиши таъминланишининг ҳуқуқий механизмларини ташкил қилади;

е) давлат органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда давлат органи, унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, шикоятлар ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқади;

ж) давлат органида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

з) давлат органида меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битим ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради.

3) шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

а) бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органи томонидан шартномалар тайёрланиши ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлари бўлма-

са, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) давлат органи томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

д) давлат органининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, давлат органида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади.

4) бошқа соҳаларда:

а) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларга етказади;

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

11. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати мазкур органнинг норматив тусдаги қарорлари лойиҳаларининг ҳудудий адлия органларига киритилишини таъминлайди.

12. Юридик хизматга ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

III. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Давлат органининг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давлат органига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

б) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

в) раҳбарият томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда қатнашиш;

г) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли бўлинма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

д) қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

е) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларда давлат органи ваколатга кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

ж) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

з) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда ёки давлат органи томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Юридик хизмат ходими:

унга ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Юридик хизмат ходимининг жавобгарлиги

15. Юридик хизмат ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳаларининг ва ўзи берган хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

16. Юридик хизмат ходими ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

V. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

17. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизмат ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни давлат органларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига
2-ИЛОВА

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда «корхона» деб аталади) юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу Низом тавсиявий хусусиятга эга.

2. Корхонанинг юридик хизмати – корхона фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёхуд лавозим. Юридик хизмат бевосита корхонанинг раҳбарига бўйсунади.

3. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсульт, етакчи юрисконсульт, катта юрисконсульт ёки юрисконсультдан иборат бўлиши мумкин.

Юридик хизмат ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Корхонанинг юридик хизмати ходими лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

Юридик хизмат бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва юридик хизмат ходимининг камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

5. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар юридик хизмат ходими лавозимида ишлаши мумкин эмас.

II. Юридик хизматнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар корхона юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

б) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

в) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкининг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

г) корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

д) судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

7. Корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1) қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

а) корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

б) корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

в) корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

г) корхонанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

д) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш

тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

е) корхона ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга корхона фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради.

2) мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳасида:

а) мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

б) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонада мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

в) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради.

3) шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

а) бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

г) корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, корхонада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

д) тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

е) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

ж) корхонанинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади.

4) бошқа соҳаларда:

а) таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади.

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

III. Юридик хизматнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Корхонанинг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мансабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

б) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарлари розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашга ва ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

в) қонунчиликка зид бўлган ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш учун ижрочиларига қайтариш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда лойиҳаларни пухта ишлашда қатнашиш;

г) корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд қонун бузилишга йўл қўяётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

д) корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида ўтказилаётган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Юридик хизмат ходими:

юридик хизматга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида аниқланган қонун бузилишлари тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизмат ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. Юридик хизматнинг жавобгарлиги

10. Юридик хизмат ходими ўзи виза қўйган ҳужжатлар лойиҳалари ва ўзи томонидан берилган хулосаларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

11. Юридик хизмат ходими ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

V. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

12. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва юридик хизматлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг юридик хизматлар ходимлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан бузилишларининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

Адлия органлари юридик хизмат фаолиятига тегишли ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни корхоналардан сўраб олиш ҳуқуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ХОДИМЛАРИНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 46–47-сон, 472-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2008 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган маълумотлар базасини марказлаштирилган тартибда шакллантириш ва юритиш йўли билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тўғрисидаги ахборотларнинг зарур даражада ҳисобга олиниши ва тизимлаштирилишини таъминласин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини оширишнинг ушбу қарор билан тасдиқланган муддатлари ва тартибига қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 22 ноябрь,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарорига
ИЛОВА

Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимларини аттестациядан ўтказиш уларнинг касбига муносиблиги даражасини холисона баҳолаш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш, уларнинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари малакасини ошириш юриспруденция соҳасидаги назорат ва амалий билимларни чуқурлаштириш ва янгилаш, уларнинг касбий тайёрлигининг бажариладиган вазифалар ва функцияларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

II. Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш

3. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиши шарт.

Юридик хизматлар ходимларининг улар ишлаётган ташкилотлар томонидан аттестациядан ўтказилиши тақиқланади. *(3-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қаро-*

ри билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)

4. Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган шахслар ишга қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

Юридик хизмат ходими лавозимига қабул қилинган ва кейинги беш йил мобайнида аттестациядан ўтказилган шахслар ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ аттестациядан ўтиши керак.

Қуйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

олий таълим муассасаларини тугатган ва олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар, агар мазкур мутахассислик бўйича икки йилдан кам ишлаган бўлса;

ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бор аёллар;

юридик маслаҳатчи ёрдамчиси лавозимида ишлаётган шахслар.

5. Юридик хизмат ходимлари аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, ушбу Низомда белгиланган тартибда, тегишли адлия органларига аттестациядан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Олий таълим муассасасини тугатгандан кейин, олинган мутахассислик бўйича биринчи марта ишга кирган шахслар мутахассислик бўйича ишлаган икки йиллик муддат тугаган вақтдан бошлаб уч ойдан кечикмай аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилиши шарт.

6. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимиятлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

8. Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида камида беш кишидан иборат таркибда аттестация комиссиялари тузилади.

9. Аттестация комиссиялари таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирнинг тегишли ўринбосари, ҳудудий адлия органларида эса – ҳудудий адлия органи раҳбари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссиялари таркибига, келишувга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий ва олий таълим муассасалари вакиллари киритилиши мумкин. Ҳудудий адлия органларининг аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг тегишли бўлинмаси ходими мажбурий тартибда киритилади.

10. Аттестация комиссияси раиси:

аттестация комиссияси мажлисларида раислик қилади;

аттестацияни ўтказиш жойи ва муддатларини белгилайди;

аттестациядан ўтказиладиганларнинг рўйхат бўйича таркибини белгилайди;

аттестацияни ўтказиш бўйича бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг тегишли таркибий бўлинмаси аттестация комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади, у:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

талабгорлар анкеталарини шакллантиради ва тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги маълумотларни аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда талабгорларга етказади;

аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этишга доир бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Аттестациядан ўтадиган шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

11. Аттестациядан ўтиш учун тегишли адлия органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) аттестациядан ўтиш тўғрисидаги ариза;

б) талабгорнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича анкетаси;

в) олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма;

д) иш жойидан тавсифнома;

е) малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисидаги сертификат нусхаси. *(11-банднинг «е» кичик банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

12. Ҳужжатлар адлия органига бевосита топширилади ёхуд топширилгани тўғрисидаги билдиришномани олган ҳолда, буюртма хат билан юборилади.

Ҳужжатлар адлия органининг масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси, ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган ҳолда талабгорга топширилади (юборилади).

Топширилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

13. Ариза ва ҳужжатлар улар олинган кундан бошлаб икки кун муддатда кўриб чиқилади. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда ишчи орган томонидан аттестацияга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва тегишли билдиришнома талабгорга бевосита топширилади ёки почта орқали юборилади. Билдиришномада аниқланган камчиликлар, камчиликларни бартараф этиш ҳамда такрорий кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати кўрсатилади.

14. Аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилишига асос бўлган камчиликлар бир ой муддатда бартараф этилган тақдирда ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин.

15. Қуйидагилар аттестациядан ўтишга қўйишнинг рад этилиши учун асос ҳисобланади:

зарур даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этганлик ёки ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаслик;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги.

Аттестациядан ўтишга бошқа асослар бўйича қўйилмасликка йўл қўйилмайди.

16. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда талабгор ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки ой мобайнида аттестациядан ўтказилиши керак.

IV. Аттестацияни ўтказиш тартиби

17. Аттестация ҳужжатларнинг тақдим этилишига қараб ўтказилади, аттестациянинг ўтказилиш жойи ва вақти тўғрисида талабгор аттестация ўтказиладиган санадан камида ўн кун олдин хабардор қилинади.

18. Аттестацияга узрли сабабга кўра келмаган талабгорлар аттестация комиссиясининг кейинги навбатдаги мажлисида аттестациядан ўтказилади.

Аттестацияга узрсиз сабабга кўра келмаган талабгорларга ёзма огоҳлантириш юборилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келинмаган тақдирда аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида талабгорни аттестациядан ўтмаган деб ҳисоблаш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир.

19. Аттестация комиссияси, агар унинг мажлисида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

Талабгор ишлайдиган ташкилотнинг вакили аттестация комиссияси мажлисида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин. Аттестация тугагандан кейин вакилнинг фикр-мулоҳазаси эшитилади.

20. Аттестация комиссияси мажлиси комиссия аъзоларини талабгорнинг ҳужжатлари билан таништиришдан бошланади.

21. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади.

Суҳбат жараёнида берилган саволлар ва талабгорнинг жавоблари (ип ўтказиб тикилган ва муҳр билан тасдиқланган) махсус журналда қайд этилади.

Талабгор билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳаси, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ соҳаси, фуқаролик ва меҳнат қонунчилиги асослари, шартномавий-ҳуқуқий фаолият, суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

Саволларнинг тахминий рўйхати ва аттестация комиссияларининг иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

22. Аттестация комиссияси талабгорнинг билимлари ва иш тажрибасини ҳисобга олиб:

талабгорни аттестациядан ўтган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида;

талабгорни аттестациядан ўтмаган деб эътироф этиш ва унга аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

23. Аттестация комиссиясининг қарорлари аттестация комиссиясининг мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш талабгорнинг иштирокисиз ўтказилади. Аттестация жараёни, шу жумладан аттестация комиссияси аъзолари, аттестациядан ўтказилаётган ходим, ташкилот вакили томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар, шунингдек аттестация комиссиясининг қарори аттестация комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган протокол билан расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

24. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади.

25. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтган ходимига икки кун муддатда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Гувоҳноманинг амал қилиш муддати – беш йил.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳимояланганлик даражасига, ҳисобга олиш сериясига ва тартиб рақамига эга бўлади. Гувоҳномаларни олиш, ҳисобга олиш ва сақлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

26. Юридик хизматнинг аттестациядан ўтмаган ходими такрорий аттестациядан ўтиш учун аттестация ўтказилган кундан уч ой ўтгач, бироқ олти ойдан кечикмай мурожаат қилиши мумкин.

Агар талабгор такрорий аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддат мобайнида такрорий аттестациядан ўтиш учун мурожаат қилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий органи ходимнинг иш жойи бўйича меҳнат қонунчилигига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади.

27. Юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси қарорига кўра тугатилиши мумкин. *(27-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Қуйидагилар:

юридик хизмат ходими томонидан ўз хизмат мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён етказилишига олиб келган тақдирда;

гувоҳнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб олинганлиги ҳолати аниқланганлиги юридик хизмат ходимининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади. *(27-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

Юридик хизмат ходими унга берилган юридик хизмат ходими аттестациядан ўтиши тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш масаласини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси мажлисида иштирок этиши мумкин. Мажлис ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида юридик хизмат ходимига мажлис ўтказилишидан камида ўн кун олдин хабар қилинади.

Юридик хизмат ходимининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси мажлисида қатнашмаслиги юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга тўсқинлик қилмайди. Қабул қилинган қарор тўғрисида юридик хизмат ходимига уч кун мобайнида хабар қилинади. *(27-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сонли қарори билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 50-сон, 650-модда)*

28. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

V. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномалар дубликатларини қайта расмийлаштириш ва бериш

29. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириш юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда, унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилгунга қадар юридик хизмат ходими ўз фаолиятини илгари берилган гувоҳнома асосида амалга оширади.

30. Қайта расмийлаштириш пайтида аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак. Аттестациядан ўтганлик тўғрисида олдин берилган гувоҳнома бекор қилинади.

31. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда юридик хизмат ходимининг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

32. Дубликатни беришда юридик хизмат ходимига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади, ушбу гувоҳномада олдинги гувоҳномада кўрсатилган амал қилиш муддати қайд этилган бўлиши керак.

33. Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома қайта расмийлаштирилиши ва дубликати берилиши учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

VI. Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш

34. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда «Марказ» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Юридик хизмат ходимлари малакасини ошириш ҳар беш йилда камида бир марта амалга оширилади.

35. Малака ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас.

Юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимларига белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Малака ошириш дастурлари ва шакллари, шунингдек сертификат шакли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш дастурлари Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарори билан белгиланган юридик хизматларнинг асосий вазифаларига мувофиқ бўлиши керак.

36. Юридик хизматлар ходимлари малакасини ошириш Марказ билан тегишли ташкилот ўртасида тузиладиган шартномалар асосида тўлов эвазига амалга оширилади.

Малака ошириш учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

37. Малака ошириш даврида юридик хизматлар ходимларига уларнинг иш жойи бўйича иш ҳақи ва лавозими сақланади. Хизмат сафари харажатлари малака оширишга юборган тегишли ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

VII. Якуний қоидалар

38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари юридик хизматларнинг ходимлари ҳисобини юритади.

39. Ташкилотларнинг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимлари аттестациядан ўтиши ва малака ошириши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган юридик хизматлар маълумотлари базасини шакллантиради ва уни марказлаштирилган тартибда юритади.

40. Ҳудудий адлия органлари йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам равишда янги-

лаб бориш учун юридик хизматлар, уларнинг ходимлари ва уларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

41. Марказ йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юридик хизматлар маълумотлари базасига киритиш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш учун юридик хизматларнинг малака оширишдан ўтган ходимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

42. Юридик хизматлар маълумотлари базасини шаклантириш ва юритиш тартиби, маълумотлар базасига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Юридик хизматлар ходимларини
аттестациядан ўтказиш ва уларнинг
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга
1-ИЛОВА

3 х 4 см ўлчамли фотосурат учун жой

Аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун талабгор АНКЕТАСИ

1. Фамилияси _____
   Исми _____
   Отасининг исми _____
2. Туғилган санаси (йил, кун ва ой) _____
3. Паспортнинг серияси, тартиб рақами,
   берилган санаси ва уни берган
   органнинг номи: _____
   _____
4. Яшаш жойи
   вилоят _____ шаҳар (туман) _____
   кўча _____ уй, квартира рақами _____
   телефон _____ факс _____
5. Маълумоти
   Таълим муассасасининг номи _____
   Мутахассислиги Тамомлаган йили
6. Меҳнат фаолияти

Т/р	Ой ва йил		Ташкилот кўрсатилган ҳолда лавозими	Ташкилот жойлашган жой
	ишга кирган вақти	ишдан бўшаган вақти		

7. Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат фаолияти

Т/р	Ой ва йил		Ташкилот кўрсатилган ҳолда лавозимга тайинлаш	Ташкилот жойлашган жой
	тайинланди	озод қилинди		

Тўлдирилган санаси _____ Шахсий имзо _____

Юридик хизматлар ходимларини
аттестациядан ўтказиш ва уларнинг
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби)

Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтганлиги ҳақида
ГУВОҲНОМА

_____ № _____
(серияси)

Ушбу билан _____
(юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____

_____ да аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади.
(аттестацияни ўтказган адлия органининг номи)

ва у давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматида ишлаши мумкин.

Гувоҳнома _____ гача амал қилади.
(йил, кун ва ой)

Аттестация комиссияси раиси: _____ _____
(имзо) *(фамилияси, исми, отасининг исми)*

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИШ БЎЙИЧА ДАСТУРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ МОНИТОРИНГИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 32–33-сон, 335-модда)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини сўзсиз бажариш бўйича Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини аниқ мақсадга йўналтирилган ва изчил ташкил этиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қонун лойиҳаларига доир иши самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар талабларига мувофиқ бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «2011 йилда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида» 2011 йил 10 мартдаги 68-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини (кейинги ўринларда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари деб аталади) тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

* Қарорнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)

2. Белгилансинки:

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ҳар йили қабул қилинади ва келгуси йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш мўлжалланаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни назарда тутади;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига биринчи навбатда:

– Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режаларида;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, шунингдек мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси ва таклифлари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари киритилади;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси ва таклифлари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини киритиш муфассал концепция ва уларнинг қабул қилинишини асословчи зарур таҳлилий материаллар асосида амалга оширилади;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳар йили 1 октябргача бўлган муддатда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилишини таъминласинлар;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун таклифларни тайёрлашда амалдаги қонун ҳужжатларига фақат ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекланиб қолмай, қонун ҳужжатларининг мустақил ва яхлит лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилаётган таклифларнинг сифати, асосланганлиги ва ўз вақтида киритилиши учун шахсий масъулият юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасига киритиш учун таклифларни тайёрлашда, унга киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва киритишда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иши амалда мувофиқлаштирилишини таъминласин;

келгуси йилга қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури лойиҳаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши устидан самарали ва тизимли мониторинг ўрнатсин, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритишда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига зарур ёрдам кўрсатсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатлари лойиҳалари ўз вақтида киритилмаслиги сабаблари ва шартлари, уларнинг паст сифати кўрсатилган, шунингдек қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ва киритишни таъминлаш бўйича таклифлар билдирилган ҳолда

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари мудирлари:

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун асосли таклифлар ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар;

тасдиқланган қонун лойиҳаси ишлари дастурларига мувофиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

қонун ҳужжатлари лойиҳалари концепцияси ва тушунтириш хатларига, тузилмасига ва мазмунига, уларга илова қилинадиган таҳлилий ва ахборот материалларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси вакилларини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама этишда иштирок этиш тартибига қўйиладиган асосий талабларни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокида қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун таклифлар тайёрлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва келишиш, шунингдек улар бажарилиши мониторинги масалалари бўйича семинарлар ўтказсин. Кейинчалик бундай семинарларни тизимли асосда ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Юлдашев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 5 август,
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 августдаги 227-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисида НИЗОМ*

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини (кейинги ўринларда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари деб аталади) тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда)

2. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ҳар йили қабул қилинади ва келгуси йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш мўлжалланаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни назарда тутади.

3. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига биринчи навбатда:

– Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режаларида;

---

* Низомнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 268-сонли қарори таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 37-сон, 429-модда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларида;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган, шунингдек мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси ва таклифлари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳалари киритилади.

4. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг комплекслилиги ва ўзаро бир-бирини тўлдириши ҳисобга олинган ҳолда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида демократик қайта ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш назарда тутилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентига Ҳукуматнинг қонун лойиҳаларига доир фаолияти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳужжатлари ва топшириқларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан бажарилиши тўғрисида ахборот беради.

6. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва уларни ишлаб чиқиш бўйича ўз фаолиятини улар билан мувофиқлаштиради.

II. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш

7. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳалари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (кейинги ўринларда манфаатдор ташкилотлар деб аталади) таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун таклифларни тайёрлашда амалдаги қонун ҳужжатларига фақат ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекланиб қолмай, қонун ҳужжатларининг мустақил ва яхлит лойиҳаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилади.

8. Келгуси йилга қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасига киритиш учун қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар манфаатдор ташкилотлар томонидан уларнинг биринчи раҳбарлари имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жорий йилнинг 1 октябригача тақдим этилади.

9. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифлар ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этилиши ва қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

қонун ҳужжати лойиҳасининг уни қабул қилиш зарурлигини асослайдиган ва кутилаётган натижаларни ўз ичига оладиган муфассал концепцияси баён қилинган, шунингдек унга таҳлилий материаллар илова қилинган қонун ҳужжати лойиҳасига тушунтириш хати;

қонун ҳужжати лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан ўзгартирилиши, тўлдирилиши, ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатлар рўйхати;

қонун ҳужжати лойиҳасининг халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқлиги, етакчи хорижий мамлакатларда тегишли ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солишнинг мавжуд тажрибаси, шунингдек унинг амалга оширилишини таъминлайдиган механизмлар;

қонун ҳужжати лойиҳаси тайёрланиши учун масъул бўлган манфаатдор ташкилотлар рўйхати;

қонун ҳужжати лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддати ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишнинг тахминий муддати.

10. Манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларини шакллантириш бўйича таклифларнинг сифати, асосланганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ўз вақтида киритилиши учун шахсан жавоб берадилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатлари лойиҳаларини қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш бўйича манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини тизимли, пухта ва танқидий кўриб чиқади, ишлаб чиқиш таклиф этилаётган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини,

айниқса, уларнинг асосланганлиги ва долзарблигини, шунингдек уларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқлигини ўрганади.

Таклифларни ўрганиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун ҳужжатлари лойиҳалари ушбу Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасига киритиш учун қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни манфаатдор ташкилотларга қайтариш;

қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича қўшимча таҳлилий материалларни сўраб олиш, шунингдек қонун ҳужжатлари лойиҳаларини қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳаларига киритиш учун чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ва етарлича асосни ишлаб чиқиш учун манфаатдор ташкилотларнинг ходимларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

12. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасида, қоидага кўра, қуйидаги гуруҳлар бўйича жойлаштирилади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари;

мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда манфаатдор ташкилотларнинг ташаббуси ва таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасини тайёрлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилишининг қонунчилик асосларини, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, таълим

ва илмий муассасалар, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

14. Келгуси йилга қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури лойиҳаси манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда киритилади.

15. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизмати билан келишилади.

16. Қабул қилинган қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, шунингдек манфаатдор ташкилотларга юборилади.

17. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек ушбу Низом талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг таклифларига кўра амалга оширилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлари унинг ўз ташаббусига кўра ёки манфаатдор ташкилотларнинг ушбу Низомга мувофиқ тақдим этилган таклифларини кўриб чиқиш якунлари бўйича киритилади.

III. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларини тайёрлаш ва ижро этиш жараёни мониторинги

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури лойиҳасига киритиш учун таклифларни тайёрлашда, унга киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва киритишда манфаатдор ташкилотлар ишининг амалда мувофиқлаштирилишини таъминлайди, шунингдек методик раҳбарликни амалга оширади;

манфаатдор ташкилотлар иштирокида қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритиш учун таклифларни тайёрлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва келишиш, шунингдек улар бажарилиши мониторинги масалалари бўйича тизимли асосда семинарлар ўтказади;

қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши устидан самарали ва тизимли мониторингни амалга оширади, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритишда манфаатдор ташкилотларга зарур ёрдам беради;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатлари лойиҳалари ўз вақтида киритилмаслигини сабаблари ва шартлари, уларнинг паст сифати кўрсатилган, шунингдек қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ва киритишни таъминлаш бўйича таклифлар билдирилган ҳолда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши тўғрисида ахборот киритади.

20. Манфаатдор ташкилотларнинг раҳбарлари тайёрланадиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг сифати, асосланганлиги ва ўз вақтида тайёрланиши, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламенти билан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши учун шахсан жавоб берадилар.

21. Қонун ҳужжати лойиҳаси тайёрланиши учун масъул бўлган манфаатдор ташкилот:

қонун ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқилишини ташкил этади, ҳамижрочилар ишини мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этади;

қонун ҳужжати лойиҳаси билан тартибга солинадиган предмет ва уни қўллаш амалиёти доирасида қонунчиликни ўрганади;

муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган бўшлиқлар ва номувофиқликларни, шунингдек ушбу ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини белгилайди;

қонун ҳужжати лойиҳасини қабул қилиш натижасида қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган сабаблар ва шартларни ўрганади;

етакчи хорижий мамлакатларда тегишли ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ўрганади;

тайёрланган қонун ҳужжати лойиҳасининг белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди;

ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларининг тегишли бандлари бажарилиши, шунингдек қонун ҳужжатлари кучга киргунга қадар улар лойиҳаларининг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

22. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиб, ўз ичига манфаатдор ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг сифати ва уларни ишлаб чиқишнинг белгиланган муддатларига риоя қилинишини, шунингдек уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича талабларга, халқаро нормалар ва стандартларга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлигини баҳолашни олади.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар ойда қонун лойиҳаси ишлари дастурлари бажарилишининг боришини кўриб чиқади.

Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларида назарда тутилган муддатлардан орқада қолинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бу ҳақда манфаатдор ташкилотларни ёзма шаклда хабардор қилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши мониторингини амалга ошириш учун қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари лойиҳасини шакллантириш, шунингдек қонун лойиҳаларига доир ишлар масалалари бўйича манфаатдор ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраб олиш ва ёзма тушунтириш беришни талаб қилиш, юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича улар фаолияти мониторингини олиб бориш ҳуқуқига эга.

Сўраладиган маълумотлар ва ёзма тушунтиришлар манфаатдор ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 10 кун муддатда етказилади.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунигача Вазирлар Маҳкамасига қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари бажарилиши тўғрисида ахборот киритади.

Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш муддатлари бузилган ёки улар сифатсиз тайёрланган ҳолларда адлия вазири бу ҳақдаги масалани манфаатдор ташкилотлар раҳбарларини тегишли жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиумига кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йилнинг якунлари бўйича манфаатдор ташкилотларнинг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури лойиҳасини шакллантириш, шунингдек қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларида назарда тутилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича фаолияти натижаларини умумлаштиради ва баҳолайди.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек президиумларида манфаатдор ташкилотлар раҳбарларининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларига киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш тўғрисидаги ҳисоботлари тизимли асосда эшитилиши мумкин.

IV. Якунловчи қоида

28. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 37–38-сон, 389-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 сентябрда 1856-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди]

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 304-сонли қарорини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев):

ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни 10 кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритишга доир фаолиятини мувофиқлаштиришни ва назорат қилишни, шунингдек уларга тегишли методик ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 30 декабрдаги 178-мҳ-сонли «Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруғи (2000 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 1000 – Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 24-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

5. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири **Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 10 сентябрь,
195-мҳ-сон

Адлия вазирининг
2008 йил 10 сентябрдаги
195-мҳ-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сонли «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 47-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби ўз ичига ушбу ҳужжатларни марказлаштирилган тартибда йиғиш, ҳисобга олиш, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори (рўйхат рақами 2333, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8–9-сон, 98-модда) асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга код бериш, тизимлаштирилган картотека юритиш, улар фондларининг назорат ҳолати ҳамда бундай ҳужжатлар тўғрисидаги марказлаштирилган ахборотни барпо этиш ва сақлаб туришни қамраб олади.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 5-сон, 64-модда)

2. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) амалга оширади.

II. Давлат ҳисоби юритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби юритилиши керак:

а) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; *(3-бандниng «в» кичик банди Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 5-сон, 64-модда)*

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

д) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

е) Қорақалпоғистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий ёки вақтинчалик) ва уларда мавжуд бўлган маълумотлар хусусиятидан қатъи назар, давлат ҳисобига олиниши керак, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳужжатлар бундан мустасно.

5. Қуйидагилар давлат ҳисобига олинмайди:

а) «Махфий» ва «Ўта махфий» белгиси қўйилган ҳужжатлар;

б) якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимдан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркибини тасдиқлаш, орден ва медаллар билан мукофотлаш, фахрий ва ҳарбий унвонлар бериш, муайян шахсларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги ва бошқа шу кабилар);

муайян корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларга ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатлар;

тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар);

в) лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

г) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ҳамда янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган, шу жумладан, бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар;

д) техник ҳужжатлар, агар улар ўз ичига ҳуқуқий нормаларни олмаса;

е) тавсия тусидаги ҳужжатлар;

ж) сессия, йиғилиш, конференцияларни чақириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

з) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳужжатлар;

и) умумий мажбурий тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 5-сон, 64-модда)

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар белгиларига фақат қисман мувофиқ келадиган ҳужжатлар ўзининг қолган қисмида давлат ҳисобига олиниши керак.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисоби учун юбориш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ, мазкур Низомнинг 3-банди «а», «б», «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари уларни қабул қилган органлар томонидан Адлия вазирлигига қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида қоғоз ва электрон шаклларда юборилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон шакли Адлия вазирлигига электрон почта тизими орқали юборилади.

Мазкур Низомнинг 3-банди «д» кичик бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари қоғоз ва электрон шаклларда Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилади.

Мазкур Низомнинг 3-банди «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига (кейинги ўринларда матнда адлия бошқармалари деб юритилади) уларни қабул қилган органлар томонидан қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида қоғоз ва электрон шаклларда юборилади.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига муҳрланган ҳолда давлат тилида оқ-қора кўринишда юборилади, шунингдек бир вақтнинг ўзида рус тилида ҳам тақдим этилиши мумкин.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш ва уларнинг фондларини юритиш тартиби

9. Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби реестрларини (кейинги ўринларда матнда реестрлар деб юритилади) иловага мувофиқ юритади.

Адлия вазирлигига ва адлия бошқармаларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни реестрларга киритиш билан давлат ҳисобига олинади.

Адлия бошқармалари ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-кунигача, давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида реестрдан кўчирма шаклида олинган қоғоз ва электрон шакллардаги маълумотларни Адлия вазирлигига жўнатади.

10. Илгари давлат ҳисобига олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ реестрга киритилади.

11. Реестрга киритилган тузатишлар, ўзгартишлар ва қўшимчалар бунга ваколатли шахслар имзоси билан тасдиқланади.

12. Реестрга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реестрдаги тартиб рақами;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни реестрга киритиш санаси;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган(лар);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш санаси ва унинг рақами (вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун уларнинг Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган рақами ва санаси);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрларда эълон қилиниши тўғрисидаги маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича коди;

бошқа маълумотлар (изоҳ).

(12-банднинг ўн учинчи – ўн олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 5-сон, 64-модда)

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари хронологик тартибда тизимлаштирилади ва махсус йиғмажилдлар ҳамда маълумотларнинг электрон базаларида сақланади.

14. Реестрлар Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсининг таркибий қисми бўлиб, ундаги давлат ҳисобига олиш учун келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари эса расмий ҳисобланади.

15. Реестрлар қоғоз, электрон шаклларда юритилади ва Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг расмий сайтларида эълон қилинади.

16. Давлат ҳисобига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Адлия вазирлигида ва адлия бошқармаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фондлари ташкил этилади.

17. Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фондларга ўз вақтида киритилишини ва тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан уларни назорат ҳолатида ушлаб туришни таъминлайди.

V. Реестрлардаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш тартиби

18. Барча юридик ва жисмоний шахслар реестрларда жойлаштирилган маълумотлардан ёзма мурожаатлар асосида ёки Адлия вазирлигининг расмий сайтидан ахборот олишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

19. Реестрлардан маълумот тақдим этиш аризачининг ёзма мурожаати асосида тегишлича Адлия вазирлиги ва адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

20. Реестрларда маълумот олиш учун ёзма мурожаатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қидириш учун керакли бўлган маълумотлар кўрсатилиши лозим.

VI. Якуний қоида

21. Реестрлар ва фондларнинг сақланиши, ишончлилиги учун жавобгарлик Адлия вазирлиги ва адлия бошқармаларининг мансабдор шахслари зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикасининг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг
давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ҳисоби РЕЕСТРИ

Т/р	НҲҲ* реестрга киритиш санаси	НҲҲ тури	НҲҲ қабул қилган орган (лар)	НҲҲ номи	НҲҲ қабул қилиш санаси ва унинг рақами**	НҲҲ кучга кириш санаси ва амал қилиш муддати	НҲҲ расмий (нашр рақами, санаси) эълон қилиниши	НҲҲ ўзгартиш, қўшимчалар киритиш ва ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида маълумотлар	ҚТУК бўйича коди***	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

* НҲҲ – норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

** Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами.

*** Ушбу устун фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тўлдирилади.

(Илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 январдаги 28-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 5-сон, 64-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ, МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА КИРИТИШ УЧУН МАЪЛУМОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 48-сон, 497-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2285]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46–47-сон, 472-модда) асосан **буюраман:**

1. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М. Ишбеков) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 30 ноябрь,
255-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2011 йил 30 ноябрдаги
255-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35–36-сон, 355-модда) ва 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 46–47-сон, 472-модда) қарорларига асосан юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан давлат бошқаруви ва маҳал-

лий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) юридик хизматлари ходимларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) томонидан юритилади.

2. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва уни марказлаштирилган тартибда юритиш ташкилотларнинг юридик хизматлари ва уларнинг ходимлари ҳисобга олинишини ва улар тўғрисидаги ахборотнинг тизимлаштирилишини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

3. Вазирлик ва ҳудудий адлия органлари юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкилотлардан уларнинг юридик хизмати фаолиятига доир тегишли ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

II. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш

4. Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида Вазирликда юридик хизматларининг маълумотлар йиғма базаси, ҳудудий адлия органларида юридик хизматларининг маълумотлар ҳудудий базаси тузилади.

5. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш Вазирлик ва ҳудудий адлия органларининг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссияларининг ишчи органлари томонидан амалга оширилади.

6. Юридик хизматларининг маълумотлар базалари давлат тилида, электрон кўринишда юритилади.

7. Юридик хизматларининг маълумотлар базалари йилнинг ҳар чорагида ташкилотлардан мазкур Низомнинг 3-бандига мувофиқ олинган маълумотлар асосида қайта кўриб чиқилиши ва янгиланиши лозим.

8. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини шакллантириш учун Вазирлик давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан, ҳудудий адлия органлари давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларидан ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 1-санасига қадар мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ маълумотларни олади ва тегишли равишда юридик хизматлар маълумотлари базасига киритади.

9. Ҳудудий адлия органлари юридик хизматларининг маълумотлар ҳудудий базасига киритилган маълумотларни ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 5-санасига қадар юридик хизматларининг маълумотлар йиғма базасига киритиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклда ва электрон кўринишда Вазирликка тақдим этади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳар чорак тугагандан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликка юридик хизмат ходимларининг йиғма базасига киритиш учун ташкилотларнинг юридик хизматларининг малака оширишдан ўтган ходимлари тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда ва электрон кўринишда тақдим этади.

III. Якуний қоидалар

11. Юридик хизматларининг маълумотлар базаларини тўғри юритилиши учун жавобгарлик Вазирлик ва ҳудудий адлия органларининг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссияларининг ишчи органлари зиммасига юклатилади.

12. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат Вазирликнинг юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиясининг ишчи органига юклатилади.

Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Юридик хизматлар ходимлари ҳақида МАЪЛУМОТ

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Тамомлаган ўқув юрти ва вақти	Иш жойи кўрсатилган ҳолда лавозими	Иш жойи манзили	Хизмат телефони	Эгаллаб турган лавозимга қабул қилинган вақти	Юридик мутахассислик бўйича иш стажи	Юристлар малакасини ошириш марказида малакасини оширган вақти	Аттестациядан ўтган вақти (гувоҳнома серияси ва рақами)	Аттестациядан ўтмаганлик сабаблари
1.											
2.											

Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида малака оширишдан ўтган юридик хизматлар ходимлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи	Лавозими	Малака оширган вақти	Малака оширганлиги тўғрисида берилган сертификат серияси ва рақами
1.						
2.						

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ТАРҚАТИШ, ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ ЭЛЕКТРОН БАЗАЛАРИ ЯРАТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 50-сон, 520-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2290]

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 йил, 8-сон, 47-модда)га мувофиқ **буюраман:**

(муқаддима Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
264-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2011 йил 12 декабрдаги
264-мҳ-сонли буйруғига
ИЛОВА

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 8-сон, 47-модда) мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, шунингдек қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари (қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари) яратиш тартибини белгилайди.

(Муқаддима Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

I. Умумий қоидалар

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий вебсайтларида уларни эълон қилиш йўли билан тарқатилади, махфий тусга эга бўлган ёки эълон қилинмайдиган ҳужжатлар матнлари бундан мустасно.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 июлдаги 199-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 31-сон, 394-модда)

2. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 29-моддасига мувофиқ қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари ҳисобланади: *(2-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)*

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси»;

«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»;

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами»;

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг расмий нашрлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»ни расмий нашр этилишини ташкил этади.

(3-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи билан чиқарилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

3^1. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъсис этилган таъсис ҳужжатларида уларда кўрсатиб ўтилган органлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расман эълон қилиш назарда тутилган оммавий ахборот воситалари уларнинг расмий нашрлари ҳисобланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилингунга қадар ўзларининг расмий нашрларида эълон қилган тақдирда бу ҳақда эълон қилинган кундан кечикмай, расмий нашр реквизитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қиладилар.

(3¹-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

4. Ушбу Қоидаларнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари ва нашрлар расмий нашрлар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами» қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари ҳисобланади.

Ушбу Қоидаларнинг 2 ва 3-бандларида назарда тутилмаган нашрлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг норасмий манбалари ҳисобланади (норасмий нашрлар).

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий нашрларда эълон қилиш ва тарқатиш

5. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари давлат тилида, талабни ҳисобга олган ҳолда бошқа тилларда ҳам нашр этилади.

6. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларига янгидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари киритилади.

Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил хронологик тартибда, тегишли тартиб рақамлари бўлган моддаларга жойлаштирилади. *(6-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)*

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловалар ҳам ҳужжатлар жойлаштирилган моддаларга жойлаштирилади.

Агар, қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисми эълон қилинаётган бўлса, ҳужжат номидан кейин «Кўчирма» деган ёзув киритилади.

7. Расмий нашрларда эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан расман юборилган (расмий тарқатма) норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнига мувофиқ бўлиши керак.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

8. Қонун ҳужжатларининг расмий нашрларида эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий тарқатма орқали жўнатилган матнига ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилинган матнига мувофиқлиги матнни босма маҳсулотни эълон қилиш талабларига мувофиқ ўқиш, корректурасини текшириш йўли билан таъминланади.

9. Ҳажми катта бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матни расмий даврий нашрларга киритилмаслиги мумкин. Бунда улар расмий даврий нашрларга илова кўринишида ёки уларни қабул қилган органлар томонидан алоҳида нашр шаклида эълон қилиниши керак.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

10. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаси «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», бошқа қонун ҳужжатлари тўпламлари, кодексларни расмий нашр қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

11. Кодекслар, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда улар нашр қилинаётган санага мос равишда назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим.

Титул варағида эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қайси санагача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги кўрсатилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларида эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари ва расмий манбалари қуйидаги тартибда кўрсатилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги таҳрирда берилаётган бўлса, унинг номи ва реквизитларидан кейин курсив билан қайси ҳужжатга асосан янги таҳрирда берилаётганлиги кўрсатилади;

агар қонуннинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бўлими, кичик бўлими, банди янги таҳрирда берилаётган бўлса ёхуд

уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, модда (банд) охирида янги хатбошида, қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан улар янги таҳрирда берилаётганлиги ёхуд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганлиги курсивда кўрсатилади;

агар қонун моддасининг қисми, банди, хатбошиси ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат бандининг хатбошиси янги таҳрирда берилаётган бўлса ёхуд уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, қисм, банд, кичик банд, хатбоши охирида қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатга асосан ушбу норма янги таҳрирда берилаётгани ёхуд унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани курсивда кўрсатилади.

12. Қонун ҳужжатлари тўпламларига ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига тегишли бўлган ёхуд у ёки бу ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари киритилади.

Қонун ҳужжатлари тўпламларига ушбу тўплам мавзусига мос бўлган қонун ҳужжатлари тўлалигича ёхуд уларнинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси, банди ва ҳ. к. киритилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси, эълон қилинган расмий манбаси тўлиқ кўрсатилади. Агар тўпламда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бир қисмидан фойдаланилган бўлса, номидан сўнг «Кўчирма» деган ёзув киритилади.

III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилиш ва тарқатиш

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилиш барча давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий босма нашрларда эълон қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

15. Норасмий нашрларда эълон қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида кўрсатилган барча реквизит-

лар (имзодан ташқари), шунингдек уларни эълон қилишнинг расмий манбалари кўрсатилган бўлиши керак.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнларидан фойдаланилади.

17. Кодекслар, қонун ҳужжатлари тўпламларини норасмий нашр қилишда, ушбу Қоидаларнинг 11 ва 12-бандларида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниши лозим.

18. Норасмий нашрларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг норасмий таржимаси эълон қилиниши мумкин. Бунда мазкур таржималар норасмий таржима эканлиги ҳақидаги белгига эга бўлиши лозим.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатиш

19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари, шу жумладан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси орқали тарқатилиши мумкин.

20. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга, фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг, расмий нашрларда эълон қилинган барча реквизитлари (имзодан ташқари) кўрсатилган ҳолда йўл қўйилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий нашрдаги матни сўзма-сўз такрорланиши ва уларнинг назорат ҳолати таъминланмоғи лозим.

21. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий веб-сайтга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай жойлаштирилиши керак.

(21-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

22. Қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матнига қўшилган норасмий шарҳлар ва бошқа тушунтирувчи маълумотлар, ўзининг баён қилиниш усули бўйича (шрифти, ранги ва ҳ. к.) фарқланиши лозим.

23. Қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш билан шуғулланувчи шахслар, ўз маҳсулотини реализация қилишда эълон қилинаётган ҳужжатларнинг назорат ҳолати қайси санагача таъминланганлигини кўрсатишлари лозим.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган давлат ягона электрон базаси ҳисобланган Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (кейинги ўринларда – ҚҲММБ)ни юритиш ташкил этилади.

25. Ўзбекистон Республикаси ҚҲММБга:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари матнлари киритилади.

ҚҲММБга судларнинг қарорлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар матнлари ҳам киритилиши мумкин.

(25-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

26. Қонун ҳужжатларини кейинчалик ҚҲММБга киритиш учун ишлов бериш тартиби Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан тасдиқланадиган норматив ҳужжатларни ҚҲММБга киритиш учун ишлов бериш тўғрисидаги йўриқнома билан белгиланади.

27. ҚҲММБдан фойдаланиш Интернет тармоғи орқали текин амалга оширилади.

28. ҚҲММБдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори, қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси ва алифбо-предметли кўрсаткич ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитларига кўра туркумланади.

(28-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 12-бандига мувофиқ, ҚҲММБда қўлланган қонунчилик классификацияси Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қонун ҳужжатларини туркумлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификаторини тижорат мақсадлари учун маълумотларнинг туркумланган базасида қўллашда эталон ҳисобланади.

30. ҚҲММБ ҳужжатларнинг келишига ва ишлов берилишига қараб, бироқ унинг расман эълон қилинганидан бошлаб бир ҳафтадан кечикмасдан янгиланади.

31. ҚҲММБни шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш, белгиланган тартибда электрон маълумотлар базасига улашни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилади.

V. Якуний қоидалар

32. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмий нашрларда эълон қилишда унинг матнида норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий тарқатмасига таққослаганда хатоларга, матбаа хатосига, бошқа ноаниқларга йўл қўйилган тақдирда, улар аниқлангандан кейин нашрнинг энг яқиндаги сонида тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг расмий нашрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа

хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган тақдирда ношир томонидан улар аниқланган кундан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар норасмий нашрларда (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, ношир томонидан улар аниқланган кундан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) ёки норасмий нашрнинг навбатдаги сонини эълон қилишда (чиқаришда) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар қонунчилик маълумотлари электрон базаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган тақдирда, улар дарҳол бартараф этилиши керак.

(32-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 18 февралдаги 38-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 8-сон, 83-модда)

33. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

34. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори **Б. АЛИМОВ**

2011 йил 12 декабрь

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори **Х. МУХИТДИНОВ**

2011 йил 12 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТУРКУМЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 7-сон, 72-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиш ва қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификатори асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кодлар бериш ҳамда қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш картотекасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 14 июндаги 112-мҳ-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1689, 2007 йил 14 июнь) (Ўзбе-

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 256-модда);

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 3 октябрдаги 226-мҳ-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1689-1, 2011 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 436-модда).

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

6. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази (Ш. Яминов) билан биргаликда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борсин.

7. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклатилсин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 14 февраль,
39-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2012 йил 14 февралдаги
39-мҳ-сонли буйруғига
ИЛОВА

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида (кейинги ўринларда матнда давлат бошқаруви органлари деб юритилади), шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Бошқа органларга қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишда мазкур Қоидалар талабларидан фойдаланиш тавсия этилади. *(Иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 январдаги 23-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 3-сон, 38-модда)*

I. Умумий қоидалар

1. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш – уларни марказлаштирилган тартибда йиғиш, мазкур Қоидаларнинг 1-иловасидаги Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини ҳисобга олиш журналида (кейинги ўринларда матнда Журнал деб юритилади) ҳисобга олиш ҳамда назорат нусхаларини олиб боришдан иборат.

2. Давлат бошқаруви органларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бевосита тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қуйидаги соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади:

давлат рамзлари, пойтахт, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар;

маъмурий-ҳудудий тузилиш;

референдумлар, сайлов тизими;

ёшларга доир сиёсат;

маҳаллий давлат ҳокимияти;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

қонунчилик ташаббуси, норма ижодкорлиги фаолияти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари; *(3-бандниng тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 январдаги 23-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 3-сон, 38-модда)*

никоҳ ва оила, фуқаролик ҳолати далолатномалари;

меҳнат, аҳоли бандлиги, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот;

соғлиқни сақлаш, санитарияга оид қонун ҳужжатлари;

таълим;

уй-жой қонунчилиги, коммунал хизмат;

атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

қишлоқ хўжалиги;

савдо ва хизмат кўрсатиш, транспорт, йўл хўжалиги;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар;

давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар;

бухгалтерия ҳисоби;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

терроризм ва диний экстремизм билан кураш;

фуқаролик муҳофазаси.

4. Мазкур Қоидаларнинг 3-бандида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари:

туман (шаҳар) ҳокимликларида – туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади;

вилоят ҳокимликларида – вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.

5. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли давлат органи раҳбарининг қарорига мувофиқ, мазкур Қоидаларнинг 2–4-бандларида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча равишда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам туркумлаштирилган ҳисобини юритишлари мумкин.

6. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш вазифаси юридик хизмат ходимига (юрисконсультга) юклатилади. Унинг йўқлигида ушбу вазифа давлат бошқаруви органи ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи раҳбари томонидан бошқа шахсга юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификатори асосида барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кодлар бериш ҳамда қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш картотекасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширилади.

II. Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини журналда ҳисобга олиш

7. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш мақсадида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашри (кейинги ўринларда – расмий нашрлар) тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 6-бандида кўрсатилган ходимлар томонидан Журналга киритилади.

8. Журналга расмий нашр тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

тартиб рақами;

рўйхатга олиш санаси;

расмий нашрнинг номи;

расмий нашрнинг чоп этилган йили;

расмий нашрнинг сони;

расмий нашрнинг баҳоси;

изоҳ.

III. Қонун ҳужжатларининг назорат нусхаларини олиб бориш

9. Қонун ҳужжатининг назорат нусхаси бўлиб, шу ҳужжатга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги маълумотлар киритилган нусхаси ҳисобланади.

10. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бўлими, кичик бўлими, боби, параграфи, моддаси, қисми, банди, кичик банди, хатбошиси (кейинги ўринларда матнда тузилмавий бирликлари деб юритилади) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганда ёки янги таҳрирда қабул қилинганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг назорат нусхасиға ушбу ҳужжат номининг ёки тегишли тузилмавий бирликларининг чап томонига «х» белгиси қўйилади, матн эгри чизиқ билан ўчирилади ҳамда шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (2-илова).

11. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилмавий бирликларининг алоҳида жумлалари, сўзлари, рақамлари алмаштирилганда ёки чиқариб ташланганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхасидаги тегишли жумлалар, сўзлар ва рақамлар «⌊___» (алмаштирилганда) ёки «⌐___» (чиқариб ташланганда) шаклидаги горизонтал тўғри чизиқ билан ўчирилади ҳамда шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (3-илова).

12. Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимчалар киритилганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхасининг тегишли тузилмавий бирликларига « ⊥ » белгиси қўйилади, шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув ҳамда сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами ва эълон қилинган манбаси акс эттирилади (4-илова).

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки унинг тузилмавий бирликларининг амал қилиш муддати узайтирилганда, ёхуд амал қилиши тўхтатиб турилганда, сўнгги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормага мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат назорат нусхаси тегишли тузилмавий бирликларининг чап томонига «х» белгиси қўйилади, шу норманинг мазмунини ёритувчи ёзув, сўнгги ҳужжатнинг тури, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган манбаси ҳамда ҳужжатнинг амал қилиши узайтирилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги муддати акс эттирилади (5-илова).

14. Назорат нусхалардаги ёзувлар фақат ҳаво рангдаги шарикли ручка билан тушунарли ёзувда киритилиши керак. Агар ёзув бутун ҳужжатга тааллуқли бўлса, белги норматив-ҳуқуқий ҳужжат номининг чап томонига қўйилади. Агарда ёзув норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирликларига тааллуқли бўлса у ҳолда белги тегишли тузилмавий бирликларнинг чап томонига қўйилади.

15. Давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхалари улар қабул қилинган тилларда юритилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назорат нусхаларига ўзгартиш ва қўшимчалар акс эттирилган матн ёпиштирилади (норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган ёхуд алоҳида рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар ва позициялар чиқариб ташланган, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги таҳрирда қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно). *(15-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 21 январдаги 23-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 3-сон, 38-модда)*

IV. Қонун ҳужжатларини сақлаш

16. Расмий нашрлар қатъий ҳисобга олиниши, сақланиши ва ҳар 5 йилда камида бир марта хатловдан (инвентаризациядан) ўтказилиши зарур.

Расмий нашрлар йил бўйича хронологик тартибда йиғилади ва муқоваланади.

Расмий нашрлар ҳар бир нусхасининг биринчи ва ўн еттинчи саҳифаларига тамға (штамп) ва инвентарь рақами қўйилади.

17. Расмий нашрлар ушбу Қоидаларнинг 6-бандида кўрсатилган ходимлар томонидан сақланади. Бу ходимлар моддий жавобгар шахс ҳисобланади ва улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Юқорида кўрсатилган ходимлар ўзгарганда қонун ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида топширилади.

V. Якуний қоидалар

18. Ушбу Қоидаларнинг бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сон «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан фойдаланилиши юзасидан доимий равишда мониторинг олиб боради.

20. Мазкур Қоидалар талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий
давлат ҳокимияти органларида қонун
ҳужжатларининг туркумлаштирилган
ҳисобини юритиш қоидаларига
1-ИЛОВА

Қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларини ҳисобга олиш ЖУРНАЛИ

Т/р	Рўйхатга олиш санаси	Расмий даврий нашрнинг номи	Расмий даврий нашрнинг чоп этилган йили	Расмий даврий нашрнинг сони	Расмий даврий нашрнинг баҳоси	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7
1.	11.12.2011 й.	ЎзР ҚҲТ	2011	2	12000	49-сони
2.						
3.						
...						

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Намуна

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
20.09.2003 й. 407-сон

х) ШАКАР ХОМ АШЁСИ ХАРИД ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хоразм шакар заводининг эҳтиёжлари учун шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Шакар хом ашёси етказиб берувчини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Шакар хом ашёси етказиб берувчини аниқлаш бўйича махсус гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 7-модда) ва «Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 1 февралдаги 44-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2002 йил 19 июндаги 217-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 33-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ў. СУЛТОНОВ**

х) ЎзР ВМнинг 2004 йил 22 декабрдаги 599-сон қарори билан ўз кучини йўқотди (ЎзР ҚҲТ 2004 й., 51-сон, 518-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

х) 95-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Олий Мажлис тарқатиб юборилиши мумкин. Олий Мажлис тарқатилгандан сўнг унга янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Олий Мажлис фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

х) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги 470-II-сон Қонуни таҳририда (ЎзР ОМ Ахб., 2003 й., 3-4-сон, 27-модда)

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
3-ИЛОВА

Намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ

14-модда. Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар

Жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ~~ва ўлим жазоси~~ ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ-99-сонли Қонуни билан сўзлар алмашди (ЎзР ОМП Ахб, 2007 й., 6-сон, 248-модда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

73-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш

г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, ~~гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни~~ контрабанда қилиш ~~шунингдек гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш~~ учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги ЎРҚ–99-сонли Қонуни билан сўзлар чиқарилди (ЎзР ОМП Ахб, 2007 й., 6-сон, 248-модда)

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Намуна

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

⊥)

⊥) *Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–277-сонли Қонунига мувофиқ 8-банд билан тўлдирилди (ЎзР ҚҲТ, 2010 й., 52-сон, 509-модда)*

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига
5-ИЛОВА

Намуна

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
31.03.1997 й. ПФ–1741-сон

ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

[Кўчирма]

х) 2. 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида, рўйхатдан ўтган хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хонадон шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг мазкур турлардаги буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар.

Ушбу рўйхатдаги буюмлар республикадан ташқарига сотилиши чоғида улардан олинадиган бож ҳақи бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

х) *ЎзР Президентининг 2002 йил 2 январдаги ПФ-3020-сон Фармони билан имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди (ЎзР ОМ Ахб., 2002 й., 1-сон, 33-модда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА КИРИТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ЮРИДИК-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 15-сон, 173-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352]

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2005 й., 2-сон, 8-модда) мувофиқ ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

(муқаддима Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

1. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (О. Ҳакимов) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Жиноий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси (Н. Тойчиев), Иқтисодий қонунчилик бошқармаси (А. Шодибоев) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 9 апрель,
83-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг
2012 йил 9 апрелдаги
83-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й., 12-сон, 333-модда), «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 537-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси Регламентига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси Регламенти деб юритилади) мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб юритилади) тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари лойиҳаларини тайёр-

лаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга ҳам татбиқ этилади, ушбу Услубий кўрсатмаларнинг 30 ва 34-бандлари бундан мустасно.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

2. Қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги 237–II, 150–II-сон қўшма қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 1-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

II боб. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига лойиҳаларни киритиш ваколатига эга бўлган органлар

3. Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан (кейинги ўринларда ишлаб чиқувчилар деб юритилади) киритилиши мумкин.

Бир нечта ишлаб чиқувчилар томонидан биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳалар лойиҳани ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиққан ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари томонидан киритилади.

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш, шунингдек улар бажарилиши мониторинги дастурлари (кейинги ўринларда қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури деб юритилади), Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ижроси юзасидан бир нечта ишлаб чиқувчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа топшириқда биринчи бўлиб кўрсатилган ишлаб чиқувчи томонидан киритилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бўйсунувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу ташкилотларнинг юқори турувчи органлари томонидан киритилади. Туман (шаҳар) ҳокимлари, шунингдек мустақил ташкилотлар (бевосита уларнинг фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича) томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан киритилади.

III боб. Лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш

5. Ишлаб чиқувчилар лойиҳаларни қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан, шунингдек ўз ташаббуслари билан тайёрлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритадилар.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасига мувофиқ лойиҳани тайёрлашда лойиҳани ишлаб чиқувчи орган:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади. *(6-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

7. Лойиҳани ишлаб чиқувчи орган, ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг турини белгилаши лозим. Бунда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган орган ваколати ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 8, 10 ва 11-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 138-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисида»ги фармойиши талабларига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлган ёки муҳим аҳамият касб этувчи ҳужжатлари лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари кўринишида тайёрланади, тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари лойиҳалари кўринишида тайёрланади. *(7-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 июндаги 172-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 27-сон, 332-модда)*

8. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида унинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзаро нисбати ўрганилади. Ишлаб чиқилаётган лойиҳа бир хил юридик кучга эга бўлган бошқа

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки уларнинг қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни ёхуд уларни ёки уларнинг қисмларини ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этган тақдирда, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилаётган лойиҳага киритилади ёки сони анча кўп бўлган тақдирда у билан айни бир вақтда алоҳида лойиҳа кўринишида киритилади. Бунда, тегишли таққослаш жадвали ҳам тайёрланади.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

9. Лойиҳани тайёрлаш бевосита ишлаб чиқувчи томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқувчининг қарорига кўра ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳнинг (комиссия) таркибига ишлаб чиқувчининг тегишли таркибий бўлинмалари, вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идораларнинг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлари, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига уларнинг розилиги билан киритилади. *(9-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Лойиҳани тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳнинг таркибига киритилаётган шахслар лойиҳа тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлишлари лозим.

10. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан ишлаб чиқилаётган лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан фаолияти у ёки бу жиҳатдан боғлиқ бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари ишлаб чиқувчининг мурожаати бўйича лойиҳани тайёрлашда ўзининг мутасадди вакили иштирокини таъминлаши шарт.

Ишлаб чиқувчи лойиҳани тайёрлашда белгиланган тартибда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларни, шунингдек мустақил экспертларни жалб қилишга ҳақли.

11. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи орган, зарур ҳолларда, лойиҳани тайёрлашни давлат органларига, илмий ва бошқа ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида топширишга ёки уларга шартнома асосида буюртма беришга ҳақлидир.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

12. Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурлари ва режалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижроси юзасидан тайёрланаётган лойиҳалар, қоида тариқасида, ушбу топшириқлар доирасида амалга оширилиши лозим.

13. Лойиҳа тайёрланишини ташкил қилиш учун ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани тайёрлаш ва киритиш бўйича иш режаси тасдиқланади.

Иш режасида лойиҳани тайёрлаш босқичлари, лойиҳани тайёрлаш ва киритиш муддатлари, ишчи гуруҳи (комиссия) ташкил этилганда ишчи гуруҳи (комиссия) аъзоларининг функциялари белгиланади.

14. Ишчи гуруҳи (комиссия) фаолиятини таъминлаш учун ишлаб чиқувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар, статистик ва бошқа маълумотларни олишга, лойиҳа юзасидан илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ҳамда тавсияларини, шунингдек экспертлар хулосаларини олишга ҳақли.

(14-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

15. Ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссия) қонуннинг концепциясини тайёрлаш учун тадқиқотлар олиб боради. Ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссия) тадқиқотларни олиб боришда:

лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предметига тааллуқли бўлган статистик, таҳлилий, ахборот материалларни тўплайди;

лойиҳа предмети билан ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек бошқа муносабатларни худди шундай тартибга солишни белгиловчи қонунчиликни ўрганади;

фаолияти лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан у ёки бу жиҳатдан боғлиқ бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фикрини сўрайди;

халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидалари ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвал тайёрлайди;

зарурат бўлганда лойиҳанинг предметига тааллуқли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги бўйича жамоатчилик фикрини, шунингдек илмий муассасаларнинг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг лойиҳа предмети ҳақидаги фикрларини ўрганади ва натижалари бўйича маълумотнома, жадваллар, диаграммалар ва бошқа ахборот материаллари тайёрлайди. *(15-бандниng бешинчи ва олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

16. Тадқиқотлар натижаси бўйича ишлаб чиқувчи, ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан қонуннинг концепцияси, шунингдек зарурат бўлганда маълумотномалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқа ахборот материаллари тайёрланади.

Қонуннинг концепциясини ишлаб чиқишга концепцияни тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

17. Қонун концепциясида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети;

тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг умумий тавсифи ва ҳолатига берилган баҳо;

қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти асослари;

қонун лойиҳасининг асосий қоидалари;

бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари тахмини.

Қонуннинг концепциясини ишлаб чиқувчи бошқа зарур маълумотларни кўрсатишга ҳақли.

Агар қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғида ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тайёрланган қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқувчи томонидан маъқулланади.

IV боб. Қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг матни ва тузилмасига бўлган умумий талаблар

18. Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилган бўлиши лозим. Лойиҳанинг матни турлича шарҳлаш ва талқин қилинишларга олиб келмаслиги керак. Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамашуносликдан фойдаланилган ҳолда умумэътироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

19. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган ҳолда бир хилда қўлланилади.

20. Лойиҳада қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари бундан мустасно).

21. Лойиҳада қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча ва атамалар, шунингдек техникавий ва бошқа махсус атамалардан фойдаланилганда, уларнинг таърифи берилади. Қонунчилик амалиётига мувофиқ умумқўлланиладиган тушунчаларга таъриф бериш талаб этилмайди.

22. Тушунча ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунча ёки атамани айнан шу тушунча ёки атама билан, шунингдек ўзлари таърифланишга муҳтож бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

23. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган уч ва ундан ортиқ тушунчага таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда ва лойиҳа матнининг бошида келтирилади.

24. Сўз бирикмалари бир неча маротаба қўлланилган тақдирда улар биринчи бор қайси бандда қўлланилган бўлса (кичик бандда, хатбошида), ўша бандда тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг лойиҳанинг кейинги ўринларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичида бош келишикда кўрсатилади.

25. Лойиҳада, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта такрорланмайди.

Зарур ҳолларда лойиҳада юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг айрим қоидалари мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда акс эттирилади.

(25-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

26. Лойиҳа матнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бўлган ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорлашларга йўл қўймаслик учун киритилади. *(26-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Ҳар бир ҳавола лойиҳа бўйича тайёрланаётган тушунтириш хатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг реквизитлари, унинг ҳавола қилинаётган тузилмавий бирликлари кўрсатилган ҳолда, асослантирилиши лозим.

Лойиҳада қуйи юридик кучга эга бўлган аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилинишга йўл қўйилмайди.

27. Қонунчиликда мавжуд бўлмаган юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинишга йўл қўйилмайди.

Қонунчиликда мавжуд бўлмаган қуйи юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола фақатгина ҳавола қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг маълум бир муддатда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши тайёрланаётган лойиҳада ёки қонунчиликда тегишли ишлаб чиқувчиларга топширилган тақдирдагина қилиниши мумкин. Бунда тушунтириш хатида мазкур ҳаволага бўлган зарурат тайёрланиши ва қабул қилиниши керак бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати келтирилган ҳолда батафсил асослантирилиши шарт.

28. Қонунчилик мажмуига ёки ўрнатилган тартибга ҳавола қилинган ҳолда лойиҳанинг тушунтириш хатига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

28[1]. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига янги мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларига жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган лойиҳаларда уларнинг кучга кириш муддати сифатида расман эълон қилинган кундан бошлаб уч ойдан кам бўлмаган муддат кўрсатилиши лозим.

(28[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 июндаги 172-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 27-сон, 332-модда)

29. Лойиҳанинг тузилиши лойиҳани ҳуқуқий тартибга солиш предметини мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши лозим.

Ҳажмига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат камайиб борувчи қуйидагича тузилмавий бирликларга бўлинади: бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар.

Иккинчи ва кейинги хатбошиларни бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар рим, кичик бўлимлар ва боблар эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. *(29-бандниг иккинчи – тўртинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

29[1]. Қуйидаги тузилмавий бирликларнинг киритилишига йўл қўйилмайди:

агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда боблар бўлмаса, «бўлим» бирлигини;

агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бўлимлар бўлмаса, «кичик бўлим» бирлигини;

агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда банд бўлмаса, «кичик банд» ва «хатбоши» бирликларини.

(29[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

30. Ҳар бир ишлаб чиқилаётган лойиҳа номга эга бўлиши лозим. Унинг номи қисқа, аниқ баён этилиши ва мазмунини ўзида акс эттириши лозим.

31. Лойиҳа уни қабул қилиш мақсадлари ва сабабларини тушунтиришдан иборат бўлган, лойиҳанинг бошланишида жойлаштириладиган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Лойиҳанинг муқаддимаси унинг мазмунини мантиқий ривожлантирувчи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин ва мустақил ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак. *(31-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

32. Лойиҳанинг муқаддимасида қонун ҳужжати асосида, ижроси юзасидан ёки ривожланиши бўйича тайёрланаётган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат (зарур бўлганда унинг тузилмавий бирлиги) кўрсатилади.

33. Лойиҳада ҳуқуқий нормалар араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди. *(33-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Бандлар лойиҳанинг бошидан охиригача кетма-кет рақамланади.

Лойиҳанинг ҳуқуқий нормаларини иккитали рақамлашга йўл қўйилмайди (масалан, «1.1», «5.1.1», «1.а» ва ҳ. к.). *(33-банд-*

нинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

34. Лойиҳанинг ҳар бир банди, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормага эга бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

Лойиҳанинг қарор қисмида энг муҳим бўлган ҳуқуқий нормалар киритилади.

(34-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

35. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

36. Кичик бандлар доирасимон қавс билан беркитиладиган араб рақамлари ёки кичик ҳарфлар билан белгиланади (масалан, 1), 2), 3) ёки а), б), в) ва шу кабилар). Лойиҳа қандай тилда тайёрланаётган бўлса, ҳарфлар ушбу тил алифбоси бўйича кетма-кетликда баён қилиниши лозим.

37. Кичик бандлар фақатгина хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

38. Лойиҳанинг бандида бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил (кичик банд билан боғлиқ бўлмаган) хатбошиларнинг баён этилишига йўл қўйилмайди.

(38-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

39. Лойиҳага низомлар, қоидалар, регламентлар, талаблар, турли хил рўйхатлар, жадваллар, графиклар, тарифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, ҳужжатларнинг, бланкаларнинг намуналари, шунингдек тавсиявий хусусиятдаги ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

40. Лойиҳанинг қарор қисмидаги бандлари (кичик бандлар, хатбошилар) билан мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 39-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаш ёки маъқуллаш назарда тутилган бўлса, лойиҳанинг тегишли тузилмавий бирлиги ва у томонидан тасдиқланаётган (маъқулланаётган) ҳужжатнинг номи бир-бирига мос равишда баён этилиши лозим.

41. Иловаларнинг ва улар тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нормалари бир хил юридик кучга эга.

42. Тушунчаларнинг таърифи, белгиланаётган нормаларни амалга ошириш механизмлари лойиҳанинг таркибий қисми ҳисобланувчи иловаларда, қоида тариқасида, низом ва қоидалар кўринишида баён этилади. *(42-бандниng биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатишдан иборат.

Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий нормаларни ўрнатишдан иборат.

43. Бўлимлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлим рим рақамлари билан белгиланадиган тартиб рақамига ва номига эга бўлади.

44. Тайёрланган лойиҳа грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

Лойиҳанинг матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

V боб. Қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларини расмийлаштириш

45. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

46. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ варақда баён этилган бўлса, лойиҳа ва унинг иловаларининг ҳар бир варағи алоҳида рақамланиши лозим. Бетнинг тартиб рақами варақнинг юқорисида ўртада 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

(46-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

47. Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

варақнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

«Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

қаторлараро интервал (множитель) 1.2.

48. Лойиҳанинг биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

49. Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «ярим қора» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, қарори ва фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси тури икки қаторда ифодаланади.

(49-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

50. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

Мисол:

Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(50-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

51. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида олд кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

52. Тайёрланаётган лойиҳанинг матни грамматик, пунктуацион, орфографик ва стилистик хатоларсиз баён этилиши лозим.

53. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиҳа тури кўрсатилган ҳолда ҳужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

1-мисол:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
20___ йил «___» _____ ПҚ–_____-сон
қарорига
ИЛОВА

2-мисол:

Вазирлар Маҳкамасининг
20___ йил «___» _____ ____-сон қарорига
ИЛОВА

(53-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

54. Лойиҳа иловасининг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

Мисол:

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисидаги
НИЗОМ

(54-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

VI боб. Қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг хусусиятлари

55. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа, қоида тариқасида, қуйидаги ҳолларда тайёрланади:

қонунчиликни янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларини бажариш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ижросини бажариш учун;

агар ишлаб чиқилаётган лойиҳа бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса;

лойиҳани тайёрлаш жараёнида, худди шундай муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат борлиги аниқланганда ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилмасдан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш имконияти бўлганда;

айнан бир хил масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўплигини ва аниқланган ҳуқуқий нормаларнинг зидлигини бартараф этиш учун. *(55-бандниng тўртинчи ва бешинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

56. Мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 55-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа топшириқ берилган орган томонидан тайёрланади.

57. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тенг ёки юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалга оширилади. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилмайди.

(57-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

58. Тайёрланаётган лойиҳа у билан тенг юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ёки уларнинг тузилмавий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар тайёрланаётган лойиҳага киритилади ёки у билан айни бир вақтда алоҳида лойиҳа кўринишида киритилади.

Ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари сони анча кўп бўлган тақдирда, у билан бир вақтда алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси сифатида тақдим этилади.

(58-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

59. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олган лойиҳада ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) кўринишида тайёрланади.

60. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, жумлалар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, кичик бўлимлар, бўлимлар, иловалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номларини янги таҳрирда баён қилиш.

Графа – икки вертикал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими ёки банди.

Блок – турли шаклларда (тўртбурчак, тўғри бурчак, цилиндр, овал ва ҳ. к.) функционал жиҳатдан бирлаштирилган жадвалларнинг бир қисми;

Позиция – икки горизонтал чизиқ билан чегараланган жадвал шаклида графада ифодаланган матннинг, ҳужжатнинг бўлими, кичик бўлими, боби, банди, кичик банди.

(60-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

61. Қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлигининг янги сўзлар, рақамлар ёки жумлалар билан тўлдирилиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирликлар (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, графа, блок, позиция, банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдирилиши. *(61-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

62. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳалар матни қуйидагиларга бўлинади:

нуқта қўйиладиган арабча рақамлар билан рақамланадиган бандлар;

қавс билан кичик ҳарфларда рақамланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

63. Агар лойиҳанинг банди билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга фақатгина битта ўзгартириш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, унда кичик бандлар ишлатилмайди.

64. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ёки ҳарфлар орқали рақамланиши ўзгармайди.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги тузилмавий бирликлар билан тўлдирилаётган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, 51-боб, 21-банд, «в^1» кичик банди ва ҳ. к.).

65. Агар тегишли қўшимчалар лойиҳанинг тузилмавий бирлиги (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, банд ёки кичик банд) охирига киритилаётган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом этади (масалан, агар бўлимнинг охирги банди 5-банд бўлиб ҳисобланса, бўлим 6-банд билан тўлдирилади, агар бандниng охирги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

(65-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

66. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда мазкур банд ёки кичик бандниng кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

67. Агар лойиҳада бир вақтнинг ўзида бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг тегишли тузилмавий бир-

ликларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутаётган бўлса, унда мазкур ҳужжатлар хронологик тартибда жойлаштирилади (уларни қабул қилиш санаси бўйича). Айнан битта санада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар улар рақамларининг ортиб бориши тартибида жойлаштирилади.

68. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур ҳужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами, номи ва эълон қилинган тегишли расмий манбаси кўрсатилади.

69. Агар тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг иловасига, хусусан Низом, Қоидалар ёки Регламентга киритилаётган бўлса, унда лойиҳада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи келтирилмасдан у билан тасдиқланган Низом, Қоидалар ёки Регламентнинг номи кўрсатилади (масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин).

70. Ўзгартирилаётган, қўшилаётган ва чиқариб ташланаётган сўзлар қўштирноқ ичига олинади (масалан, 5-банддаги «муассасаси» деган сўз «таълим муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин, 8-банд «телекоммуникация воситалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин, 10-банддан «хўжалик субъектлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин).

71. Жумланинг, илованинг, бўлимнинг, кичик бўлимнинг, бобнинг, банднинг, кичик банднинг, хатбошининг ва ҳ. к.нинг матнини сезиларли ўзгартириш талаб этилса, уларни янги таҳрирда баён этиш лозим.

72. Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матнида, уларнинг мазмунига қараб, тиниш белгилари ҳам қўшилади (масалан, «ишлар ҳажми,» деган сўзлар «ва бошқалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «, шунингдек» деган сўзлар билан тўлдирилсин, «сув билан таъминловчи корхоналар —» деган сўзлар чиқариб ташлансин).

73. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг банди ёки кичик банди мавжуд хатбошининг давоми бўлган хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади.

Масалан:

«(биринчи хатбоши) 5. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

(иккинчи хатбоши) ов;

(учинчи хатбоши) балиқчилик;

(тўртинчи хатбоши) илмий мақсадларда фойдаланиш;».

74. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳанинг иловаси фақат бандлардан иборат бўлади. Бу ҳолатда бандлардан иборат ўз кучини йўқотаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати келтирилади.

(74-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

75. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзини ёки унинг кичик бандигача (кичик бандни ҳам қўшган ҳолда) бўлган таркибий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, ушбу ҳужжатнинг ўзи ёки унинг кичик бандигача (кичик бандни ҳам қўшган ҳолда) бўлган таркибий бирлиги ўз кучини йўқотган деб топилади.

Мисол:

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 13 ноябрдаги 399-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 32-модда) 1-бандининг учинчи хатбошиси, шунингдек унга 2-сон илова.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш зарур бўлган ҳолларда, мазкур хатбоши чиқариб ташланади.

Мисол:

Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) 8-банди ўн бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

(75-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

76. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилган тақдирда, кейинги тузилмавий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади. *(76-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Мисол:

2-бандниг «а» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишинча бешинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин. *(76-бандниг учинчи – олтинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

77. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда битта тузилмавий бирлик мавжуд бўлиб, қолганлари эса ўз кучини йўқотган бўлса, ушбу тузилмавий бирликни ўз кучини йўқотган деб топиш учун бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилиши шарт.

78. Ўз кучини йўқотган деб топилиши зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига амал қилиш муддати тугаган вақтинчалик тусга эга бўлган ҳужжатлар ёки нормалар киритилмайди.

79. Вақтинчалик тусга эга бўлган муддати тугаган норматив-ҳуқуқий ҳужжат алоҳида нормасининг ёки бутун норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати узайтирилмайди. Бундай ҳолатда, янги норма киритилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси тайёрланади.

80. Агар ўз кучини йўқотган деб топилиши зарур бўлган бандда ёки кичик бандда тегишли равишда ўз кучини йўқотиши керак бўлган иловага кўрсатма мавжуд бўлса, бунда мазкур тузилмавий бирлик ва унда кўрсатилган илова ўз кучини йўқотган деб топилади. *(80-бандниг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли*

буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

Мисол:

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди бешинчи хатбошиси, шунингдек низомнинг иловаси ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Агарда илова бутунлай ўз кучини йўқотган деб топилиши мумкин бўлмаса, бунда илованинг фақат тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилади (чиқариб ташланади). *(80-бандниng иккинчи – учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

81. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилса, тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тегишли қоидалари ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

Илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган ҳолда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши тикланмайди. Мазкур қоида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топишга (чиқариб ташлашга) ҳам татбиқ этилади.

VII боб. Ишлаб чиқувчининг юридик хизмати томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

82. Лойиҳа ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари томонидан имзоланишидан олдин унинг юридик хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳаволаки нормаларни қўллашнинг асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

Юридик хизмат лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тегишли лойиҳа унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади.

(82-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

83. Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилиши асосланган ҳамда мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир варағининг орқа тарафига имзо қўйиш орқали амалга оширилади.

(83-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

84. Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланадиган хулоса тайёрлайди.

85. Юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосасида қуйидагилар акс эттирилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши топширилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (топшириқ акс этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номи, қабул қилинган санаси, рақами, эълон қилинган расмий манбаси, тегишли модда ёки банд (кичик банд, хатбоши), шунингдек юқори турувчи орган топшириқлари ҳақида маълумотлар (орган номи, топшириқнинг рақами ва санаси, зарур бўлганда, топшириқ берган мансабдор шахс) (топшириқ мавжуд бўлган тақдирда);

лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса. *(85-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

(86-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғига асосан ўз кучини йўқотган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

87. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадлилигига номувофиқ бўлса, юридик хизмат лойиҳани тегишли эътирозлар билан қайта ишлаш учун лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича масъул бўлган ишлаб чиқувчининг таркибий бўлинмасига қайтаради.

(87-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

VIII боб. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш

88. Лойиҳа юридик хизмат томонидан кўриб чиқилганидан кейин ишлаб чиқувчи лойиҳани биринчи раҳбар даражасида имзолайди ва кузатув хати билан манфаатдор органлар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда манфаатдор органлар деб юритилади) уни узил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқувчи лойиҳани манфаатдор органларга имзолаш учун юборишдан олдин лойиҳани ушбу органларга олдиндан келишиш ва фикрларини ўрганиш учун юбориш ҳуқуқига эга.

89. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш билан боғлиқ лойиҳалар мажбурий тартибда тегишли равишда – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича –

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилиши керак.

(89-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

90. Атроф-табиий муҳитга, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

91. Рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади.

(91-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

92. Ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилади.

93. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти масалаларига тааллуқли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилади.

93[1]. Адвокатура фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилади.

(93[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

94. Манфаатдор органлар Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда лойиҳани кўриб чиқиши ва узил-кесил келишиши (имзолаши) шарт.

95. Агар лойиҳа бўйича манфаатдор органнинг таклиф ва мулоҳазалари мавжуд бўлса, у ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини хатда асослар билан кўрсатади ва лойиҳани таклиф ва мулоҳазалар билан имзолайди. Бунда имзонинг олдида таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хатнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазалар хати ишлаб чиқувчига лойиҳа билан бирга топширилади.

96. Хатда асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқувчи томонидан инобатга олинмаслиги мумкин. Асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар қабул қилинмаслиги оқибати бўйича жавобгарлик ўз таклиф ва мулоҳазаларини асослантирмаган манфаатдор органнинг биринчи раҳбари зиммасига юклатилади.

97. Лойиҳага, лойиҳанинг мазмуни ва тузилмасини жиддий ўзгартираётган мулоҳаза ва таклифлар мавжуд бўлганда, манфаатдор орган ишлаб чиқувчига ўзининг лойиҳа вариантини таклиф қилиши мумкин. Бунда таклиф этилган лойиҳанинг варианти манфаатдор органнинг биринчи раҳбари томонидан (истисно ҳолларда – унинг биринчи ўринбосари томонидан) асослаш хати билан бирга имзоланади.

98. Ишлаб чиқувчи манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқади, зарурат бўлган ҳолларда лойиҳага тегишли тузатишларни киритади.

99. Манфаатдор органларнинг эътирозлари ва таклифлари бўйича келишмовчиликлар жадвали тузилиб, ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда – унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

Кўриб чиқиш натижаси «қабул қилинди», «қабул қилинмади» кўринишида жадвалда акс эттирилади. Қабул қилинмаган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан уларни қабул қилмаслик асослари кўрсатилади.

(99-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

100. Келишмовчиликлар жадвали лойиҳа билан бирга ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

101. Лойиҳани имзолаш учун, қоида тариқасида, ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда – унинг биринчи ўринбосари) ва мавжуд бўлса, манфаатдор органлар раҳбар-

ларининг имзоси билан лойиҳанинг асли тақдим қилинади. Келишиш жараёнини тезлаштириш зарур бўлганда лойиҳанинг нусхасига имзо қўйишга рухсат этилади.

102. Лойиҳа имзолангандан кейин имзоланган лойиҳанинг асли барча иловалар билан, шунингдек мавжуд бўлган тақдирда, таклиф ва мулоҳазалар баён этилган хат, қоида тариқасида, ишлаб чиқувчи масъул вакилининг қўлига берилади.

IX боб. Лойиҳага илова қилинадиган ахборот ва таҳлилий материалларга қўйиладиган асосий талаблар

103. Ишлаб чиқилган лойиҳага қуйидаги материаллар илова қилинади:

қонуннинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хати;

агар лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, қиёсий жадвал;

халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий-қиёсий жадвал; *(103-бандниng тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

агар лойиҳа манфаатдор органлар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билан келишилган (имзоланган) бўлса, келишмовчиликлар жадвали, ушбу органларнинг таклиф ва эътирозлари баён этилган хатлар нусхалари;

зарур ҳисоб-китоблар ва кўриб чиқиш материаллари, тақдим этилаётган лойиҳаларни амалга ошириш оқибатлари баҳоси;

лойиҳанинг ишлаб чиқилиши ва келишилиши хронологияси ҳақида маълумот. *(103-бандниng еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

Лойиҳага лойиҳада келтирилган нормалар билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар ҳам илова қилиниши мумкин. *(103-бандниng саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

104. Тушунтириш хати барча лойиҳалар бўйича ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланади ва ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда – унинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланади.

105. Лойиҳанинг тушунтириш хатида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос, шу жумладан ишлаб чиқувчига лойиҳани ишлаб чиқиш топширилган қонунчилик ҳужжатлари ҳақида маълумот, шунингдек агар мавжуд бўлса, юқори турувчи органлар топшириқларининг рақами ва санаси;

кўрилаётган масаланинг ҳар томонлама таҳлили ва объектив баҳоси;

лойиҳада назарда тутилаётган мақсад ва вазифалар, шунингдек асосий қоидалар ва уларнинг қисқача асосланиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишининг мақсадга мувофиқлилиги, шунингдек уни қабул қилиш ва амалга оширишнинг оқибатлари;

лойиҳани қабул қилинишидан кутиладиган натижалар;

лойиҳанинг предметини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга тааллуқли халқаро тажриба ва чет давлатлар амалиёти ҳақида ахборот (қонун ости ҳужжатлари учун – зарур бўлган ҳолларда); *(105-бандниng еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса). *(105-бандниng саккизинчи хат-*

бошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 316-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 653-модда)

ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши муносабати билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот;

манфаатдор органлар номларини кўрсатган ҳолда лойиҳанинг келишилганлиги ҳақида маълумот;

лойиҳада қўлланилган ҳаволаларни асослаш;

лойиҳани амалга ошириш учун молиявий харажатлар ажратилиши зарурлиги ҳақида маълумот;

лойиҳани асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

106. Агар ишлаб чиқилаётган лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, ишлаб чиқувчи томонидан таққослаш жадвали тайёрланади.

107. Таққослаш жадвали қуйидаги учта графадан иборат (мазкур Услубий кўрсатманинг 1-иловаси):

ўзгартириш ёки қўшимча киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

лойиҳада таклиф этилаётган таҳрир;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

Таққослаш жадвалида тегишли тузилмавий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрири графалари қуйидаги кўринишда баён этилади:

амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрир графаларида ўзгартирилаётган сўзлар (рақамлар) «ярим қора» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида қўшилаётган сўзлар (рақамлар) «ярим қора» шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ва хатбошилар, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилаётган бошқа тузилмавий бирликлар «ярим қора курсив» шрифт билан ажратиб кўрсатилади. *(107-бандниng олтинчи – саккизинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбе-*

кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

Агар лойиҳада тегишли тузилмавий бирликнинг янги таҳрири баён этилса, унда фақатгина ўзгартирилаётган, қўшилаётган, чиқариб ташланаётган сўзлар (рақамлар) ажратилади.

Ўзгартириш киритилаётган ва киритилаётган тузатишларнинг кўринарли бўлишини таъминловчи тузилмавий бирлик билан боғлиқ амалдаги ва таклиф этилаётган тузилмавий бирликларнинг тегишли қисмлари оддий шрифтда келтирилади.

107[1]. Ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий қиёсий жадвалларни тайёрлаши шарт (мазкур Услубий қўлланмаларга 1а ва 1б-иловалар).

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилини ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди.

(107[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

108. Келишмовчиликлар жадвали (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган лойиҳа бўйича тайёрланган келишмовчиликлар жадвалидан ташқари) қуйидаги учта графалардан иборат (мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 2-иловаси):

лойиҳа тегишли тузилмавий бирлигининг таклиф этилаётган таҳрири;

манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари;

кўриб чиқиш натижалари.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Таклиф этилаётган таҳрир» графасида таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилган лойиҳанинг тегишли тузилмавий бирлиги акс эттирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари» графасида лойиҳа бўйича ўзларининг

таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этган орган ва ташкилотнинг таклиф ва мулоҳазалари ёки улар асосида лойиҳанинг баён этилган таҳрири келтирилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Кўриб чиқиш натижалари» графасида ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилади. Агар таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинса, тегишли таклиф ва мулоҳазалар берилган тузилмавий бирликнинг янги таҳрири келтирилади. Агар таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинмаса, ушбу таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳисобга олинмаганлигини асословчи маълумотлар тегишли тартибда келтирилади.

109. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳа бўйича тайёрланаётган келишмовчиликлар жадвали қуйидаги тўрт графадан иборат:

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

лойиҳада таклиф этилаётган таҳрир;

манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари;

кўриб чиқиш натижалари.

Биринчи иккита графа қиёсий жадвал бўйича баён этилади.

Келишмовчиликлар жадвалининг «Манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари» ва «Кўриб чиқиш натижалари» графаларида лойиҳани киритган орган томонидан мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 108-бандининг тегишинча олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади.

X боб. Лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

110. Барча манфаатдор органлар билан келишилгандан сўнг ишлаб чиқувчи лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишдан олдин қуйидагиларни:

қонуннинг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати ёки ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мақсадга мувофиқлигини асослашдан иборат бўлган тушунтириш хатини;

ишлаб чиқувчининг юридик хизмати раҳбари томонидан имзоланган ҳуқуқий хулоса. Ҳуқуқий хулосада уни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим; (*110-бандниг*

учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

агар лойиҳа билан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлса, қиёсий жадвални;

халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифлар кетма-кетлик тартибида кўрсатилган таҳлилий қиёсий жадвал (қонуности ҳужжатларига зарурат бўлганда); *(110-бандниг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

келишмовчилик жадваллари, агар лойиҳа манфаатдор органлар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билан келишилган (имзоланган) бўлса, ушбу органларнинг таклиф ва эътирозлари ифодаланган хатлар нусхаларини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборади.

111. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказади; *(111-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)*

лойиҳаларни уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратиб берадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик субъектларида асоссиз ха-

ражатларни вужудга келтирувчи, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги мажбуриятлар юклатишни назарда тутувчи, уларга нисбатан жавобгарликнинг янги чораларини белгиловчи қоидаларни аниқлаш юзасидан таҳлил қилишни амалга оширади. *(111-бандниng учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 июндаги 172-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 27-сон, 332-модда)*

112. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

113. Лойиҳа қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқувчига ҳуқуқий экспертиза ва таҳлилдан ўтказилмасдан қайтарилади:

тушунтириш хатида лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса) акс эттирилмаган бўлса;

лойиҳа барча манфаатдор органлар томонидан уларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосарлари) даражасида келишилмаган тақдирда;

лойиҳага мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 110-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган тақдирда.

(113-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 316-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 653-модда)

114. Лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (истисно ҳолларда – вазирнинг биринчи ўринбосари) лойиҳани имзолайди.

Таклиф ва мулоҳазалар мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа таклиф ва мулоҳазалар билан имзоланади, мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 115-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Таклиф ва мулоҳазалар билан имзолаш мазкур Услубий кўрсатмаларнинг 95-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

115. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири (истисно ҳолларда – вазирнинг биринчи ўринбосари) томонидан лойиҳани эътирозлар ва таклифлар билан имзолаш рад этилиши мумкин, агар у:

лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принципларига зид;

лойиҳа юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этади ва у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш, ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи лойиҳа сифатида тақдим этилмаган;

лойиҳада назарда тутилган масалалар тенг ёки юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига зарурат йўқ;

лойиҳа эътирозлар ва таклифларнинг, шу жумладан жиддий (концептуал) камчиликларнинг кўплиги сабабли бутунлай қайта ишланиши лозим, яъни лойиҳа ушбу эътирозлар ва таклифлар инобатга олинган ҳолда қайта ишланиши унинг мазмуни тубдан ўзгаришига олиб келади ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан қайта келишишни талаб этади деган хулосага келса.

Лойиҳа бўйича тегишли эътирозлар ва таклифлар адлия вазири (истисно ҳолларда – вазирнинг биринчи ўринбосари) томонидан имзоланадиган хатда кўрсатилади.

(115-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

116. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганидан сўнг белгиланган тартибда ишлаб чиқувчи томонидан, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

XI боб. Якуний қоидалар

117. Ишлаб чиқувчиларнинг биринчи раҳбарлари мазкур Услубий кўрсатмаларнинг талабларига риоя қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

118. Мазкур Услубий кўрсатмаларни бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

119. Мазкур Услубий кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси билан келишилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
Ҳуқуқий экспертиза ва
халқаро шартномалар
бошқармаси бошлиғи **Б. ҚЎЧҚОРОВ**

2012 йил 30 март

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва
ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича
услубий кўрсатмаларга
1-ИЛОВА

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори лойиҳаси бўйича

ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак: а) тузилган вақти ва жойи; б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;	4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак: а) тузилган вақти ва жойи; б) протоколни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;	Қўшимчалар қимматли қоғозларни олиб қўйишда ва кейинчалик уларнинг миқдори, турлари ва эмитент ҳақидаги маълумотлари бўйича низолашиш имконияти бўлмаганда баённомани тўғри тузиш мақсадида киритилади.

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно; г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса; д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни; е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати; з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар); **Тўлдирилмоқда** и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.	в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно; г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса; д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни; е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати; з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар). **Қимматли қоғозларни олиб қўйишда олиб қўйилган қимматли қоғозларнинг умумий миқдори, уларнинг тури ва қимматли қоғозларнинг эмитенти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади;** и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.	Қўшимчалар мулкни олиб қўйишни олиб борувчи, ваколатли идораларнинг мансабдор шахсларнинг мулкни олиб қўйиш баённомасини кейинчалик уларни амалга ошириш учун тўғри ва ҳар томонлама тузишлари учун жавобгарликларини ошириш мақсадида киритилмоқда. Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, мулкни олиб қўйиш баённомаларида барча керакли маълумотлар, шу билан бир қаторда олиб қўйилган мулкнинг сифатига доир тавсифлар кўрсатилмаяпти, бу эса ўз навбатида мулкнинг алмашинуви ёки бошқача тарзда ўзгаришига ва шикастланиши учун шароит яратишга сабаб бўлмоқда.

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Тўлдирилмоқда	**Ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисидаги протокол тўғри тузилганлиги, шунингдек унда ушбу бандда назарда тутилган барча маълумотлар кўрсатилиши учун жавобгар бўлади.**	
6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса – бир сутка мобайнида эксперт тайинлайди. **Тўлдирилмоқда**	6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса – бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчини тайинлайди. **Мажбурий сертификатланиши керак бўлган (этил, озиқ-овқат спирти, алкоголли маҳсулотлар, пиво, тамаки маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари бундан мустасно) ва улар бўйича мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлмаган олиб қўйилган маҳсулотлар бўйича ушбу маҳсулотни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан уни сертификатлаштириш ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификатини олиш учун сертификатлаштириш органига буюртманома берилади.**	«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот агарда у сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса сотиш тақиқланади. Агарда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулот хавфсизлик талабларига мос келмаса у сотилиши мумкин эмас ва йўқ қилиниши лозим. Шунинг учун мулкнинг бирхиллаштириш талабларига мос келиши предметига қаратилган текширув мулкнинг давлат ҳисобига ўтказилиши ёки йўқ қилиниши ҳақидаги саволларни ҳал қилишдан олдин ўтказилиши лозим. Олиб қўйилган маҳсулот сертификатлаштирилиши олиб бориладиган муддат назарда тутилган.

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
	Ишнинг оғирлик даражаси, ҳажми ва туридан қатъи назар, керакли ҳужжатларни топширган вақтдан 10 иш кунидан 1 ойгача муддатда мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади ва берилади.	
24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиий, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга далолатнома бўйича **бепул берилади.**	24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадиий, илмий **ва бошқа маданий** қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) кейинчалик далолатнома бўйича **диний ташкилотларга текин бериш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага берилади.**	Ўзгаришлар кўрсатиб ўтилган предметларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага кейинчалик диний ташкилотларга бериши мақсадида киритилмоқда.
60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ***Бунда, агар сотилган мол-мулк қийматидан давлат органларининг махсус ҳисоб рақамларига чегиришлар амалга оширилган бўлса, у ҳолда қийматнинг тегишли суммаси ушбу органлар ҳисобидан тўланади.***	60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. **Чиқариб ташланмоқда.**	Қоплаш пропорционал олиб борилиши тўғрисидаги норма 59-бандда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси бўйича ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори		
3. Бош вазир котибияти, ахборот таҳлил департаментлари ва бошқа таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб боришни таъминлаш, улар ишининг самарадорлигини ошириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасига Аппарат Раҳбари лавозими киритилсин. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси аппарати Раҳбари мақомига кўра Бош вазир ўринбосарига тенглаштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. ***Белгилансинки, Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича – тегишли равишда Бош вазирга ва унинг ўринбосарларига;- ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича – Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунадилар.***	**Ўз кучини йўқотмоқда**	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ–834-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарорининг 1-бандига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбари лавозими тугатилиб, ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси лавозими киритилган. Ушбу Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорининг 2-банди билан Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ваколатлари белгиланган.

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари зиммасига: *Бош вазир котибияти, ахборот-таҳлил департаментлари ва функционал бўлимлари ишларини мувофиқлаштириб бориш;* *Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари ва қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти котибиятига ва Бош вазирга тақдим этиш;* *Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ва аппаратнинг таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилиши бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш;* *Бош вазир ўринбосарлари билан биргаликда тегишли аппаратнинг таркибий бўлинмаларига бош мутахассис ва етакчи мутахассис кадрларни танлаш;* *аппарат мутахассислари ва ходимларининг иш ва касб малакаси даражасини ошириш, уларни мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш масалалари юклансин.*		

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси бўйича
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
7. Спорт захирасини тайёрлаш олиб борилаётган спорт турлари ҳамда олимпия захиралари коллежи ўқувчилари контингенти олимпия захиралари коллежи тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади. Олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 600 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўғинлари бўйича – 300 нафардан. **Тўлдирилмоқда**	7. Спорт захирасини тайёрлаш олиб борилаётган спорт турлари ҳамда олимпия захиралари коллежи ўқувчилари контингенти олимпия захиралари коллежи тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланади. Олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 600 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўғинлари бўйича – 300 нафардан. **Тошкент шаҳридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежи умумий контингенти 660 нафар ўқувчидан иборат этиб шакллантирилади, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўғинлари бўйича – 330 нафардан.**	Тошкент шаҳридаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежи умумий контингенти аниқ бир сон этиб шакллантирилишини аниқлаштириш мақсадида қўшимча киритилмоқда.

(1-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларга
1а-илова

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини ўрганиш юзасидан ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ*

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш

* Ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига.

(1а-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича
услубий кўрсатмаларга
1б-илова

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларини ўрганиш юзасидан ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ*

Халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатлари	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш

* Бутун (янги) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига.

(1б-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 мартдаги 84-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 14-сон, 158-модда)

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича
услубий кўрсатмаларга
2-илова

НАМУНА

Вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳасига берилган таклиф ва эътирозлари бўйича
КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЖАДВАЛИ

Таклиф этилаётган таҳрир	Манфаатдор органларнинг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
33. Эксперт **хулосасида** қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари ҳолатлари кўрсатилиши мумкин.	**1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.** Намунавий низомнинг 33-банди қуйидаги таҳрирда баён қилиниши таклиф қилинади: «33. Ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига кўмаклашувчи ҳолатлар, сабаблар ва шароитлар, шунингдек **эксперт хулосасида ўз аксини топмаган**	**Қабул қилинмади.** «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида эксперт хулосасининг тузилиши тартиби белгиланган. Мазкур модданинг учинчи қисми хулосасида ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек

Таклиф этилаётган таҳрир	Манфаатдор органларнинг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
	ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техникавий тавсиялар **экспертнинг алоҳида маълумотномаси** экспертнинг хулосасига **илова қилиниши мумкин»**. **2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.** «Суд экспертизаси тўрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертининг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар хулосанинг мажбурий элементларига дахлдордир, Намунавий регламентнинг 33-бандидаги «ҳолатлар» сўзини чиқариб ташлаш лозим деб ҳисоблаймиз.	уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунга ўхшаш норма Жиноят-процессуал кодекси 184-моддасининг учинчи қисмида ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 299^1-моддасида берилган. Шу билан биргаликда қайд қилиб ўтиш лозимки, экспертнинг алоҳида маълумотномаси процессуал ҳужжат ҳисобланмайди, бу эса ўз навбатида иш юзасидан далил бўлиб ҳисобланмаслигини билдиради. **Қабул қилинди.** 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилди: «33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин».

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд эксперти лавозимига тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан берилган таклиф ва эътирозларнинг КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ЖАДВАЛИ

Таклиф этилаётган таҳрир	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Номланиши Давлат суд экспертини лавозимга тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида 1. Давлат суд экспертини лавозимга тайинлашда аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.	Бутун матн бўйича «лавозимга тайинлашда» деган сўзлар «статус олиш учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.	**Қабул қилинмади.** «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси иккинчи бандига асосан давлат суд эксперти – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд экспертидир. Кўрсатиб ўтилган Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин. Шунингдек, лойиҳанинг номланиши суд экспертизаси тўғрисидаги Қонуннинг амалга оширилиши бўйича Тадбирлар режаси 1 бўлимининг 1-бандида назарда тутилган. Бундан ташқари, таклиф асослантирилмаган.

Таклиф этилаётган таҳрир	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Низом лойиҳаси бўйича		
18. (Биринчи хатбоши) Мажлис давомида Комиссия ўзининг кўриб чиқиши учун тақдим этилган материалларни ўрганади, аттестация қилинувчига суд-экспертнинг фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд экспертизасининг назарий асослари, аниқ эксперт мутахассислиги бўйича саволларга жавоб беришни таклиф қилади, шундан кейин унинг махсус билимлари даражасини баҳолайди.	18-банд «амалий» сўзидан сўнг «назарий» сўзлари билан тўлдирилсин.	**Қисман қабул қилинди.** Суд экспертизасининг амалий асослари мавжуд бўлмаганлиги сабабли «назарий асослар» сўзлари «назарий асослар ва амалий масалалар» сўзлари билан алмаштирилган.
25. Комиссиянинг қарори асосида эксперт муассасасининг кадрлар бўйича бўлинмаси томонидан ходимга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат суд эксперти лавозимига тайинланиши бўйича аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилади. Гувоҳнома Комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда гувоҳномани берган эксперт муассасаси муҳри билан тасдиқланади.	25-банд. «эксперт муассасасининг кадрлар бўйича бўлинмаси» сўзлари чиқариб ташлансин. Бериш тартиби идоранинг ички ЭККси билан белгиланади. Қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «Давлат эксперти мақомига эга бўлган эксперт бошқа эксперт муассасасига ишга ўтаётган тақдирда, ўзининг мақомини эксперт-малака комиссиясида янги иш жойи бўйича тасдиқлайди. Шу билан бирга, илгари берилган гувоҳнома бекор қилинади».	**Қабул қилинмади.** Ушбу бандда ходимларга давлат суд эксперти лавозимига аттестацияни ўтиши ҳақидаги гувоҳноманинг аниқ ким томонидан берилиши саволи қўйилмаган – кадрлар бўйича бўлинма, Комиссия раиси, эксперт муассаса раҳбари ёки ушбу масала ҳар бир эксперт муассасанинг ички иши бўлганлиги учун экспертлик муассасаси тегишли бўлган вазирлик, агентлик раҳбари. Бунда ходимларга топшириладиган гувоҳномани ким тайёрлаши (бериши) назарда тутилган. Шу билан биргаликда лойиҳага ортиқча ҳавола қилувчи норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Таклиф этилаётган таҳрир	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таклиф ва эътирозлари	Кўриб чиқиш натижалари
Гувоҳнома давлат суд экспертининг малакасини тасдиқлаш мақсадида берилади ва фақат эксперт муассасасининг хизмат гувоҳномаси кўрсатилганда ҳақиқий ҳисобланади.		Ходимнинг тайёргарлик ва билим даражаси у ишлаш учун ўтган экспертлик муассасасининг талабларига мос келмаслиги мумкин. Шунингдек, битта экспертлик муассасасининг аниқ ихтисослик бўйича эксперт ишининг хусусияти бошқасининг хусусиятларидан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун бошқа экспертлик муассасасига ўтувчи экспертнинг мажбурий тайёргарлиги тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, таклиф асослантирилмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ЮРИДИК-ТЕХНИК РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 5-сон, 65-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 1 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420]

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1602-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев):

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан маҳал-

лий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишларига услубий раҳбарликни янада кучайтирсин;

ушбу буйруқни уч кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 1 февраль,
29-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги
29-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

Мазкур Йўриқнома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан тавсиявий тусга эга.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори (бундан буён матнда қарор деб юритилади) – халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари (бундан буён матнда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деб юритилади) томонидан қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

ҳуқуқий экспертиза – лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текшириш;

қонунчилик техникаси – қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва расмийлаштириш жараёнида қўлланиладиган қоидалар, услублар, воситалар ва усуллар мажмуи.

2. Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларни қабул қилишдан олдин лойиҳани тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим қилиши шарт.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими лойиҳаларни адлия бошқармаларига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилишини таъминлайди.

4. Қуйидагилар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайди:

а) якка тартибдаги қуйидаги ҳужжатлар:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркибини тасдиқлаш, бирор шахсга ер ажратиш ва бошқа шу кабилар);

тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар);

б) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ҳамда янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган, шу жумладан бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар;

в) сессия, йиғилиш, конференцияларни чақириш тўғрисидаги ҳужжатлар;

г) лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

д) тавсия хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар;

е) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳужжатлар;

ж) умуммажбурий хусусиятга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

5. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайдиган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид бўлган нормалар бўлмаслиги лозим.

6. Лойиҳада ҳатто битта умуммажбурий хусусиятга эга ҳуқуқий норма ўрнатилган бўлса, бундай лойиҳа албатта адлия бошқармаларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

II боб. Лойиҳаларни тайёрлашни ташкиллаштириш

7. Лойиҳани тайёрлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ (комиссия) (бундан буён матнда ишлаб чиқувчи деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

8. Ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига тегишли тармоқлар ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган таркибий бўлинмаларнинг, бошқа манфаатдор давлат органларининг, илмий ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек фуқаролар ўз розилиги билан ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳ (комиссия) аъзолари лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлиши керак.

9. Лойиҳани тайёрлашда ишлаб чиқувчи:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича қўлланилиш амалиётини ўрганади;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ва мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади;

халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олади, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганади.

III боб. Лойиҳанинг матнига ва тузилишига қўйиладиган талаблар

10. Лойиҳанинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Лойиҳада фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

11. Лойиҳада қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маънолн сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;

аббревиатура ва қисқартмалар (умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар бундан мустасно).

12. Зарур ҳолларда, лойиҳада юридик, техник ва бошқа махсус атамалар ҳамда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади.

13. Тушунча ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунча ёки атамани айнан шу тушунча ёки атама билан, шунингдек ўзлари таърифланишга муҳтож

бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали таърифлашга йўл қўйилмайди.

14. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган тушунчаларга таъриф бериш зарурати бўлганда, улар алоҳида бандда ва лойиҳа матнининг бошида келтирилади.

15. Сўз бирикмалари бир неча маротаба қўлланилган тақдирда, улар биринчи бор қайси бандда (кичик бандда, хатбошида) қўлланилган бўлса, ўша бандда (кичик бандда, хатбошида) тўлиқ таҳрирда баён қилинади ва мазкур тушунчанинг лойиҳанинг кейинги ўринларида қўлланиладиган қисқартирилган таърифи қавс ичида бош келишикда кўрсатилади.

16. Лойиҳада, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

Лойиҳанинг бандларида унинг бошқа бандларига, шунингдек амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим қоидаларига ҳаволалар ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш ёки такрорлашларга йўл қўймаслик зарурати бўлган ҳолларда қўлланилади. Ҳаволалар аниқ бўлиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёхуд унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

Зарур ҳолда лойиҳада юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

17. Лойиҳанинг тузилиши, лойиҳани ҳуқуқий тартибга солиш предметини мантиқан ривожланиб бориши ва ёритилишини таъминлаши лозим.

18. Лойиҳа номга эга бўлиши лозим. Унинг номи қисқа, аниқ баён этилиши ва мазмунини ўзида акс эттириши лозим.

19. Лойиҳа унинг қабул қилиниши сабаблари ва мақсадларига оид тушунтиришни қамраб олган муқаддимага эга бўлиши мумкин.

Лойиҳанинг муқаддимаси унинг мазмунини мантиқий ривожлантирувчи бир нечта хатбошиларда баён этилиши мумкин ва мустақил ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

20. Лойиҳа қонун ҳужжати асосида ёки ижроси юзасидан тайёрланаётган ҳолларда унинг муқаддимасида тегишли қонун ҳужжатлари (зарур бўлганда унинг тузилмавий бирлиги) кўрсатилади.

20[1]. Лойиҳада унинг (ёки унинг қисмларининг) расман эълон қилингандан сўнг ёхуд бошқа кечроқ муддатда кучга кириши тўғрисида банд киритилиши лозим.

Бунда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжуд бўлган лойиҳаларга (ёки унинг қисмларига), расман эълон қилингандан уч ой ўтгач кучга киритилиши тўғрисида банд киритилади.

(20[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган, 2014 йил 31 декабрдаги 315-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда; 52(I)-сон, 652-модда)

21. Лойиҳада ҳуқуқий нормалар араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди.

Бандлар лойиҳанинг бошидан охиригача кетма-кет рақамланади.

Лойиҳанинг ҳуқуқий нормаларини иккитали рақамлашга йўл қўйилмайди (масалан, «1.1», «5.1.1», «1.а» ва ҳ. к.).

22. Лойиҳанинг ҳар бир банди, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормага эга бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

23. Бандлар кичик бандлар ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

24. Кичик бандлар доирасимон қавс билан беркитиладиган араб рақамлари ёки кичик ҳарфлар билан белгиланади (масалан, 1), 2), 3) ёки а), б), в) ва ҳ. к.). Лойиҳа қандай тилда тайёрланаётган бўлса, ҳарфлар ушбу тил алифбоси бўйича кетма-кетликда баён қилиниши лозим.

25. Кичик бандлар фақатгина хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгиларни ишлатишга йўл қўйилмайди.

26. Лойиҳанинг бандида бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил (кичик бандлар билан боғланмаган) хатбошиларнинг баён этилишига йўл қўйилмайди.

27. Лойиҳага низомлар, қоидалар, регламентлар, талаблар, турли хил рўйхатлар, жадваллар, графиклар, тарифлар, хариталар, схемалар, тузилмалар, ҳужжатларнинг, бланкаларнинг

намуналари, шунингдек тавсиявий хусусиятдаги ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) илова қилиниши мумкин.

Бундай ҳолларда лойиҳанинг қарор қисмида энг муҳим бўлган ҳуқуқий нормалар киритилади.

28. Тушунчаларнинг таърифи, белгиланаётган нормаларни амалга ошириш механизмлари лойиҳанинг таркибий қисми ҳисобланувчи иловаларда, қоида тариқасида, низом ва қоидалар шаклида баён этилади.

Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатишдан иборат.

Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида нормаларни ўрнатишдан иборат.

29. Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлардан иборат бўлган иловалар изчил кетма-кетликда рақамланган бандларга эга бўлади. Бўлимлар ва боблар рим рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Агар лойиҳада боблар бўлмаса, «бўлим» тузилмавий бирлиги киритилишига йўл қўйилмайди.

30. Лойиҳа матни грамматика, пунктуация, орфография ва стилистика қоидаларига мувофиқлиги юзасидан текширилади.

Лойиҳанинг матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

IV боб. Лойиҳани расмийлаштириш

31. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

32. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ варақда баён этилган бўлса, лойиҳанинг ҳар бир варағи рақамланиши лозим.

Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди. Худди шундай тартибда лойиҳанинг иловалари ҳам рақамланади. Бунда лойиҳа ва унинг иловалари алоҳида рақамланиши лозим.

33. Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

варақнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

«Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

қаторлараро интервал (множитель) 1,2.

34. Лойиҳанинг биринчи бети юқори ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

35. Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «тўқ» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз расмийлаштирилади.

36. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

37. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида, кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

38. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда, илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиҳа тури кўрсатилган ҳолда ҳужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

39. Лойиҳа иловасининг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

V боб. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳаларни тайёрлашнинг хусусиятлари

40. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳа, қоида тариқасида, қуйидаги ҳолларда тайёрланади:

агар лойиҳа бошқа қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топишни талаб этса;

лойиҳани тайёрлаш жараёнида, худди шундай муносабатларни тартибга солувчи қарор аниқланганда ва янги ҳужжат қабул қилмасдан ушбу қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш йўли билан ҳуқуқий тартибга солиш имконияти бўлганда;

айнан бир хил масалалар бўйича қарорларнинг кўплигини ва аниқланган ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро зидлигини бартараф этиш учун.

41. Агар қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган лойиҳада, ушбу нормалар икки ёки ундан ортиқ бандни ташкил этса ва ҳажми катта бўлса, улар лойиҳага илова (иловалар) кўринишида тайёрланади.

42. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

сўзлар, рақамлар, позициялар, блоклар ва графаларни алмаштириш;

бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки хатбошилар, сўзлар, рақамлар, позицияларни, блоклар ва графаларни чиқариб ташлаш;

бўлимларни, кичик бўлимларни, бобларни, параграфларни, бандларни, кичик бандларни, хатбошилар ва иловаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номланишини янги таҳрирда баён этиш.

43. Қўшимчалар қуйидагилардан иборат:

қарорнинг тузилмавий бирлигининг янги сўзлар, рақамлар, жумлалар, позициялар, блоклар ва графалар билан тўлдирилиши;

қарорнинг тузилмавий бирликлар (бўлим, кичик бўлим, боб, параграф, илова, банд, кичик банд ва хатбоши) билан тўлдирилиши.

44. Қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи лойиҳалар матни қуйидаги тузилмавий бирликларга бўлинади:

нуқта қўйиладиган арабча рақамлар билан рақамланадиган бандлар;

қавс билан кичик ҳарфларда рақамланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

45. Агар лойиҳанинг банди билан тегишли қарорга фақатгина битта ўзгартириш ёки қўшимча киритиш назарда тутилган бўлса, унда кичик бандлар ишлатилмайди.

46. Қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг бўлимлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши, шу жумладан ҳарфлар орқали рақамланиши ўзгармайди.

Агар қарор янги тузилмавий бирликлар билан тўлдирилаётган бўлса, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, VIII[1] боб, 10[1]-банд, «а[1]» кичик банди ва ҳ. к.).

47. Агар тегишли қўшимчалар лойиҳанинг тузилмавий бирлиги (бўлим, кичик бўлим, боб ёки банд) охирига киритилаётган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом этади (масалан, агар бўлимнинг охирги банди 5-банд бўлиб ҳисобланса, бўлим 6-банд билан тўлдирилади, агар бандниng охирги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади).

48. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд ёки кичик бандниng кейинги хатбошилари рақамланиши тегишли тартибда ўзгаради.

49. Агар лойиҳа бир вақтнинг ўзида бир нечта қарорлар ёки уларнинг тегишли тузилмавий бирликларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутаётган бўлса, унда мазкур қарорлар хронологик тартибда жойлаштирилади (уларни қабул қилиш санаси бўйича). Айнан битта санада қабул қилинган қарорлар улар рақамларининг ортиб бориши тартибида жойлаштирилади.

50. Қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур ҳужжатнинг тури, қабул қилиш санаси, рақами, номи ва эълон қилинган тегишли расмий манбаси кўрсатилади.

VI боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими томонидан лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

51. Лойиҳа бошқа ташкилотлар билан келишишдан олдин маҳаллий давлат ҳокимияти органи юридик хизмати ходими томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади.

52. Агар лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига, шунингдек грамматика, пунктуация, орфография ва стилистика қоидаларига мувофиқ бўлса, юридик хизмат ходими томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир бети орқа тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

53. Лойиҳа қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқ бўлса ёки унда ички қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган тақдирда, юридик хизмат ходими лойиҳани тегишли эътирозлар билан қайта ишлаш учун ишлаб чиқувчига қайтаради.

54. Юридик хизмат ходими лойиҳани имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича маълумотнома тайёрлайди.

Маълумотномада қуйидагилар акс эттирилади:

лойиҳа асосланган ёки унинг ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳақидаги маълумотлар (қонун ҳужжатининг номи, қабул қилинган санаси, рақами, расмий эълон қилинган манбаси);

тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари (маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинадиган масалани ечиш ваколати);

лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги;

лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса); *(54-бандниng олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 315-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 652-модда)*

лойиҳа қабул қилинган тақдирда ушбу маҳаллий давлат ҳокимияти органининг тегишли қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш зарурати ҳақидаги маълумотлар.

Маълумотнома юридик хизмат ходими томонидан имзоланади.

55. Юридик хизмат ходими меҳнат таътилида, хизмат сафарида бўлган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли, шунингдек бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда, маълумотнома лойиҳанинг ҳуқуқий тартибга солиш предметига тааллуқли масалани тартибга солиш учун масъул бўлган таркибий бўлинма (мансабдор шахс) томонидан тайёрланади ва

мазкур таркибий бўлинма раҳбари (мансабдор шахс) ёки ҳоким ўринбосарларидан бири томонидан имзоланади.

VII боб. Лойиҳани манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишиш

56. Лойиҳа юридик хизмат ходими томонидан кўриб чиқилганидан кейин, ишлаб чиқувчининг раҳбари лойиҳани имзолайди ва кузатув хати билан манфаатдор органлар ва ташкилотларга (бундан буён матнда манфаатдор органлар деб юритилади) уни узил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқувчи лойиҳани манфаатдор органларга имзолаш учун юборишдан олдин, лойиҳани ушбу органларга олдиндан келишиш ва фикрларини ўрганиш учун юбориш ҳуқуқига эга.

57. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, бюджет масалалари ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш билан боғлиқ лойиҳалар тегишлича ҳудудий иқтисодиёт, молия ва давлат солиқ хизмати органлари билан келишилиши лозим.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари лойиҳалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳам келишилиши лозим.

58. Атроф-табиий муҳитга, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи лойиҳалар ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

59. Рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган лойиҳалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади.

60. Ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органлари билан келишилади.

61. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тааллуқли лойиҳалар Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан келишилади.

62. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти масалаларига тааллуқли лойиҳалар тегишлича вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари билан келишилади.

63. Манфаатдор органлар 3 кунлик муддатда лойиҳани кўриб чиқиши ва узил-кесил келишиши (имзолаши) шарт.

64. Агар лойиҳа бўйича манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазалари мавжуд бўлса, улар ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини хатда асослар билан кўрсатадилар ва лойиҳани таклиф ва мулоҳазалар билан имзолайдилар. Бунда имзонинг олдида таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хатнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

Лойиҳа бўйича таклиф ва мулоҳазалар ифодаланган хат ишлаб чиқувчига лойиҳа билан бирга топширилади.

65. Хатда асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқувчи томонидан инобатга олинмаслиги мумкин. Асослантирилмаган таклиф ва мулоҳазалар қабул қилинмаслиги оқибати бўйича жавобгарлик, ўз таклиф ва мулоҳазаларини асослантирмаган манфаатдор органларнинг раҳбари зиммасига юклатилади.

66. Лойиҳага, унинг мазмуни ва тузилмасини жиддий ўзгартираётган таклиф ва мулоҳаза мавжуд бўлганда, манфаатдор органлар ишлаб чиқувчига ўзларининг лойиҳа вариантини таклиф қилишлари мумкин. Бунда таклиф этилган лойиҳанинг варианти манфаатдор органларнинг биринчи раҳбари истисно ҳолларда унинг биринчи ўринбосари томонидан асослаш-хати билан бирга имзоланади.

67. Ишлаб чиқувчи манфаатдор органларнинг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқади, зарурат бўлган ҳолларда лойиҳага тегишли тузатишларни киритади.

VIII боб. Лойиҳани адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

68. Лойиҳа тайёрланган маълумотнома, лойиҳанинг келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда ҳоким ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган кузатув хати билан бирга ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адлия бошқармасига тақдим этилади.

69. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг лойиҳалари мазкур Кенгашлар сессиялари ўтказилишидан камида уч кун олдин адлия бошқармасига тақдим этилади.

Адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қарорларининг лойиҳалари Кенгаш муҳокамаларига киритилмайди. *(69-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)*

70. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун лойиҳа тақдим этилган сана адлия бошқармасининг девонхонаси томонидан қабул қилиб олинган сана ҳисобланади. Агар лойиҳа почта хизмати орқали топширилган бўлса, тегишли алоқа бўлими корреспонденти томонидан адлия бошқармасига топширилган сана – ҳужжат қабул қилинган кун ҳисобланади.

71. Тақдим этилган лойиҳа қуйидаги ҳолларда адлия бошқармалари томонидан 2 иш куни ичида хулосасиз мазкур Йўриқноманинг 1 ёки 1^1-иловаларига мувофиқ шаклдаги кузатув хати орқали ҳуқуқий экспертиза ўтказилмасдан ишлаб чиқувчига қайтарилади:

лойиҳа норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлмаса;

лойиҳа барча манфаатдор органлар томонидан уларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда – уларнинг биринчи ўринбосарлари) даражасида келишилмаган бўлса;

лойиҳага мазкур Йўриқноманинг 68-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса;

маълумотномада лойиҳанинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар (агар лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса) акс эттирилмаган бўлса.

(71-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 315-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 652-модда)

72. Адлия бошқармалари тақдим этилган лойиҳани 5 иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг лойиҳалари 2 иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади. *(72-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)*

73. Лойиҳалар адлия бошқармалари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилаётганда уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги аниқланади.

74. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш давомида адлия бошқармалари лойиҳаларни уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ҳам таҳлилни амалга оширади.

74[1]. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тегишли лойиҳа унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади.

(74[1]-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)

75. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш давомида лойиҳанинг келгусида ҳуқуқий тартибга солиш предмети (муайян соҳадаги муносабат) ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ишлаб чиқилиш даражаси аниқланади. Бунда тегишли муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинганлик ҳолати ва даражасига баҳо

бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилади.

Муайян соҳанинг ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси ўрганилганда, лойиҳанинг ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасидаги ўрни ва ўзаро алоқадорлиги аниқланади.

76. Лойиҳа нормаларидаги муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган бўшлиқлар ва номувофиқликлар ҳамда ички зиддиятлар мавжуд эмаслигига эътибор берилади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниш зарурияти ўрганилади.

Лойиҳада ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

77. Лойиҳанинг номи унинг мазмунига мувофиқлиги текширилади.

78. Лойиҳанинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Бунда жумладан қуйидагиларга аҳамият берилади:

лойиҳанинг ушбу Йўриқномани̇нг III ва IV бобларида кўрсатилган талабларга мос равишда тайёрланганлиги ва расмийлаштирилганига;

ҳавола қилинаётган ҳужжатларнинг расмий манбалари тўғри кўрсатилганлигига;

лойиҳа билан бошқа қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган бўлса, лойиҳа ушбу Йўриқномани̇нг V бобида кўрсатилган талабларга мос равишда ишлаб чиқилганлигига.

79. Лойиҳада ишлатилган юридик, техник ва бошқа атамаларга баҳо беришда қуйидагилар ўрганилади:

атамаларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этган ҳолда баён қилинганлиги;

лойиҳадаги атама ва тушунчаларнинг тўлиқ очиб берилганлиги;

ишлатилган қисқартмаларга тушунча берилганлиги.

80. Агар тақдим этилган лойиҳа ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб берса, лойиҳанинг қонун ҳуж-

жатларига мувофиқлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 2-иловасидаги намунага мувофиқ хулоса тузилади.

81. Лойиҳанинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

хулоса рақами ва санаси;

лойиҳанинг реквизитлари;

лойиҳанинг қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

ҳуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хулосани тасдиқлаган адлия бошқармаси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми.

82. Агар тақдим этилган лойиҳа ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига жавоб бермаса, лойиҳанинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасидаги намунага мувофиқ хулоса тузилади.

83. Лойиҳанинг қонун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисидаги хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

хулоса рақами ва санаси;

лойиҳанинг реквизитлари;

лойиҳанинг қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар;

ҳуқуқий экспертизадан ўтказган мутахассис ҳамда хулосани тасдиқлаган адлия бошқармаси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми.

84. Ушбу Йўриқноманинг 81 ва 83-бандларида кўрсатилган хулосалар икки нусхада тузилиб, адлия бошқармасининг Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъба мудири томонидан (Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида Қонунчилик бўлими бошлиғи томонидан) имзоланади ва адлия бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Хулосаларнинг бир нусхаси мазкур Йўриқноманинг 4, 4^1 ва 5-иловаларида келтирилган шаклга мувофиқ кузатув хати билан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига юборилади.

(84-бандниг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)

85. Қонун ҳужжатларига номувофиқлиги тўғрисидаги хулосада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгач, лойиҳа маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан адлия бошқармасига қайта тақдим этилиши мумкин.

86. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулосалар тақдим этилган сана тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг масъул ходими имзо қўйиб олинган сана ҳисобланади. Агар хулосалар почта хизмати орқали топширилган бўлса, тегишли алоқа бўлими корреспондентига топширилган сана – хулоса топширилган кун ҳисобланади.

87. Адлия бошқармаларида Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қайд этиш китоби юритилиб, унда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган ҳар бир лойиҳа ҳақидаги маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ киритилиб борилади.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қайд этиш китоби тикилган, рақамланган ва тегишли адлия бошқармаларининг муҳри билан тасдиқланган ҳолда юритилади.

IX боб. Якуний қоида

88. Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур Йўриқноманинг талабларига риоя қилиниши учун шахсан масъулдирлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1-ИЛОВА

НАМУНА

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
SIRDARYO VILOYAT ADLIYA
BOSHQARMASI**

120100, Гулистон шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-уй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo @minjust.gov.uz

**MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DEPARTMENT OF JUSTICE OF
SYRDARYA REGION**

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo @minjust.gov.uz

2013 йил 9 январь
02/2166-сон

Сирдарё туман ҳокими
Б. Сувоновга

Сизнинг 2013 йил 7 январдаги
1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан «Туманда тоза ҳаво ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур қарор лойиҳаси умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилмаганлиги сабабли адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиладиган ҳужжатлар тоифасига кирмайди.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмайдиган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид нормалар бўлмаслиги лозим.

Илова: қарор лойиҳаси ___ варақда

Бошқарма бошлиғи **Э. ХОДЖАҚУЛОВ**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
1[1]-ИЛОВА

НАМУНА

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
SIRDARYO VILOYAT ADLIYA
BOSHQARMASI**

120100, Гулистон шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-уй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo @minjust.gov.uz

**MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DEPARTMENT OF JUSTICE OF
SYRDARYA REGION**

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo @minjust.gov.uz

2015 йил 9 январь
02/2166-сон

Сирдарё вилоят ҳокими
О. Ашурматовга

Сизнинг 2015 йил 7 январдаги
1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳокимининг «2015 йил учун бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига зид равишда, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш учун жойлаштирилмаганлиги туфайли, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилмоқда.

Лойиҳа белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилиши, шунингдек муҳокама иштирокчиларининг тақдим этган таклифлари умумлаштирилиб, кўриб чи-

қилгандан сўнг адлия бошқармасига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун қайта тақдим этилиши лозим.

Илова: қарор лойиҳаси ___ варақда

Бошқарма бошлиғи **А. ТОШҚУЛОВ**

(1[1]-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 315-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 652-модда)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

НАМУНА

ТАСДИҚЛАЙМАН

М.Ў. Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

_____ Э. Ходжақулов

(имзо)

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
ХУЛОСА

2013 йил 9 январь Гулистон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан Сирдарё вилоят Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низомда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ушбу ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қарор қабул қилиш ваколати белгиланган.

Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас.

Ушбу қарор лойиҳаси қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, туман ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Оқ олтин туман ҳокимининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2013 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Ҳуқуқий экспертиза ва қонун
ҳужжатларини туркумлаш
шўъбаси мудири:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
3-ИЛОВА

НАМУНА

ТАСДИҚЛАЙМАН

М.Ў. Сирдарё вилояти адлия
бошқармаси бошлиғи
_____ Э. Ходжақулов
(имзо)

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан
ХУЛОСА

2013 йил 9 январь Гулистон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан Сирдарё вилоят Оқ олтин туман халқ депутатлари Кенгашининг «Оқ олтин туманида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

1. Оқ олтин туман халқ депутатлари Кенгаши қарори лойиҳасининг 6-бандида ушбу қарор ижросини назорат қилиш «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Оқ олтин тумани бўлимига юклатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда уларга ҳисобот бермайди ҳамда уларнинг назорати остида бўлмайди.

Шунга мувофиқ, лойиҳанинг 6-бандини Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун талабларига мослаштириш лозим бўлади.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 11-бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда хорижий тилларнинг атамалари давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда қўлланилиши тақиқланган бўлсада, лойиҳанинг 2, 3 ва 4-бандларида «перекрёстка» сўзи ишлатилган.

3. Лойиҳада бир қатор орфографик хатолар мавжуд. Жумладан, лойиҳа муқаддимасида «тартиб» сўзи «тартб» тарзида, лойиҳа 3-бандидаги «юридик» сўзи «юредик» тарзида нотўғри ёзилган.

Бундан ташқари, лойиҳада келтирилган ҲУЖМШ аббревиатураси очиб ёзилиши лозим.

4. Лойиҳада қонунчилик техникаси талаблари бузилган. Хусусан, 3-банддан кейин 5-банд қўйилган бўлиб, бандлар изчил кетма-кетликда рақамланмаган.

Лойиҳани расмийлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя қилинмаган. Хусусан, варақлар рақамланмаган, лойиҳанинг биринчи бети юқори қисми ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилмаган.

Юқоридагиларга биноан, туман халқ депутатлари Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Оқ олтин туман халқ депутатлари Кенгашининг «Оқ олтин туманида жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш ҳамда санитария қоидаларига риоя қилинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилмаганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига номувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳужжатларини туркумлаш шўъбаси мудири:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
4-ИЛОВА

НАМУНА

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
SIRDARYO VILOYAT ADLIYA
BOSHQARMASI**
120100, Гулистон шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-уй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo @minjust.gov.uz

**MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DEPARTMENT OF JUSTICE OF
SYRDARYA REGION**
24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo @minjust.gov.uz

**2013 йил 9 январь
02/2166-сон**

**Сирдарё туман ҳокими
Б. Сувоновга**

*Сизнинг 2013 йил 7 январдаги
1-98-сонли хатингизга*

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси «Йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўловчи ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг расмий нашрларда эълон қилиниши, расмий веб-сайтда жойлаштирилиши (расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай), Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозимлиги маълумот тариқасида маълум қилинади.

Илова: қарор лойиҳаси ___ варақда

Бошқарма бошлиғи **Э. ХОДЖАҚУЛОВ**

(4-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи таҳририда – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4[1]-ИЛОВА

НАМУНА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI SIRDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
120100, Гулистон шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 24-уй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo @minjust.gov.uz

MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN DEPARTMENT OF JUSTICE OF SYRDARYA REGION
24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo @minjust.gov.uz

2014 йил 9 январь
02/2166-сон

Сирдарё туман ҳокими
Б. Сувоновга

Сизнинг 2014 йил 7 январдаги 1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси «Туман аҳолисининг бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Сирдарё туман халқ депутатлари Кенгаши қарори лойиҳасини қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқлигини билдиради.

Қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулосада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг сессия муҳокамасига киритилиши лозим.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг расмий нашрларда эълон қилиниши, расмий веб-сайтда жойлаштирилиши (расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай), Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозимлиги маълумот тариқасида маълум қилинади.

Илова: қарор лойиҳаси, ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича хулоса __ варақда.

Бошқарма бошлиғи **А. ТОШҚУЛОВ**

(4[1]-илова Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 12 июндаги 158-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 24-сон, 297-модда)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
томонидан қабул қилинадиган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш,
юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага
5-ИЛОВА

НАМУНА

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
SIRDARYO VILOYAT ADLIYA
BOSHQARMASI**

120100, Гулистон шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси, 24-уй.
Тел: (3672) 25-00-93, Факс: 25-09-69
Электрон почта: sirdaryo @minjust.gov.uz

**MINISTRY OF JUSTICE OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DEPARTMENT OF JUSTICE OF
SYRDARYA REGION**

24, Al-Horazmy Street, Gulistan city, 120100
Phone: (3672) 25-00-93, Fax: 25-09-69
e-mail: sirdaryo @minjust.gov.uz

2013 йил 9 январь
02/2166-сон

Сирдарё туман ҳокими
Б. Сувоновга

Сизнинг 2013 йил 7 январдаги
1-98-сонли хатингизга

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси «Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги туман ҳокими қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникаси қоидаларига номувофиқлигини билдиради.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича хулосада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этганингиздан кейин, қарор лойиҳасини қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адлия бошқармасига тақдим этишингиз мумкин.

Илова: қарор лойиҳаси, ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича хулоса ___ варақда

Бошқарма бошлиғи **Э. ХОДЖАҚУЛОВ**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қайд этиш КИТОБИ

Т/р	Лойиҳанинг келиб тушган куни	Лойиҳани юборган маҳаллий давлат ҳокимияти органи	Лойиҳанинг номи	Ҳуқуқий экспертиза бўйича хулосанинг қисқача мазмуни	Хулоса тақдим этилган кун	Изоҳ*
1	2	3	4	5	6	7

* Қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар мавжуд бўлган қарор лойиҳалари қайд этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ХОДИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОМЗОДЛАРНИ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН КЕЛИШИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 9-сон, 100-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2562]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35–36-сон, 355-модда) асосан **буюраман:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М. Ишбеков) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Рес-

публикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 28 февраль,
50-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги
50-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35–36-сон, 355-модда) мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (бундан буён матнда ҳокимлик деб юритилади) юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Ҳокимликларнинг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этилган номзодларни (бундан буён матнда номзод деб юритилади) адлия органлари билан келишиш уларни тавсия этилган лавозимга лаёқатлилиги ва касбига муносиб ёки муносиб эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 5-бандига мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари лавозимга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан, ту-

манлар ва шаҳарлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий адлия органлари деб юритилади) билан келишилган ҳолда тайинланадилар.

3. Ҳокимликлар томонидан юридик хизмат лавозимига келишиш учун бир ва ундан ортиқ номзодлар тавсия этилиши мумкин.

4. Ҳокимликлар номзодни келишиш учун тегишли адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ҳокимнинг номзодни лавозимга тавсия этиш тўғрисидаги тақдимномаси;

номзоднинг ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклдаги анкетаси ва яқин қариндошлари ҳақидаги маълумот;

олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун. Агар номзод хорижда таълим олган бўлса, хорижда ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат ва ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ёхуд ундан кўчирма, агар мавжуд бўлса.

Ҳокимлик томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди.

II боб. Номзодлар билан суҳбат ўтказиш

5. Номзодни келишиш у билан суҳбат ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6. Суҳбат адлия органларида ташкил этиладиган ҳокимликларнинг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш бўйича комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

7. Комиссиялар таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан камида беш кишидан, яъни раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида вазирнинг тегишли ўринбосари, ҳудудий адлия органларида эса, ҳудудий адлия органи раҳбари комиссия раиси ҳисобланади.

8. Комиссия фаолиятини ташкил қилиш бўйича ташкилий масалалар унинг ишчи органи томонидан амалга оширилади. Бунда адлия органларининг тегишли таркибий бўлинмаси комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

9. Суҳбат ҳужжатлар тегишли адлия органига келиб тушган санадан бошлаб бир ой ичида ўтказилади.

10. Ишчи орган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида уларда камчиликлар борлиги аниқланмаса, номзодни тавсия этган ҳокимликка суҳбат ўтказилишидан камида беш кун олдин суҳбат ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида ёзма равишда хабар беради.

11. Тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар борлиги аниқланган тақдирда, ишчи орган томонидан уч иш куни ичида номзодни суҳбатга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва номзодни тавсия этган ҳокимликка ёзма равишда хабар берилади.

12. Суҳбатга қўйишни рад этиш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилган тақдирда, ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин.

13. Комиссия ишида аъзоларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

14. Номзод билан унинг касб фаолиятига боғлиқ бўлган қонунчилик соҳалари, шу жумладан конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи соҳалари, шартномавий-ҳуқуқий фаолият ва суд ишларини юритиш асослари бўйича суҳбат ўтказилади.

15. Суҳбат натижалари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги суҳбат варақасида акс эттирилади. Суҳбат варақасида комиссия аъзолари томонидан берилган саволларнинг жавоби «тўғри», «нотўғри», «тўлиқ эмас» ёки «жавоб берилмади» шаклида баҳоланади.

16. Комиссия аъзолари номзоднинг билими, шунингдек иш тажрибасини ҳисобга олиб, уни суҳбатдан ўтган ёки ўтмаган деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилина-

ди. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Узрсиз сабабларга кўра суҳбатга келмаган номзодлар комиссия томонидан суҳбатдан ўтмаган деб топилади.

17. Суҳбат натижаларига кўра номзоднинг суҳбатдан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги ҳолати бўйича тегишли ишчи органи уч иш куни ичида номзодни тавсия этган ҳокимликка ёзма равишда жавоб бериши лозим.

18. Суҳбатдан ўтган деб топилган номзодлар икки ҳафта давомида тегишли адлия органларида стажировка ўтайди.

19. Суҳбатдан ўта олмаган номзодлар уч ойдан сўнг, умумий асосларда ушбу лавозимга қайта тавсия этилиши мумкин.

III боб. Якуний қоидалар

20. Номзодларни келишиш билан боғлиқ тўпланган барча ҳужжатлар тегишли комиссиянинг ишчи органида сақланади.

21. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Адлия органларига келишиш учун тавсия этилган номзоднинг АНКЕТАСИ

3 х 4 см ўлчамли фотосурат учун жой

1. Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____
2. Туғилган санаси (кун, ой ва йил) _____
3. Паспорт серияси ва рақами, берилган санаси ва уни берган органнинг номи: _____
4. Яшаш жойи
вилоят _____ шаҳар (туман) _____
кўча _____ уй, квартира рақами _____
телефон _____ факс _____
5. Маълумоти _____
Таълим муассасасининг номи _____
Мутахассислиги _____ Тамомлаган йили _____
6. Меҳнат фаолияти

Т/р	Ой ва йил		Лавозими (ташкилот кўрсатилган ҳолда)		Ташкилот жойлашган ер
	ишга кирган вақти	ишдан бўшаган вақти			

7. Юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат фаолияти

Т/р	Ой ва йил		Лавозими (ташкилот кўрсатилган ҳолда)		Ташкилот жойлашган ер
	тайинланган вақти	озод қилинган вақти			

Тўлдирилган санаси _____ Шахсий имзо _____

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг
юридик хизмати ходими лавозимига тавсия
этиладиган номзодларни адлия органлари
билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Адлия органларига келишиш учун тавсия этилган номзоднинг яқин қариндошлари ҳақида
МАЪЛУМОТ

Т/р	Ф.И.О.	Қариндошлиги	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш жойи

Яқин қариндошларининг рўйхатини тўлиқ ва тўғрилигини тасдиқлайман:

Номзод: _____

(Ф.И.О., имзо)

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этилган номзод билан суҳбат ўтказиш варақаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган йили (санаси) _____
3. Маълумоти _____
4. Мутахассислиги _____
5. Умумий иш стажи _____,
шу жумладан юридик мутахассислик бўйича _____
6. Бошқа маълумотлар: _____
_____
7. Номзодга берилган саволлар ва уларнинг жавоблари: _____
_____
_____
8. Номзоднинг эътирозлари ва таклифлари: _____
_____
9. Овоз бериш натижалари:
ёқлаганлар _____
қаршилар _____
10. Суҳбат ўтказилган сана: _____
11. Ўтказилган суҳбат натижалари бўйича хулоса: _____
_____

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О., имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____
(Ф.И.О., имзо)

Комиссия аъзолари:

1. _____
(Ф.И.О., имзо)

2. _____
(Ф.И.О., имзо)

3. _____
(Ф.И.О., имзо)

Ишчи орган масъул ходими _____
(Ф.И.О., имзо)

Суҳбат варақаси билан танишдим: _____
(сана ва номзоднинг имзоси)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮРИДИК ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИГА ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 9-сон, 101-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2563]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35–36-сон, 355-модда) асосан **буюраман:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (М. Ишбеков) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Рес-

публикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 28 февраль,
51-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги
51-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35–36-сон, 355-модда) мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (бундан буён матнда ҳокимлик деб юритилади) юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби, шунингдек ҳисобот шаклини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деганда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек туман ва шаҳар ҳокимликлари тушунилади.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги низомнинг 5-бандига мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари юридик хизмати ходимлари Қорақалпоғистон

Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига ҳисоб берадилар.

II боб. Ҳисобот тақдим этиш

3. Ҳокимликларнинг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар мазкур Низомнинг иловасида келтирилган шаклдаги жадвалга мувофиқ тақдим этилади.

4. Ҳисобот бевосита тегишли юридик хизмат ходими томонидан тўлдирилади ва имзоланади. Юридик хизмат бўлинма (департамент, бошқарма ёки бўлим) тарзида ташкил этилган бўлса, ундаги юридик хизмат ходимларининг ҳар бири ўзи томонидан бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузади.

Агар юридик хизмат ходими ҳисобот чорагининг охирги ойида лавозимга тайинланган бўлса, у томонидан бажарилган ишлар бўйича маълумотлар кейинги чорак якуни бўйича тақдим этиладиган ҳисоботга қўшиб берилади.

5. Ҳисобот ҳар чорак якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 5-санасига қадар ўсиб борувчи тартибда қоғоз ва электрон шаклда кузатув хатига илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

6. Тақдим қилинган ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида адлия органлари томонидан уларда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилиб олиниши мумкин.

III боб. Якуний қоидалар

7. Адлия органлари тегишли равишда ҳисоботларни умумлаштиради, таҳлил қилади, зарур ҳолларда, чора-тадбирлар белгилайди.

8. Ҳисоботларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик юридик хизмат бошлиғи ва тегишли юридик хизмат ходимига, уларнинг адлия органларига белгиланган муддатларда тақдим қилиниши учун жавобгарлик эса, тегишли ҳокимга юклатилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга
ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига тақдим этиладиган СТАТИСТИК ҲИСОБОТ ШАКЛИ

01.01.- «___» _____ 20___ йил ҳолатига
(ҳисобот даври)

(чораклик, йиллик)

Т/р	Юридик хизмат ходими Ф.И.О. ва иш жойи	Юридик хизмат ходими томонидан ишлаб чиқилган маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари қарор (фармойиш)лари сони	Кириш хизмат ходими томонидан кўриб чиқилган ва виза қўйилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарор (фармойиш)лари сони	Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, виза қўйилган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар лойиҳалари сони (12-устунидан)	Шундан		Адлия органига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар лойиҳалари сони	Шундан		Адлия органига давлат ҳисобига олиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар сони	Шундан		Виза қўйилган ва ҳулоса берилган шартнома лойиҳалари сони	Ёзма ҳулоса берилган шартнома лойиҳалари сони (12-устунидан)	Ҳокимлик ва унинг тизимига кирувчи бўлимларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ўтказилган ўрганишлар сони	Ўрганиш натижасида айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича киритилган тақдимлар сони	Шундан		
					халқ депутатлари Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари	ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари		халқ депутатлари Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари	ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳалари		халқ депутатлари вилоят (туман, шаҳар) Кенгашининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари	ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари						интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида	маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида	жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

(шакл давоми)

Т/р	Хокимликнинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш масаласида қатнашилган суд мажлислари сони	Киритилган талабномалар		Шундан, қаноатлантирилган		Шартномавий муносабатлардан келиб чиқалиган низолар юзасидан судларга киритилган даъво аризалари		Шундан, қаноатлантирилган		Хокимликка киритилган ва юридик хизмат ходими иштирокида кўриб чиқилган тақдимномалар ва талабномалар сони	Шундан		Кўриб чиқилган фуқаролар мурожаатлари сони	Шундан			Ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари сони	Шундан					Ҳокимлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича киритилган таклифлар
		сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма		тақдимнома	талабнома		ариза	шикоят	таклиф		телевидение	радио	газета, журнал, веб-сайт	маъруза, семинар, давра суҳбати, конференция	плакат, буклет		
	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	

Юридик хизмат ходими _____ _____

(Ф. И. О)., (имзо)

М. Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 10-сон, 110-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565]

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг юридик хизматлари иштирокида бир ойлик муддатда семинар ўтказсин.

6. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Икрамов зиммасига юклансин.

Вазир **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2014 йил 28 февраль,
53-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги
53-мҳ-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, қабул қилиш, шунингдек уларни ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва кучга кириш тартибини белгилайди.

1-боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-§. Асосий тушунчалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

қонунчилик техникаси – ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, воситалар ва усуллар (инструментлар) мажмуи;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат – вазирлик, давлат қўмитаси ва идора томонидан белгиланган тарзда қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

ҳуқуқий экспертиза – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳот-

ларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга ошириш.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар (бундан буён матнда вазирлик ва идоралар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари, шу жумладан мазкур Қоидаларга мувофиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар.

Мазкур Қоидаларда идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган республика давлат бошқарув органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.

2-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича ваколатлар

3. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, агар кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан вазирлик ва идорага тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича ёки тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ваколати берилган бўлса, уларнинг ваколатига киради.

Вазирлик ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича берилган вако-

латни бошқа органларга, шунингдек ўзларининг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига беришга ҳақли эмас.

4. Вазирлик ва идоралар ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар келиб чиққан тақдирда, агар ушбу масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларга тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида, уни қабул қилиш муддатини кўрсатган ҳолда тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қоида тариқасида бир ойдан ошмаслиги лозим.

5. Ҳуқуқий нормаларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган ҳужжатларга (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, якка тартибдаги хусусиятга эга ҳужжатлар ва бошқалар) киритилишига йўл қўйилмайди. Умум мажбурий тусга эга бўлмаган, лекин умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган ҳужжатлар бекор қилиниши лозим ва қўлланилмайди.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва амал қилиш муддатлари

6. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг 1 – 12-иловаларига мувофиқ буйруқ ва қарорлар тарзида қабул қилинади.

7. Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

8. Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиал органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қарорлар тарзида қабул қилинади.

9. Буйруқ ва қарорлар бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

10. Буйруқлар ва қарорлар билан мазкур Қоидаларнинг 1 – 5-иловаларига мувофиқ ушбу буйруқ ёки қарорнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низомлар, қоидалар ёки йўриқномалар тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

11. Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни белгилашни назарда тутади.

12. Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий нормаларни белгилашни назарда тутади.

13. Йўриқномаларнинг асосий мазмуни қонун ҳужжатлари қоидаларини қўллаш тартибини белгилашни назарда тутади.

14. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян муддатга (вақтинчалик) ёки номуайян муддатга қабул қилиниши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин.

15. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш муддати:

а) аниқ сана билан;

б) муайян ҳодисанинг юз бериши ёхуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

2-боб. ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

1-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш

16. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазирлик ва идораларнинг бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларига, уларнинг вазифалари ва ваколатларини ҳисобга олган ҳолда, юклатилади. Бунда кўрсатилган лойиҳанинг тайёрланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси, уни тайёрлаш муддати, зарурат бўлган тақдирда эса, мазкур ишга жалб қилинадиган ташкилотлар аниқланади.

17. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин.

18. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

19. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси устидаги иш жараёнида лойиҳа мавзусига оид Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, бошқа давлатларнинг қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибаси ва қонун ҳужжатлари, халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар ўрганилади, тегишли қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти, кўриб чиқилаётган масала бўйича илмий адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларининг материаллари, шунингдек агар ўтказилган бўлса, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари таҳлил қилинади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган нормалар мавжудлиги бўйича ўрганилади.

Мазкур бандниng иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги юзасидан шубҳа пайдо бўлган тақдирда, вазирлик ва идоралар тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юбориши мумкин. *(19-бандниng иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 23 майдаги 138-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 21-сон, 253-модда)*

20. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

21. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган;

тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар киритилиши тақиқланади.

2-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши

22. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш предмети изчил (мантиқий) ривожланишини, шунингдек бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаши лозим.

23. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг мазмунига мувофиқ бўлган ҳамда тартибга солиш предметини акс эттирувчи қисқа номга эга бўлиши лозим. Ҳужжат номи аниқ, равон ва имкон қадар ахборотга бой бўлиши лозим.

Агар буйруқ ёки қарор билан низом, қоидалар, йўриқнома ёки бошқа ҳужжат тасдиқланадиган бўлса, мазкур Қоидаларнинг 1 – 5-иловаларига мувофиқ шакл бўйича буйруқ ёки қарорнинг номида ушбу ҳужжатларнинг тасдиқлангани кўрсатилиши лозим.

24. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва сабабларни тушунтириш учун лойиҳада кириш қисми – муқаддима берилиши мумкин.

Муқаддимада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишнинг сабаблари, мақсадлари ва вазифалари кўрсатилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида қабул қилинаётганлиги кўрсатилади.

Муқаддима ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

25. Ҳуқуқий нормалар араб рақамларида белгиланиб, нуқта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бандлари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Бандлар доирасимон қавслар билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки рақамлар

кўринишидаги кичик бандларга ҳамда хатбошиларга бўлиниши мумкин.

26. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қуйидагиларга:

иккитали рақамларни ишлатишга (масалан, «1.1», «5.1.1», «1.а», «а.а» ва ҳ. к.);

бир вақтнинг ўзида кичик бандларни ва мустақил (кичик бандлар билан боғланмаган) хатбошиларни баён этишга;

хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгилар ишлатишга йўл қўйилмайди.

27. Ҳажмига кўра идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат камайиб борувчи қуйидагича тузилмавий бирликларга бўлинади: бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар. Иккинчи ва кейинги хатбошиларни бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар рим, боблар эса араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

28. Қуйидаги тузилмавий бирликлар:

агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда боблар бўлмаса, «бўлим»;

агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда банд бўлмаса, «кичик банд» ва «хатбоши» киритилишига йўл қўйилмайди.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баён этиш

29. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир банди, қоида тариқасида, битта ҳуқуқий нормани ўз ичига олиши ҳамда тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

30. Зарур ҳолда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатининг айрим қоидалари мазкур ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини такрорлашга ушбу ҳужжатларга ҳаволалар қўллаш билан масалани тўлароқ баён этиш учунгина йўл қўйилиши мумкин.

31. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, қоида тариқасида, бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий нормалари қайта айнан такрорланмайди.

32. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг бошқа бандларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорланишларнинг олдини олиш учунгина йўл қўйилади.

33. Қонун ҳужжатига ҳавола қилинган ҳолларда мазкур Қоидаларнинг 1 – 13-иловаларига мувофиқ унинг тури, реквизитлари ва номи кўрсатилиши ҳам шарт. Бунда, бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинганда, унинг номи, давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш рақами, давлат рўйхатидан ўтказиш санаси кўрсатилади.

34. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатда мавжуд бўлмаган қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси учун кучга кирмаган халқаро шартномаларга, давлат рўйхатидан ўтмаган умум мажбурий тусдаги ҳужжатга, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топилган ҳужжатга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

Вазирлик ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган, шу жумладан тавсия хусусиятига эга ҳужжатларига ҳавола қилишга уларнинг қоидаларига умум мажбурий тус бермаслик шарти билан йўл қўйилади (техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар бундан мустасно).

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан вазирлик ва идораларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатини беришга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатлари мажмуига ёки ўрнатилган тартибга ҳавола қилинган ҳолда юридик хизмат маълумотномасига тегишли қонун ҳужжатлари рўйхати илова қилинади.

35. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади.

36. Лойиҳада қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

оғзаки нутқ шакллари;

хорижий тилларнинг атамалари, давлат тилида тенг маънолари сўзлар ва тушунчалар бўлган тақдирда;

эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар.

37. Лойиҳанинг жумлалари расмий тил услубидан ва юридик атамашуносликдан фойдаланилган ҳолда умумэътироф этилган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидалари асосида тузилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган тушунчалар, шунингдек техник ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилган ҳолларда, ҳужжатда уларнинг таърифлари берилади. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган бир ёки бир нечта тушунчага таъриф бериш зарур бўлган ҳолларда улар мазкур Қоидаларнинг 1, 3 ва 4-иловаларига мувофиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошланишида алоҳида бандда кўрсатилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкин.

38. Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкалар намуналари, услубиётлар берилса, унда улар иловалар кўринишида, ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳаволалар қўллаган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга, шунингдек тавсия хусусиятидаги ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) ҳам, уларнинг қоидаларига умум мажбурий тус бермаслик шарти билан илова қилиниши мумкин. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш предмети ҳисобланмайди.

Иловалар тегишли тартибда араб рақамлари билан рақамланади ва мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

4-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳани тайёрлаш

39. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш тегишлича буйруқлар ёки қарорлар билан расмийлаштирилади. Муқаддам қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ёки уларнинг тузилмавий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қоидалар мазкур Қоидаларнинг 6 – 12-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарор лойиҳасининг матнига киритилади (ўз кучини йўқотаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, чиқариб ташланаётган хатбошилар кўрсатилган ҳолда).

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги ҳужжат ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайси тилда қабул қилинган бўлса, шу тилда қабул қилинади.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг матнида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат номидан кейин мазкур Қоидаларнинг 6 – 12-иловаларига мувофиқ шакл бўйича унга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишда берилган рўйхатдан ўтказиш рақами ва давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, шунингдек эълон қилишнинг расмий манбаси кўрсатилади.

40. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси билан икки ёки ундан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилаётган бўлса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Қоидаларнинг 10 ва 11-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

41. Иккитадан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган ҳолда, ушбу ҳужжатларнинг

рўйхати мазкур Қоидаларнинг 8 ва 12-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

Бир вақтнинг ўзида ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш рақамларининг ўсиб бориши бўйича жойлаштирилади.

42. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кичик бандигача бўлган (кичик бандни ҳам қўшган ҳолда) тузилмавий бирлигининг амал қилишининг тугатилиши ўз кучини йўқотган деб топиш, хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирликнинг амал қилишининг тугатилиши эса чиқариб ташлаш деб кўрсатилади.

43. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номларини янги таҳрирда баён қилиш.

44. Қўшимчаларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни янги рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар билан тўлдириш киради.

45. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи ҳужжат қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

нуқтали араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар;

доирасимон қавс билан беркитиладиган кичик ҳарфлар ёки араб рақамлари билан белгиланадиган кичик бандлар;

хатбошилар.

46. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда унинг иловалари, бўлимлари, боблари, параграфлари, бандлари ва кичик бандларининг рақамланиши ўзгармайди.

Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат янги тузилмавий бирликлар билан тўлдирилаётган бўлса, мазкур Қоидаларнинг

47-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, унда уларни асосий рақам ёки ҳарф белгилари тепасига қўйиладиган қўшимча рақамлар билан белгилаш лозим (масалан, 2^1-банд, «$в^1$» кичик банди ва ҳ. к.).

47. Агар тегишли қўшимчалар тузилмавий бирлик (бўлим, боб, параграф, банд ёки кичик банд)нинг охирига киритилаётган бўлса, унда мавжуд рақамланиш давом эттирилади (масалан, агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг охирги банди 50-банд бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат 51-банд билан тўлдирилади, агар бандининг охирги банди «в» кичик банд ҳисобланса, унда «г» кичик банд билан тўлдирилади ва ҳоказо).

48. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд ёки кичик бандининг кейинги хатбошилари кетма-кетлиги тегишли тартибда ўзгаради.

49. Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матнига, уларнинг мазмунига қараб, тиниш белгилари ҳам қўшилади (масалан, «ва йўриқномалар» деган сўзлар «, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; «, шунингдек ҳужжатлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин; «сув билан таъминловчи корхоналар –» деган сўзлар чиқариб ташлансин).

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг номига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганда иловаларнинг номи ва илова белгилари қайта кўриб чиқилади.

50. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг банди ёки кичик банди хатбошилардан иборат бўлса, хатбошиларни ҳисоблаш кириш хатбошисидан бошланади. Масалан:

«(биринчи хатбоши) 2. Ер ости ишлари қуйидаги ҳужжатлар билан тасдиқланиши мумкин:

(иккинчи хатбоши) шахта ёки рудникка тушиш ва ер устига чиқиш журнали (табели);

(учинчи хатбоши) маркшейдерлик ҳужжатлари билан;

(тўртинчи хатбоши) ишчи номига (шахталарда, рудникларда) аккумуляторлик рақамларини бириктириш журналлари билан».

(бешинчи хатбоши) Ер ости ишларини тасдиқлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ҳам қўлланилиши мумкин.».

51. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли тузилмавий бирликлари ўз кучини йўқотган деб топилганда, кейинги тузилмавий бирликларнинг рақамланиши ўзгармайди.

52. Хатбоши чиқариб ташланганда кейинги хатбошиларнинг кетма-кетлиги қайта кўриб чиқилади. Масалан:

«2-бандниг «а» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.».

53. Асосий идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётганда, ушбу ҳужжатга ўзгартириш ва (ёки) киритган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши керак.

54. Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга муҳим аҳамиятга эга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати ёки айнан бир масала бўйича бир нечта ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир тилда қабул қилинган бўлса ва уни бошқа тилда ҳам қабул қилиш зарурияти бўлса, у ҳолда уларни тартибга солиш мақсадида ягона янги ҳужжат ишлаб чиқилади.

55. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлилигини лозим даражада назорат қилишни таъминлаш учун жадвал кўринишида расмийлаштириладиган қиёслашлар тузилади.

56. Қиёсий жадвал учта графадан иборат бўлади:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тегишли тузилмавий бирлигининг таклиф этилаётган таҳрири;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

57. Тегишли тузилмавий бирликнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳриридаги графалари қиёсий жадвалда қуйидаги кўринишда баён этилади:

амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгараётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида тўлдирилаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хат-

бошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар «полужирный» шрифти билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида ўз кучини йўқотган деб топилаётган кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошилар «полужирный курсив» шрифти билан ажратиб кўрсатилади.

Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлиги янги таҳрирда баён этилаётган бўлса, қиёсий жадвалда фақат тегишлича ўзгараётган, тўлдирилаётган, ўз кучини йўқотган деб топилаётган ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар ажратиб кўрсатилади.

Амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгармаган тегишли рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар, киритилган ўзгартиришлар оддий шрифтда берилади.

3-боб. ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, КЕЛИШИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

1-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмийлаштириш

58. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

59. Буйруқлар ва қарорлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган тегишли бланкларда ёзилиши ва уларни қабул қилган органнинг (органларнинг) номи бўлиши лозим.

60. Иловалари бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим, бунда буйруқ ёки қарор унинг иловаларидан алоҳида рақамланади.

Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

61. Қоида тариқасида, стандарт варақ 1,2 қатор оралиғида («множитель») ёзилиши лозим; ҳар бир бет: юқоридан ва паст-

дан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см ҳошияга эга; хатбоши бешолти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтида ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

62. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида олд кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

63. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлиги юзасидан текшириб чиқилганидан сўнг вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати лойиҳанинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текширади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилиши асосланган ҳамда мақсадга мувофиқ бўлса, лойиҳа юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир бетининг орқа тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилиши асосланган ҳамда мақсадга мувофиқ бўлмаса, юридик хизмат лойиҳани тегишли хулоса билан лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмага қайтаради.

64. Юридик хизмат идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича маълумотнома тайёрлайди.

65. Юридик хизмат маълумотномасида қуйидагилар акс эттирилади:

а) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш учун асос (вазирлик ва идора ваколати, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кирган масалаларни ҳал этишни топшириш ёки бундай ҳуқуқ бериш юзасидан юқори органнинг қарори, ҳужжат қабул қилиниши учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа ҳолатлар);

б) ушбу орган томонидан ушбу масала бўйича муқаддам қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

в) ушбу масала бўйича муқаддам бошқа органлар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларни ўзгартириш ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар;

г) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар (агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиниши керак бўлса). *(65-банднинг «г» кичик банди Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 31 декабрдаги 317-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 52(I)-сон, 654-модда)*

66. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича маълумотнома идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

2-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиш

67. Қонун ҳужжатларига мувофиқ келишилиши мажбурий бўлган ҳолларда, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва идоралар манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи нормалар мавжуд бўлса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим.

Келишилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан имзоланган ва тегишли вазирлик ва идоралар муҳри билан тасдиқланган ҳолда унинг келишилганини кўрсатувчи якуний қоидаларни ўз ичига олиши лозим. Бунда, мазкур Қоидаларнинг 3, 4, 5, 6, 8 ва 10-иловаларига мувофиқ шакл бўйича лавозим номи, фамилия, исмнинг бош ҳарифи, шунингдек келишилиш санаси кўрсатилиши лозим.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат у биринчи келишилаётган вазирлик ва идора билан келишилганидан сўнг, ўттиз кун ичида қабул қилиниши керак.

68. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқлари масалалари билан боғлиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича эса – Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилиши лозим.

69. Меҳнат, аҳолининг бандлиги ва ижтимоий муҳофазаси соҳасига тааллуқли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

70. Атроф-табиий муҳитга, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

71. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид масалалар бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

72. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни келишиш давомида вазирлик ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бундай ҳужжат келишмовчиликлар бартараф қилингунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас. Агар келишмовчиликларни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашга масъул бўлган вазирлик ёки идора бу масалани батамом ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёхуд бошқа юқори турувчи органга мурожаат қилиши лозим.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш

73. Вазирлик ва идора томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни имзолаш йўли билан қабул қилинади. Имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланади.

Қўшма қарорлар қабул қилишда вазирлик ва идораларнинг номи ҳар бир вазирлик ва идора учун тартибга солинаётган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади. Тартибга солинаётган масала бир нечта вазирлик ва идоралар учун тенг аҳамиятга эга бўлган тақдирда, уларнинг номлари алфавит тартибида жойлаштирилади.

74. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ва рус тилларида қабул қилинган ҳолда, таҳрирлари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим.

75. Низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар уларни тасдиқлаётган буйруқлар ёки қарорларга илова кўринишида расмийлаштирилади, буйруқ ёки қарорнинг тегишли бандида эса уларга мазкур Қоидаларнинг 1 – 5-иловаларига мувофиқ ҳаволалар бўлиши лозим.

76. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

а) ҳужжатнинг тури ва номи;

б) вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг ушбу вазирлик ёки идоранинг муҳри билан тасдиқланган лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси;

в) қабул қилинган санаси, рақами ва жойи.

77. Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати ягона санага эга бўлиши лозим.

Агар вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда ҳужжатнинг реквизитларида унга ушбу вазирлик ёки идора номидан имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.

Вазирлик ёки идора раҳбари вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, таътилдалиги ёки бошқа сабабга кўра бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган ташкилий-бошқарув ҳужжатида назарда тутилган бўлиши лозим.

78. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилаётган ҳужжатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида журнал юритишади ва унга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳақида қуйидаги маълумотлар киритилади:

а) ҳужжатнинг тури ва номи;

б) ҳужжат қабул қилинган сана ва жой;

в) ҳужжат келишилган органлар (улар мавжуд бўлса);

г) ҳужжатни имзолаган шахс исмининг бош ҳарфи ва фамилияси, шунингдек лавозими;

д) ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинманинг номи, шунингдек масъул ходим исмининг бош ҳарфи, фамилияси ва лавозими.

79. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналидаги тартиб рақамига мутаносиб рақам берилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журнали тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб боғланган бўлиши керак.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналидаги ёзувларни чизиш ёки уларни бошқача тарзда бузиб тўғрилашга йўл қўйилмайди. Агар ёзувларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналига киритишда жиддий хатоларга йўл қўйилса, нотўғри киритилган ёзув тўлиқлигича ўчирилади ва маълумотлар қайтадан киритилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналига киритилаётган жиддий бўлмаган тузатишлар, ўзгартириш ва қўшимчалар ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланади.

80. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан «Махфий» ва «Мутлақо махфий» грифли ҳужжатлар, иккита асл нусхада қабул қилинади. Қўшма қарорнинг асл нусхалари сони ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда ҳамда битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун қабул қилинади.

4-боб. ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ, ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ВА КУЧГА КИРИШИ

1-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш

81. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тасдиқланган ҳолда уни қабул қилган орган томонидан ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун ичида тақдим эти-

лади. Агар кўрсатилган муддатнинг тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, у ҳолда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш муддати кейинги иш кунига қадар узайтирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни белгиланган муддат давомида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш факти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан кузатув хатига қўйилган санадан, агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат почта орқали юборилган бўлса, алоқа бўлинмаси томонидан жўнатма қабул қилинган санадан қайд қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун битта кузатув хати билан фақатгина битта идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тақдим этилади.

82. Кузатув хатида:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ходимнинг;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни олишга ваколатли шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши зарур.

83. Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни имзолаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юклатилади.

84. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан 4 та нусхада (2 та асли ва 2 та нусхаси) тақдим қилинади. «Махфий» ва «Мутлақо махфий» грифли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2 та асл нусхада тақдим қилинади

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ушбу ҳужжатларнинг электрон шакли электрон ахборот ташувчи жисмларда ҳам тақдим этилади ёхуд улар вазирликка электрон почта тизими орқали юборилади.

85. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тақдим этган органнинг юридик хизмати раҳбари (вазирлик ёки идоранинг раҳбари ёки тегишли ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотнома (бир нусхада) илова қилинади. Маълумотномада уни имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.

86. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган тақдирда, маълумотномада вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажаришни юклаш, шунингдек мазкур вазифаларни бажариш муддати кўрсатилган тегишли ташкилий-бошқарув ҳужжатнинг (мазкур ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда) реквизитлари бўлиши лозим.

87. Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақроран жўнатилаётган бўлса, шунингдек у давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳужжат ўрнига қабул қилинган бўлса, маълумотномада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ёхуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказмасдан қайтарилганлиги тўғрисидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва рақами кўрсатилиши лозим.

88. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таржимаси таржима қилган шахс имзоси билан, таржима ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилган тақдирда эса, ушбу ташкилот муҳри билан тасдиқланган ташкилот раҳбари имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

89. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қуйидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилади:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларига, уларни амалга ошириш кафолатларига, кўрсатилган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларига дахл қилувчи;

б) идоралараро тусдаги (умум мажбурий тусдаги);

в) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик ёки идора (қўшма қабул қилган икки ёки ундан ортиқ

идора) тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Агар ташкилотлар вазирлик ёки идораларнинг тўлиқ бўйсунувида бўлсалар, мазкур органларнинг тизимига кирувчи ташкилотлар ҳисобланадилар. Бўйсунув тўғридан-тўғри (мазкур тизимнинг барча юқори бўғинларига вертикал равишда) ёки бевосита (бевосита юқори турувчи органга) бўлиши мумкин. Ташкилотлар, агар вазирлик ёки идорага қайсидир алоҳида муносабатлар юзасидан (масалан, ҳисоб юритиш қоидалари, маблағ билан таъминлаш, услубий раҳбарлик масалалари бўйича ва ҳоказо) бўйсунувда бўлсалар, уларнинг назорати остида бўлсалар ёхуд вазирлик ёки идора ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажарса, вазирлик ёки идоралар тизимига кирувчи ҳисобланмайдилар.

90. Бунда мазкур Қоидаларнинг 89-бандида кўрсатиб ўтилган белгилардан бири ёки бир нечтасига эга бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий амал қилувчи, вақтинчалик (маълум бир муддатга қабул қилинган), шунингдек улардаги ҳуқуқий нормаларнинг қандай хусусиятда бўлишидан, шу жумладан давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

91. Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

а) якка тартибдаги ҳужжатлар:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимидан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиал органлар таркибини тасдиқлаш, фахрий ёки ҳарбий унвонлар бериш, муайян шахсларга имтиёзлар бериш ва бошқа шу кабилар);

амал қилиши бир марта қўллаш билан тамом бўлувчи;

тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар);

б) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўналтирилган ҳамда янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаган ҳужжатлар (шу жумладан, бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар);

в) техник регламентлар;

г) стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар (стандартлар, стандартлаштириш бўйича қоидалар ва нормалар, техник-иқтисодий маълумотлар классификаторлари);

д) санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;

е) шаҳарсозлик, экологик нормалар ва қоидалар;

ж) ушбу бандниng «в» – «е» кичик бандларида назарда тутилмаган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар. Ушбу кичик бандда назарда тутилган ҳужжатларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли деб топиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади;

з) тавсия хусусиятига эга ҳужжатлар;

и) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳужжатлар;

к) умум мажбурий тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

2-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш

92. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади. Агар кўрсатилган муддатнинг тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, унда давлат рўйхатидан ўтказиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига қадар узайтирилади.

Агар тақдим этилган ҳужжат, шу жумладан малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан қўшимча ўрганиш талаб этиладиган бўлса, ҳужжатни кўриб чиқиш муддати йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

93. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш:

а) ҳуқуқий экспертизани;

б) ушбу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишни;

в) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига (бундан буён матнда Давлат реестри деб юритилади)

рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ёзув киритишни ва уни Давлат реестрига киритишни;

г) Давлат реестрига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ёзув киритишни ва уни Давлат реестридан чиқаришни ўз ичига олади.

94. Тақдим қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, агар:

а) ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар мақсадлари ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига зид бўлса;

б) ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низом ва мазкур Қоидалар билан ўрнатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш тартибини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилган бўлса. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш тартиби бузилганлиги сабабли давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилса, ҳуқуқий экспертиза ўтказилмайди;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса;

г) ҳужжат мазкур Қоидалар билан ўрнатилган бошқа талабларга жавоб бермаса.

95. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилади ва унинг нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборади. Ушбу ҳужжат ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олмаслиги ва давлат рўйхатидан ўтказишга зарурат бўлмаслиги лозим.

Ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат юборилаётган кузатув хатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг

давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ҳақидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва рақами кўрсатилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бекор қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хулосасини эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилиши ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин. Бунда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномасига кўра қабул қилинган ҳужжатларни қайта ишлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такроран тақдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим.

Мазкур Қоидаларнинг 94-банди «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда (мазкур Қоидаларнинг 81-бандида назарда тутилган муддат бузиш ҳоллари бундан мустасно), вазирлик ва идоралар бир ой ичида рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишга ёхуд ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборишга мажбурдирлар.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асл нусхалари тегишли вазирлик ва идораларнинг ёзма мурожаати асосида уларга фақат уларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхалари берилган тақдирда қайтариб берилиши мумкин.

96. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идорага бу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилган органнинг илтимосига кўра, ҳуқуқий экспертизанинг исталган босқичида давлат рўйхатидан ўтказмасдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайтариб берилиши мумкин. Бу ҳолда вазирлик ёки идора Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли хатни, ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжатнинг нусхасини юборади.

97. Агар ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертиза ўтказиш натижасида Ўзбекистон Республ-

ликаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас деб топилса, ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга ушбу қарорни қабул қилиш асослари кўрсатилган тегишли хулоса юборилади.

98. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли ёзув киритилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги белги (давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг гербли муҳри) буйруқ ёки қарорнинг юқори қисмига қўйилади. Буйруқ ёки қарор иловасининг ҳар бир илова қилинаётган варағининг пастки ўнг бурчагига давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида муҳр қўйилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмийлаштирилган асл нусхаси идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган вазирлик ёки идоранинг ходимига тилхат орқали берилади. Агар ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир сутка мобайнида олинмаса, у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан почта орқали идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга юборилиши мумкин.

Келишувчи вазирлик ва идораларга, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган вазирлик ва идора томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

99. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Қоидаларда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

100. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва ижро этилиши лозим.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач кучга киритилади. *(100-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 23 майдаги 138-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 21-сон, 253-модда)*

101. Давлат рўйхатидан ўтиши лозим бўлган ҳужжатларни, улар давлат рўйхатидан ўтказилмасидан ва расмий эълон қилинмасидан, ижрога юборишга йўл қўйилмайди. Мазкур талаблар бузилган тақдирда, ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

5-боб. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

1-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш

102. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлайди. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш бўйича шарҳ бериш зарурати юзага келган тақдирда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган тегишли расмий шарҳ бериши шарт.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ берилади. Расмий шарҳлар беришда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтиришдан иборат бўлиб, аниқлаштирувчи қоидаларни ўз ичига олади ва мустақил аҳамиятга эга бўлмайди ҳамда расмий шарҳ берилаётган нормалар билан биргаликда амал қилади.

Бунда расмий шарҳ бериш мақсадида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнидан фақат сўзма-сўз (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фойдаланишга йўл қўйилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунидан (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фарқ қилувчи ҳамда янги ҳуқуқий норма ҳосил қилувчи бошқа тушунча ва атамалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

103. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича расмий шарҳ бериш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир.

104. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳлар тегишлича буйруқ ёки қарорлар билан мазкур Қоидаларнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда берилади.

105. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги тасдиқланган буйруқ ёки қарорнинг қоғоздаги нусхаси ва электрон шакли ўн кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейингина ижрога юборилади.

106. Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқлар ёки қарорлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да эълон қилинади.

107. Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарорнинг матни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни қандай тартибда тарқатилган бўлса, шундай тартибда тарқатилади.

108. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидаларини қўллаган ҳолда тўлиқ шарҳ бериш имкони бўлмаган тақдирда, вазирлик ёки идора идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилишга мажбурдир.

Агар шарҳ тайёрлаш давомида қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати аниқланса, вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари ёхуд юқори турувчи органларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклиф киритишлари лозим.

2-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш

109. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан, шу жумладан вазирлик ва идоралар томонидан янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирлик ва идораларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилади.

110. Янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрланаётганлиги муносабати билан муқаддам қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки уларнинг тузилмавий бирликларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги таклифлар бундай ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда тайёрланиши лозим.

111. Қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтиришга ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирил-

гунга қадар ушбу ҳужжатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисмда амалда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларга улар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир. Бу ҳолда вазирлик ва идоралар ўн кунлик муддатда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар. Ушбу норма бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли орган (органлар)ни кейинчалик хабардор қилган ҳолда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқаришга ҳақлидир, бу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги буйруғи билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги буйруғи, агар буйруқнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

112. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ёхуд вазирлик ёки идора ташаббуси бўйича қайта кўриб чиқишда айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тугатиш зарурати юзага келган тақдирда, вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тегишли буйруқ ёки қарорни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруғи асосида Давлат реестрига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш ва Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ёзув киритилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат уни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинган кундан эътиборан, агар унда кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, ўз кучини йўқотган деб топилади.

113. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилса, ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим.

114. Илгари қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни (тузилмавий бирликни) ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг тузилмавий бирлигини ўз кучини йўқотган деб топиш, илгари қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат (тузилмавий бирлик) амал қилишининг тикланишига олиб келмайди.

115. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга ваколатли бошқа орган томонидан ушбу ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Бошқа вазирлик ва идоралар билан қўшма ёки келишилган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шу вазирлик ва идоралар билан қўшма ёки келишилган ҳолда ўзгартириш, қўшимчалар киритилади ёки ўз кучини йўқотган деб топилади.

Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар уни қабул қилишда иштирок этмаган вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим бўлса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу вазирлик ва идоралар билан ҳам келишилиши лозим.

116. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган вазирлик ёки идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади, ушбу Қоидаларнинг 117-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

117. Вазирлик ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтади.

118. Вазирликнинг ёки идоранинг номи ўзгартирилган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгартирилган номга оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги номи кўрсатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши номи ўзгартирилган вазирликка ёки идорага тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади.

Вазирлик ёки идора мақомининг ўзгартирилиши улар томонидан илгари қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тугатилишига олиб келмайди.

119. Вақтинчалик тусга эга бўлган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддати тугаган кундан эътиборан Давлат реестридан чиқарилган ҳисобланади. Вазирлик ва идоралар зарур ҳолда бундай ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этиб, уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришга мажбурдирлар.

Бутун ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд унга муддатсиз тус бериш идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонун ҳужжатларига, ўтказилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларига, жамиятдаги барқарор ҳуқуқий муносабатларга мувофиқ бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

3-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилишининг тўхтатиб турилиши

120. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши уни қабул қилган орган ёхуд бошқа бунга ваколатли орган томонидан муайян муддатга ёки муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилиши мум-

кин. Бунда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилган ҳолда, қандай ҳодиса юз бериши лозимлиги аниқ кўрсатилиши ҳамда ушбу ҳодиса барчага маълум бўлиши лозим.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан амалга оширилади.

Муайян муддатга тўхтатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши тўхтатиб туриш муддати тугагандан сўнг автоматик равишда қайта тикланган ҳисобланади. Бунда, амал қилишни қайта тиклаш тўғрисидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши талаб этилмайди.

Муайян ҳодиса юз бергунига қадар тўхтатиб турилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан қайта тикланади.

121. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши низоли масалалар келиб чиққанда, шунингдек идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

122. Мазкур Қоидаларнинг 121-бандига асосан тўхтатиб турилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши уни тўхтатиб туриш асослари бартараф қилинган тақдирда қайта тикланиши мумкин.

123. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши мазкур Қоидаларнинг 121-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан тўхтатиб турилади ёки қайта тикланади, буйруқнинг нусхаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тўғрисидаги буйруғи, агар буйруқнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

4-§. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва уларнинг матнларини тарқатиш

124. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг унинг 1 та асл нусхаси ва 2 та нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қолади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нусхаларидан давлат ҳисобини юритиш ва эълон қилиш учун фойдаланилади.

125. Давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилиниши шарт. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» – «Собрание законодательства Республики Узбекистан», вазирлик ва идораларнинг расмий нашрлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалардир.

Вазирлик ва идоралар томонидан таъсис этилган, таъсис ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расман эълон қилиш назарда тутилган оммавий ахборот воситалари уларнинг расмий нашрлари ҳисобланади.

Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилингунга қадар ўзларининг расмий нашрларида эълон қилган тақдирда, бу ҳақда эълон қилинган кундан кечикмай, расмий нашр реквизитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади.

126. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларнинг расмий веб-сайтига ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай жойлаштирилиши керак.

Тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган расмий веб-сайтларда эълон қилинмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади. *(126-бандниng иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 23 майдаги 138-мҳ-сонли буйруғи билан киритилган – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 21-сон, 253-модда)*

127. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни эълон қилиш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилиши мажбурийдир.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва маълумотларнинг электрон базаларида эълон қилишда (тарқатишда), шунингдек қайта чоп этиш йўли билан тарқатишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси ҳужжатнинг биринчи варағининг марказида унинг номининг остига қўйилади.

128. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» – «Народное слово» газеталарида тизимли равишда эълон қилиб борилиши шарт.

129. Вазирлик ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида, ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлашлари шарт.

130. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилиши идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан тўсиқсиз (эркин) танишиш имконини таъминловчи ҳар қандай шаклларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, расмий нашрларда, умумфойдаланиш жойларидаги пешлавҳаларда ва бошқаларда эълон қилиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашга масъул бўлган шахслар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан шахсан таништирилиши лозим.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 10 январь,
11-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2014 йил 10 январдаги
11-сон буйруғига
ИЛОВА

Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сон «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари – қонун ҳужжатлари ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиал ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс;

суғурталовчининг (суғурта брокерининг) алоҳида бўлинмасининг раҳбари – тайинланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномаси ва берилган ишончномага асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) алоҳида бўлинмасининг ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган жисмоний шахс;

суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери – суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалте-

рия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини юритишни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс;

суғурталовчининг (суғурта брокерининг) алоҳида бўлинмасининг бош бухгалтери – суғурталовчининг (суғурта брокерининг) алоҳида бўлинмасининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини юритишни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс;

алоҳида бўлинма – суғурталовчининг (суғурта брокерининг) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиали (ваколатхонаси).

2. Суғурталовчиларнинг, суғурта брокерларининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар (бундан буён матнда номзодлар деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади).

. . .

2-боб. Малака талаблари

6. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди);

в) қуйидаги йўналишлардаги билимларга эга бўлиши:

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти;

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

. . .

4-боб. Якуний қоидалар

20. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) Комиссия қарор қабул қилган кундан бошлаб 3 кун муддатда ёзма равишда хабар беради.

21. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келмаган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) мос келмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда Комиссия томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун муддатда ёзма равишда хабар беради.

22. Суғурталовчи (суғурта брокери) мазкур Низом талабларини бузган тақдирда, суғурталовчига (суғурта брокерига) қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
2-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
27-сон

Халқ таълими вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
4-сон

Молия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 28 январь,
82-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги
ва Молия вазирлигининг
2014 йил 28 январдаги 27,
4 ва 82-сон қарорига
ИЛОВА

Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда ногирон болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ–1887-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимларига, шунингдек ногирон болаларни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига кўра уйда якка тартибда ўқитиладиган болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига йўл ҳақи компенсацияси тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Компенсация миқдори

1. Уйда ижтимоий ёрдам хизмати ходимлари ҳамда болаларни уйида ўқитганлик учун умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига ойлик йўл компенсацияси миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида белгиланади.

2. Уйда ўқитиладиган болалар рўйхати, шунингдек уларнинг мактабга бириктирилиши халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва фаолиятини ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тасдиқланади.

. . .

4-боб. Якуний қоида

10. Компенсациянинг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
3-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли Маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

1. 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли Маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 10 январь,
23-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 10 январь,
8-сон

Иқтисодиёт вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 10 январь,
83-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 10 январдаги 23, 8 ва 83-сон қарорига ИЛОВА

2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли Маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-Эн-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимга мувофиқ, кўрсатилган Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

МТБ – 2006 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим, илова ҳамда ўзгартишлар ва қўшимчаларни ичига олган ҳолда;

Сармоядор – «Ўзбекнефтгаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.», «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» ва «Си-ЭН-Пи-Си Интенешнл Лтд.»

(ХХР) компанияларни, уларнинг ҳуқуқий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарийларини бирга англатади;

. . .

8. Оператор Нефть-газ операцияларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) мувофиқ божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқига эга.

. . .

29. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Молия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Марказий банк раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 8 январь

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
4-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ–4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 12 январь,
99-сон

Ўзбекистон Республикаси Алоқа,
ахборотлаштириш ва телекоммуникация
технологиялари давлат қўмитасининг
2014 йил 12 январдаги 99-сон қарорига
ИЛОВА

Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ–4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ–1836-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 355-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта, курьерлик жўнатмаларида одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган предметлар ва моддаларни аниқлаш бўйича назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

почта, курьерлик жўнатмалари назорати – почта, курьерлик жўнатмаларини уларда хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлаш мақсадида визуал кўрикдан ўтказиш ва техник назорат воситаларини қўллаш орқали текшириш;

хавфли почта, курьерлик жўнатмалари – Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг (рўйхат рақами

2219, 2011 йил 18 апрель) 3-иловаси 1-банди «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган предметлар ва моддалар ёки уларнинг белгиларини ўз ичига олган жўнатмалар;

ваколатли органлар – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази;

техник назорат воситалари – хавфли почта, курьерлик жўнатмаларини аниқлаш учун қўлланиладиган махсус техника (металлодетекторлар, рентген техникаси, дозиметрлар, газ анализаторлари ва бошқалар).

2. Почта, курьерлик жўнатмалари назорати уларни қабул қилиш, саралаш ва ишлов беришни амалга оширувчи почта алоқаси операторлари, провайдерларига юклатилади.

3. Почта, курьерлик жўнатмалари назорати жойлари қуйидагилар билан жиҳозланган бўлиши керак:

ноқулай санитария-эпидемиологик шароитга, карантин ва обсервация зоналарига эга мамлакатлар рўйхати (бундай мамлакатлар рўйхати Республика карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказининг маълумотлари бўйича тузилади);

почта, курьерлик жўнатмалари юқори эътиборни талаб этадиган мамлакатлар рўйхати (бундай мамлакатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотлари бўйича тузилади);

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) 3-иловаси 1-банди «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган предметлар ва моддалар, шунингдек уларнинг белгилари рўйхати;

техник назорат воситалари;

ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ фавқулодда вазиятлар юзага келганда хабардор қилиш схемаси (бундан буён матнда хабардор қилиш схемаси деб юритилади).

4. Почта алоқаси оператори, провайдери томонидан хавфли почта, курьерлик жўнатмалари аниқланганда, бундай жўнатмалар мазкур Йўриқномада ўрнатилган талабларга риоя қилинган ва ушбу Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилган ҳолда ажратиб қўйилади.

. . .

9-боб. Якуний қоидалар

42. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ушбу Йўриқнома талабларига риоя қилишлари устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

43. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан келишилган.

Фавқулодда вазиятлар вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Ички ишлар вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Миллий хавфсизлик хизмати раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Соғлиқни сақлаш вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Ташқи ишлар вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бош директори *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 январь

Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Фавқулодда вазиятлар юзага келганда почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан хабар қилиш СХЕМАСИ



Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Хавфли почта, курьерлик жўнатмасини ажратиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

_____-сон ДАЛОЛАТНОМА

20__ й. «___» _____ с. ___ мин. _____ да _____-сон гувоҳномага эга _____ кузатувида _____ дан почта билан

(почтани жўнатиш жойи бўлинмасининг номи)

_____ дан 20____ й. «_____» _____ с.

(бўлинма номи)

___ мин. ___ да келиб тушган ___ _____ буюмлар миқдоридаги оғирлиги _____, _____ кг _____ г. бўлган

(эълон қилинган қиймати)

_____-сон _____ олинганлиги тўғрисида

(жўнатма турлари)

_____ да тузилди.

(почтани олган бўлинма номи)

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
5-ИЛОВА

НАМУНА

Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 8 январь,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг
2014 йил 8 январдаги
22-сон буйруғига
ИЛОВА

Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби»

Ушбу Солиқ маслаҳати миллий стандарти (3-сонли СММС) (бундан буён матнда стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни норматив тартибга солишнинг элементи ҳисобланади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу стандартнинг мақсади давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ текширувларини ўтказиш вақтида солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур стандарт талаблари барча солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

2-боб. Солиқ текширувлари ўтказиш вақтида кўрсатиладиган хизматлар

3. Солиқ текширувлари ўтказиш вақтида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) шартнома асосида кўрсатилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

текширув вақтида вужудга келаётган аниқ кўрсатилган саволлар бўйича хулоса бериш, ушбу саволлар бўйича мижознинг (ишонч билдирувчининг) давлат солиқ хизмати органлари олдидаги нуқтаи назарини тасдиқловчи ҳужжатларни (исботларни) тақдим этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқ текшируви доирасида амалга ошираётган ҳаракатларни кузатиб бориш (солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини кўздан кечириш, мол-мулкини инвентаризация қилиш, ҳужжат-

лар ва предметларни олиб қўйиш ва бошқалар) ҳамда ўтказилаётган ҳаракатлар қонунийлиги тўғрисида мижозга (ишонч билдирувчига) хулоса тақдим этиш.

. . .

4-боб. Якуний қоидалар

10. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш солиқ текшируви бошланган муддатдан қатъи назар, бошланади.

11. Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Давлат солиқ
қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххххх**

М.Ў.

2014 йил 8 январь

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
6-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 12 декабрдаги 79 ва 2011-37-сон қарори (рўйхат рақами 2310, 2012 йил 9 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 20-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.».

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтгаз» МХК билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 февраль,
770-сон

Давлат солиқ
қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**
М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 февраль,
991-сон

Келишилган:

«Ўзбекнефтгаз» МХК
Бошқарув раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**
М.Ў.

2014 йил 5 февраль

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
7-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига қўшимча киритиш

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2003 йил 4 сентябрдаги 01-02/12-35 ва 5-сон қарори (рўйхат рақами 1278, 2009 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17–18-сон) билан тасдиқланган Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Импорт товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий автоташувчилар томонидан ташилганда божхона кузатуви талаб қилинмайди.»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 февраль,
991-сон

Ички ишлар вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 февраль,
770-сон

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
8-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низом ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 12 февраль,
11-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 12 февраль,
8-сон

Марказий банк раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 12 февраль,
19-сон

Адлия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 12 февраль,
88-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 7 февраль

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

2014 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,
Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки
Бошқаруви ва Адлия вазирлигининг 2014 йил
12 февралдаги 11, 8, 19 ва 88-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 124, 1995 йил 15 февраль).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 25 ноябрда 15-02-06/250, 97-99 ва 10009/767-Д-сон билан тасдиқланган Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 124-1, 1997 йил 28 ноябрь).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 12 январда ЭГ/15-02-06-55-сон, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 январда 18/5-289, 97-В ва 124-2-сон билан тасдиқланган Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 124-2, 1999 йил 22 январь).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Адлия вазирлигининг 2009 йил 13 ноябрдаги 107, 2009-34, 29/20 ва 11-сон «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 124-3, 2009 йил 30 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 49-сон, 525-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Адлия вазирлигининг 2010 йил 22 октябрдаги 87, 2010-39, 32/2 ва 17-сон «Аҳоли

билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 124-4, 2010 йил 2 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44–45-сон, 391-модда).

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
9-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

«Жисмоний шахсларни биржа савдоларида иштирок этиш ҳуқуқи учун аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2003 йил 5 мартдаги 01/НИ-235-сон «Жисмоний шахсларни биржа савдоларида иштирок этиш ҳуқуқи учун аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1241, 2003 йил 29 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 7–8-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 7 мартдаги 01/19-18/07-сон «Жисмоний шахсларни биржа савдоларида иштирок этиш ҳуқуқи учун аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори

(рўйхат рақами 1241–1, 2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 16-сон, 167-модда).

2. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Раис *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 22 март,
133-сон

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
10-ИЛОВА

НАМУНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

«Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ–4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сон «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1911, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 22 январь,
318-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 22 январдаги 318-сон буйруғига ИЛОВА

«Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) 1-бандниг ўн иккинчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 6-бандниг «а» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «телефон» деган сўз «телефон рақами, электрон почта манзили, эмитентнинг расмий веб-сайти (улар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 7-бандда:

иккинчи хатбоши «шунингдек» деган сўздан кейин «телефон рақами, электрон почта манзили,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «, шунингдек телефон рақами ва электрон почта манзили (улар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 16-банд «, мазкур Низомда белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

д) 19 ва 24-бандлардан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

е) 25-бандда:

иккинчи хатбошидан «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказий депозитарий бошқа сабабларга асосан реестрни шакллантиришни рад этишига йўл қўйилмайди.»;

ж) 26-банддаги «икки иш» деган сўзлар «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

з) 28-бандда:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

и) 36-банддаги «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи» деган сўзлар «Марказий депозитарий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Марказий депозитарий томонидан реестрни шакллантириш фақатгина эмитентнинг барча номинал сақловчиларидан мазкур эмитент қимматли қоғозлари эгаларининг рўйхатлари қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади.»;

л) 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва корпоратив облигациялар бўйича даромадларни тўлаш учун реестр реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқномадан келиб чиққан ҳолда мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ электрон ёки қоғоз ҳужжат кўринишида тегишлича шакллантирилади.»;

м) 54-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

н) 58-бандниг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзининг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами, электрон почта манзили, эмитент расмий веб-сайти, шунингдек мазкур Низомнинг 6-бандида келтирилган бошқа маълумотларнинг ўзгарганлиги тўғрисида ёзма равишда ахборот бериши шарт.»;

о) 60-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун шакллантирилган реестр ваколатли шахсга берилгандан сўнг йигирма кун давомида Марказий депозитарий реестрнинг қоғоз шаклидаги бир нусхасини, шакллантирилган реестрга ўзгарти-

ришлар киритилган тақдирда, бундай ҳолатлар тўғрисидаги ахборотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этади.»;

п) 69-банддаги «тақдим этмаслиги» деган сўзлар «тақдим этишни асоссиз рад этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштириш,
монополиядан
чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххххх**

М.Ў.

2014 йил 10 январь

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
11-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1–2-сон, 12-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 15 март,
770-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2014 йил 15 мартдаги 770-сон қарорига
ИЛОВА

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг номидан ва 1-бандидан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номидан, муқаддимадан, 1-банддан, 3-бобнинг номидан, 6 ва 7-бандлардан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредит ташкилотидан микрокредит ташкилотлари устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача бўлган миқдорида жарима ундириш;»;

в) 5-банддан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
12-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 22 март,
991-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2014 йил 22 мартдаги 991-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 14 сентябрдаги 21-А/2-сон «Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1179, 2002 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 19-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 14 мартдаги 6/4-сон «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1944, 2009 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 216-модда);

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/6-сон «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2084, 2010 йил 1 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 9-сон, 71-модда);

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 7 майдаги 14/6-сон «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2084-1, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20–21-сон, 214-модда);

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 5 февралдаги 4/3-сон «Кредит уюшмаларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2208,

2011 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 10–11-сон, 110-модда);

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 9 апрелдаги 10/9-сон «Кредит уюшмаларининг активларини таснифлаш, активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2227, 2011 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 196-модда);

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 30 апрелдаги 13/6-сон «Кредит уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2234, 2011 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22–23-сон, 245-модда).

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига
13-ИЛОВА

НАМУНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

«Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) расмий шарҳ бериш тўғрисида

Ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тартиби бўйича келиб тушаётган сўровларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44 ва 2008-33-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) иловага мувофиқ расмий шарҳ берилсин.

2. Мазкур қарор тасдиқлангандан кейин ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келишиш учун юборилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейин ижрога юборилсин.

Молия вазири *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 август,
19-сон

Давлат божхона
қўмитаси раиси *(имзо)* **Х. Хххххххх**

М.Ў.

Тошкент ш.,
2014 йил 11 август,
88-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил
11 августдаги 19 ва 88-сон қарорига
ИЛОВА

«Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) РАСМИЙ ШАРҲ

1. Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомнинг (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 4-бандига мувофиқ солиқлардан қарзи бўлмаган корхонага қўшилган қиймат солиғи (бундан буён матнда ҚҚС деб юритилади) суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги корхонанинг банк ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасига асосан солиқларга қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

7) мол-мулк солиғи;

8) ер солиғи;

9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

10) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

3. ҚҚС суммасини қайтариш усуллари ва кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227-моддасида белгилаб берилган ва Низомнинг 2-бандида акс эттирилган:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини қоплаш;

корхонанинг бошқа солиқлардан бўлган қарзларини қоплаш;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш.

4. Низомнинг 17-бандига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари, Молия вазирлиги ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтаришга рад жавобини бериш тўғрисида, жумладан, солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда, қарор қабул қилишга ҳақли.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Низомга мувофиқ бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг мавжуд бўлиши ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига қайтаришга мажбурий равишда рад жавобини бериш учун асос бўлмайди.

Низомнинг 15-бандида солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёзма мурожаати бўйича ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш солиқ тўловчининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндиришга, шунингдек етказиб берувчи корхоналар солиқ бўйича қарзларни ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндириш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) учун уларга солиқ тўловчининг тўловларини (шу жумладан бўнак тўловларини) тўлаш ҳисобига амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини, бошқа солиқлар бўйича солиқ қарзини қоплашга йўналтирилгандан сўнг қолган ҚҚСнинг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилиб, ундан солиқ тўловчининг ёзма мурожаатига мувофиқ Низомнинг 15-бандида назарда тутилган мақсадларга ўтказилади.

5. Низомнинг 4-бандига мувофиқ ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш корхонанинг банк ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан корхонанинг солиқ-

лар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 54-моддасига асосан:

солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир;

солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

7. Шу тариқа, ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариш масаласини кўриб чиқишда тўланиши кечиктирилган (бўлиб-бўлиб тўланадиган) солиқ қарзи суммасига ўрнатилган тартибда тақдим этилган солиқ қарзини тўлашни кечиктиришнинг (бўлиб-бўлиб тўлашнинг) амал қилиш муддати мобайнида солиқ тўловчининг қарздорлиги сифатида қаралмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 218-моддасининг 1^1-бандига мувофиқ агар товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммаси ҳисобга олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 212-моддасига кўра Низомнинг 6-банди (б) ва (в) кичик бандларида ҚҚСни банк ҳисоб рақамига қайтариш учун солиқ тўловчи томонидан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши назарда тутилган:

Солиқ ҳисоботининг шаклларига (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) мувофиқ ҚҚС ҳисоб-китоби (бундан буён матнда ҚҚС ҳисоб-китоби деб юритилади);

солиқ тўловчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси (ёки зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқариш вазифалари юкланган бошқа шахс) ва давлат солиқ хизмати органининг ҚҚСни қайтарилиши бўйича материалларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган жавобгар ходими томонидан имзоланган солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоб-китоби.

10. Низомнинг 2-иловасида ҳисобот даврида ноль даражали ставка қўлланиладиган товарларни экспортга реализацияси бўйича оборотлар учун фойдаланиладиган олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олиниши лозим бўлган ҚҚС суммаси (9-устуннинг 050-сатри), ҚҚС ҳисоб-китобига 2-илованинг 05031-сатри кўрсаткичидан келиб чиқиб тўлдирилади.

Ўз навбатида, ҚҚС ҳисоб-китобига 2-илованинг 05031-сатри ноль даражали ставка қўлланиладиган товарларнинг экспортга реализацияси бўйича оборотдан келиб чиқиб аниқланади (ҚҚС ҳисоб-китобига 2-илованинг 0503-сатри).

Юқоридагиларга кўра, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш Низомнинг 2-иловаси 080-сатрда кўрсатилган ҚҚС суммаси миқдорида амалга оширилади.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИДАН НАМУНАЛАР

НАМУНАВИЙ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

___-сон

20__ йил «___»_____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____

(корхона, муассаса, ташкилот номи ва манзили)

(кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

(корхона, муассаса, ташкилот номи ва манзили)

(кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи Раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Сотувчи шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товарларни Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва улар учун шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартнома бўйича топшириладиган товарлар рўйхати:

Т/р	Товар номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи
1.				
2.				
	Жами			

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

а) товарлар ҳақини шартнома шартларига мувофиқ тўланишини талаб қилиш;

б) Сотиб олувчи товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаса, товарлар ҳақини ва шартномада кўрсатилган миқдорда пеня тўлашни талаб қилиш;

в) Сотиб олувчидан товарларни шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олишни талаб қилиш.

2.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

а) шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товарларни ва уларга мансуб ашёларни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни Сотиб олувчига топшириш;

б) товарларни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш;

в) товарларнинг сифатини, Сотиб олувчининг эксплуатация қоидаларига риоя қилиши шарти билан, ___ ойга кафолатлаш.

2.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда товарларни ва ашёга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорти, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни Сотувчидан талаб қилиш;

б) Сотувчи товарларни ўз вақтида топширмаса, товарларни топшириш ва шартномада кўрсатилган миқдорда пеня тўлашни талаб қилиш;

в) Сотувчи шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, ё товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилиш, ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортиш, товарларнинг ҳақи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилиш;

г) сотувчи шартномада назарда тутилган товарларни шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширган тақдирда, уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортиш, ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилиш.

2.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) товарнинг баҳосини ушбу шартномага мувофиқ тўлаш, тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариш;

б) Сотувчи томонидан топширилган товарни қабул қилиб олиш, товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ёки олди-

сотди шартномасини бажаришни рад этишга ҳақли бўлган ҳоллардан ташқари;

в) тегишли даражада сифатли булмаган товар келиб тушгани аниқланган тақдирда, сотувчини тезлик билан огоҳлантириш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил қилади.

3.2. Сотиб олувчи шартнома имзолангандан кейин _____ кун муддатда тўловни амалга оширади.

3.3. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган товарлар Сотиб олувчига шартнома имзолангандан кейин _____ кун вақт ичида топширилиши шарт.

3.4. Товар учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товар етказиб бериш кечиктирилган ҳар бир кун учун Сотувчи етказиб берилмаган товар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Сотиб олувчига пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Товар қийматини тўлашни кечиктирган ҳар бир кун учун Сотиб олувчи Сотувчига унинг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Сотувчи томонидан тегишли миқдор ва сифатдаги товар берилмаган тақдирда Сотувчи Сотиб олувчига шартнома баҳосининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Пеня ва жарималарни тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

6.2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартнома тарафлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 20__ йил «___» _____ гача амал қилади.

8.3. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

СОТУВЧИ	**СОТИБ ОЛУВЧИ**
Банк реквизитлари	*Банк реквизитлари*
_____	_____
_____	_____
Солиқ тўловчининг идентификация рақами	*Солиқ тўловчининг идентификация рақами*
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
Сотувчи раҳбарнинг имзоси, Ф.И.О.	*Сотувчи раҳбарнинг имзоси, Ф.И.О.*

НАМУНАВИЙ
МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

_____-сон

20__ йил «____»_____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____

(маҳсулот сотиб олувчининг номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Сотиб олувчи деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

(маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Етказиб берувчи деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи Сотиб олувчига _____ ни (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) етказиб бериш, Сотиб олувчи эса Маҳсулот ҳақини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Етказиб бериладиган Маҳсулотнинг аниқ турлари, сифати, миқдори, баҳоси ва етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Маҳсулотни етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманома Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 10 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Етказиб берувчининг ходими Сотиб олувчида қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилганлик тўғрисида белги қўяди.

2.2. Сотиб олувчи илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақли, бу ҳақда Етказиб берувчини буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

2.3. Етказиб берувчи Маҳсулотни қабул қилиш манзилига, қоида тариқасида, ўзининг транспортида етказиб беради.

Маҳсулот қабул қилиш манзилигача Сотиб олувчининг ҳисобига транспортда ташилганда Етказиб берувчи транспорт харажатларини қоплайди.

2.4. Маҳсулот етказиб берувчининг транспортида олиб борилганда Маҳсулотнинг тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Етказиб берувчи зиммасига юкланади.

Маҳсулот Сотиб олувчининг транспортида олиб кетилганда қабул қилинган Маҳсулотнинг тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Сотиб олувчининг зиммасига юкланади.

2.5. Сотиб олувчининг розилиги ва тўлов миқдорлари етарли бўлса, Маҳсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва Сотиб олувчи томонидан қабул қилинган Маҳсулот миқдори кейинги даврларда етказиб берилиши режалаштирилган Маҳсулот миқдоридан камайтирилади.

2.6. Тарафларнинг ўзаро келишувига асосан назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги Маҳсулот етказиб берилишига ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган Маҳсулот ўрнини тўлдириш сифатида қаралади ва етказиб берилмаган Маҳсулотнинг ўрни тўлдирилмайди.

2.7. Етказиб берилган Маҳсулот Сотиб олувчининг масъул ходими томонидан транспорт ҳужжати ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

Далолатномада (транспорт ҳужжатларида) етказиб берилган Маҳсулот миқдори ва сифати кўрсатилади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган Маҳсулотнинг турлари бўйича баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилади. Маҳсулотнинг муайян

тури баҳоси уни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўзгартирилган тақдирда, Маҳсулотнинг шу тури учун мазкур шартномада белгиланган баҳо ҳам ишлаб чиқарувчи баҳосига мутаносиб равишда ўзгартирилади.

3.2. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган суммaнинг _____ фоизи олдиндан ва қолган _____ фоизи маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда ва миқдорда Маҳсулот етказиб бериш;

б) Сотиб олувчи Маҳсулотни олиш учун берган буюртмани Сотиб олувчида қоладиган нусхасига қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда қабул қилиб олиш;

в) етказиб бериладиган Маҳсулотнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

г) Маҳсулот қабул қилиш манзилигача Сотиб олувчининг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини Сотиб олувчига тўлаш;

д) Маҳсулотни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча камчиликларни Сотиб олувчининг талаби билан _____ кун муддатда ўзининг ҳисобидан бартараф этиш.

4.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

а) Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш мўлжалланаётган санадан камида 10 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда Етказиб берувчига буюртманома бериш, агар буюртмани бекор қилса ёки етказиб бериш санасини ўзгартирса, бу ҳақда етказиб берувчига буюртманомада кўрсатилган санадан камида 3 кун олдин маълум қилиш;

б) Етказиб берилган Маҳсулот учун тўловни амалга ошириш;

в) мазкур шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда Маҳсулотни Етказиб берувчидан қабул қилиб олиш.

4.3. Мазкур шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафдан шартнома шартларини шартномага мувофиқ ва лозим даражада бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари тузилган сана Етказиб берувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.3. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана Маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича Сотиб олувчи томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

6.2. Етказиб берилган Маҳсулот сифати, миқдори Етказиб берувчи томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда Етказиб берувчи етказиб берилаётган Маҳсулотнинг сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Сотиб олувчига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Етказиб берилган Маҳсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор тараф етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган Маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Етказиб берувчи Сотиб олувчига белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган Маҳсулот қийматининг _____ фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Етказиб берувчи Сотиб олувчига Моддий-техника ресурслари етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.5. Маҳсулот етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда Етказиб берувчи Сотиб олувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Маҳсулот етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.6. Маҳсулотни қабул қилиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Сотиб олувчи Етказиб берувчига қабул қилиниши керак бўлган Маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Сотиб олувчи Етказиб берувчига Маҳсулот қабул қилинмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.7. Шартномага мувофиқ етказиб бериладиган Маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Сотиб олувчи Етказиб берувчига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.11. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6.12. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун судга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 20__ йил «___» «_____» гача амал қилади.

Шартнома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

7.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

СОТИБ ОЛУВЧИ	**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**
Банк реквизитлари	*Банк реквизитлари*
_____	_____
_____	_____
Солиқ тўловчининг идентификация рақами	*Солиқ тўловчининг идентификация рақами*
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
Сотувчи раҳбарининг имзоси, Ф.И.О.	*Сотувчи раҳбарининг имзоси, Ф.И.О.*

МАИШИЙ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР (АҲОЛИ) УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

_____– сон

20__ йил «___» _____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____ (кейинги ўринларда

(электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)

«Корхона» деб юритилади)нинг _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____

(энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.О.)

бир тарафдан ва _____ (кейинги

(жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади), тизимдаги шахсий ҳисоб варағи – _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Корхона Истеъмолчига маиший эҳтиёжлари учун электр энергиясини (кейинчалик «Энергия») етказиб бериш, Истеъмолчи эса олинган Энергия учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1. Энергия истеъмолининг ойма-ой бўлинган йиллик шартномавий ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил этади (1-Илова).

2.2. Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи _____ сўмни ташкил этади.

Энергия истеъмоли мазкур шартнома иловасида кўрсатилгандан кам ёки кўп бўлган тақдирда Истеъмолчи амалдаги истеъмол учун ҳақ тўлайди.

2.3. Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия миқдори ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб даври бир ойни ташкил этади.

3.2. Энергия учун ҳақ тўлаш Истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг 10-санасигача Корхонанинг банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган барча бошқа йўллар билан амалга оширилиши лозим.

3.3. Истеъмолчи ушбу шартномага асосан маиший эҳтиёжларга фойдаланилган Энергия учун, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида, аҳоли учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлайди.

3.4. Ҳисобга олиш приборига эга бўлмаган ва бирор-бир сабабга кўра мазкур турар жойда вақтинчалик яшамаётган Истеъмолчи Корхонани бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

3.5. Энергияни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этиш имконияти бўлмаган ҳолларда, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар, истеъмолнинг шартномавий миқдори ёки олдинги давр учун амалда истеъмол қилинган Энергия сарфи бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилиш шарти билан амалга оширилади.

3.6. Истеъмолчи томонидан фойдаланилган Энергия учун ортиқча ҳақ тўланган ҳолларда, бу тўловлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

3.7. Энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергияни етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов миқёсида амалга оширилади.

3.8. Электр тармоқларига янгидан уланадиган уй-жойлар ва хонадонларда Энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан бепул ўрнатилади ва давлат қиёслашидан ўтказилади.

Мавжуд бўлган ҳисобга олиш приборларини (шу жумладан индукцион) алмаштириш, ҳамда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган Энергияни ҳисобга олиш янги электрон приборларни ўрнатиш, Корхона маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3.9. Ҳисобга олиш приборлари Истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда уларни алмаштириш, таъмирлаш, давлат қиёслашидан ўтказиш ва ўрнатиш Истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

3.10. Истеъмолчида ҳисобга олишни назорат қилиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарганда, у шикастланганда (Истеъмолчининг айби билан) ёки пломбалар бузилганда, ҳисобга олишни назорат қилиш приборларидан ташқари бошқа электр қабул қилгичлар уланганда ва амалда истеъмол қилинган Энергия кўрсаткичларини камайтириш мақсадида бошқа қоида бузишларга йўл қўйилганда Корхонанинг вакили қоида бузилиши ҳақида белгиланган намунада далолатнома тузади.

Далолатнома асосида:

ҳисобга олиш прибори, ўлчов трансформаторлари уланиши ва ҳисобга олиш приборларидан ташқари электр қабул қилгичлар кўз билан кўриб аниқланмайдиган яширин йўл билан (яширин электр симлари, переключателлар монтаж қилиниши ва шу кабилар) уланиш схемалари ўзгарган тақдирда, – ҳисобга олиш приборлари охирги алмаштирилган ёки уланиш схемалари текширилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда;

ҳисобга олиш прибори шикастланган (истеъмолчининг айби билан) ёки мавжуд бўлмаган, пломбалар бузилган ва амалда истеъмол қилинган Энергия кўрсаткичларини камайтириш мақсадида айланиб чиқишда кўз билан кўриб аниқланадиган бошқа қоида бузишларга йўл қўйилган тақдирда (шу жумладан ҳисобга олиш приборидан ташқари бошқа электр қабул қилгичлар уланганда) – охирги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдаги давр учун ҳисобга олинмаган Энергия миқдори қиймати ҳисобкитоб қилинади.

Истеъмолчи томонидан имзо чекишдан бош тортилган ҳолларда, далолатномада Истеъмолчи унинг мазмуни билан таништирилганлиги ҳақида белги қўйилади.

Бунда қайта ҳисоб-китоб қилиниши Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Ноқонуний истеъмол қилинган Энергия сарфи қуйидагича аниқланади ва қайта ҳисоб-китоб қилинади:

а) ёритувчи ток қабул қилгичларнинг қуввати ва сутканинг ёруғ бўлмаган вақтида амалда фойдаланиш соатлари сони бўйича;

б) истеъмолчида штепсел розеткалари мавжуд бўлганида (ток қабул қилгичлар ва розеткалар сонидан қатъи назар) – ҳар суткада 24 соат давомида 600 Вт қувватдан фойдаланиш ҳисобидан;

в) қуввати 600 Вт дан ортиқ бўлган иситиш приборлари ёки бошқа электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолларида – истеъмолчи фойдаланаётган ускуналарнинг амалдаги қуввати бўйича уларнинг ҳар суткада 24 соат ишлатилиши ҳисобидан амалга оширилади.

Ноқонуний фойдаланилган Энергия учун қайта ҳисоб, Корхона тарафидан ўрнатилган тартибда, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган Истеъмолчи иштирокида ёки иштирокисиз амалга оширилиши мумкин.

3.11. Қайта ҳисобланган Энергия сарфи асосида Корхона Истеъмолчига қўшимча тўлов ҳужжати ёзиб беради.

Қоида бузилиши юзасидан тўлов ҳужжатини ёзишда, даъво муддатини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги тариф қўлланилади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани қонун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

Истеъмолчи қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда, белгиланган тартибда, Корхонанинг қарори юзасидан эътироз билдириш ҳуқуқига эга, бироқ бу уни қоида бузиш далолатномаси бўйича ёзилган қўшимча тўлов ҳужжатини белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

3.12. Энергияни ҳисобга олиш схемасининг ўзгариши ва бузилиши билан боғлиқ барча турдаги ишларни бажариш, бу ишлар бошланишидан олдин Истеъмолчини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда ёки унинг иштирокида Корхона тарафидан амалга оширилади.

3.13. Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганида, етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб, Корхонанинг қарори билан ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тикланганидан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги ва шу вақт ичида ҳисобга олиш тизими тикланиши зарур.

Агар объектив сабабларга кўра кўрсатилган муддатда ҳисобга олиш приборини тиклашнинг имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга олишни тиклаш муддати тарафларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади.

3.14. Тарифлар ўзгарган ҳолда, тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган Энергия учун тўлов амалда бўлган эски тариф бўйича амалга оширилади.

Тариф ўзгарган санагача истеъмол қилинган Энергия ҳажми олдинги тўлов вақтидан бошлаб ўртача суткалик истеъмол бўйича аниқланади ва унга эски тариф бўйича ҳақ тўланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тўлов кунида ёзиб олинган деб ҳисобланади.

3.15. Истеъмолчи шартномавий миқдор асосида 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун Энергия ҳақини олдиндан тўлаб қўйиши мумкин, бу ҳолда тариф ошган тақдирда ҳам Истеъмолчи қўшимча тўловдан озод қилинади.

3.16. Истеъмолчининг турар жойи (хонадон, квартира) ижарага берилган тақдирда (юридик шахсларга ёки тадбиркорлик фаолияти юритиш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган жисмоний шахсларга) ижарачи уч кун муддатда ижарага олинган хонадонда Энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ расмий ишларни ҳал қилиш учун Корхонага мурожаат қилиши шарт.

Ижара муддати тугагандан сўнг, Истеъмолчи ижарачи чиқиб кетиш кунигача фойдаланилган Энергия учун амалга оширган ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотномани талаб қилиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи ушбу ижарачиларнинг Энергия учун қарздорлигига жавобгар ҳисобланади.

Турар жой бинолари ижарачиларга ёки ёлловчиларга (юридик шахс бўлган истеъмолчилар бундан мустасно) топширилганда улар билан Энергия таъминоти шартномаси тузилмайди, шартнома хонадон эгаси билан тузилади ва улар етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китобни амалга оширади.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1. Энергия етказиб бериш фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда чекланиши мумкин.

4.2. Энергия ва Қувват истеъмоли бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари Корхона томонидан Истеъмолчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида Энергия ва Қувват танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

4.3. Қоидабузарлик учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» бузилганлик ҳолатлари бартараф этилганидан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 16 август 2011 йил 2255-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган тўловлар тўланганидан сўнг ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда, бу ҳаракатлар натижасида Истеъмолчига етказилган ҳақиқий зарарнинг қопланишини талаб қилиш.

в) Корхона томонидан Энергия тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган Энергия етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

5.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) хонадонда, уйда ўрнатилган электр тармоқларининг тегишли техник ҳолати ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидала-

ри»га риоя қилиниши, Энергияни ҳисобга олиш приборлари ва улардаги пломбаларнинг бутлигини таъминлаш;

в) тўлов ҳужжатида хатолик ёки Энергияни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичидаги ноаниқликлар, носозликлар аниқланганда дарҳол Корхонага хабар бериш;

д) Корхона назоратчисини, унга тегишли амал қилиш муддати кўрсатилган шахсий гувоҳномаси бўлганида, соат 8:00 дан 20:00 гача Энергия қабул қилгичларини кўриш ва ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш учун киритиш.

5.3. Корхонанинг ҳуқуқлари:

а) Истеъмолчи томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Истеъмолчи томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда, бу ҳаракатлар натижасида Корхонага етказилган ҳақиқий зарарнинг қопланишини талаб қилиш;

в) мазкур ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб беришни белгиланган тартибда тўхтатиш:

– электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганида;

– шартномада белгиланган муддатда Энергия учун тўлов амалга оширилмаганда;

– «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда;

– Энергия таъминоти схемалари ўзбошимчалик билан ўзгартирилганда;

– Истеъмолчи Корхонанинг электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганида, Энергияни ҳисобга олиш схемалари, ҳисобга олиш приборлари тамғалари бузилганда;

– ҳисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;

– Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганида;

– авариялларнинг олдини олиш бўйича шошилинч чоралар кўриш ёки уларни Корхона тизимида бартараф этиш зарурияти да, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда.

5.4. Корхонанинг мажбуриятлари:

а) Истеъмолчига Энергияни шартномавий миқдорда ҳамда белгиланган сифатда электр тармоқларининг бўлиниш чегарасигача узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

б) электр тармоқ хўжалигининг режавий таъмирланиши туфайли Истеъмолчига Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш.

в) электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 сутка олдин огоҳлантириш.

г) Корхонанинг электр тармоқларида авария ҳолатлари ҳақида Истеъмолчи томонидан берилган буюртмаларни қабул қилиш ва дарҳол ушбу ҳолатларни текшириш ва бартараф қилиш чораларини кўриш.

д) Истеъмолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўрикдан ўтказиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, Корхона шу туфайли етказилган зарарнинг, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

6.2. Фойдаланилган Энергия учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Истеъмолчи Корхонага ҳар бир муддати ўтган кун учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Пеняни ҳисоблаш ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари ёзиб олингандан ва амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблардан кейин, шунингдек белгиланган тартибда киритилган олдиндан тўлаш ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг 11-кунидан бошлаб Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида акс эттирилган аниқлаштирилган қарздорлик (недоимка) суммасидан амалга оширилади.

Пеняни ҳисоблаб чиқиш учун қарздорлик пайдо бўлган ой аниқланади ва ҳар бир ойлик недоимка бўйича муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун пеня ҳисоблаш ана шу ойдан бошланади.

6.3. Энергия билан таъминлашда қонунчиликда белгиланган-дан ташқари узилиш ҳоллари бўлса, Корхона Истеъмолчига етказиб берилмаган ҳар бир кун учун энергия суммасининг 0,1 фоиз миқдорида, лекин шартнома суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Истеъмолчи томонидан электр тармоғидан узилган электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш ҳамда Энергиядан ноқонуний фойдаланганлик сабабли қайта ҳисобланган тўловларни амалга оширилганлиги уларни «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»нинг бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар ҳисобланмайдилар.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг иловаси унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартнома _____ муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида охирги ой мобайнида мурожаат қилмаса, шартнома назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади.

8.4. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

8.5. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги

245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

IX. ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Истеъмолчининг электр қурилмалари: 6-10 кВли _____ фидерига, _____ ТПдан чиқувчи 0,4 кВ _____ фидерга _____ кўчаси бўйича _____ -рақамли ҲЛ таянчига уланган.

Ҳисобга олиш прибори тури ва рақами _____, Ўзстандарт тамғаси рақами _____, клемма қопқоғидаги тамға рақами _____.

Шартномани тузиш вақтида ҳисобга олиш прибори кўрсаткичи_____, уланган қувват_____кВт.

X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

КОРХОНА	**ИСТЕЪМОЛЧИ**
1. Номи ва манзили _____	1. Манзил _____
_____	_____
2. Телефон _____	_____
3. Ҳ/Р _____	2. Телефон _____
4. СТИР _____	3. Паспорт маълумотлари _____
_____	_____
5. Банк коди (МФО) _____	4. Корхонадаги шахсий х/р. _____
_____	_____
6. Раҳбарнинг Ф.И.О. _____	5. Ф.И.О. _____
_____	_____
7. Имзо _____	6. Имзо _____
8. Муҳр _____	

Истеъмолчи «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва мазкур шартнома билан таништирилди ҳамда электр ва ёнғин хавфсизлиги бўйича инструктаж ўтказилди.

Корхона вакили _____ (Ф.И.О.)	**Истеъмолчи** _____ (Ф.И.О.)
_____	_____
_____ _____	_____ _____
(имзо) (сана)	(имзо) (сана)

Маиший истеъмолчилар учун электр
энергияси таъминоти шартномасига
1-ИЛОВА

Етказиб бериладиган Энергиянинг миқдори

Ойлар	Энергия миқдори кВт.с
Йил жами	
I чорак	
Январь	
Февраль	
Март	
II чорак	
Апрель	
Май	
Июнь	
III чорак	
Июль	
Август	
Сентябрь	
IV чорак	
Октябрь	
Ноябрь	
Декабрь	

Корхона вакили _____ (Ф.И.О.)	**Истеъмолчи** _____ (Ф.И.О.)
_____	_____
_____ (имзо) _____ (сана)	_____ (имзо) _____ (сана)

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

_____- сонли

20___ йил «_____»_____ _____

(шартнома тузилган жойи)

_____

(Электр энергияси билан таъминловчи ташкилот номи)

(кейинги ўринларда «Корхона» деб юритилади)нинг _____ асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилади)нинг _____ асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан тизимдаги шахсий ҳисоб варақаси -_____, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома билан Корхона Истеъмолчига уланган электр тармоқлари орқали Электр энергиясини (кейинги ўринларда «Энергия» деб юритилади) етказиб бериш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна аввалдан буюртма берилган ёки ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламали соатларида қатнашувчи амалдаги максимал ҳар бир кВт қувват (кейинчалик «Қувват») учун ҳам ҳақ тўлайдилар.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган Энергиянинг шартнома тузилган кундаги амалда бўлган тариф бўйича умумий нархи _____ сўмни, Қувватнинг нархи _____ сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган Энергиянинг ойма-ой бўлинган йиллик ҳажми ва аввалдан буюртма берилган Қувват ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

2.4. Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида аниқланади (2-илова).

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги «Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар» учун етказиб бериладиган Энергиянинг йиллик минимал ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун Истеъмолчи ва Корхона ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган давр бир ойни ташкил этади.

3.2. Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив Энергия ҳамда Қувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасидаги ҳисобга олиш нуқталарида амалга оширилади (3-илова).

Агар Энергия(Қувват)ни ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисмидаги Энергиянинг технологик сарфи ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ёки Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3. Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда Энергия ва Қувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўтсаткичларини қайд этади. Истеъмолчи томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этилган электр энергияси ва қуввати сарфи тўғрисидаги ҳисобот ҳам истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд ҳолларда қувват учун ҳисоб-китоб, энерготизимнинг максимум юклама соатларидаги Истеъмолчининг максимум юкла-

масини ҳар ярим соатлик интерваллларда бирлаштириб аниқлаш эвазига амалга оширилади.

3.4. Корхона ҳар ойда Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини қайд этиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг завод рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган Энергия ҳажми тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисоботни расмийлаштиради (5-илова).

3.5. Ҳисобот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчига ҳисоб-фактурани тақдим этади.

Истеъмолчида турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир объект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона Истеъмолчининг хизмат кўрсатувчи банкига акцептли тўлов талабномаси юборади.

3.7. Ҳисобга олишни назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаган ёки Энергия (Қувват) сарфи тўғрисидаги ҳисобот шартномада белгиланган муддатда Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда Корхона томонидан Энергия (шу жумладан актив ва реактив энергия) ва Қувватни истеъмол қилишнинг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган давр учун Энергия (Қуввати)ни истеъмол қилишнинг ўртача амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олишнинг назорат қилиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган Энергия (Қувват) учун қайта ҳисоб-китоб қилинади, бу Истеъмолчи ёки унинг вакилининг иштирокида ёхуд иштирокисиз, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.8. Актив ва реактив Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида»ги Низомга, Электр энергиясидан фойдаланиш қоида-

ларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Истеъмолчининг тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ белгиланади.

3.9. Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даври учун давр бошланишидан олдин Энергия ва Қувватнинг шартномавий ҳажми қийматининг камида 50 фоизи учун ҳақ аванс тариқасида тўлангандан кейин амалга оширилади.

3.10. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилган Энергия ва Қувват учун тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

3.11. Истеъмолчининг Энергия (Қувват) учун, шунингдек жарима санкциялари, реактив энергия ва қувват компенсацияси учун тарифга устамалар, ноқонуний фойдаланилган Энергиясининг қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

3.12. Энергия (Қувват) истеъмолини ҳисобга-олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган Истеъмолчиларга Энергия (Қувват) етказиб бериш олдиндан ҳақ тўланган ҳажмда амалга оширилади.

3.13. Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Қувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлайди.

Бунда тариф ўзгарган тақдирда, Истеъмолчи Энергия (актив, реактив энергия ҳам шу жумлага киради) ва Қувватнинг аванс билан тўланган ҳажми учун, бироқ тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ортиқ бўлмаган вақтда қўшимча тўловлар тўлашдан озод этилади.

3.14. Истеъмолчи томонидан тўловлар Корхонанинг барча турдаги банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш ёки амалдаги қонунчиликда рухсат этилган тартибда амалга оширилади.

3.15. Агар уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчининг энергетика тизимини максимум юкламали соатларидаги юкламаси миқдорига камайтирилган Қувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.16. Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирма далолатномасини тузади.

Истеъмолчи солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, қарзни ундириш шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли билан амалга оширилади.

3.17. Истеъмолчи томонидан Энергия (Қувват) ҳисоб-китоб даврида шартномавий ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда инобатга олинади.

3.18. Тўлов ҳужжатларида хатолар ҳамда ҳисобга олиш приборларида носозликлар ёки кўрсатгичларида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, Истеъмолчи Корхонага дарҳол мурожаат қилиши керак.

Корхона, Истеъмолчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн суткадан кечиктирмай, ҳисоб-китобни текшириши, зарурат бўлганда эса ҳисобга олиш приборини кўрикдан ўтказиши керак.

3.19. Энергияни ҳисобга олиш Истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб Корхонанинг қарори бўйича, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткали сарф бўйича амалга оширилади.

Энергиянинг ўртача суткали сарфи бўйича ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Агар ҳисобга олиш приборини, объектив сабабларга кўра, кўрсатилган муддатда (ток трансформаторининг, ҳисобга олиш приборининг йўқлиги, ўтиб бўлмайдиган йўллар ва шу кабилар туфайли) тиклаш имконияти бўлмаса, Истеъмолчига етказиб берилган Энергия учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва ҳисобга

олишни тиклаш муддати Истеъмолчи ва Корхонанинг икки томонлама битими билан белгиланиши керак.

3.20. Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар), ҳисобга олиш приборини уланиш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, Корхона далолатнома асосида Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўяди.

Ноқонуний истеъмол қилинган Энергия сарфи ўрнатилган тартибда аниқланади.

Ноқонуний фойдаланилган Энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш Корхона томонидан, Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларида белгиланган тартибда, мазкур Қоидалар бузилишига йўл қўйган Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд иштироксиз амалга оширилиши мумкин.

Бунда қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда Корхонанинг қарорига эътироз билдирган Истеъмолчининг аризаси кўриб чиқилади.

Қайта ҳисобланган Энергия сарфи асосида Корхона 3 иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча ҳисоб-фактура ёзиб беради, ҳамда хизмат кўрсатувчи банкка тўлов талабномаси юборади.

Истеъмолчи қўшимча тўлов ҳужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани қонун асосида мажбурий тартибда ундириш чораларини кўради.

IV. ЭНЕРГИЯНИНГ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ЧЕКЛАШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1. Ягона электр энергетика тизимида Энергия(Қувват) танқислиги юзага келган ҳолда, чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари асосида Энергия(Қувват) истеъмоли бўйича чеклашлар қонунда белгиланган тартибда киритилади.

4.2. Электр тармоқлари объектларидаги авариялар нинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирларни амалга ошириш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни олдиндан огоҳлантирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3. Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.4. «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»ни бузганлиги учун тармоқдан ажратилган Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоғига қайтадан улаш ва Энергияни етказиб бериш Истеъмолчи томонидан «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» бузилган ҳолатлари бартараф этилгандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 16 августда 2255-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун тармоқдан узилган истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ белгиланган тўловлар тўлангандан сўнг, ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб берилишини талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларига жавоб беришини талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоқлари объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда, жорий ой тугашидан камида 10 кун

аввал берилган талабнома асосида Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) олдиндан ҳақ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъи назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш юзасидан ўзгартиришни талаб қилиш;

ж) Корхона томонидан Энергия тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мос бўлмаган энергия етказиб берилганлиги сабабли етказилган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш.

5.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергия (Қувват) учун мажбурий олдиндан тўловларни ва якуний ҳисоб-китобларни шартномада белгиланган муддат ва миқдорларда амалга ошириш;

в) Электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари»га риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмаларининг ишлаш режимига (реактив Энергия ва Қувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг максимал юклама соатларида талаб этилган Қувват миқдорини оширмаслик.

е) йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин Энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

ж) келгуси йил учун Энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда Энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга Энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва натижалари ҳақида Корхонага хабар бериши шарт:

– истеъмол қилинаётган Энергия(Қувват)нинг суткалик, ойлик сарфлари;

– ягона электр энергетика тизимининг максимал ва минимал юклама даврида реактив энергия(қувват)нинг ҳар суткалик сарфи;

– ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламасини ўтиш даврида Энергиянинг (Қувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3. Корхонанинг ҳуқуқлари:

а) Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган шартномавий мажбуриятларни бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг хоҳлаган кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузишни талаб қилиш;

в) Қуйидаги ҳолларда Истеъмолчига Энергияни етказиб берилишини тўхтатиб қўйиш ва оқибатлари учун жавобгар бўлмасликка:

– Энергия (Қувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Қувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

– электр таъминоти шартномасини тузмасдан (узайтирмасдан) Энергия истеъмол қилинганда;

– «Ўзстандарт» агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда ёки ҳисобга олиш приборларининг қиёслаш муддати ўтиб кетганда;

– Энергия (Қувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўловлар амалга оширилмаганда;

– Корхона тармоқларига Истеъмолчининг электр қабул қилгичлари ўзбошимчалик билан уланганда ёки Қувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

– электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан, ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда ва/ёки ҳисобга олиш приборлари ўзбошимчалик билан жойидан кўчирилганда;

– Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда;

г) Реактив энергия ва қувват ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, электр энергияси ва актив қувват исрофгарчилиги

қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан қўшимча маблағ ундирилади.

5.4. Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчига Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида ёзма равишда хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузилишлари ҳақидаги аризаларини олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, қоида бузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш ва Истеъмолчига жавоб юбориш;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) имконияти бўлмаган тақдирда эса, бу ҳақда Истеъмолчига рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар бериш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, Корхона шу туфайли етказилган зарарнинг, Истеъмолчи эса, етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

6.2. Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаган ҳолларда, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлар суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлай-

ди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3. Истеъмолчи етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия махсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда шарти билан пеня тўлайди.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганданидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4. Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномавий миқдордан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, шартномавий миқдордан ортиқча истеъмол қилинган Энергия ҳажми учун амалдаги тарифнинг 50 фоизи миқдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5. Агар Энергиянинг ушбу шартномада белгиланган тегишли миқдори учун олдиндан ҳақ тўланган бўлса, Истеъмолчининг таклифига биноан ҳисоб-китоб даври тугашидан камида 10 кун олдин кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий миқдорларига киритилган ўзгартиришлар, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинган Энергия сарфи деб ҳисобланмайди.

6.6. Корхона қуйидаги ҳолларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар ҳисобланмайди:

– Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйиб ҳамда Корхона томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаганлиги натижасида баъзи суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилган ҳоллар юзага келса;

– захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезлик ўчиришларнинг ишлаб кетиш вақтларида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келган ҳолларда.

6.7. Истеъмолчининг амалдаги юкламаси ягона электр энергетика тизимининг максимум юкламали соатларида шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча қисми учун белгиланган тарифнинг 100 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Қўшимча Қувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Қувватдан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди.

6.8. Қоидабузарлик учун электр тармоғидан узилган Истеъмолчи электр қурилмаларини электр тармоқларига қайтадан улаш учун Истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўловлар уни «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»ни бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги жавобгарликдан озод қилмайди.

VII.ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддатининг охирги ойида тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қилмаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

8.4. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга

фақат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

8.5. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда судда ҳал қилинади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ

Почта манзили _____

Ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирувчи истеъмолчилар учун

Бюджет жамғармасининг ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____

Нобюджет жамғармасининг ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____

Телефонлар: _____

Факс: _____

(Истеъмолчининг телефонлари, жумладан раҳбарларининг уяли телефонлари)

Статистик кодлар:

ХХТУТ (ОКОНХ) _____

ДБИБТ (СООГУ) _____

МИОБТ (СОАТО) _____

МШТ (КФС) _____

ТХШТ (КОПФ) _____

КТУТ (ОКПО) _____

КОРХОНА

Почта манзили _____

Ҳисоб рақами _____

Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____

Телефонлар: _____,

Факс: _____

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ)_____

МИОБТ (СОАТО)_____

Корхона вакили _____ (Ф.И.О.)		**Истеъмолчи** _____ (Ф.И.О.)	
_____ (имзо)	_____ (сана)	_____ (имзо)	_____ (сана)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____

_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
1-ИЛОВА

Етказиб берилаётган Энергия (Қувват)нинг миқдори

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури _____
3. Истеъмолчининг электр қурилмалари уланган қуввати: _____ кВА, (кВт)
4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича): _____

	Аввалдан буюртма берилган Қувват, кВт	Энергия миқдори, минг кВт.с	Жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
1	2	3	4	5	6	7
Йил, жами						
I чорак						
Январь						
Февраль						
Март						
II чорак						
Апрель						
Май						
Июнь						
III чорак						
Июль						
Август						
Сентябрь						
IV чорак						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

2-устун Икки ставкали истеъмолчилар томонидан тўлдирилади.

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ **КОРХОНА**

_____ _____

Ф.И.О. Ф.И.О.

М.Ў. М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
2-ИЛОВА

Энергияни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари ва характеристикалари

Истеъмолчи, субистеъмолчининг ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш жойлари. Тури ва кучланишни (кВ) кўрсатган ҳолда	Ҳисобга олиш приборларининг тури (актив, реактив), (номинал ток)	Ҳисобга олиш приборларининг тартиб рақами	Ҳисобга олиш приборларидаги клемма қопқоғининг тамға рақами	Ўлчов трансформаторларининг ўзгариш коэффициентлари		Ҳисоблаш Коэффициенти	Шартномани тузиш вақтида ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари	Тариф 1 кВт.с/сўм 1 кВАр.с/сўм	Истеъмолчининг фаолият турининг соҳа бўйича коди
				Ток	Кучланиш				

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ

Ф.И.О.

М.Ў.

КОРХОНА

Ф.И.О.

М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
3-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА
хизмат кўрсатиш чегаралари ҳамда тармоқлар ва электр жиҳозларининг экплуатация ҳолати учун жавобгарликни белгилаш бўйича

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) ҳаво линиялари _____
_____
_____
б) кабель линиялари _____
_____
_____
в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____
_____
2. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ўртасидаги тармоқлар ва электр жиҳозларининг экплуатация ҳолати учун жавобгарлик чегараси электр қурилмаларининг баланс мансублиги бўйича аниқланади: _____
_____
3. Улардан:
а) Қуйидагиларга «Истеъмолчи» томонидан хизмат кўрсатилади _____
б) Қуйидагиларга Электр таъминоти корхонаси (ТЭТ) томонидан истеъмолчи билан шартнома бўйича хизмат кўрсатилади
_____
_____
4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгарлик чегаралари қуйидагича белгиланади: _____
_____
_____

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ	**КОРХОНА**
_____	_____
Ф.И.О.	Ф.И.О.
М.Ў.	М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
4-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА
энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича

Энергияни ҳисобга олиш приборлари тармоқларнинг бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган бўлса, энергия исрофлари ҳисоб-китоб йўли билан тармоқларнинг баланс мансублигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, бу:

а) _____ кВА қувватли трансформаторларда актив энергиянинг ҳар ойдаги исрофлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизни, реактив энергиянинг исрофлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизни ташкил қилади;

б) Истеъмолчининг кабел линияларида ҳар ойдаги исрофлар:
Узунлиги _____ м;
Кесими _____ мм;
Русуми _____;
Кучланиши_____кВ,_____кВт.соат ёки ____фоизни ташкил қилади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларида ҳар ойдаги исрофлар:
Узунлиги _____ м;
Кесими _____ мм;
Русуми _____;
Кучланиши _____ кВ, _____ кВт.соатни ёки ____ фоизни ташкил қилади;

Ойлик йўқотилиш миқдори ҳисобот давридаги энергия истеъмоли миқдорининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда _____соат бир ойда _____ кун ишлайди.
Сменалар бўйича юкламалар нисбати фоиз ҳисобида I ___, II ___, III ___.

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ	**КОРХОНА**
_____	_____
Ф.И.О.	Ф.И.О.
М.Ў.	М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
5-ИЛОВА

200___й. _____ ойи учун Электр энергияси (актив, реактив) сарфланиши ҳақида маълумот. Электр ҳисоблагич кўрсаткичини ёзиб олиш санаси 200___й. «_____»_____

Ҳисоблагичнинг русуми (актив, реактив), завод рақами, Инвентар рақами	Ҳисоблаш коэффициенти			Электр ҳисоблагич кўрсаткичлари		Электр ҳисоблагич кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с, кВАр.с	Ҳисобга олинган максимал қувват, кВт, кВАр
	Ток трансформаторининг (ТТ)	Кучланиш трансформаторининг (КТ)	Умумий коэффициент	Бошланғич	Охирги			
Жами								

Имзолар:

Истеъмолчининг раҳбари _____
(Ф.И.О.)

Корхона вакили _____
(Ф.И.О.)

Бош энергетик _____
(Ф.И.О.)

М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
6-ИЛОВА

Истеъмол қилинган Энергия (Қувват) учун ҳисоб-китоб

20 ___ йил _____ ойи _____ ҳисоби

Истеъмолчи: _____

(номи)

Шартноманинг тартиб рақами ва тузилган санаси _____

Манзил _____

Тўловчининг х/р _____ СТИР _____

Тўловчининг банки _____ банк коди _____

Олувчи: _____

(номи)

Олувчининг х/р _____ СТИР _____

Олувчининг банки _____ банк коди _____

Номи	Ўлчов бирлиги	Сарфи	Тарифи	Суммаси
Кўрсатилган қувват	кВт			
Амалдаги қувват	кВт			
Реактив қувват	кВАр			
Ҳисоблагич рақами №	кВт.с (кВАр. с)			
.....	кВт.с (кВАр. с)			
Истеъмолчининг электр узатиш линиясидаги Энергия исрофи	%			
Истеъмолчининг трансформаторларидаги Энергия исрофи	%			
Истеъмолчининг жами Энергия исрофи	кВт. с			
Тарифлар бўйича ҳаммаси	кВт. с			
.....	кВт. с			
Амалдаги жами истеъмол	кВт. с			
Шартномавий миқдори	кВт. с			
Жарималар (белгиланганидан ортиқча, пенялар)	кВт. с			
– шу жумладан, белгиланганидан ортиқча Энергия				
– шу жумладан, белгиланганидан ортиқча Қувват				
– шу жумладан, пенялар бўйича				
Жами жарималар бўйича тўлов учун	сўм			
Жами тақдим этилган	кВАр.ч.			
Иқтисодий қиймат	кВАр.ч.			
** Устамалар (чегирмалар)	кВАр.ч.			
Жами тўлов учун	сўм			
Сумма ҚҚС билан	сўм			
Шу жумладан, ҚҚС	сўм			
_____ учун олдиндан тўлов (ой)	сўм			
Жами тўлов учун	сўм			

Корхона ҳисобчиси _____

(Имзо. Ф.И.О)

Юридик шахслар бўйича ишловчи муҳандис _____

(Имзо. Ф.И.О)

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
7-ИЛОВА

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Ҳ/р	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрта-лаб	Кеч-қурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар -(СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватини 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

2. Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив Энергия ва Қувватнинг иқтисодий аҳамияти

Йил, ой	Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив Энергиянинг иқтисодий қиймати (кВАр.соат)	Энергетика тизимининг катта ва кичик юклама соатларида реактив Қувватнинг иқтисодий қиймати (кВАр)	Энергетика тизимининг катта юклама соатлари	Энергетика тизимининг кичик юклама соатлари
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Энергетика тизимининг максимал актив юклама соатларида реактив қувват максимумини қайд этишга рухсат берилади.

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ

_____

Ф.И.О.

М.Ў.

КОРХОНА

_____

Ф.И.О.

М.Ў.

Электр таъминоти бўйича
намунавий шартномага
8-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА
авария ва технологик бронни аниқлаш бўйича

Тузилди _____

_____

Истеъмолчининг вакили қатнашувида _____

_____

Энергетика тизимида қувват танқислиги содир бўлганида Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р	**Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи***	**Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)**	**Изоҳ**
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____кВт

* **а)** Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан узилади. Узилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнғин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) технологик бронга, шунингдек, авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар киради (2-бандга қ.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:
I босқич_____кВт
II босқич_____кВт
III босқич_____кВт
IV босқич_____кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узилади:

Т/р	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юклама қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____кВт

* **а)** Узилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда қўриқлаш ёритгичлари қолади.

б) авария бронига захирадаги ёнғинга қарши насослар ва бошқа ёнғинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:

ИСТЕЪМОЛЧИ

_____

Ф.И.О.

М.Ў.

КОРХОНА

_____

Ф.И.О.

М.Ў.

ЧАКАНА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИДАГИ СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА

____ - сон

«___» _____ 20 ___ й. _____ (шаҳар) туман

«_____» унитар корхонаси _____ туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилади) Низоми ва ишончномага асосан иш юритувчи бошлиғи _____ бир тарафдан, _____ вилояти,
(Ф.И.О.)

_____тумани, _____ кўчаси ____уй, ___-хонадон эгаси фуқаро _____ (кейинги ўринларда
(Ф.И.О.)

«Истеъмолчи» деб юритилади) паспорти (фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш учун бериладиган гувоҳнома) серияси ___№_____ _____томонидан берилган вақти _____ иккинчи тарафдан қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газ (кейинги ўринларда суюлтирилган газ деб юритилади) етказиб беришни, Истеъмолчи эса суюлтирилган газни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ҲАЖМИ ВА ҚИЙМАТИ

2.1. Етказиб берувчи томонидан Истеъмолчига _____ килограмм суюлтирилган газ шартномада ва буюртманомада белгиланган муддатларда етказиб берилади. 1 кг. суюлтирилган газ баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

2.2. Етказиб берувчи томонидан Истеъмолчига бир ойда _____ кг. суюлтирилган газни етказиб беради.

2.3. Етказиб берувчи томонидан суюлтирилган газ махсус автотранспортларда Истеъмолчига етказилади ҳамда масъул шахс томонидан тегишли тартибда тарқатиш варақаси билан расмийлаштирилади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ СИФАТИ

3.1. Етказиб берувчи суюлтирилган газ сифатини 20448-80 давлат стандарти талабларига мос равишда таъминлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддат, миқдор ва сифатда суюлтирилган газни етказиб бериш;

в) етказиб бериладиган суюлтирилган газнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган суюлтирилган газ ҳажмлари бўйича буюртманомалар олиш;

д) газ баллонини суюлтирилган газ билан тўлдириш учун Истеъмолчидан газ баллонларини тегишли тартибда йиғиш ва олиб кетилишини таъминлаш;

е) балансдаги мавжуд айланма газ баллонларидан фақатгина Истеъмолчининг мавжуд газ баллонини алмаштириш ёки тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда вақтинча фойдаланишга бериш;

ж) Истеъмолчи билан ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун суюлтирилган газ етказиб берувчи ходимни терминал билан таъминлаш;

з) Истеъмолчига зарур сифатга мувофиқ бўлмаган суюлтирилган газ етказиб берилганда, шартномада белгиланган сифатдаги суюлтирилган газни ўзининг ҳисобидан етказиб бериш;

и) суюлтирилган газдан фойдаланиш бўйича Истеъмолчини белгиланган тартибда инструктаждан ўтказиш.

4.2. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

а) етказиб берилган суюлтирилган газ учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилишини Истеъмолчидан талаб қилиш;

б) суюлтирилган газ қайта ишлаш заводларида таъмирлаш ишлари, авария ёки бошқа форс-мажор ҳолатлари туфайли суюлтирилган газ етказиб беришни вақтинчалик ёки қисман тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида Истеъмолчини 3 кун олдин хабардор қилиш. Хабардор қилиш оммавий ахборот воситалари орқали ва бошқа қулай шаклда амалга оширилиши мумкин.

4.3. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) Етказиб берувчига шартномада кўрсатилган суюлтирилган газ ҳажмлари бўйича буюртманома бериш;

б) шартномага ёки шартнома асосида берган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган суюлтирилган газни қабул қилиш;

в) мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича етказиб берилган суюлтирилган газ учун ҳақ тўлаш.

г) хонада ёки газ жиҳозлари ўрнатилган жойларда газ ҳиди сезилганда газдан фойдаланишни дарҳол тўхтатиш ва хонани шамоллатиш ҳамда газдан фойдаланиш жиҳозларининг техник ҳолати бўйича Етказиб берувчини дарҳол хабардор қилиш;

е) тўлдирилган газ баллонининг ертўла ва хоналарда сақланишини; уй ичидаги суюлтирилган газдан фойдаланиш жиҳозларининг техник ҳолатини ва улардан хавфсиз фойдаланилишини ҳамда суюлтирилган газни бошқа истеъмолчига сотмасликни таъминлаш;

ж) газ баллонларни тегишли тартибда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан фаолият юритиш учун рухсати мавжуд бўлган газ тўлдириш станцияларида таъмирлашни амалга ошириш.

4.4. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги суюлтирилган газ етказиб беришни Етказиб берувчидан талаб қилиш;

б) зарур сифатга мувофиқ бўлмаган суюлтирилган газ етказиб берилганда шартномада белгиланган сифатдаги суюлтирилган газни Етказиб берувчининг ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

в) зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган суюлтирилган газ қабул қилишни рад этиш;

г) Етказиб берувчидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш;

V. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

5.1. Шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

5.2. Истеъмолчи етказиб берилган суюлтирилган газ учун олдиндан камида ____ фоиз миқдорида ҳақ тўлайди. Суюлтирилган газни қабул қилингандан кейин ____ кун давомида якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

5.3. Етказиб берилган суюлтирилган газ учун тўловлар амалга оширилганидан сўнг, Етказиб берувчи томонидан тегишли тартибда касса чеки ёки квитанция берилиши лозим.

5.4. Етказиб берилган суюлтирилган газ учун Истеъмолчи шартномага асосан тўловни амалга оширади. Суюлтирилган газ нархи ўзгарган тақдирда Истеъмолчи томонидан кейинги ҳисоб-китоблар янги нархларда амалга оширилади.

5.5. Истеъмолчи томонидан тўловлар нақд, пластик карточка орқали ҳамда амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклда амалга оширилиши мумкин.

VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

6.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

6.2. Суюлтирилган газ етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда Етказиб берувчи Истеъмолчининг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома суюлтирилган газ етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида ____ кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқача тарзда Етказиб берувчига ёки Етказиб берувчининг ходимига берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Етказиб берувчининг ходими Истеъмолчида қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

6.3. Истеъмолчи илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд суюлтирилган газ етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳақда Етказиб берувчини буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

6.4. Буюртманома қабул қилингандан кейин Етказиб берувчи маҳаллалар кесимида тасдиқланган графиклар бўйича ҳафтада камида бир маротаба, дам олиш кунларидан қатъи назар, соат 9-00 дан 18-00 га қадар суюлтирилган газни етказиб беради.

VII. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 20__ йил ___ _____ гача амал қилади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин: иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса; бошқа қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

7.3. Шартноманинг муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

7.4. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

7.5. Шартнома бекор қилинган ҳолларда тарафлар шартнома мажбуриятлари бўйича барча ҳисоб-китобларни амалга оширишлари лозим.

7.6. Амалдаги қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари, шартномани бажаришдан бир тарафлама воз кечишга йўл қўйилмайди.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатларда тарафлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Суюлтирилган газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, Етказиб берувчи Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

8.3. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Истеъмолчи Етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 1 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ ҲОЛАТЛАРИ (ФОРС-МАЖОР)

9.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

9.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг (форс-мажор) бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

9.3. Шунингдек, суюлтирилган газни қайта ишлаш корхоналарида кутилмаган авариялар содир бўлганида Етказиб берувчи жавобгар бўлмайди.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

10.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун судга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Шартномага тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

11.2. Шартнома икки нусхада тузилади ҳамда тарафларнинг ҳар бирида биттадан сақланади.

11.3. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

XI. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ	**ИСТЕЪМОЛЧИ**
«_____» унитар корхонаси	«Чакана истеъмолчи»нинг
_____ туман (шаҳар)	Ф.И.О.
филиали _____	_____
Почта манзили:	Почта манзили: _____
ИНН коди:	Паспорт маълумотлари: _____
ОКОНХ коди:	_____
Тўлов учун банк ҳисоб	_____
рақами:	
Банк номи: _____	
МФО:	Телефон: _____
_____ИНН_____	
Телефон: _____	Имзо:
Директор: _____	
Имзо: _____	
М.Ў.	

МЕВА, САБЗАВОТ, УЗУМ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

_____-сон

«___»_____ 20__ йил _____

(тузилган жой)

_____

(манзил ва хўжалик номи)

(бундан буён «Хўжалик» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ бир томондан ва _____

(манзил ва қабул қилувчи номи)

(бундан буён «Тайёрловчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар _____ иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Хўжалик Тайёрловчига қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан _____ (кейинги ўринда «Маҳсулот» деб юритилади) етказиб бериш. Тайёрловчи эса, уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Маҳсулотнинг ҳамда уруғлик (кўчат) материалларининг аниқ турлари уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартноманинг 2.4-бандида кўрсатилган муддатда уруғлик (кўчат) материаллари ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материаллари билан таъминлашни Тайёрловчидан талаб қилишга;

б) мазкур шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилишга;

в) маҳсулотни топшириш, сифатини аниқлашда қатнашиш;

г) маҳсулотни ташиш бўйича транспорт харажатларини қоплашни Тайёрловчидан талаб қилишга;

д) Тайёрловчи томонидан уруғлик (кўчат) материаллари ўз вақтида етказиб берилмаганда, шунингдек бўнак тўловлари, якуний ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. Хўжаликнинг мажбурияти:

а) мазкур шартноманинг 2.4-бандида белгиланган муддатларда уруғлик (кўчат) материаллари ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материалларини Тайёрловчидан қабул қилиб олиш;

б) шартномада кўрсатилган маҳсулотни Тайёрловчи билан келишилган манзилга топшириш – қабул қилиш жадвалига асосан 20___ йил «___»_____ гача етказиб бериш;

в) топширилаётган маҳсулотнинг сифати ва нави стандартлар, техник шартлар ва мазкур шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос келишини таъминлаш;

г) Тайёрловчидан олган уруғлик (кўчат) материаллари, бўнак пуллар ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материалларидан мақсадли фойдаланиш;

д) агар Хўжалик ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилган маҳсулотларни узрли сабабларга кўра етказа олмаса, 20 __ йил ____ гача Тайёрловчига шу сабабларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;

е) Маҳсулот сотиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатларда, Тайёрловчига тўлаган маблағлари бўйича қарздорликни қоплаш;

2.3. Тайёрловчининг ҳуқуқлари:

а) топширадиган Маҳсулотнинг сифати ва нави стандартлар, техник шартлар ва мазкур шартномада белгиланган мажбурий шартларга мос келишини Хўжаликдан талаб қилишга;

б) Хўжаликдан ушбу шартномада кўрсатилган маҳсулотни шартномада кўрсатилган муддатларда ёки келишилган жадвалга асосан ўз вақтида қабул қилиш жойига топширишни талаб қилишга (тегишли идоралар томонидан тасдиқланган табиий офатлар бундан мустасно);

в) Хўжаликдан ушбу шартномага мувофиқ тўланган бўнак (аванс)ни ва бўнак ҳисобидан олинган уруғлик (кўчат) материалларининг ҳақини топширилган маҳсулот ҳақи ҳисобидан узиб боришни талаб этишга ҳақлидир

2.4. Тайёрловчининг мажбуриятлари:

а) Хўжаликка экиш учун уруғлик (кўчат) материалларини иловада кўрсатилган тур, нав ва миқдорларда 20__ йилнинг _____ кунигача ёки шу муддатгача Хўжалик томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган муддатда ва миқдорда етказиб бериш;

б) буюртманоманинг Хўжаликда қоладиган нусхасига санани кўрсатган ҳолда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйиш;

в) Хўжаликка идиш ва ўраб-жойлаш материалларини 20___ йилнинг _____ кунигача ёки шу муддатгача Хўжалик томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган муддатда ва миқдорда етказиб бериш;

г) Хўжалик томонидан етказиб келинган маҳсулотни қабул қилиш сифатини аниқлаш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда маҳсулот учун тегишли ҳақни тўлаш;

д) Хўжаликни ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш;

е) Хўжалик томонидан етказиб берилган маҳсулотларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатини маҳсулот қабул қилинган куни расмийлаштириб бериш;

ж) Маҳсулот тайёрлов масканига Хўжаликнинг транспорт воситасида ташилганда Хўжаликка транспорт ҳақини ҳақиқий вазн бўйича тўлиқ масофа учун тўлаш;

з) Маҳсулотнинг йиғим-терими бошлангунга қадар Хўжаликни зарур миқдордаги йиғим-терим ва маҳсулотни манзилига етказиш учун лозим бўлган идиш ва ўраш-жойлаш учун керакли материаллар билан ўз ҳисобидан таъминлаш;

и) Шартнома рўйхатдан ўтказилган тақдирда шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда Хўжаликка рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини имзоланган ҳолда бериш.

Идиш ва ўраш-жойлаш учун керакли материалларнинг аниқ турлари, уларнинг миқдори, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминламаса, шартнома бажарилмаган деб ҳисобланади.

3.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги маҳсулотни қабул қилиш бўйича якуний ҳужжатлар тузилган сана Хўжалик томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Якуний ҳисоб-китобларнинг тўлов ҳужжатидаги банк муассасаси штампида кўрсатилган сана маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича Тайёрловчи томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

3.3. Маҳсулот Тайёрловчининг _____ манзилдаги тайёрлов масканига Тайёрловчининг ёки Хўжаликнинг транспортида (зарур бўлмагани ўчириб ташланади) етказиб берилади.

3.4. Маҳсулотни қабул қилиб олиш (топшириш) ва уларнинг сифатини аниқлаш ҳар бир Маҳсулот тури бўйича алоҳида белгиланган давлат стандартлари ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Сифати тегишли даражада бўлмаган маҳсулот етказиб берилганда Тайёрловчи ушбу маҳсулотни қабул қилишни рад этишга, сифати тегишли даражада бўлган маҳсулот етказиб берилишини талаб қилишга ёхуд харид нархини тегишли тарзда камайтирган ҳолда маҳсулотни қабул қилишга ҳақли бўлади.

3.5. Тайёрловчи шартномага ва топшириш-қабул қилишнинг келишилган жадвалга мувофиқ унга етказиб берилган Маҳсулотни қабул қилишни рад этса ёки шартномада келишилган муддатда қабул қилмаса, рад этиш ҳолати тўғрисида Хўжаликни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Тайёрловчи ушбу ёзма маълумотни беришдан бош тортган ҳолда Хўжалик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлим вакили иштирокида рад этиш (шартномада келишилган муддатда қабул қилинмаслик) ҳолатини тасдиқловчи далолатнома тузади.

Бунда Хўжалик ушбу маҳсулотни ўз ихтиёрига кўра бошқа шахсларга сотиши мумкин. Бу эса, Тайёрловчини Маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги (шартномада келишилган муддатда қабул қилмаслик) натижасида Хўжаликка етказган мулкий зарарларни тўлашдан озод этмайди.

3.6. Уруғлик (кўчат) материаллари ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материалларини етказиб бериш ушбу шартноманинг 2.4-бандида кўрсатилган муддатларда ва иловада кўрсатилган тур, нав ва миқдорларда ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва миқдорларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманома уруғлик (кўчат) ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материаллари тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Тайёрловчининг ходими Хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд уруғлик (кўчат) ҳамда идиш ва ўраб-жойлаш материалларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда Тайёрловчини буютманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

4. МАҲСУЛОТ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Шарноманинг умумий баҳоси _____ сўм бўлиб, маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тўлиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.2. Хўжалик уруғлик (кўчат) материалларини бўнак ҳисобига олади ёки тайёрловчидан ёхуд бошқа уруғчилик ташкилотларидан сотиб олади (зарур бўлмагани ўчириб ташланади). Ушбу шартнома бўйича олинадиган уруғлик (кўчат) материаллари баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

4.3. Тайёрловчи Хўжаликка (агар уруғлик (кўчат) материаллари бўнак ҳисобига олинса, берилган уруғлик (кўчат) материалларининг қийматини ҳисобга олган ҳолда) харид қилинаётган маҳсулот баҳосининг 50 (эллик) фоизи миқдорида 20__ йил «___» _____ гача бўнак (аванс) беришни амалга оширади.

4.4. Тайёрловчи Маҳсулотни қабул қилиб олгандан кейин шартномада белгиланган нархлар бўйича Хўжаликка _____ кун муддат ичида унинг тўлиқ ҳақини тўлайди;

4.5. Тайёрловчи маҳсулотни қабул қилиш корхонасига келтириш бўйича транспорт харажатларини Хўжаликка тўлиқ тўлайди.

4.6. Маҳсулотни қабул қилиш пунктига жўнатиш маҳсулотни транспортга юклаш ва қайтариладиган идишни бўшатиш Хўжаликнинг кучи ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади, қабул қилиш пунктида Маҳсулотни тушириш Хўжаликка жўнатиш учун идишни транспортга юклаш Тайёрловчининг ҳисобидан амалга оширилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Маҳсулотни мазкур шартномада белгиланган ассортиментда ва турлар бўйича, муддатларда қабул қилиниши рад этилишининг ҳар бир ҳолати учун Тайёрловчи Хўжаликка белгиланган устамалар тўланиши ҳисобга олинмаган ҳолда амалда шаклланган ўртача нархлардан келиб чиқиб, қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоиз миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса, унинг тўлиқ қийматини тўлайди.

Бундан ташқари, Тайёрловчи маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги натижасида Хўжалик томонидан кўрилган, жарима билан қопланмаган зарарларни ҳам қоплайди.

5.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда, турлар бўйича муддатларда маҳсулот топширишдан асоссиз бош тортганлиги учун Хўжалик Тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима харид нархига белгиланган устамалар тўлаши ҳисобга олинмаган ҳолда ўтган даврда (ой, йил чораги, йил) маҳсулот амалда шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бундан ташқари, маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлик натижасида юзага келган, жарима билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

5.3. Шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда бўнак (аванс) тўловларини, топширилган маҳсулот учун тегишли ҳақларни тўлашдан асоссиз бош тортганда Тайёрловчи Хўжаликка тўланмаган суммани ҳамда ўзи тўлашдан бош тортган суммасининг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Жаримадан ташқари, Тайёрловчи Хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, лекин 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга ҳар бир товар-транспорт ҳужжати учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима тўлайди.

5.5. Хўжаликни мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда стандарт ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган уруғлик (кўчат) материаллари, идиш ва ўраб-жойлаш материаллари билан таъминланмаганлиги учун Тайёрловчи Хўжаликка маҳсулот етказиб бериш пайтида амалда бўлган уруғлик (кўчат) материаллари, идиш, ўраб-жойлаш материаллари қийматининг икки баравари миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, Хўжаликнинг ушбу материаллар билан таъминланмаганлик натижасида кўрган жарима билан қопланмаган зарарларини ҳам қоплайди.

5.6. Тайёрловчи томонидан маҳсулот сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ҳоллари аниқланган тақдирда, Тайёрловчи маҳсулот сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ҳамда ушбу ҳисобланган суммадан ташқари Хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.7. Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун Тайёрловчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.8. Хўжалик томонидан мазкур шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Хўжаликни жавобгарликка тортишда Хўжалик томонидан мазкур шартнома бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслигида (зарур тарзда бажарилмаслигида) айбдор бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади (исботловчи тегишли ҳужжатлар бўлган тақдирда).

Хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг айби билан мазкур шартноманинг Хўжалик томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда ташкилотлар томонидан қопланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини (форс-мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

Шунингдек, тумандаги Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия низони кўриб чиқишда иштирок этиш пайтида ваколатли давлат органларининг маълумотлари ва ахбороти асосида маҳсулотнинг сифати пасайтирилиши ёки бузилиши ҳоллари юзасидан хулоса, шунингдек енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) оқибатида ёхуд тайёрловчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш юзасидан хулоса беришлари мумкин.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин ижро қилинади.

Мазкур шартнома 3 (уч) кун мобайнида Тайёрловчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади ва шартноманинг барча нусхалари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо, муҳр билан тасдиқланади.

7.2. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

8.2. Тарафлар ўзаро келишолмаганда низолар хўжалик суди томонидан ҳал қилинади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномада ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома тарафларнинг ҳар бири ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан – уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) Хўжалик жойлашган жойдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

10. ҚЎШИМЧАЛАР

_____

_____

ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	**ТАЙЁРЛОВЧИ**
_____	_____
_____	_____
Банк реквизитлари	Банк реквизитлари
_____	_____
СТИР _____	СТИР _____
_____	_____
М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.	*М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О*

20 __ йил «__»_____ да _____ рақами билан
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида
«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ»

_____

М.Ў. имзо, лавозими, Ф.И.О.

Ҳуқуқшуноснинг хулосаси: _____

_____

_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20__ йил _____ даги
___ сонли шартномага
ИЛОВА

«Тайёрловчи»га маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ЖАДВАЛИ*

Навлар ва турлар номи	ЎзСТ ОСТ ТУ РСТ Тартиб сони	Тайёрланадиган жами маҳсулот тонна	Шу жумладан ойма-ой									Бир тоннанинг баҳоси сўм	Жами сўм			
														Контейнерда (тонна)	Яшикларда (тонна)	Қопларда (тонна)

* Етказиб берадиган **«Маҳсулот»** туриб қолишининг олдини олиш мақсадида **«Хўжалик»** ва **«Тайёрловчи»**нинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзаро келишувига кўра **«Маҳсулот»**ни етказиб беришнинг (ўн кунлик, суткалик ва соатлик) жадваллари ҳам тузилиши мумкин. Бунда тарафлар шартномани бажариш давомида ўзаро келишувига кўра **«Маҳсулот»**ни етказиб бериш жадвали ва жойини ўзгартиришга ҳақлидир.

«Хўжалик»ка уруғлик (кўчат) материаллари етказиб бериш ЖАДВАЛИ

Уруғлик (кўчат) материаллари номи	Нави	Тури	Миқдори (кг)	Шу жумладан: муддатлари (ой)										Нархи

«Хўжалик»ни зарур идишлар ва ўраш анжомлари билан таъминлаш ЖАДВАЛИ

Идишлар номи	ЎзСТ тартиб сони	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан: муддатлари (ой)											

20__ йил _____ даги
___ сонли шартномага
ИЛОВА

«Тайёрловчи»га маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ЖАДВАЛИ*

Навлар ва турлар номи	ЎзСТ ОСТ ТУ РСТ Тартиб сони	Тайёрланадиган жами маҳсулот тонна	Шу жумладан ойма-ой									Бир тоннанинг баҳоси сўм	Жами сўм			
														Контейнерда (тонна)	Яшикларда (тонна)	Қопларда (тонна)

*Етказиб берадиган **«Маҳсулот»** туриб қолишининг олдини олиш мақсадида **«Агрофирма»**ва **«Тайёрловчи»**-нинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзаро келишувига кўра **«Маҳсулот»**ни етказиб беришнинг (ўн кунлик, суткалик ва соатлик) жадваллари ҳам тузилиши мумкин. Бунда тарафлар шартномани бажариш давомида ўзаро келишувига кўра **«Маҳсулот»**ни етказиб бериш жадвали ва жойини ўзгартиришга ҳақлидир.

«Агрофирма»га уруғлик (кўчат) материаллари етказиб бериш ЖАДВАЛИ

Уруғлик (кўчат) материаллари номи	Нави	Тури	Миқдори (кг)	Шу жумладан: муддатлари (ой)										Нархи

«Агрофирма»ни зарур идишлар ва ўраш анжомлари билан таъминлаш

Идишлар номи	ЎзСТ тартиб сони	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан: муддатлари (ой)											

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ, МЕХАНИЗАЦИЯ ЁРДАМИДА ИШЛАР БАЖАРИШ ВА МОДДИЙ ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ШАРТНОМА

_____-сон

«____» _____ 20 __ йил _____

(тузилган жойи)

_____

(манзил ва хўжалик номи)

(бундан буён «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____ масъулияти чекланган жамияти _____

(манзил ва хизмат кўрсатувчи номи)

(бундан буён «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи Буюртмачининг буюртманомаларига биноан механизациялашган ишларни бажариш, сервис, агротехника хизматлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатишни, моддий-техника ресурслари етказиб бериш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса, ушбу хизматлар, моддий-техника ресурсларини қабул қилиб олиш ва улар учун шартномада белгиланган нархлар ҳамда тартиб бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматлар йўналишига қараб (бошоқли дон ва пахта хом ашёсини етиштириш), етказиб бериладиган моддий-техника ресурсларининг аниқ турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган 1 ва 2-сонли иловаларда келтирилган.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

а) тақдим этилган буюртманомаларга биноан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги хизматлар кўрсатишни ёки моддий

техника ресурслари етказиб беришни Бажарувчидан талаб қилишга;

б) кўрсатилган хизматларни сифатини аниқлашда қатнашишга;

в) сифат талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда хизматлар кўрсатилганда, сифатсиз моддий техника ресурлари етказиб берилганда Буюртмачи Бажарувчининг хоҳишига кўра:

сифатсиз бажарилган хизматларни Бажарувчи ўз ҳисобидан қайта бажаришини, моддий-техника ресурсларини алмаштиришини талаб қилишга;

хизматлар, моддий-техника ресурсларининг нуқсонларини бепул бартараф этишни ёки нуқсонларни тузатиш учун қилинган харажатларнинг тўланишини талаб қилишга;

нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилишга;

муддатлар бузилган ёки сифат талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда кўрсатилган хизматларни, етказиб берилган моддий-техника ресурсларини қабул қилишни рад этишга;

г) шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини Бажарувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) шартномада кўрсатилган хизматларни, етказиб берилган моддий-техника ресурсларни бошоқли дон ва пахта хом ашёсини етиштириш учун алоҳида етказиб бериладиган моддий-техника ресурсларининг аниқ турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек муддатларини буюртманомаларда кўрсатиш;

б) шартномада кўрсатилган хизматларни, етказиб берилган моддий-техника ресурсларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

в) кўрсатиладиган хизматлар қийматининг 50 фоизи миқдорида, етказиб бериладиган моддий техника ресурслари туркуми учун эса, 100 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш;

г) кўрсатилган хизматлар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 60 кун мобайнида, етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари учун якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

д) шартнома бўйича Бажарувчи ўз зиммасига олмаган бўлса, механизация ёрдамида бажариладиган ишлар учун ер майдон-

ларини агротехник талабларга жавоб берадиган қилиб тайёрлаб бериш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

а) кўрсатиладиган хизматлар, етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари учун ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда ҳажмда ҳисоб-китоб қилинишини Буюртмачидан талаб қилишга;

б) тақдим этилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатилган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни Буюртмачидан талаб қилишга;

в) шартнома бўйича механизация ёрдамида бажариладиган ишлар учун ер майдонларини агротехник талабларга жавоб берадиган қилиб тайёрлаб беришни Бажарувчи ўз зиммасига олмаган бўлса, уларни тайёрлашни Буюртмачидан талаб қилишга ҳақлидир.

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда, миқдорда ва сифатда хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш;

в) кўрсатиладиган хизматлар, етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандарт ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

г) агар хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан чекинишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 20 кун муддатда текин тузатиб бериш.

д) шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) кун муддатда Бажарувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Бажарувчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини 2 (икки) кун муддатда Буюртмачига шартномани олганлиги тўғрисидаги имзосини қўйдириб тақдим этади.

III. ХИЗМАТЛАР НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари ёқилғи Буюртмачи ёки Бажарувчи ҳисобидан таъминланадиган ҳоллар учун иловаларда алоҳида белгиланади.

3.3. Шартномага мувофиқ хизмат кўрсатиш учун ёқилғи билан таъминлаш мажбуриятини тарафлардан бири ўз зиммасига олган ҳолда, хизмат кўрсатиш давомида ёқилғи билан таъминлашда узилишлар бўлиб қолса, иккинчи тараф имконияти ва хоҳишига кўра, кейинчалик ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шарти билан ўз ҳисобидан ёқилғи билан таъминлаши мумкин;

3.4. Буюртмачи Бажарувчи кўрсатадиган хизматлар қийматининг 50 фоизи миқдорида, етказиб бериладиган моддий техника ресурслари туркуми учун эса, 100 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлайди.

Кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари далолатнома бўйича қабул қилингандан кейин 60 (олтмиш) календарь кун давомида якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

3.5. Кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

3.6. Бошоқли дон учун ҳамда пахта хом ашёсини етиштириш учун кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари бўйича статистик ҳисоботлар ҳамда бухгалтерия ҳисоб-китоблари алоҳида юритилади.

IV. ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Хизмат кўрсатилиши, моддий-техника ресурслари етказиб берилиши шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Бажарувчи буюртманомаларининг рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурсларининг тегишли қисмларини етказиб бериш мўлжалланаётган

санадан камида 10 кун олдин Буюртмачи томонидан чопар, почта орқали ёки бошқа тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари бевосита Буюртмачининг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурсларининг миқдори, сифати кўрсатилади. Буюртмачи илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда Бажарувчини буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

4.3. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

Шартнома тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминлаганларидан сўнг бажарилган деб ҳисобланади.

4.4. Кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурсларини қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана Бажарувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурсларига ҳақ тўлаш бўйича Буюртмачи томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.5. Буюртмачининг розилиги билан шартномада белгиланган муддатдан олдин хизмат кўрсатилиши, моддий-техника ресурслари етказиб берилиши мумкин.

4.6. Буюртмачи муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда кўрсатилган хизматларни, етказиб берилган моддий-техника ресурсларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.7. Шартнома асосида бериладиган буюртманомада назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда хизмат кўрсатилиши, моддий-техника ресурслари етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган хизматлар,

етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган хизматлар, етказиб берилмаган моддий-техника ресурсларининг ўрни тўлдирилиши керак. Буюртмачининг олдиндан берган ёзма розилиги бўйича хизмат кўрсатилган, моддий-техника ресурслари етказиб берилган ҳоллар бундан мустасно.

V. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

5.1. Бажарувчи томонидан кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурсларининг сифати, миқдори, уларнинг қиймати нотўғри белгиланган тақдирда, Бажарувчи кўрсатилган хизматлар, етказилган моддий-техника ресурслари сифатини, миқдорини ва нархини қайта ҳисоб-китоб қилади ҳамда ушбу ҳисобланган суммани Буюртмачига қайтариб беради. Бундан ташқари, Буюртмачи Бажарувчидан нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашини талаб қилишга хақлидир.

5.2. Агар кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари сифати, ассортименти, сорти стандарт талабларига, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаса, Буюртмачи Бажарувчидан сифати зарур даражада бўлмаган ҳолда кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашини талаб қилиш мумкин. Бунда Буюртмачи мазкур шартноманинг 2.1.-бандида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланганлигидан қатъи назар жарима тўланади.

5.3. Бажарилган хизматларни, етказиб берилган моддий-техника ресурслари шартномада назарда тутилган миқдорда ёки қисман қабул қилишни рад этилганлиги учун Бажарувчи Буюртмачидан қабул қилинмаган хизмат, моддий-техника ресурсларининг қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурслари етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилган бўлса ёки бажариш (етказиб бериш) муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, хизматлар бажарилмаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчидан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар

бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлашини талаб қилишга ҳақлидир, бироқ пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар, етказиб берилмаган моддий техника ресурслари қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Пеня тўланиши Бажарувчини шартномада белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажаришидан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган моддий-техника ресурслари ҳақини ўз вақтида тўламагани учун Бажарувчи Буюртмачидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлашини талаб қилишга ҳақлидир.

5.6. Бажарувчи томонидан ажратилган техникаларнинг белгиланган муддатдан ортиқча бекор туриб қолганлиги учун Бажарувчи Буюртмачидан бекор туриб қолиш билан боғлиқ харажатларини қоплашини талаб қилишга ҳақлидир. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ расмийлаштирилади.

5.7. Агар Бажарувчига механизация ёрдамида бажариладиган ишлар учун ер майдонларини агротехник талабларга жавоб берадиган қилиб тайёрлаб бермаслиги натижасида Бажарувчига етказилган зарарни қонунда белгиланган тартибда қопланишини Буюртмачидан талаб қилишга ҳақлидир.

5.8. Буюртмачини қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб бериш бўйича тузилган контрактация шартномасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортишда Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Бажарувчининг айби билан Буюртмачи томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар Бажарувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

5.9. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра,

мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун Хўжалик судига бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч, (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки Етказиб берувчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун Хўжаликни жавобгарликдан озод қилиш бўйича хулоса беришлари мумкин.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин ижро қилинади.

Мазкур шартнома 3 (уч) кун мобайнида Бажарувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалигига рўйхатдан ўтказилиши

учун тақдим этилади ва шартноманинг барча нусхалари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади.

8.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8.3. Тарафларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган шартнома нусхалари, шу жумладан унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида тегишли тарзда сақланади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Шартномага тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

9.2. Шартнома хўжалик жойлашган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 20__ йил «__» _____ гача амал қилади.

9.3. Шартнома уч нусхада тузилади ҳамда тарафларнинг ҳар бирида биттадан ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида сақланади.

9.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

X. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ИЛОВАЛАР

_____

_____

XI. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ	**БАЖАРУВЧИ**
_____	_____
_____	_____
Банк реквизитлари _____	Банк реквизитлари _____
_____	_____

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

_____

М.Ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./

Солиқ тўловчининг идентификация рақами _____

_____

М.Ў./имзо, лавозими, Ф.И.О./

200_ йил «___» _____ да _____ рақами билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида «Рўйхатдан ўтказилди»

_____

_____

М.Ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./

Ҳуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган.

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

200__ йил «__»_____ даги
_____-сонли шартномага
1-ИЛОВА

_____ МТП _____ ва _____ хўжалиги ўртасида 20__ йил «__» _____ _____-сон билан тузилган шартномага асосан кўрсатиладиган хизмат (бажариладиган иш) турларининг ЖАДВАЛИ

Кўрсатилган хизмат (бажарилган иш) турлари	Ўлчов бирлиги	Кўрсатилган хизмат (бажарилган иш) миқдори	Кўрсатилган хизмат (бажарилган иш) баҳоси 1 га. (тн) учун, (сўмда)		Жами кўрсатиладиган хизмат (бажариладиган иш) суммаси (минг сўмда)	Шу жумладан, чораклар бўйича			
			Ёқилғи билан	Ёқилғисиз		I	II	III	IV
Ер ҳайдаш	Га								
Ш.ж. «Магнум»	Га								
Чизеллаш	Га								
Ш.ж. «Магнум»	Га								
Молалаш	Га								
Ш.ж. «Магнум»	Га								
Бароналаш	Га								
Ш.ж. «Магнум»	Га								
Дон ўриш	Га								

Ш.ж. «Кейс»	Га								
Паахта териш	Га								
Ш.ж. «Кейс»	Га								
Беда ўриш	Га								
Силос ўриш	Га								
Макка ўриш	Га								
Ўғитлаш	Га								
Чигит экиш	Га								
Дорилаш (дефол)	Га								
Культивация	Га								
Дон ва макка экиш	Га								
Эгат олиш	Га								
Ариқ олиш	$м^3$								
Юк ташиш	тн/нм								
Турли ишлар	минг сўм								
Таъмирлаш хизмати	минг сўм								
Техник хизмат крўсатиш	минг сўм								
Чорвачилик фермерларига техник хизмат кўрсатиш	минг сўм								
Автотранспорт хизмати	минг сўм								
Моддий-техник ресурслар етказиб бериш	минг сўм								
Алмаштириш бўлим хизмати	минг сўм								

Ер майдонларини агротехник талабларга жавоб беридиган қилиб тайёрлаб бериш	минг сўм								
Экилган майдонларнинг полларини бузиш	минг сўм								
Ўқ ариқларни кўмиш	минг сўм								
Жами:	млн. сўм								

20__ йил «__»_____даги
_____-сонли шартномага 2-илова

Моддий-техника ресурслари етказиб бериш жадвали

Т/р	Моддий-техника ресурслари номи	Техник шартлар	Ўлчов бирлиги	Баҳоси, сўм	Етказиб беришнинг йиллик ҳажми	Умумий суммаси (сўм)	Шу жумладан, чораклар бўйича			
							I	II	III	IV

БУЮРТМАЧИ

М.Ў.

БАЖАРУВЧИ

М.Ў.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ

_____-сон

20__ йил «__» _____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____

(хўжалик номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Хўжалик деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

(маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Етказиб берувчи деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузди-лар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи Хўжаликка минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) етказиб бериш, Хўжалик эса, етказиб берилган маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг аниқ турлари, сифати, миқдори, баҳоси ва етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Маҳсулотни етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманома Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 10 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади.

Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Етказиб берувчининг ходими Хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилганлик тўғрисида белги қўяди.

2.2. Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақли, бу ҳақда Етказиб берувчини буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

Хўжалик томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган миқдордаги Маҳсулот келишилган ой мобайнида олинмаса, Етказиб берувчи олинмаган Маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятидан озод бўлади. Бунда, Хўжалик томонидан олинмаган Маҳсулот учун амалга оширилган олдиндан тўлов суммаси Етказиб берувчи томонидан қайтариб берилади ёки кейинги ойда олинадиган Маҳсулот ҳисобига ўтказилади.

2.3. Етказиб берувчи Маҳсулотни Хўжаликнинг экин ер майдонигача ўзининг транспортида етказиб беради, минерал ўғитларни хўжаликнинг экин ер майдонига сепиб бериш тарафларнинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулот қабул қилиш шохобчасигача Хўжаликнинг ҳисобига транспортда ташилганда Етказиб берувчи транспорт харажатларини қоплайди.

2.4. Маҳсулот Етказиб берувчининг транспортида олиб борилганда, Маҳсулотни тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Етказиб берувчи зиммасига юкланади.

Маҳсулот Хўжаликнинг транспортида олиб кетилганда, қабул қилинган Маҳсулотни тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Хўжаликнинг зиммасига юкланади.

2.5. Хўжаликнинг розилиги ва тўлов миқдорлари етарли бўлса ҳамда етказиб берилган кунда ишлатилиши кафолатланса Маҳсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин (аммиакли селитрадан ташқари). Етказиб берилган ва Хўжалик томонидан қабул қилинган Маҳсулот миқдори кейинги даврларда етказиб берилиши режалаштирилган Маҳсулот миқдоридан камайтирилади.

2.6. Тарафларнинг ўзаро келишувига асосан назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги Маҳсулот етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган Маҳсулот ўрнини тўлдириш сифатида қаралади ва етказиб берилмаган Маҳсулотнинг ўрни тўлдирилмайди.

2.7. Етказиб берилган Маҳсулот Хўжаликнинг масъул ходими томонидан транспорт ҳужжати ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

Далолатномада (транспорт ҳужжатлари)да етказиб берилган Маҳсулот миқдори ва сифати кўрсатилади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган Маҳсулотнинг турлари бўйича баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилади. Маҳсулотнинг муайян турининг баҳоси уни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўзгартирилган тақдирда, Маҳсулотнинг шу тури учун мазкур шартномада белгиланган баҳо ҳам ишлаб чиқарувчи баҳосига мутаносиб равишда ўзгартирилади.

Маҳсулот Хўжаликнинг экин ер майдонига сепиб берилиши билан боғлиқ тўловлар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.

3.2. Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар 100 фоиз олдиндан тўлов шаклида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

а) етказиб берилган Маҳсулот учун олдиндан тўлиқ тўловлар амалга оширилишини Хўжаликдан талаб қилиш;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан етказиб берилган Маҳсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қоплашни Хўжаликдан талаб қилиш.

4.2. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда ва миқдорда Маҳсулот етказиб бериш;

б) Хўжалик Маҳсулотни олиш учун берган буюртмани Хўжаликда қоладиган нусхасига қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда қабул қилиб олиш;

в) етказиб бериладиган Маҳсулотнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

г) Маҳсулот қабул қилиш шохобчасигача Хўжаликнинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини Хўжаликка тўлаш;

д) Маҳсулотни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча камчиликларни Хўжаликнинг талаби билан _____ кун муддатда ўзининг ҳисобидан бартараф этиш;

е) Етказиб берилган аммиакли селитрани ҳар бир туркуми учун ишлатилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 16 февралда 1451-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомда келтирилган шакл бўйича хўжалик бошлиғи, маҳалла посбони ва фуқаролар йиғини раиси иштирокида тузилишини хўжаликдан талаб қилиш.

4.3. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли турдаги ва сифатдаги Маҳсулот етказиб беришни Етказиб берувчидан талаб қилиш;

б) зарур турга ёки сифатга мувофиқ бўлмаган Маҳсулот етказиб берилганда Хўжалик ўз хоҳишига кўра:

зарур турдаги ёки сифатдаги Маҳсулотни Етказиб берувчи ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган Маҳсулотни қабул қилишни рад этиш;

в) Етказиб берувчидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш.

4.4. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш мўлжалланаётган санадан камида 10 (ўн) кун олдин чопар, почта орқали ёки бошқача тарзда Етказиб берувчига буюртманома бериш, агар буюртмани бекор қилса ёки етказиб бериш санасини ўзгартирса, бу ҳақда етказиб берувчига буюртманомада кўрсатилган санадан камида 3 (уч) кун олдин маълум қилиш;

б) Маҳсулотнинг ҳар бир туркуми учун, буюртманомада кўрсатилган санадан камида 5 (беш) кун олдин, 100 фоиз олдиндан тўловни амалга ошириш;

в) мазкур шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда Маҳсулотни Етказиб берувчидан қабул қилиб олиш;

г) етказиб берилган Маҳсулотни фақат ўрнатилган тартибда ва меъёрда давлат буюртмаси эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун мақсадли ишлатиш, унинг мақсадсиз ишлатилиши, йўқотилиши, қайта сотилиши, учинчи шахсларга берилишига йўл қўймаслик;

д) аммиакли селитрани ҳар бир туркуми учун ишлатилганлиги тўғрисида далолатномани кейинги туркумдаги аммиакли селитрани олгунга қадар етказиб берувчига топшириш.

4.5. Мазкур шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафдан шартнома шартларини шартномага мувофиқ ва лозим даражада бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари тузилган сана Етказиб берувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.3. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана Маҳсулотга хақ тўлаш бўйича Хўжалик томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

6.2. Етказиб берилган Маҳсулот сифати, миқдори Етказиб берувчи томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда, Етказиб берувчи етказиб берилаётган Маҳсулотнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Хўжаликка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган суммaнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Етказиб берилган Маҳсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор тараф етказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган Маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши асоссиз рад этилган тақдирда, Етказиб берувчи Хўжаликка етказиб берилиши керак бўлган Маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Етказиб берувчи Хўжаликка Маҳсулот етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.5. Маҳсулот етказиб бериш асоссиз кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Етказиб берувчи Хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Маҳсулот етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.6. Маҳсулотни қабул қилиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Хўжалик Етказиб берувчига қабул қилиниши керак бўлган Маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Хўжалик Етказиб берувчига Маҳсулот қабул қилинмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.7. Шартномага мувофиқ етказиб бериладиган Маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига

муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.8. Хўжалик томонидан минерал ўғитларни олиб келиш билан боғлиқ сарфланган транспорт ҳаражатларини тўламаганлик учун Етказиб берувчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.9. Етказиб берувчининг айби билан Хўжалик томонидан давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномалари бажарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли, шунингдек, шартнома кучга киргандан кейин қабул қилинган қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки Етказиб берувчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун Хўжаликни жавобгарликдан озод қилиш бўйича хулоса беришлари мумкин.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибда ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун судга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин ижро қилинади ва 20__ йил «__» _____ гача амал қилади.

Шартнома тарафларнинг ҳар бири ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.2. Шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) кун муддатда Етказиб берувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

Етказиб берувчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини 2 (икки) кун муддатда Хўжаликка олгани тўғрисида имзони қўйдириб тақдим этади.

9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) Хўжалик жойлашган жойдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

9.5. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган шартнома бажарилгандан сўнг, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан биргаликда ўрнатилган тартибда 3 (уч) йил муддатда сақланади.

X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
ИНН: _____	ИНН: _____
_____	_____
_____	_____
М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./	*М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./*

Туман фермерлар кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича бош мутахассиси

_____ _____

(имзо) *(Ф.И.О.)*

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан
200_ йил «___» _____ да
_____ рақами билан рўйхатга олинган

_____

М.Ў. (имзо, мансаби, Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____
_____
_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20___ йилдаги «___» _____ даги
_____-сонли шартномага
1-ИЛОВА

20___ ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасига асосан минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ойлар бўйича етказиб бериш

ЖАДВАЛИ

Жами экин майдони _____га

Т/р	Маҳсулот тури	Давлат стандарти, техник шартлар (маркаси)	Миқдори (тн)	Маҳсулот баҳоси (сўмда)	Жами суммаси (млн. сўмда)	Жами етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми (тн)	шу жумладан ойлар бўйича тақсимот										
							I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1																		
2																		
3																		

Изоҳ: Хўжаликларга минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни етказиб беришда пахта хом ашёси етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган технологик карталардаги ҳудудий минтақаларда ер балл бонитети ва бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит тақсимоти доирасида ажратилади.

Етказиб берувчи _____ **Хўжалик бошлиғи** _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр) (Ф.И.О. имзо, муҳр)

Туман ҚСХБ бошлиғи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

20___ йилдаги «___» _____ даги
____-сонли шартномага
2-ИЛОВА

20___ ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон хом ашёси харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасига асосан минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни ойлар бўйича етказиб бериш

ЖАДВАЛИ

Жами экин майдони _____га

Т/р	Маҳсулот тури	Давлат стандарти, техник шартлар (маркаси)	Миқдори (тн)	Маҳсулот баҳоси (сўмда)	Жами суммаси (млн. сўмда)	Жами етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми (тн)	шу жумладан ойлар бўйича тақсимот											
							I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1																		
2																		
3																		

Изоҳ: Хўжаликларга минерал ўғитлар ва кимёвий воситаларни етказиб беришда бошоқли дон етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган технологик карталардаги ҳудудий минтақаларда ер балл бонитети ва бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит тақсимоти доирасида ажратилади.

Етказиб берувчи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

Хўжалик бошлиғи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

Туман ҚСХБ бошлиғи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН БОШОҚЛИ ДОН ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

_____-сон

20__ йил «___» _____ _____

/тузилган жой/

_____

/манзил ва хўжалик номи/

(бундан буён «Хўжалик» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

/манзил ва қабул қилувчи номи/

(бундан буён «Тайёрловчи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузидилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома билан Хўжалик тайёрловчига 20__ йил ҳосилидан _____ гектар ер майдонидан O'z Dst 880:2004 давлат стандарти бўйича _____ синф _____ тонна _____ (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) топшириш мажбуриятини, Тайёрловчи эса, Хўжаликни ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Шартномада кўрсатилганидан ортиқча етиштирилган Маҳсулот Хўжалик ихтиёрида қолади.

1.2. Мазкур шартнома давлат эхтиёжлари учун белгиланган ҳажмлардан ортиқча бошоқли дон маҳсулотини харид қилиш учун асос бўлмайди. Хўжалик томонидан қўшимча Маҳсулот топшириш истаги билдирилган тақдирда, бу келишув Тарафлар ўртасида шартнома асосида амалга оширилади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) Тайёрловчидан туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган нав, сифат ва миқдордаги бошоқли дон уруғлиги билан ўз вақтида таъминлашни талаб қилиш;

б) Тайёрловчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

в) маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш;

г) Тайёрловчидан ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда ҳақ тўланишини талаб қилиш;

д) маҳсулот хўжалик ҳисобидан транспортда ташилганда Тайёрловчидан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

е) Тайёрловчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини ҳамда ушбу шартномада кўрсатилган жарима ва пенялар тўланишини талаб қилиш.

2.2. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) Мазкур шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда уруғликни Тайёрловчидан қабул қилиб олиш ва ундан мақсадли фойдаланиш;

б) уруғликни етказиб бериш назарда тутилаётган санадан камида 5 кун олдин Тайёрловчига уруғлик олиш учун буюртма бериш, агар буюртмани бекор қилса ёки уруғлик етказиб бериш санасини ўзгартирса бу ҳақда Тайёрловчига буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин маълум қилиш;

в) Тайёрловчига 20__ йил ___ августдан кечиктирмай шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда тегишли сифатга эга бўлган Маҳсулот топшириш;

г) Маҳсулотни сифатли тайёрланишига эришиш мақсадида Маҳсулот етиштирилаётган майдонларда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб бориш;

д) Тайёрловчидан олган уруғлик ҳақини мазкур шартномада белгиланган муддатда тўлаш;

е) бошоқли экинлар донини норматив кўрсаткичларгача қуритиш ва тозалаш бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда кўрсатилган хизматлар учун вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишилган тарифлар бўйича ҳақ тўлаш.

2.3. Тайёрловчининг ҳуқуқлари:

а) Мазкур шартномада ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган нав, сифат ва миқдордаги бошоқли дон уруғлигини қабул қилиб олишни Хўжаликдан талаб қилиш;

б) Маҳсулотнинг шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда тарафлар келишган жадвалга мувофиқ ўз вақтида топширилишини талаб қилиш;

в) Хўжалик томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини ҳамда ушбу шартномада кўрсатилган жарима тўланишини талаб қилиш;

г) бошоқли экинлар донини норматив кўрсаткичларгача қуритиш ва тозалаш бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда кўрсатилган хизматлар учун вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишилган тарифлар бўйича қўшимча ҳақ тўлашни хўжаликдан талаб қилиш.

2.4. Тайёрловчининг мажбуриятлари:

а) 20__ йил «__» _____ гача Хўжаликнинг буюртмасида кўрсатилган муддатда ва миқдорда Хўжаликни _____ нав _____ авлод _____ тонна _____ сўмлик сифатли уруғлик билан таъминлаш;

б) Хўжалик уруғлик олиш учун берган буюртмани Хўжаликда қоладиган нусхасига қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда қабул қилиб олиш;

в) Хўжаликни шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш;

г) етказиб берилган Маҳсулотнинг оғирлиги ва сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган нархларга мувофиқ ва шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

д) Хўжалик томонидан шартномада назарда тутилганидан юқорироқ сифат талабларига мос келадиган Маҳсулот етказиб берилган тақдирда, тарафлар ўртасида тузиладиган қўшимча келишувга кўра бундай Маҳсулотга юқори нарх бўйича ҳақ тўлаш;

е) етказиб берилган маҳсулотни мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда қабул қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш;

ж) Маҳсулотни қабул қилиш жойига ташиб келтириш бўйича транспорт харажатларини Хўжаликка тўлаш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси: _____ _____ сўмни ташкил қилади.

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

Шартнома бўйича бир тонна Маҳсулот учун хақ белгиланган харид нархида, бир тонна маҳсулот учун _____ _____ сўмдан ҳақ тўланади.

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

Белгиланган тартибда 2014 йил ҳосили учун харид нархлари тасдиқлангандан кейин ёки маҳсулотнинг давлат харид нархлари бошқача тарзда ўзгарган ҳолларда, ушбу шартнома бўйича маҳсулот нархлари тегишли равишда ўзгартирилади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича уруғлик баҳоси _____ сўмни ташкил этади. Хўжалик уруғлик қийматининг _____ фоизини олдиндан, қолган _____ фоизини уруғликни олган пайтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб беради.

3.3. Топширилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ПК-10 шакл бўйича қабул қилиш квитанциялари ва тарафлар ўртасида тузиладиган оралиқ далолатномаларга асосан Хўжаликнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.4. Тайёрловчи маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олган вақтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган нархнома асосида ҳақини тўлиқ тўлаб беради.

3.5. Маҳсулот Хўжалик транспортида ташилганда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Тайёрловчи томонидан Молия вазирлиги тасдиқлайдиган Нархнома асосида 60 кундан кечиктирмасдан Хўжаликка тўлаб берилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Хўжалик Маҳсулотни контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда, Тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб

чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам Хўжалик томонидан тўланади.

Маҳсулотни контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олишни рад этган ҳар бир ҳолат учун Тайёрловчи Хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, Маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли Хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

4.2. Тайёрловчи уруғликни шартнома шартларига мувофиқ равишда етказиб бермаса, етказиб берилмаган уруғлик баҳосининг 15 фоизи миқдорида Хўжаликка жарима тўлайди. Бундан ташқари, сифатли уруғлик етказиб берилмаганлиги туфайли Хўжаликка етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам Тайёрловчи томонидан қопланади.

Хўжалик уруғликни шартнома шартларига мувофиқ олмаса, олинмаган уруғлик баҳосининг 15 фоизи миқдорида Тайёрловчига жарима тўлайди. Бундан ташқари, уруғликни олмаганлик туфайли Тайёрловчига етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам Хўжалик томонидан қопланади.

4.3. Мазкур шартномага мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) маҳсулот ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлагани учун Тайёрловчи ўзи тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида Хўжаликка жарима тўлайди. Жаримадан ташқари Тайёрловчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдори, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган уруғлик ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Хўжалик Тайёрловчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари Хўжалик Тайёрловчига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдори, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.4. Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун Тайёрловчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.5. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга ҳар бир ҳолат учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

4.6. Тайёрловчи томонидан Маҳсулот сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ҳоллари аниқланган тақдирда Тайёрловчи Маҳсулот сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ҳамда Хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) оқибатида бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

6.3. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки Тайёрловчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш юзасидан хулоса беришлари мумкин.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

7. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Шартномага тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади.

7.2. Шартнома ҳамда унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар Хўжалик жойлашган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 20__ йил «___» _____ гача амал қилади.

Шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда Тайёрловчи Хўжаликка рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини имзоланган ҳолда бериши шарт.

7.3. Шартнома уч нусхада тузилади, тарафларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган шартнома нусхалари, шу жумладан унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида тегишли тарзда сақланади.

7.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
ИНН: _____	ИНН: _____
_____	_____
_____	_____
М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./	*М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./*

Туман фермерлар кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича бош мутахассиси

_____ _____

(имзо) *(Ф.И.О.)*

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан
200_ йил «___» _____ да
_____ рақами билан рўйхатга олинган

_____

М.Ў. (имзо, мансаби, Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____
_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИГА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

_____-сонли

20__ й. «___» _____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____

(хўжалик номи)

(кейинги ўринларда **Хўжалик** деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият юритувчи, раҳбари _____

(устав ёки ишончнома)

_____ бир тарафдан ва _____

(Ф.И.О.) *(маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг номи)*

нефт база унитар корхонаси (кейинги ўринларда **Етказиб берувчи** деб юритилади) номидан _____ асосида

(устав, қарор, ишончнома)

фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан

(Ф.И.О.)

ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи Хўжаликка нефть маҳсулотларини, автобензин, дизел ёнилғиси ва бошқа маҳсулотларни (кейинги ўринларда – Нефть маҳсулотлари деб юритилади) етказиб бериш, Хўжалик эса уларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Нефть маҳсулотларининг аниқ турлари, уларнинг миқдори, сифати ва нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий баҳоси _____

_____

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган Нефть маҳсулотларининг нархи мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилади.

Нефть маҳсулотларининг нархи Молия органлари томонидан ўзгартирилган кундан бошлаб келгусида ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган Нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланилади.

2.2. Хўжалик етказиб бериладиган автобензин учун 100 фоиз олдиндан, дизел ёнилғиси учун 60 фоиз олдиндан ва мой маҳсулотлари учун 50 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган Нефть маҳсулотлари учун қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари имзолангандан кейин 60 кун муддатда узилкесил ҳисоб-китоб қилинади.

2.3. Етказиб берилган Нефть маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Маҳсулот Хўжаликнинг экин (ер) майдонигача етказиб берилади, етказиб бериш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулот Хўжаликнинг транспорти билан олиб кетилган тақдирда, Етказиб берувчи транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги Нефть маҳсулотлари етказиб беришни Етказиб берувчидан талаб қилиш;

б) етказиб берилган Нефть маҳсулотларининг сифатини аниқлашда қатнашиш;

в) зарур сифатга мувофиқ бўлмаган Нефть маҳсулотлари етказиб берилганда Хўжалик ўз хоҳишига кўра:

зарур сифатдаги ана шундай Нефть маҳсулотларини Етказиб берувчи ҳисобидан етказиб берилишини талаб қилиш;

Нефть маҳсулотларининг сифатини тиклашни бепул бартараф этишни талаб қилиш;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган Нефть маҳсулотларини қабул қилишни рад этиш;

г) Етказиб берувчидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш.

3.2. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) шартномага ёки шартнома асосида берган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган Нефть маҳсулотларини қабул қилиш;

б) мазкур шартномада кўрсатилган нарх бўйича етказиб берилган Нефть маҳсулотларига ҳақ тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) етказиб берилган Нефть маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилишини Хўжаликдан талаб қилиш;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан етказиб берилган Нефть маҳсулотларини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарнинг қоплашини Хўжаликдан талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда, миқдорда ва сифатда Нефть маҳсулотлари етказиб бериш;

в) хўжаликнинг экин (ер) майдонигача маҳсулотни етказиб бериш бўйича ишларни амалга оширади;

г) етказиб бериладиган Нефть маҳсулотлари сифатининг шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқлигини таъминлаш;

д) агар Нефть маҳсулотларини етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, Хўжаликнинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни _____ кун муддатда текин тузатиб бериш;

е) шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) кун муддатда Етказиб берувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Етказиб берувчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини 2 (икки) кун муддатда Хўжаликка олганлиги тўғрисида имзо қўйдириб тақдим этади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари тузилган сана Етказиб берувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана Нефть маҳсулотларига ҳақ тўлаш бўйича Хўжалик томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Нефть маҳсулотлари Хўжаликка фермерларга ёнилғи тарқатиш шохобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда етказиб берилади.

4.5. Хўжалик Нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда маҳсулотларни ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

Нефть маҳсулотларини етказиб берадиган автотранспорт воситалари (Хўжаликнинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан истисно) Етказиб берувчи томонидан Хўжаликнинг талабига биноан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга мос тарзда тамғаланади.

4.6. Хўжаликнинг розилиги билан Нефть маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва Хўжалик томонидан қабул қилинган Нефть маҳсулотлари учун ҳақ тўланади ва ушбу Нефть маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот ҳисобига ўтказилади.

4.7. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда Нефть маҳсулотлари етказиб берилишига ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган Нефть маҳсулотлари ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган Нефть маҳсулотларининг ўрни тўлдирилиши керак, бундай Нефть маҳсулотлари етказиб бериш Хўжаликнинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

4.8. Етказиб берилган Нефть маҳсулотлари бевосита Хўжаликнинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган Нефть маҳсулотлари миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.9. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда Етказиб берувчи Хўжаликнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома Нефть маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 5 (беш) кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Етказиб берувчининг ходими Хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.10. Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд Нефть маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда Етказиб берувчини буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 (бир) кун олдин ҳабардор қилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Мазкур шартнома Хўжалик жойлашган жой бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киради.

Мазкур шартнома 3 (уч) кун мобайнида Етказиб берувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалигига рўйхатдан ўтказилиши учун тақдим этилади ва шартноманинг барча нусхалари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади.

5.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисобкитоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

5.3. Тарафларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган шартнома нусхалари, шу жумладан унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида тегишли тарзда сақланади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Агар етказиб берилган Нефть маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, Етказиб берувчи сифати зарур даражада бўлмаган Нефть маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Етказиб берувчи Хўжаликка етказиб берилиши керак бўлган Нефть маҳсулотларининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Етказиб берувчи Хўжаликка Нефть маҳсулотлари етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.3. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Етказиб берувчи Хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Нефть маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши Етказиб берувчини шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Нефть маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарларни қоплаш мажбуриятидан озод қилмайди.

6.4. Етказиб берилган Нефть маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун Етказиб берувчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Етказиб берувчининг айби билан Хўжалик томонидан Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномалари ба-

жарилмаслиги (зарур даражада бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

6.7. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда ҳабардор қилишлари шарт.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки Етказиб берувчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун Хўжаликни жавобгарликдан озод қилиш бўйича хулоса беришлари мумкин.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафларнинг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

Мазкур шартнома уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.3. Мазкур шартнома, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Хўжалик жойлашган жойдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

8.4. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
ИНН: _____	ИНН: _____
_____	_____
_____	_____
М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./	*М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./*

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан
200_ йил «___» _____ да
_____ рақами билан рўйхатга олинган

_____

М.Ў. (имзо, мансаби, Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____
_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20___ йилдаги «___» _____ даги
_____-сонли шартномага
1-ИЛОВА

20___ ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасига асосан нефть маҳсулотларини ойлар бўйича етказиб бериш ЖАДВАЛИ

Жами экин майдони _____га

Т/р	Маҳсулот тури	Давлат стандарти, техник шартлар (маркаси)	Миқдори (тн)	Маҳсулот баҳоси (сўмда)	Жами суммаси (млн. сўмда)	Жами етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми (тн)	шу жумладан ойлар бўйича тақсимот											
							I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1																		
2																		
3																		

Изоҳ: Хўжаликларга нефть маҳсулотлари етказиб беришда пахта хом ашёси етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган технологик карталардаги ҳудудий минтақаларда ер балл бонитети ва бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит тақсимоти доирасида ажратилади.

Етказиб берувчи _____
(Ф.И.Ш. имзо, муҳр)

Хўжалик бошлиғи _____
(Ф.И.Ш. имзо, муҳр)

Туман ҚСХБ бошлиғи _____
(Ф.И.Ш. имзо, муҳр)

20___ йилдаги «___» _____ даги
-сонли шартномага
2-ИЛОВА

20___ ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасига асосан нефть маҳсулотларини ойлар бўйича етказиб бериш ЖАДВАЛИ

Жами экин майдони _____га

Т/р	Маҳсулот тури	Давлат стандарти, техник шартлар (маркаси)	Миқдори (тн)	Маҳсулот баҳоси (сўмда)	Жами суммаси (млн. сўмда)	Жами етказиб бериладиган маҳсулот ҳажми (тн)	шу жумладан ойлар бўйича тақсимот											
							I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1																		
2																		
3																		

Изоҳ: Хўжаликларга нефть маҳсулотлари етказиб беришда бошоқли дон етиштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган технологик карталардаги ҳудудий минтақаларда ер балл бонитети ва бажариладиган агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган лимит тақсимоти доирасида ажратилади.

Етказиб берувчи _____ **Хўжалик бошлиғи** _____
(Ф.И.Ш. имзо, муҳр) *(Ф.И.Ш. имзо, муҳр)*

Туман ҚСХБ бошлиғи _____
(Ф.И.Ш. имзо, муҳр)

ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ УРУҒЛИГИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

___-сон

20__ йил «___» _____ _____

/шартнома тузилган жой/

_____

/хўжаликнинг номи ва манзили/

(кейинги ўринларда «Хўжалик» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

/қабул қилувчи корхонанинг номи ва манзили/

(кейинги ўринларда «Тайёрловчи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузди-лар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома билан Хўжалик Тайёрловчига 20__ йил ҳосилидан _____ гектар ер майдонидан ушбу шартноманинг 1.2-бандига мувофиқ бошоқли дон экинлари уруғлигини (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) топшириш мажбуриятини, Тайёрловчи эса Хўжаликни ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда сифатли бошоқли дон уруғлиги (кейинги ўринларда Уруғлик деб юритилади) билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Хўжалик Тайёрловчига қуйидаги бошоқли дон экинлари уруғлигини етказиб беради:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нави	Авлоди
1					
2					
Жами:					

1.3. Мазкур шартнома давлат эхтиёжлари учун белгиланган ҳажмлардан ортиқча маҳсулот қабул қилиш учун асос бўлмайди. Хўжалик томонидан қўшимча Маҳсулот топшириш истаги билдирилган тақдирда, бу келишув Тарафлар ўртасида шартнома асосида амалга оширилади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) Тайёрловчидан туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган нав, сифат ва миқдордаги уруғлик билан ўз вақтида таъминлашни талаб қилиш;

б) Тайёрловчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

в) маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш;

г) Тайёрловчидан ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва шартларда ҳақ тўланишини талаб қилиш;

д) маҳсулот хўжалик ҳисобидан транспортда ташилганда Тайёрловчидан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

е) Тайёрловчи томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини ҳамда ушбу шартномада кўрсатилган жарима ва пенялар тўланишини талаб қилиш.

2.2. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) Мазкур шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда уруғликни Тайёрловчидан қабул қилиб олиш ва ундан мақсадли фойдаланиш;

б) уруғликни етказиб бериш назарда тутилаётган санадан камида 5 кун олдин Тайёрловчига уруғлик олиш учун буюртма бериш, агар буюртмани бекор қилса ёки уруғлик етказиб бериш санасини ўзгартирса бу ҳақда Тайёрловчига буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин маълум қилиш;

в) Тайёрловчига 20__ йил ___ августдан кечиктирмай шартномада белгиланган миқдорда ва ассортиментда тегишли сифатга эга бўлган Маҳсулот топшириш;

г) Маҳсулотни сифатли тайёрланишига эришиш мақсадида Маҳсулот етиштирилаётган майдонларда агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб бориш;

д) Тайёрловчидан олган уруғлик ҳақини мазкур шартномада белгиланган муддатда тўлаш;

е) бошоқли экинлар донини норматив кўрсаткичларгача қуритиш ва тозалаш бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишилган тарифлар бўйича ҳақ тўлаш.

2.3. Тайёрловчининг ҳуқуқлари:

а) Мазкур шартномада ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган нав, сифат ва миқдордаги уруғликни қабул қилиб олишни Хўжаликдан талаб қилиш;

б) маҳсулотнинг шартномада белгиланган тегишли сифат ва муддатларда, ҳажмлар ва ассортиментда ҳамда тарафлар келишган жадвалга мувофиқ ўз вақтида топширилишини талаб қилиш;

в) Хўжалик томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида етказилган зарар қопланишини ҳамда ушбу шартномада кўрсатилган жарима тўланишини талаб қилиш;

г) бошоқли экинлар донини норматив кўрсаткичларгача қуритиш ва тозалаш бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан келишилган тарифлар бўйича қўшимча ҳақ тўлашни хўжаликдан талаб қилиш.

2.4. Тайёрловчининг мажбуриятлари:

а) 20___ йил «___» _____ гача Хўжаликнинг буюртмасида кўрсатилган муддатда ва миқдорда Хўжаликни _____ нав _____ авлод _____ тонна _____ сўмлик сифатли уруғлик билан таъминлаш;

б) Хўжалик уруғлик олиш учун берган буюртмани Хўжаликда қоладиган нусхасига қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда қабул қилиб олиш;

в) Хўжаликни шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлаш;

г) етказиб берилган Маҳсулотнинг оғирлиги ва сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган нархларга мувофиқ ва шартномада белгиланган муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

д) Хўжалик томонидан шартномада назарда тутилганидан юқорироқ сифат талабларига мос келадиган Маҳсулот етказиб берилган тақдирда, тарафлар ўртасида тузиладиган қўшимча келишувга кўра бундай Маҳсулотга юқори нарх бўйича ҳақ тўлаш;

е) етказиб берилган маҳсулотни мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда қабул қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш;

ж) Маҳсулотни қабул қилиш жойига ташиб келтириш бўйича транспорт харажатларини Хўжаликка тўлаш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартнома бўйича Маҳсулот учун ҳақ белгиланган нархда, бир тонна Маҳсулот учун _____ _____ сўмдан ҳақ тўланади.

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

Маҳсулотнинг харид нархига шартномани 3.2-бандида кўрсатилган нав устамалари қўшиб тўланади ҳамда шартноманинг умумий баҳоси _____

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

3.2. Шартнома бўйича давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот учун харид нархига нав устамалари қуйидагича белгиланади:

суперэлита - _____ фоиз:

элита - _____ фоиз:

1-репродукцияли биринчи синф - _____ фоиз:

3.3. Белгиланган тартибда 2014 йил ҳосилига харид нархлари тасдиқлангандан кейин ёки маҳсулотнинг давлат харид нархлари ва нав устамалари бошқача тарзда ўзгарган ҳолларда, ушбу шартнома бўйича маҳсулот нархлари тегишли равишда ўзгартирилади.

3.4. Ушбу шартнома бўйича уруғлик баҳоси _____ сўмни ташкил этади. Хўжалик уруғлик қийматининг _____ фоизини олдиндан, қолган _____ фоизини уруғликни олган пайтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан тўлаб беради.

3.5. Топширилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ПК-10 А шакл бўйича қабул қилиш квитанциялари ва тарафлар ўртасида тузиладиган оралиқ далолатномаларга асосан Хўжаликнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.6. Тайёрловчи маҳсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олган вақтдан бошлаб 60 кундан кечиктирмасдан Молия

вазирлиги томонидан тасдиқланадиган нархнома асосида унинг ҳақини, белгиланган тартибда «Ўздавуруғназоратмарказ» томонидан мувофиқлик сертификати берилгандан кейин нав устамаларини ҳамда уруғлик материалларини тозалаш жараёнида олинган дон чиқиндиси қийматини 2014 йилнинг _____ декабригача тўлиқ тўлаб беради.

3.7. Маҳсулот Хўжалик транспортида ташилганда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Тайёрловчи томонидан Молия вазирлиги тасдиқлайдиган Нархнома асосида 60 кундан кечиктирмасдан Хўжаликка тўлаб берилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Хўжалик Маҳсулотни контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда, Тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам Хўжалик томонидан тўланади.

Маҳсулотни контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олишни рад этган ҳар бир ҳолат учун Тайёрловчи Хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, Маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли Хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

4.2. Тайёрловчи уруғликни шартнома шартларига мувофиқ равишда етказиб бермаса, етказиб берилмаган уруғлик баҳосининг 15 фоизи миқдорида Хўжаликка жарима тўлайди. Бундан ташқари, сифатли уруғликни етказиб берилмаганлиги туфайли Хўжаликка етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам Тайёрловчи томонидан қопланади.

Хўжалик уруғликни шартнома шартларига мувофиқ олмаса, олинмаган уруғлик баҳосининг 15 фоизи миқдорида Тайёрловчига жарима тўлайди. Бундан ташқари, уруғликни олмаган-

лик туфайли Тайёрловчига етказилган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам Хўжалик томонидан қопланади.

4.3. Мазкур шартномага мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) маҳсулот ҳақини тўлашдан асоссиз бўйин товлагани учун Тайёрловчи ўзи тўлашдан бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида Хўжаликка жарима тўлайди. Жаримадан ташқари Тайёрловчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдори, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган уруғлик ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Хўжалик Тайёрловчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари Хўжалик Тайёрловчига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдори, бироқ муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.4. Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун Тайёрловчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.5. Товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга ҳар бир ҳолат учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди.

4.6. Тайёрловчи томонидан Маҳсулот сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ҳоллари аниқланган тақдирда, Тайёрловчи Маҳсулот сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ҳамда Хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра,

мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

6.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) оқибатида бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида тарафлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

6.3. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия бундай ҳолатлар оқибатида ёки Тайёрловчининг айби билан шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш юзасидан хулоса беришлари мумкин.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

7. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Шартномага тарафларнинг келишуви билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилади.

7.2. Шартнома ҳамда унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар Хўжалик жойлашган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан кучга киради ва 20__ йил «___»_____ гача амал қилади.

Шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда Тайёрловчи Хўжаликка рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини имзоланган ҳолда бериши шарт.

7.3. Шартнома уч нусхада тузилади, тарафларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган шартнома нусхалари, шу жумладан унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида тегишли тарзда сақланади.

7.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
ИНН: _____	ИНН: _____
_____	_____
_____	_____
М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./	*М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./*

Туман фермерлар кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош мутахассиси

_____ _____
(Имзо) *(Ф.И.О.)*

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан
20__ йил «___» _____ да
_____ рақами билан рўйхатга олинган

_____
М.Ў. (имзо, мансаби, Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____
_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА ЎСИМЛИКЛАРНИ БИОЛОГИК ВА КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВОСИТАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ

____-сон

20__ йил «____» _____ _____

(шартнома тузилган жой)

_____

(хўжалик номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Хўжалик деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари _____ бир тарафдан ва _____

(маҳсулот етказиб берувчи корхонанинг номи ва манзили)

(кейинги ўринларда Етказиб берувчи деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида тузди-лар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи Хўжаликка ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) етказиб бериш, Хўжалик эса, маҳсулот ҳақини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг аниқ турлари, сифати, миқдори, баҳоси ва етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

а) етказиб берилган Маҳсулот учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини Хўжаликдан талаб қилиш;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан етказиб берилган Маҳсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарнинг қопланишини Хўжаликдан талаб қилиш;

в) Хўжаликдан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш;

2.2. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

а) зараркунандаларга қарши курашиш бўйича доимий иш олиб бориш;

б) шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда ва миқдорда Маҳсулот етказиб бериш;

в) Хўжалик Маҳсулотни олиш учун берган буюртманомани Хўжаликда қоладиган нусхасига қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда қабул қилиб олиш;

г) етказиб бериладиган Маҳсулотнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга, шунингдек амалдаги стандартлар ва нормативларга мувофиқ бўлишини таъминлалаш;

д) Маҳсулот қабул қилиш пунктигача Хўжаликнинг транспортида ташилганда транспорт харажатларини Хўжаликка тўлаш;

е) Маҳсулотни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча камчиликларни Хўжаликнинг талаби билан 1 кун муддатда ўзининг ҳисобидан бартараф этиш;

ж) Хўжаликнинг майдонига туман отрядидан ҳудудий агрономни тайинлаш ва Маҳсулот билан ер майдонига ишлов берилганлиги бўйича доимий кузатув (мониторинг) олиб бориш;

з) шартнома имзоланганидан кейин 3 (уч) кун муддатда Етказиб берувчи томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Етказиб берувчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини 2 (икки) кун муддатда Хўжаликка олганлиги тўғрисида имзо қўйдириб тақдим этади.

2.3. Хўжаликнинг ҳуқуқлари:

а) ушбу шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги ва ассортиментдаги Маҳсулотни етказиб беришни Етказиб берувчидан талаб қилиш;

б) етказиб бериладиган Маҳсулотнинг сифатини аниқлашда қатнашиш;

в) буюртманомага асосан тегишли миқдорда, сифатга ва ассортиментга мувофиқ бўлмаган Маҳсулот етказиб берилганда Етказиб берувчидан тегишли миқдордаги, сифатдаги ва ассортиментдаги Маҳсулот билан алмаштириб беришни талаб қилиш;

г) Етказиб берувчидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

д) нархларнинг мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилига ҳақлидир.

2.4. Хўжаликнинг мажбуриятлари:

а) Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш мўлжалланаётган санадан камида 10 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда Етказиб берувчига буюртманома бериш, агар буюртманомани бекор қилса ёки етказиб бериш санасини ўзгартирса, бу ҳақда етказиб берувчига буюртманомада кўрсатилган санадан камида 3 кун олдин маълум қилиш;

б) Маҳсулот ҳақини белгиланган муддатда тўлаб бориш;

в) мазкур шартномада белгиланган тартибда ва миқдорда Маҳсулотни Етказиб берувчидан қабул қилиб олиш;

г) етказиб берилган Маҳсулотни фақат ўрнатилган тартибда ва меъёрда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун мақсадли ишлатиш, унинг мақсадсиз ишлатилиши, йўқотилиши, қайта сотилиши, учинчи шахсларга берилишига йўл қўймаслик;

2.5. Мазкур шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафдан шартнома шартларини шартномага мувофиқ ва лозим даражада бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси _____ сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган Маҳсулотнинг турлари бўйича баҳоси мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилади. Маҳсулотнинг муайян турининг баҳоси уни ишлаб чиқарувчи корхона томо-

нидан ўзгартирилган тақдирда, Маҳсулотнинг шу тури учун мазкур шартномада белгиланган баҳо ҳам ишлаб чиқарувчи баҳосига мутаносиб равишда ўзгартирилади.

Маҳсулотни Хўжаликнинг экин ер майдонига сепиш ва ишлов берилиши билан боғлиқ тўловлар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.

3.2. Хўжалик ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган маҳсулот қийматининг _____ фоизини олдиндан, қолган _____ фоизини маҳсулотни олган пайтдан бошлаб _____ кундан кечиктирмасдан Етказиб берувчига тўлаб беради.

3.3. Етказиб берилган Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.4. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади. Маҳсулот Хўжаликнинг транспорти орқали етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчи транспортда ташиш харажатларини Хўжаликка қоплайди.

IV. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Маҳсулотни етказиб бериш мазкур шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда, мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Буюртманомада Маҳсулотнинг тегишли туркумлари етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан камида 10 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда Етказиб берувчининг ходими Хўжаликда қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда қабул қилганлик тўғрисида белги қўяди.

4.2. Хўжалик илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд Маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақли, бу ҳақда Етказиб берувчини буюртманомада кўрсатилган санадан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

Хўжалик томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган миқдордаги Маҳсулот келишилган чорак мобайнида олинмаса, Етказиб берувчи олинмаган маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятидан озод бўлади. Бунда, Хўжалик томонидан олинмаган

Маҳсулот учун олдиндан амалга оширилган тўлов суммаси Етказиб берувчи томонидан қайтариб берилади ёки кейинги чоракда олинадиган Маҳсулот ҳисобига ўтказилади.

4.3. Етказиб берувчи Маҳсулотни Хўжаликнинг экин ер майдонигача ўзининг транспортида етказиб беради, биологик ва кимёвий маҳсулотларни хўжаликнинг экин ер майдонига сепиш ва ишлов бериш тарафларнинг ўзаро келишувига асосан амалга оширилади.

Маҳсулотни тарспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳсулот қабул қилиш шохобчасигача Хўжаликнинг ҳисобига траспортда ташилганда етказиб берувчи транспорт харажатларини қоплайди.

4.4. Маҳсулот Етказиб берувчининг транспортида олиб борилганда, Маҳсулотнинг тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Етказиб берувчи зиммасига юкланади.

Маҳсулот Хўжаликнинг транспортида олиб кетилганда, қабул қилинган Маҳсулотни тўлиқ етиб бориши ва ташишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилиниши Хўжаликнинг зиммасига юкланади.

4.5. Хўжаликнинг розилиги ва тўлов миқдорлари етарли бўлса, Маҳсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва Хўжалик томонидан қабул қилинган Маҳсулот миқдори кейинги даврларда етказиб берилиши режалаштирилган Маҳсулот миқдоридан камайтирилади.

4.6. Тарафларнинг ўзаро келишувига асосан назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номдаги Маҳсулот етказиб берилишига ушбу ассортиментга кирувчи шу қийматга эга бўлган бошқа номдаги етказиб берилмаган Маҳсулот ўрнини тўлдириш сифатида қаралади ва етказиб берилмаган Маҳсулотнинг ўрни тўлдирилмайди.

4.7. Етказиб берилган Маҳсулот Хўжаликнинг масъул ходими томонидан транспорт ҳужжати ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олинади.

Далолатномада (транспорт ҳужжатлари)да етказиб берилган Маҳсулот миқдори ва сифати ҳамда етказиб берилган вақти кўрсатилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари тузилган сана Етказиб берувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.3. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана Маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича Хўжалик томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. Тарафларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган шартнома нусхалари, шу жумладан унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида тегишли тарзда сақланади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

6.2. Етказиб берилган Маҳсулот сифати, миқдори Етказиб берувчи томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда Етказиб берувчи етказиб берилаётган Маҳсулотнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Хўжаликка нотўғри ҳисоб-китоб қилинган суммaнинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Етказиб берилган Маҳсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор тараф етказиб берил-

ган, сифати зарур даражада бўлмаган Маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Етказиб берувчи Хўжаликка белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган Маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Етказиб берувчи Хўжаликка Маҳсулот етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.5. Маҳсулот етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда Етказиб берувчи Хўжаликка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва Маҳсулот етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

6.6. Маҳсулотни қабул қилиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун Хўжалик Етказиб берувчига қабул қилиниши керак бўлган Маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, Хўжалик Етказиб берувчига Маҳсулот қабул қилинмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

6.7. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этаганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида Маҳсулот ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун Хўжалик Етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Шартномага мувофиқ етказиб бериладиган Маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда Хўжалик Етказиб берувчига муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.8. Хўжалик томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Хўжаликни жавобгарликка тортишда, шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) Хўжалик томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келганда Етказиб берувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Етказиб берувчининг айби билан Хўжалик томонидан контрактация шартномаси бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда қопланади.

6.9. Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун Етказиб берувчи Хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёки туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилинади.

8.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун судга бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин ижро қилинади ва 20___ йил «___» «_____» гача амал қилади.

Шартнома тарафларнинг ҳар бири ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) Хўжалик жойлашган жойдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ХЎЖАЛИК	**ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ**
_____	_____
_____	_____
_____	_____
ИНН: _____	ИНН: _____
_____	_____
_____	_____
М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./	*М.Ў. /имзо, мансаби, Ф.И.О./*

Туман фермерлар кенгашининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатлари бўйича бош мутахассиси

Имзо_____ Ф.И.О. _____

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан

20__ йил «___» _____ да

_____ рақами билан рўйхатга олинган

_____

М.Ў. (имзо, мансаби, Ф.И.О.)

Ҳуқуқшунос хулосаси: _____

_____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

20___ йил «____» _____ да
тузилган _____-сонли шартномага
ИЛОВА

Хўжаликларга шартномага асосан ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб беришнинг йиллик тақсимоти

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Башорат майдони	Кимёвий ва биологик ишланадиган майдон (га)		Шу жумладан, чорак бўйича			Сарфланадиган биомаҳсулот (гр/дона) препарат (л/кг гектарига)	Сарфланадиган биомаҳсулот ва препарат суммаси (минг сўм)	Жами ишланадиган майдон
				Давлат буюртмаси	Давлат буюртмасидан ташқари	I	II	III			
I. Биологик воситалар											
	Пахта										
1.	Трихограмма										
2.	Бракон										
3.	Олтинкўз										
4.	Бешиктебратар										
	Ғалла										
1.	Олтинкўз										

II. Инсектоакарицидлар										
Пахтада										
1. Инсектицид (сертификатланган)										
2. Акарицид										
3. Олтингугурт										
Ғаллада										
1. Инсектицид (сертификатланган)										
Боғ ва ток										
1. Инсектицид (сертификатланган)										
2. Акарицид										
3. Олтингугурт										
III. Гербицидлар										
Пахтада										
1. Гербицидлар (сертификатланган)										

Галлада										
1. Гербицидлар (сертификатланган)										
IV. Фунгицидлар										
Галлада										
1. Фунгицид (сертификатланган)										
Боғ ва ток										
1. Фунгицид (сертификатланган)										

Етказиб берувчи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

Хўжалик бошлиғи _____
(Ф.И.О. имзо, муҳр)

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ХОДИМ БИЛАН ИШ БЕРУВЧИ ЎРТАСИДАГИ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 йил, 3-сон, 11-модда)

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги 162–I-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар ҳамда Ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шакли 1, 2-иловаларга мувофиқ;

...

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,
1997 йил 11 март,
133-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
1997 йил 11 мартдаги
133-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан ТАВСИЯЛАР

I. Умумий қисм

Мазкур Тавсиялар ва Меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шакли мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга (кейинги ўринларда – иш берувчи деб аталадилар) ва ходимларга меҳнат шартномалари (контрактлар) тузишда амалий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) доимий ишловчи (номуайян муддатга ишга қабул қилинадиган) ходимлар билан ҳам, муддатли меҳнат шартномаси асосида (беш йилгача бўлган муддатга муайян ишни бажариш вақти учун) ишга қабул қилинадиган ходимлар билан ҳам асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик асосида ишловчи ходимлар, касаначилар ва бошқалар билан тузилади. Муддатли меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат муносабатлари номуайян муддатга белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда:

бўлажак ишнинг хусусиятини;

уни бажариш шартларини;

ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда;

қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тузилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) тузишда зарур ва қўшимча шартлар кўрсатиб ўтилади.

II. Меҳнат шартномаси (контракт) томонлари

Қуйидагилар меҳнат шартномаси (контракт) томонлари ҳисобланадилар:

иш берувчи – корхона, шу жумладан, уларнинг раҳбарлари номидан корхонанинг алоҳида таркибий бўлинмалари, мулкдор

айни вақтда уларнинг раҳбари ҳисобланадиган хусусий корхоналар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ўн саккиз ёшга тўлган алоҳида шахслар;

Ходим – ўн олти ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (бошқа ҳолларда ота-онасидан бирининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўн тўрт ва ўн беш ёшдан).

III. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг зарур шартлари

Қуйидагилар меҳнат шартномаси (контракт)нинг зарур шартлари ҳисобланади:

иш жойи – ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муассаса, ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)нинг номи;

меҳнат функцияси – мазмуни лавозим йўриқномалари, малака мажбуриятлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланадиган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ҳамда бошқаларнинг Ягона тариф-малака маълумотномаси, Малака маълумотномаларига мувофиқ);

иш бошланадиган кун – қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, агар ишнинг бошланиши санаси қайд этилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменадан) кечикмай ишга тушиши керак;

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва бошқа шартлар. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори томонларнинг келишувига кўра белгиланади ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ва энг кўп миқдор билан чегараланиши мумкин эмас;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим меҳнат шартномалари (контрактлар)ни тузишда зарур шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузишда ишнинг бошланиши санасигина эмас, балки унинг тамом бўлиши санаси ҳам қайд этилади. Ходимни муайян ишни бажариш даврига ишга қабул қилишда

ходим амалга ошириши учун қабул қилинаётган аниқ иш кўрсатилади. Ўриндошлик билан меҳнат шартномаси (контракт) тузишда қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган энг кўп муддат доирасида кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади.

IV. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг қўшимча шартлари

Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномаси (контракт)да қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Улар томонларнинг мажбуриятларини аниқлаши, уларни тўлдириши, ходимга қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилишини назарда тутиши мумкин.

Қўшимча шартларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

ходимга меҳнат шароитлари белгиланган ҳолда ЯТММ ва ММда назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятлари юклаш;

бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномаси (контракт)нинг мустақил шарти сифатида бир неча касб (лавозим)да ишлаш;

агар ходим синов муддати билан ишга қабул қилинаётган бўлса, синовнинг аниқ муддати (қачондан қачонгача);

ходимнинг юқори малакаси, агар бу амалдаги қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида (барча даражадаги битимларда) ёки корхона, ташкилот, муассасада амал қилувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда мураккаброқ ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш (тариф ставкалари, лавозим маошлари, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа хилдаги тақдирлашлар)нинг юқорироқ миқдорларини якка тартибда белгилаш;

ходим учун белгиланган иш вақти режими (тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш кунининг бошланиши ва тамом бўлиши ва бошқалар);

қўшимча (ҳақи тўланадиган ва ҳақи тўланмайдиган) дам олиш кунлари, таътиллар бериш;

ижтимоий-маиший тусдаги шароитлар (болалар боғчасида ўрин, санатория-курортда даволанишга йўлланма таъминланиши, транспорт хизмати, марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уй-жой бериш ва бошқалар);

муддатли меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинганда неустойка тўлаш.

Ходимларнинг алоҳида тоифалари учун шартноманинг қўшимча шартлари: пул ёки товар бойликларга хизмат кўрсатувчи шахслар учун тўлиқ моддий жавобгарлик шарти; корхона раҳбарлари учун меҳнат шартномасини тўхтатишнинг қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча асослари ва ҳ. к.

V. Меҳнат шартномаси (контракт)ни расмийлаштириш

Меҳнат шартномаси (контракт) бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ҳамда сақлаш учун ҳар икки томонга берилади.

Шартнома (контракт)да томонларнинг манзиллари кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) сана кўрсатилган ҳолда имзолар билан тасдиқланади. Корхона, муассаса, ташкилот ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган мансабдор шахснинг имзосини гербли муҳр билан тасдиқлайди (гербли муҳр бўлмаган тақдирда имзонинг ҳақиқийлиги ва ваколатлилигини тасдиқловчи бошқа муҳр билан тасдиқланади).

Ходимнинг талабига кўра меҳнат шартномаси (контракт) у биладиган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома (контракт) билан бир хил кучга эга бўлади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади. Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси (контракт) мазмунига зид бўлмаслиги керак.

VI. Меҳнат шартномаси (контракт) шартларининг ҳақиқий эмаслиги

Қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом ва бошқа маҳаллий норматив ҳужжатларга нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштирадиган меҳнат шартномаси (контракт) шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Жумладан, меҳнат шартномаси (контракт) тузишда қуйидаги шартлар белгиланиши мумкин эмас:

меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асослари, қонун йўл қўядиган ҳоллар бундан мустасно;

қонун ҳужжатлари билан назарда тутилмаган интизомий жазолар белгилаш;

синов муддатини Меҳнат кодекси билан белгиланган энг юқори муддатдан ортиқча белгилаш;

ўриндошлик асосида ишлашга қўшимча чеклашлар жорий қилиш;

қонунда назарда тутилганидан ортиқча иш вақти муддати белгилаш;

ходимлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда моддий жавобгарлик жорий этиш.

Вазирлар Маҳкамасининг
1997 йил 11 мартдаги
133-сон қарорига
2-ИЛОВА

Меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шакли

_____-сон МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

_____ шаҳри 199___ « ____ » _____

1. Корхона (мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташкилот, муассаса, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари _____

тўлиқ номи

_____

(фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ)

номидан, кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталади ва фуқаро (Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахс ҳам бўлиши мумкин) _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ)

кейинги ўринларда «Ходим» деб аталади, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тузди:

2. Ходим _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

_____

(корхона таркибий бўлинмаси, цех, бўлим, участка, лаборатория ва шу кабиларнинг номи)

касби бўйича _____

(ЯТММ бўйича касб, лавозимининг тўлиқ номи, разряд, малака тоифаси)

лавозимига ишга қабул қилинади.

3. Шартнома _____ ҳисобланади.

(асосий иш бўйича, ўриндошлик бўйича ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартнома)

4. Шартнома муддати _____

(номуайян муддатга, 5 йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига ва унинг номи)

5. Шартнома бўйича ишлаш
бошланиши _____
тамом бўлиши _____

6. Синов муддати _____

(синовсиз, синов муддати)

7. Ходимнинг мажбуриятлари:
а) меҳнат ва технология интизоми (ички меҳнат тартиби қоидалари, уставлар ва интизом тўғрисидаги қоидалар)га риоя қилиш;
б) иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш;
в) меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиш;
г) лавозим йўриқномаларига риоя қилиш;
д) ЯТММ, ММ билан назарда тутилган малака мажбуриятларига риоя қилиш;
е) қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;
ж) жамоа шартномаси шартларига риоя қилиш;
з) ходим томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар.

_____

(иш, маҳсулот сифати; иш нормасини бажариш; хизмат кўрсатиш ва бошқалар)

_____

_____

_____

8. Иш берувчининг мажбуриятлари;
а) ходимнинг меҳнатини ташкил этиш, ходимни Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари, лавозим йўриқномалари, жамоа шартномаси ва бошқа норматив ва маҳаллий ҳужжатлар билан таништириш;
б) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш;
в) иш ҳақини ўз вақтида тўлаш;
г) хавфсиз ва самарали меҳнат учун шарт-шароитлар яратиш, ходимни ўқитиш, унга меҳнатнинг хавфсиз шарт-шароити тўғрисида йўл-йўриқ бериш;
д) иш жойини меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ жиҳозлаш;
ж) қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя қилиш;
з) жамоа шартномаси шартларига риоя қилиш;
и) иш берувчи томонидан қабул қилинадиган бошқа мажбуриятлар:

_____

_____

_____

9. Иш куни режими _____

(тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш кунининг бошланиш ва тамом бўлиши ва бошқалар)

10. Меҳнат ҳақи тўлаш.

Ходимга қуйидагича ҳаҳ тўлаш белгиланади:

а) _____

(тўлов тури ва унинг аниқ суммадаги ёки ЯТС разряди кўрсатилган ҳолдаги, ёҳуд тушумдан олинган фоизлардаги миқдори)

б) амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар қуйидаги миқдорларда:

_____ _____

(қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар номи) *(уларнинг миқдори)*

_____ _____

_____ _____

в) жамоа шартномаси шартлари билан назарда тутилган, шунингдек, берилган (мавжуд) ҳуқуқлар ва маблағлар доирасида раҳбар томонидан белгиланадиган қўшимча ҳақ, устама, мукофот, тақдирлашлар ва рағбатлантирувчи турдаги бошқа тўловлар;

_____ _____

(қўшимча ҳақ, устама, компенсациялар номи) *(уларнинг миқдори)*

_____ _____

_____ _____

11. Ходимга:

а) асосий таътил (меҳнат таътили) _____ иш кунидан;

б) қўшимча таътил _____ иш кунидан ибрат

(номи)

бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил белгиланади.

12. Меҳнат шартномаси (контракт)нинг меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш хусусиятлари, ижтимоий ҳимоя, имтиёзлар, кафолатлар ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган бошқа шартлари.

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

Ходим: Иш берувчи:

_____ _____

_____ _____

_____ _____

Манзили: _____ Манзили: _____

_____ _____

_____ _____

(сана, имзо) *(сана, имзо, муҳр)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА ҲАМДА БИР НЕЧА КАСБДА ВА ЛАВОЗИМДА ИШЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 41–42-сон, 485-модда)

Фуқароларнинг ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда (лавозимда) ишлашини янада тартибга солиш, шунингдек аҳоли даромадларини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартибига риоя этилиши учун масъулият ўриндошлар ишлайдиган ташкилотларнинг раҳбарлари зиммасига юкланади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, шу жумладан ўриндошлик асосида бир вақтнинг ўзида иккита раҳбарлик лавозимини эгаллашга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартибига риоя этилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органлари орқали ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида зарур тушунтириш ишларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда, меҳнат бозорининг таҳлилини ҳисобга олиб, зарурият бўлганда ўриндошлик асосида иш-

лаш ҳисобланмайдиган ишлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Манфаатдор давлат бошқаруви органлари бюджет ташкилотларининг бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги ёки бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин бўлган ходимлари касблари (лавозимлари) рўйхатини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласинлар.

5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2012 йил 18 октябрь,
297-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 18 октябрдаги
297-сон қарорига
ИЛОВА

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) меҳнат шартномасига (контрактга) (кейинги ўринларда меҳнат шартномаси деб аталади) мувофиқ ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишловчи жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш қоидаларини белгилайди.

Иш берувчи билан ўриндошлик асосида ишловчи ўртасидаги муносабатлар, ушбу Низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

асосий иш жойи – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддасига мувофиқ иш берувчи томонидан ходимнинг меҳнат дафтарчаси юритиладиган ташкилот;

ўриндошлик асосида ишлаш – ходимнинг ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши.

3. Ушбу Низомга илова қилинаётган рўйхатда кўрсатилган иш турлари ўриндошлик асосидаги ишлар ҳисобланмайди.

4. Қуйидагиларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

агар шахснинг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;

бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари – соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (ходимлар).

5. Ўриндошлик асосида ишлашга, агар ушбу Низомда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, асосий иш жойида (ички ўриндошлик) ёхуд бошқа ташкилотда (ташқи ўриндошлик) ишлашга йўл қўйилади.

Ходимнинг асосий иш жойи ҳисобланган ташкилотда ўриндошлик асосида ишлашга вақтинча бўлмаган ходимнинг ишини бажаришда ёки бўш лавозимдаги ишни бажаришда йўл қўйилади.

6. Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кираётган шахслар:

паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжатни;

меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича маълумотномани тақдим этиши шарт.

Ўриндошлик асосида ишлаш учун иш берувчининг, асосий иш жойидан касаба уюшмаси қўмитасининг (ходимларнинг бошқа вакиллик органининг) ёки бошқа органнинг розилиги талаб қилинмайди.

Бажарилиши учун фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян иш стажига эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлган ишга ўриндошлик асосида қабул қилишда асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади.

Махсус билимларни талаб этадиган ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда иш берувчи ходимдан маълумоти ёки касб-ҳунар бўйича тайёргарлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд бошқа ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ўриндошлик асосида ишлашнинг давомийлиги ходимларнинг ушбу тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда у ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунида ишлаши мумкин.

Агар ташкилотда ўриндошлар учун иш вақти давомийлигининг ҳар кунги ярим нормасига риоя этилиши мумкин бўлмаган тақдирда иш вақтини жамлаб ҳисоблаб юритишга йўл қўйилади. Иш вақти жамлаб ҳисоблаб юритилганда ўриндошлик асосида иш вақтининг умумий давомийлиги ҳисобга олинадиган давр учун ўриндошлик асосидаги лавозим бўйича иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир ойдан ортиқ бўлмаслиги, кунлик ишнинг давомийлиги эса – ўн икки соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

8. Ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган талаблар билан биргаликда иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади.

9. Ходимнинг ёзма аризасига кўра, ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосида иш берувчи томонидан ходимнинг асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасига иш даври кўрсатилган ҳолда ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги ёзув киритилади. Ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шакли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган маълумотнома асосий иш жойида сақланади.

10. Агар ходимнинг илтимосига кўра унинг меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосидаги иш тўғрисидаги маълумотлар киритилган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги иш жойидан берилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхасига мувофиқ асосий иш жойида меҳнат дафтарчасига бу ҳақда ёзув киритилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинишининг асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

II. Меҳнатга ҳақ тўлаш

11. Ўриндошлар меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасига мувофиқ:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида – ҳақиқатда бажарилган иш учун;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида – ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади.

12. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай тизимида иш ҳақи ишнинг қиймати бўйича ҳисобланади.

Агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ўриндошга нормаланган топшириқ белгиланса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ходим томонидан амалда бажарилган иш учун ишнинг пировард натижаси бўйича тўланади.

Туман коэффициентлари ва иш ҳақига устамалар белгиланган туманларда ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш коэффициентлар ва устамалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

13. Ўриндошлик асосидаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнат унумдорлигига ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа шартларга қараб, ишланган вақтга пропорционал равишда, қонун ҳужжатларида белгиланган Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф коэффициенти асосида ҳисоблаб чиқилган миқдордан паст бўлиши мумкин эмас.

14. Ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда, ушбу ҳисоблаб чиқиш мақсадларидан қатъи назар, асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик бўйича иш учун иш ҳақи алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

15. Агар ички меҳнат тартибида ёки ташкилотнинг жамоавий шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошларнинг меҳнати учун рағбатлантириш ташкилотнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Ўриндошларга ҳақи тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътиллари, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар бериш

16. Ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга ҳар йилги асосий, шунингдек ўриндошлар ҳақли бўлган қўшимча таътиллар

асосий иш жойидаги ҳар йилги меҳнат таътили билан бир вақтда берилади.

Агар ўриндошлик асосида ишлашнинг биринчи иш йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, у ҳолда ўриндошлик асосидаги ишда таътил учун ишланган вақтга пропорционал ҳақ тўланади.

Биринчи иш йилида олти ой ишлаган ўриндошларнинг меҳнат таътилига, шунингдек ишнинг кейинги йиллари учун меҳнат таътилига ўриндошлик асосидаги ишнинг ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

17. Асосий иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлигидан ортиқ бўлса, у ҳолда иш берувчи ўриндошнинг илтимосига кўра унга ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилдан ташқари асосий иш бўйича ҳақ тўланадиган таътилнинг қанча давом этиши билан ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилнинг тафовутини ташкил этувчи кунлар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришга мажбурдир.

18. Ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқига эгадир.

19. Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.

IV. Бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби

20. Ходим томонидан меҳнат шартномасида келишилган ўзининг асосий иши билан биргаликда бошқа касб ва лавозим бўйича қўшимча иш бажарилиши ва ички тартиб-қоидалар билан белгиланган ўзининг асосий ишидан озод бўлмаган ҳолда, вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажариши бир неча касб ва лавозимда ишлаш деб эътироф этилади.

21. Бир неча касб ва лавозимда ишлашга, қоидага кўра, ушбу ходим тегишли бўлган ходимлар тоифаси доирасида рух-

сат берилади. Бюджет ташкилотлари ходимларининг бир неча касб ва лавозимда ишлаши иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

22. Ташкилотнинг ходими қўшимча ишни бажарадиган муддат, унинг мазмуни ва ҳажми иш берувчи томонидан, ходимнинг ёзма розилиги бўйича белгиланади.

23. Бир неча касб ва лавозимда ишлаш, ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун қўшимча ҳақ тўланади.

24. Ходимларга бир неча касб ва лавозимда ишлаганлиги, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарганлиги учун қўшимча ҳақ миқдори, агар ички меҳнат тартибида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

25. Бюджет ташкилотларида қўшимча ҳақ миқдори бир неча касб ва лавозимда ишлагандаги лавозим маошининг 30 фоизидан юқори бўлиши мумкин эмас.

26. Бир неча касб ва лавозимда ишлаш тартиби ва шартлари хизмат кўрсатиш доираси кенгайганда ёки бажариладиган ишлар ҳажми ортганда ҳам қўлланилади.

V. Якунловчи қоидалар

27. Ўриндошлар билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси асосида тўхтатилади.

28. Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касб ва лавозимда ишлаш тартибига риоя қилиниши юзасидан жавобгарлик ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул қилувчи ташкилотнинг раҳбари зиммасига юкланади.

29. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, касаба уюшмалари, шунингдек иш берувчилар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўриндошлик асосида ҳамда
бир неча касбда ва лавозимда
ишлаш тартиби тўғрисидаги
Низомга
ИЛОВА

Ўриндошлик асосида ишлаш ҳисобланмайдиган ишлар РЎЙХАТИ

1. Илмий фаолиятни ёки ўқитувчилик фаолиятини амалга ошириш, агар бундай фаолият асосий иш жойи бўйича бажариладиган иш ҳисобланмаса.

2. Фан, адабиёт ва санъат асарлари яратиш.

3. Ходим томонидан, асосий ишдан ташқари, ўша ташкилотнинг ўзида штат лавозимини эгалламасдан бошқа ишни бажариш, шу жумладан:

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари томонидан кабинетларга, лабораторияларга мудирлик қилиш бўйича вазифаларни бажариш, тўгаракларга раҳбарлик қилиш, шунингдек улар томонидан белгиланган юкламадан ортиқ ўқув-тарбиявий ишларни бажариш;

ишнинг ушбу тури бўйича иш вақти нормал давом этишининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда меҳнатга соатбай ҳақ тўланадиган педагогик иш;

таълим муассасалари раҳбарларининг ўқитувчи лавозими бўйича йиллик иш режасида (иш вақти нормаси билан) назарда тутилган жами иш вақтининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳажмда ўқитувчилик иши;

ташкилотлар муҳандис-техник ходимларининг талабалар ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва амалиётига раҳбарлик қилиш бўйича иши;

тиббиёт ходимларининг белгиланган вақт нормасидан ортиқча навбатчилик қилиши;

Ҳукумат қарорлари билан ходимнинг иш ҳақига устамалар белгиланган вазифаларни бажариш.

4. Муаллифлик гонорари шаклида ҳақ тўланадиган адабий иш, шу жумладан алоҳида асарларни таҳрир, таржима қилиш ва уларга тақриз ёзиш бўйича ишлар.

5. Меҳнатга бир марта ҳақ тўланган ҳолда техник, тиббий, бухгалтерия, ҳуқуқий ва бошқа экспертиза (маслаҳат бериш).

6. Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқитувчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари усталари, мактабгача таълим муассасаларининг педагог ходимлари, таълим муассасалари концертмейстерлари ва аккомпаниаторларининг айнан бир таълим муассасасидаги ўқув юкламасининг белгиланган нормасидан ортиқча иши.

7. Соғлиқни сақлаш муассасаларида ойига 24 соатдан ортиқ бўлмаган ҳажмда, меҳнатга бир марта ёки соатбай ҳақ тўланган ҳолда, тиббиёт маслаҳатчилари вазифаларини бажариш.

8. Илмий-тадқиқот муассасаларида ва олий таълим муассасаларида ушбу таълим муассасалари штатида турмаган илмий ходимлар томонидан катта илмий ходимларга – изланувчиларга раҳбарлик қилиш.

9. Ходим томонидан сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва жамоат бирлашмалари марказий ва ҳудудий органларининг сайлаб қўйиладиган лавозимларида раҳбар ходим, Кузатувчи кенгаш ёки Директорлар (бошқарувчилар) кенгаши раиси ёки аъзоси, Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида қўмитани бошқарувчи, ишончли бошқарувчи ёки ташкилотда давлатнинг ишончли вакили сифатида бажариладиган иш.

10. Жамоатчилик асосида бажариладиган ишлар.

Изоҳ: 2-бандда, 3-бандниг иккинчи ва учинчи хатбошиларида, шунингдек 4, 5, 7, 9 ва 10-бандларда кўрсатилган ишларни асосий иш бўйича иш вақтида бажаришга йўл қўйилмайди. Ишларнинг бошқа турлари ишларнинг хусусиятига кўра ҳам асосий иш вақтида, ҳам ундан ташқари вақтда бажарилади.

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Ишга қабул қилиш тўғрисида

1. Ф.И.О. – Яккасарой туман молия бўлимининг бош мутахассиси лавозимига 2012 йилнинг 12 октябридан 0.5 ставкага 3 (уч) ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинсин;

(Ф.И.О.)га штатлар жадвалига мувофиқ, (00000) сўм ойлик маош белгилансин. Давлат хизматчиси сифатида ойлик маоши ўрнатилган тартибда, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан иш ҳақининг 15 фоизи (00000 сўм) миқдорида қўшимчалар тўлансин.

2. Бухгалтерия тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ф.И.О.нинг аризаси ва ва у билан тузилган 2013 йил 12 октябрдаги ____-сон меҳнат шартномаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Ишга қабул қилиш тўғрисида

1. (Ф.И.О.) – омбор мудири лавозимига Ягона таъриф сеткасининг 7-разряди бўйича 3 (уч) ойлик синов муддати билан штатлар жадвалига мувофиқ 2013 йилнинг 12 октябридан ишга қабул қилинсин.

2. Бош бухгалтер тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ф.И.О.нинг ишга қабул қилиш тўғрисидаги аризаси ва у билан тузилган 2013 йил 12 октябрдаги ___-сон меҳнат шартномаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Бола парваришлаш таътилидан чиқиш ҳақида

1. Ишлар бошқармасининг 1-тоифали иш юритувчи котибаси **Ф.И.О.** – 2007 йил 19 март кунидан бошлаб бола парваришлаш таътилидан ишга киришган деб ҳисоблансин;

Ишлар бошқармасининг 1-тоифали иш юритувчи котибаси **Ф.И.О.** – 2007 йил 19 март кунидан бошлаб Статистика бошқармасининг 2-тоифали иш юритувчи котибаси лавозимига 0.5 ставкага ўтказилсин.

2. Ф.И.О.га штатлар жадвалига мувофиқ (00000) сўм ойлик маош белгилансин. Давлат хизматчиси сифатида ойлик маоши ўрнатилган тартибда, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан иш ҳақининг 15 фоизи (00000 сўм) миқдорида қўшимчалар тўлансин.

3. Бош бухгалтер тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ишлар бошқармаси бошлиғи И.Ф.нинг билдиргиси, И.Ф.нинг аризаси ва томонларнинг меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги келишуви.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида

1. Ишлар бошқармасининг фарроши **Ф.И.О.**га – ташкилот жамоа шартномасининг 34-банди 2-қисмига мувофиқ (эллик ёшга тўлиши муносабати билан) энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баравари миқдорида моддий ёрдам пули ажратилсин.

2. Бухгалтерия тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ишлар бошқармаси бошлиғи И.Ф.нинг билдиргиси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Ҳарбий хизматга юбориш ҳақида

1. Марказий бухгалтериянинг етакчи бухгалтери **Ф.И.О.** – Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 6, 32-моддаларига асосан, 2014 йил 13 мартдан 13 апрелга қадар лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташ учун ҳарбий йиғинга юборилсин.

2. Марказий бухгалтерия тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширсин.

Асос: Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи И.Ф.нинг 2014 йил 26 февралдаги 75-сонли чақирув маълумотномаси, И.Ф.нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Фамилияни ўзгартириш ҳақида

Ахборот-таҳлил бўлими етакчи мутахассиси **Ф.И.О.**нинг фамилияси никоҳ тузилгани муносабати билан **Ф.**га ўзгартирилганлиги инобатга олинсин.

Асос: И.Ф.нинг аризаси, 2013 йил 26 декабрдаги Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИБ томонидан берилган (0000000)-сонли паспорт ва (000000)-сонли никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома нусхалари.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Таътил муддатини узайтириш ҳақида

Ташкилот раҳбарининг 2013 йил 31 декабрдаги 341-т сонли буйруғи билан, Статистика ва таҳлил бошқармасининг **Ф.И.О.**га – 2014 йил 6 январдан 16 январга қадар ўз ҳисобидан берилган таътил муддати даволаниши давом этаётганлиги сабабли, жорий йилнинг 21 январь кунига қадар узайтирилсин.

Асос: И.Ф.нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Таътил бериш ҳақида

Молия-хўжалик ишлари бўлими мутахассиси **Ф.И.О.**га – Меҳнат кодексининг 150-моддасига асосан, 2014 йил 3–4 апрель кунига қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда 2 (икки) календарь куни муддати билан ўз ҳисобидан таътил берилсин.

Асос: И.Ф.нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида

1. Ф.И.О. – эгаллаб турган Статистика ва таҳлил бошқармасининг етакчи мутахассиси лавозимидан 2014 йил 2 январь кунидан бошқа ишга ўтаётганлиги муносабати билан Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан озод этилсин ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

И.Ф.га 2006 йил 11 майдан 2007 йил 15 августгача ишлаган даври учун фойдаланилмай қолган меҳнат таътили кунлари ўрнига пуллик компенсация тўлансин.

2. Бош бухгалтер тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: И.Ф.нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Меҳнат таътили бериш ҳақида

1. Ахборотлаштириш хавфсизлиги бошқармасининг катта мутахассиси **Ф.И.О.**га – 2013 йил 25 январдан 2014 йил 24 январгача ишлаган иш йили учун Меҳнат кодексининг 133-моддаси ва ташкилот жамоа шартномасининг 19-бандига мувофиқ, 2014 йил 24 февралдан 31 мартга қадар 29 иш куни муддати билан навбатдаги меҳнат таътили берилсин.

2. Бош бухгалтер ташкилот жамоа шартномасининг 34-бандига мувофиқ тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: И.Ф.нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида

1. (Ф.И.О.) – ташкилотнинг девонхона мудири билан тузилган меҳнат шартномаси унинг ўз хоҳишига кўра 2014 йил 14 августдан Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилинсин.

2. Бухгалтерия фойдаланилмаган меҳнат таътили кунлари учун _____ иш куни ҳисобидан компенсация тўловларини амалга оширсин.

Асос: Ф.И.О.нинг 2014 йил 1 августдаги аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

1. Ташкилот тугатилиши муносабати билан, Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан ташкилотнинг етакчи бухгалтери **(Ф.И.О.)** билан тузилган меҳнат шартномаси 2013 йил 20 декабрдан эътиборан касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган ҳолда бекор қилинсин ва унга ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида нафақа тўлансин.

2. (Ф.И.О.)га меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати ўрнига икки ой учун пул компенсацияси тўлансин ва Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар берилсин.

Асос: Ташкилот тугатилганлиги тўғрисида тегишли орган қарори, **(Ф.И.О.)**нинг огоҳлантириш муддати ўрнига пул компенсациясини тўлаш тўғрисидаги аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

1. Бажараётган ишига лойиқ эмаслиги ва малакаси етишмаслиги сабабли ташкилотнинг хўжалик мудири – **(Ф.И.О.)** билан тузилган меҳнат шартномаси муддатидан олдин Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 2-бандига асосан 2013 йил 25 декабрдан буён касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олган ҳолда бекор қилинсин ва унга ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида нафақа тўлансин.

2. (Ф.И.О.)га меҳнат шартномасида белгиланганидек (0000000) сўм миқдорда неустойка тўлансин.

3. (Ф.И.О.)га меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати ўрнига пул компенсацияси тўлансин ва Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар берилсин.

Асос: Аттестация комиссиясининг қарори (протокол № __, «__»_____ 2013 й.); касаба уюшмаси қўмитасининг 2013 йил 20 декабрдаги 15-сон мажлис протоколидан кўчирма; (Ф.И.О.)нинг аризаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

1. Ташкилот етакчи бухгалтери **(Ф.И.О.)** ушбу ташкилотнинг бош бухгалтери (Ф.И.О.)га қайнука эканлигини ишга қабул қилиш давомида яширган. Оқибатда, Меҳнат кодексининг 79-моддаси талаблари бузилган.

Шунга кўра ва ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, ташкилот етакчи бухгалтери **(Ф.И.О.)** билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 106-моддаси 4-бандига асосан 2013 йил 15 ноябрдан буён бекор қилинсин.

2. (Ф.И.О.)га ташкилот бош бухгалтери қариндоши эканлигини яширганлиги учун унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланмасин.

Асос: Яккасарой туман прокуратурасининг 2013 йил 14 ноябрдаги тақдимномаси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Дастлабки синов натижасига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида

1. Дастлабки синов натижалари қониқарсиз бўлганлиги сабабли, Меҳнат кодексининг 87-моддасига асосан ташкилотнинг ички аудит бўлими бош мутахассиси – **(Ф.И.О.)** билан тузилган меҳнат шартномаси 2012 йилнинг 27 декабридан эътиборан бекор қилинсин.

2. (Ф.И.О.)га 2012 йилнинг 20 мартидан 27 декабрига қадар ишлаган вақтида фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пул компенсацияси тўлансин.

Асос: **(Ф.И.О.)** билан тузилган меҳнат шартномасининг ____-банди, ташкилот ички аудит бўлими бошлиғи (Ф.И.О.)нинг билдиргиси.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

БУЙРУҚ

201_ й. «__» _____ ____-сон _____ ш.

Бошқа ишга ўтказиш ҳақида

1. Ф.И.О. – эгаллаб турган Ишлар бошқармасининг хўжалик мудири лавозимидан озод этилиб, шу бошқарманинг қурилиш ишлари бўйича бош мутахассиси лавозимига тайинлансин;

Ф.И.О.га штатлар жадвалига мувофиқ (00000) сўм ойлик маош белгилансин. Давлат хизматчиси сифатида ойлик маоши ўрнатилган тартибда, моддий рағбатлантириш фонди ҳисобидан иш ҳақининг 15 фоизи (00000 сўм) миқдорида қўшимчалар тўлансин.

2. Бош бухгалтер тегишли тўловларни амалга оширсин.

Асос: Ишлар бошқармаси бошлиғи Ф.И.О.нинг билдиргиси, Ф.И.О.нинг аризаси ва томонларнинг меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги келишуви.

Ташкилот раҳбари _____ _____
(имзо) *(Ф.И.О.)*

Буйруқ билан танишдим _____ _____
(ходим имзоси) *(Ф.И.О.)*

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи 3

Биринчи бўлим. Юридик хизматга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари 7

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 7

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 24

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 349–I-сонли «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни 26

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670–I-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни 27

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сонли «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни 43

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–342-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни 57

Иккинчи бўлим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 81

Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О порядке разработки, рассмотрения и подписания постановлений и распоряжений Кабинета Министров Республики Узбекистан» от 4 февраля 2005 года, № Р–2118 81

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида Низом 92

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 95

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил

4 мартдаги ПФ–1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори 110

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти 114

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 125

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сонли «Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори 140

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 227-сонли «Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори 154

Учинчи бўлим. Ўзбекистон Республикасининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари 167

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2008 йил 10 сентябрдаги 195-мҳ-сонли «Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи [рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь] 167

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги 255-мҳ-сонли «Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2285, 2011 йил 30 ноябрь] 176

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 12 декабрдаги 264-мҳ-сонли «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базалари яратиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2290, 2011 йил 12 декабрь] 184

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги 39-мҳ-сонли «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2326, 2012 йил 14 февраль] 195

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мҳ-сонли «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель] 208

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мҳ-сонли «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль] 259

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 50-мҳ-сонли «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2562, 2014 йил 28 февраль] 290

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 51-мҳ-сонли «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисида адлия органларига ҳисобот тақдим этиш тартиби ҳақида»ги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи [рўйхат рақами 2563, 2014 йил 28 февраль] 299

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҳ-сонли «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи [рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль] 305

Тўртинчи бўлим. Хўжалик шартномаларидан намуналар 391

Намунавий олди-сотди шартномаси 391
Намунавий махсулот етказиб бериш шартномаси 396

Маиший истеъмолчилар (аҳоли) учун электр энергияси таъминоти шартномаси 402

Юридик шахслар учун электр энергияси таъминоти шартномаси 413

Чакана истеъмолчиларга маиший газ баллонларидаги суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича шартнома 437

Мева, сабзавот, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича контрактация шартномаси 444

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга хизматлар кўрсатиш, механизация ёрдамида ишлар бажариш ва моддий техника ресурслари етказиб бериш юзасидан шартнома 457

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар етказиб бериш намунавий шартномаси 471

Давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси 482

Қишлоқ хўжалик корхоналарига нефть маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисида шартнома 490

Давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон экинлари уруғлигини харид қилиш бўйича контрактация шартномаси 500

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўсимликларни биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш намунавий шартномаси 508

Бешинчи бўлим. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлардан намуналар 521

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори 521

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори 530

Буйруқлардан намуналар 540

ЮРИДИК ХИЗМАТ ВА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Муҳаррирлар: *А. Омонов, Г. Ортиқхўжаева, И. Саидов*
Техник муҳаррир: *А. Аҳмедов*
Компьютерда саҳифаловчи: *Ш. Расулов*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефон: 0 (371) 268-28-41, 268-28-56.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 30.03.2015 й.
Қоғоз бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 35,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 31,5. Адади 5000 нусха.
15-203-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

ISBN 978-9943-4379-5-1